


*Каҳрамон Ражабов*

**БУХОРОГА ҚИЗИЛ АРМИЯ  
БОСКИНИ ВА УНГА  
ҚАРШИ КУРАШ**



~~1027~~ учи.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ

к

БУХОРОГА ҚИЗИЛ  
АРМИЯ БОСҚИНИ ВА  
УНГА ҚАРШИ КУРАШ:

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ

(1920—1924 йиллар)

1256

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2002

Ушбу китобда босқинги қызил армия қисмларига қарши Бухорада 1920—1924 йилларда олиб борылган кураш, унинг ташкилотчилари, бу қароғатнин галаба ва маңтубиятлари архив дұлжантлары ассоциациясының тақырыбы.

Рисона көн китобхоннан оммаси учун мүлжалданған.

Масъул мұхаррир: **Д. А. Алимова**, тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилер: **Ф. Х. Қосымов**, тарих фанлари доктори, профессор  
**С. С. Аззамхұжаев**, тарих фанлари доктори, профессор


P17

### **Ражабов; Қаҳрамон.**

Бухорога қызил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920—1924 йиллар) / Масъул мұхаррир: Д. А. Алимова.— Т.: «Маънавият», 2002—144 б.

Сарлағхада: УЗР ФА, Тарих институти.

ББК 63.3(5У—2Бухоро)



М 25(04)—02

© «Маънавият», 2002

Узбекистон Республикаси Мустақиллик  
нинг 11 йиллигига бағынлайман.

Муалиф

## СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг Мустақилликка эришганлиги узбек халқининг XX ғердаги энг жиддий ютути, катта ғалабаси булаши. Барчага аснки, биз инсоният тарихида, халқимиз тарихида ухшаши будмизан муроккаб бир даврии бошимиздан кечириялмиз. Нафакат иқтисодий турмушимизда, балқи онгу тағфаккуримизда ҳам янгиланиш ва узгариш жараенлари көчмоқда. Албатта, бу осонликча рўй берастганни йўқ. Мустақилликнинг дастлабки 10 йили муроккаб кечганлиги бунга яққол далилдир. Бу йулда биз эскича карашларни, одамларимизнинг онгида совет замонасидан сақданаби келаётган мутелик, ҳадиксираш, чушиш ва боқимандалик асрорларини, турли зиёдиятлар ва утиби даврига хос иқтисодий етишмоячиликларни, ишсизлик ва муҳтожиёнини, бавъзан очиқдан-очик душманлик кайфиятларини ҳам сенгуб, қийинчилик билин булеада, олга бораёттинмизни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Миллий мустақиллик ва озодлик иўли, эркин ҳайт қуриш, демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини яратиш аслила мана шунлай машакқатли бўлали. Бунга кўхна тарихин ҳам, яқин утмишимидан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

Мустақиллик юртимизга, халқимизга утмишимиизни англаш туйғусини юқтирди, имон ва эътиқодимизни қайтариб берди. Буюк тарихимизни холисона урганиб, уиб бирламғи манбалар асосига кенажак авлодга етказиб бериш имконияти туғизди. Туркистон истиқболи ва тараққиёти учун курашда уз ширин жонларини фишо қылган, кутлуг қонлари билан Узбекистон Республикасининг Мустақиллитига мустаҳкам пойсовор тайерлаган улуғ сиймозларининг номларини замондошларимиз хотирасига муҳрлаш ва забадийлаштириш вақти аллақачон етди.

Тарихдан матбуумки, мустабиқ совет тузуми ва коммунистик режимга, қизил армияга карши кун пиллар лавомида Туркистон халқлари бир ёқицан бош чиқариб, қўлни қулга бериб, ҳайт-мамот жиншарини олиб боришиди. Қарипб ўигирма шеъ давом этган бу ҳаракит совет режими даврида нотуғри талқин қилинди ва унга «босматилик» деб таъми босивли. Аслини олганда бу ҳаракит иштирокчиларинынг қаҳрамонларлари, удардаги она Ватинга нисбитаң булган жушқин меҳр-муҳаббат туйнуси, ватаншарарлик, уз халқининг тақири учун қайтаруши каби хисодатлар бир буюк боя — **БУГУН ТУРКИСТОНИНИГ МИЛЛИЙ ИСТИҚБОЛИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ** ғоянда мужассамланган оди.

Бухоро республикасига истиқболчилик ҳаракати (1920—1924 йиллар) ҳам бугун Туркистон минтақасидаги бу ҳаракатнинг узвий қисми ҳисобланали. Бухороликлар қарийб беш йил даво-

мила қизил армияга қарпи мараларча курашилар. Куаш шидатли ва шафқатсиз кечси. Бирок 1924 йилнан охирида бухорилклар вактинча мағлубиятта утрашди.

Туркистан минтақасида миллий-худудий чегараланиш угказылған, 1925 йилдан болжаб ҳаракатнинг янги даври бошланды ва у алым узилишлар билан үн иил давом этди.

Маълумки, 20-иинварда Файзула Ҳужаев ва Турор Рискулов каби давлат арбоблари уз асарларида ушбу ҳаракат мавзусини тарихий ҳақиқатта мос равишда еритишга нисбаган яқинлардан эдилар. Бирок совет тарихчилари Л. Соловейчик, Ф. Илютко, А. Зевелёв, А. Бобоұужаев, М. Ирқасев, А. Элинов, X. Иноятов ва бошқа талқиқотчиларнинг китобларида хадқимиздинг Бухорадаги истиқлол жантлари «босмачилик» ҳаракати тарзда тақиғи қилинди. Совет мағкураси ва тоташтар режим ҳукмронлиги шароитида бундан болықта бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Бухоронинг сунити ҳукмдори амир Сайд Олимхоннинг «Бухоро ҳалқининг ҳаерати тарихи» мемуари, мишихур тарихчи шарварлар Аҳмал Заки Валидий Тугон ва Мунаввар қорининг «Хотиралар» асаририди, шунингдек, мұхожирикдаги ватандонларимиз ва хорижий тадқиқотчилар Мустафо Чуқай, Абдулла Ражаб Бойсун, Жозеф Кастанье, Фредерик Бейли, Боймирза Ҳанит, Шаҳобиддин Яссавий, Гленда Фрэзер, Али Бодомий, Масауки Ямаучи, Хисао Коматсу, Мэри Броксап, Олаф Кроузунинг китобларида Бухорога қизил армиянинг босқини ва ундаги истиқлолчилик ҳаракати түркисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Китобни езиш учун бирламчи асосий маңба булиб Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА), Ўзбекистон Республикаси Президенти левонининг архиви (Ўзбекистон РПДА), Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳафсызлик хизмати архиви, Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), шунингдек, Москва шаҳридаги Россия давлат ҳарбий архиви (РГВА), Россиядаги энг янги тарих ҳужжатларини сақлаш ва үрганиш маркази (РЦХИДПИ) ҳужжатлари хизмат қилди. Архив фондларидан янги топилған куплаб ҳужжатлар илмий истемолта биринчи марта киритилди. Шунингдек, ки тобни езишила илгари нашр қилинган архив ҳужжатлари, Бухоро шаҳрида Уша пайтда боснлған «Бухоро ахбори» газетаси ва бошқа матбуот нацирлари, маҳаллий тарихчи Мұхаммид Ати Балжувонинин «Тарихи Ноғеъин» асари күләмаси, Париждада чоп қилинган «Еш Туркистан» («Yas Turkistan») мажмуаси, узимизда ви хорижда нашр қилинган бошқа тарихий адабиетдардан ҳам фойдаланылди. Хуллас, асар узбек ви жаҳон тарихшунослигига эришлилган тажрибалар ва сунити ютуқлар исоеида яратылди.

Машхур тарихчи олим, устозим Раъно Ёдгоровна Ражапова уз кимматли маслаҳатларини аямадилар. Шунингдек, тарих фанлари докторлари, профессорлар Дююром Аъзамовна Алимова, Фарҳод Қосимов, Санжакбар Аъзимхужевларга беминнат ёрдамлари учун уз миннадорчинитимни билдираман.

## 1 бөб. БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ ҲАРАКАТНИНГ ЙҮЛБОШЧИЛАРИ

### I. БУХОРОГА ҚИЗИЛ АРМИЯНИНГ БОСКИНИ ВА АМИРЛИК ТУЗУМИНИНГ АЕДАРИС ТАШЛАНИШИ

Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири болган Бухори шариф нафақат утмишда, балки XX асрнинг биринчи чорагида ҳам мусулмон ҳуқуқшуноситининг тан олинган маркази эди.

Бухоро Ипак йулиниң қоқ марказида, карвон йўллари чорраҳасида. Туроннинг юрагида жойлашган шаҳар булиб, Файзулла Хужаев таъкидлаганидек, унинг «юксак маданияти» ва гуллаб-яшинаған марказ эканлиги XX аср бошларида ҳам яққол сезилиб туради. Бухоро синг аввало илм маркази булиб, жуда кўплаб уламо ва фузалоларни тарбиялаб етиштирган муқаддас маскан ҳисобланган.

XX асрга оид архив ҳужжатларидан бирида ёзилишича, «Бухоро уламолар назарида энг улут ва шарофлик шаҳардир. Унинг улуглиги ҳам ундаги мадрасалар билан улгандур. Шундоқки, бутун Бухоро улкасида 450 чонолик мадраса булиб, уларнинг 400 таси Эски Бухорода, 2 таси Карманада, 2 таси Эски Чоржуйда, 4 таси Қаршида, ундан қолганлари бошқа шаҳарларцадир. Эски Бухорода энг машҳур мадрасалар: Кукалдош, Нодир Девонбеги ҳам Мир Араблардир»<sup>1</sup>.

Бирок Шарқдаги иирик давлатлардан бири ҳисобланган Бухоро амирлиги 1868 иилга келиб Россиянинг ярим мустамлакасига айлангандан суні ҳалқнинг тирикчилиги шигаригидан ҳам оғирлашган эди. Мамлакатдаги ҳалқ қузғолонлари чор Россиясининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги қушинлари ёрдамида бостириларди. Рус мъмурлари амирликка катта имтиёзларга эга бўлган.

Россиядаги демократик жаҳаёнлар, 1908 йили Туркияда бўлган Ёш турклар инқилоби, хусусан, Петроград (хозирги Санкт-Петербург)даги 1917 йил феврал инқилобидан кенин амирлик ҳудудида жадидчилик ва ундан усиб

<sup>1</sup> Махфий хатлар, «Инқиъоб», 1924, №11–12; Яширин ҳужжатлар, «Миллӣ тикланиш», №24, 1996 ийл, 18 июн.

чиққан *Ёш бухороликлар*<sup>1</sup> ҳаракати кучайди. Бухородаги жадидчилик Түркистон улкаси ва Хива жадидчилиги билан деңгизли бир вактда шайло булса ҳам, лекин амирликдаги оғир вазият унинг тараққиётини тезлаштириди. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, бу ҳаракат маърифатпарварликдан сиёсий ҳаракат даражасига усив чиқди. Бухоро жадидлари мамлакатдаги тузумни узгартирмасдан туриб, уз мақсадларига етиш қийин эканлигини аччиқ тажрибада бир неча бор синаб кўришди.

Ёш бухороликлар партиясининг етакчиси *Файзулла Хўжаевнинг*<sup>2</sup> кейинчалик ёзишича, Абдулвоҳид Бурхонов (1875—1934) бошчилигидаги эски жадидларнинг фикрича, феврал инқилоби таъсирида амир Сайд Олимхон давлат ишларини бошқарув соҳасида маълум даражада ислоҳотларни амалга оширами ва бекларни назорат қитувчи халқ вакиллари муассасасини ташкил этади, деган фикрда булсалар, Фитрат етакчилигидаги ёш жадидлар халқнинг ҳаракатизлигидан фойдаланган амир Петрограддаги Мувакқат ҳукумат билан узоқ мушдатли шартнома тузиб, мабошо ислоҳотлар утказганда ҳам арзимас эркинликларни беради, деб уйлаганлар.

1917 йилнинг мартада Файзулла Хўжаевнинг Бухоро шаҳридаги ховлисида Ёш бухороликларнинг маҳсус кенгаши бўлиб, унда партиянинг 50 дан ортиқ фасиллари иштирок қилишиди. Ф. Хўжаевнинг ўзи бу кенгашда қатнаша олмагани туфайли у кенташ аҳлигининг таркиби ҳақида тула маълумот бермайди, аммо анжуманд булган барча гаплардан унинг яхти хабардор эканлиги маълум.

Кенгашда Мувакқат ҳукуматга, шунингдек, ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советига телеграф орқали мурожаатнома тайёрланган. 1917 йил 14 марта Бухорован *Фитрат* ва Мусо Йўлдошев имзолаган телеграмма

<sup>1</sup> Ёш бухороликлар — Бухоро жадидларининг сул оқимидан 1910 йилда ташкил ташкил шартия Тараққиётпарвар зиёнилар, саъдогорлар ва шиндар кимбакларни накильорин тузилиб, дастлаб мавжуд амирлик тузумин демократик ислоҳотлар утказиш, конституцион монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлоқ ҳокимиятини чеклаб кўзин тарафдори бўлган. Фитрат, Файзулла Хўжаев, Саидиддин Айнӣ, Абдулвоҳид Бурхонов (Мунзум), Усмон Хўжа (Усмонхўжа Гулатхўжаев) Ёш бухороликларнинг дастлабки ташкилотчилари эди.

<sup>2</sup> Файзулла Хўжаев (1896 йил, Бухоро — 1938 йил, Москва) — атоқдан лавзат на сиймат арбоби. Бухоро жадидчиник ҳаракатининг таниқи намояндаси. Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири.

Фитрат (1886 йил, Бухоро — 1938 йил, Гонкент) — Түркистон жадидчиларининг энт таникли намояндаси, машҳур алиб ва олим.

Петрограддаги Муваққат ҳукумат раҳбарлари Г.В. Львов, А.Ф. Керенский, М.В. Родзянский, А.И. Гучков номига юборилди. Бу телеграммада Ёш бухороликтар чоризм асоратидан күтүлган Россия халқи ва унинг янги ҳукуматини күтлаб, улардан «Бухорода ислоҳот қилинсени учун амирни сиқиши сурадилар»<sup>1</sup>.

Петрограддан тезда Россиянинг Бухородаги сиёсий вакили (резиденти) А.Я. Миллер ва амир Сайд Олимхон номига ислоҳотлар утказиш зарурлиги ҳақидаги телеграммалар келади. Бироқ ислоҳот үтказилмайди.

Бир оз муддат куттилгандан кейин Ёш бухороликлар партияси Марказий Кўмитаси янги телеграмма юборди. Бу телеграмма матнини Файзулла Хужаев ёзиб, у Фитрат ва М. Сайджонов имзолари билан Самарқанд орқали жунатилган<sup>2</sup>. Петроград билан фақат ёзишмалар орқали чеклашиб қолмай, Марказий Кўмита у ерга уз вакилларини ҳам юборишга қарор қилди.

Ёш бухороликларнинг расмий вакиллари Фитрат ва **Усмон Хужа (Усмонхужа Пулатхужаев)** Оренбургга етиб борганда, жадидлар билан амир уртасидаги ихтилофларни бартараф этиш учун Петрограддан маҳсус комиссия йўлга чиққанлигини эшитадилар. Шундан кейин улар орқага кайтганлар.

Петрограддаги Муваққат ҳукуматда ҳам Бухородаги ислоҳотларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд эди. Архив ҳужжатларининг гувоҳчиқ беринича, ташки ишлар вазири П. Н. Милюков (кадетлар партиясининг йулбошчиси) амирликда ислоҳотлар утказиш тарафдори бўлса, кейинчалик Бош вазир булган А.Ф. Керенский эса Бухорони Россия таркибига қушиб олишни қаттиқ туриб ёқлади.

Рус резиденти Миллер Бухоро амири ва қўшбеги томонидан эълон қилинадиган фармон (манифест)ни яна бир бор таҳrir қилиб, 20 марта куни Муваққат ҳукуматининг ташки ишлар вазирлигига юборади. 1917 йил 7 апрелда фармон матни бир оз узгартиришлар билан Бухоро амири Сайд Олимхон томонидан эълон қилинди. Садриддин Айнай «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» асарида

<sup>1</sup> Файзулла Хужаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., «Фан», 1997, 83-бет.

<sup>2</sup> Файзулла Хужаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, 83—84-бетлар.

<sup>3</sup> Усмон Хужа, Усмонхужа Пулатхужаев (1887—1968) — Бухородаги жадидчилик ҳарикати ва Ёш бухоролик тарнишисининг энг кўнглилган арбобларидан бири, давлат ва жамоат арбоби.

унинг асл мазмунини форс (тожик) тилида келтириб, сунгра узбекчага таржимасини беради.

С. Айний ва Ф. Ҳўжаевнинг гувоҳлик беришича, амир фармони рус элчинонаси аъзолари, Самарқанддан табрик учун келган муфтый Маҳмудхужа Беҳбудий, шунингдек, қозикалон Шарифжон Маҳдум (тажалуси Садр Зиё, 1867—1932), уламолар ва савдогарлар ҳозирлигида ўқиб эшилтирилди.

Файзула Ҳўжаев ӯзининг «Бухоро инқилобининг тарихига материалыар» китобида хотирлашича, уша куннинг узида Ёш бухороликлар йигилиш утказиб, манифестдан кейинги ҳолатни мұхокама қилишди. Ундан йигилиш қатнашчилари хурсанд бўлиб, бу воқеа Бухоро ҳалқини асрӣ ҳуқуқсизликдан озод этиш учун қўйилган дастлабки қадам леб баҳоладилар. Меҳнаткашларга амир фармонининг мазмунини тушунтириш учун митинг ва йигилишлар утказиш тутрисидаги таклиф барча иштирокчилар томонидан маъқулланган булса-да, маҳсус инқилобий намойиш утказиш ғояси бирдай қабул қилинмади. А. Бурҳонов ва унинг тарафдорлари булмиш эски жадидлар бу таклифга қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича, намойиш ҳозирги кунда қаттиқ газабланган мутаассибларнинг яна ҳам житига тегиб, уларнинг амир атрофига бирлашувига ва ҳаттоқи қон тўкилишига олиб келади. Намойиш билан эмас, балки ташкилотни мустаҳкамлаш билан шугулланиш мақсадга мувофиқлиги таъкиданган. Бу фикрни А. Бурҳоновдан ташқари, бир гуруҳ Марказий Кумита аъзолари, шунингдек, С. Айнийнинг ӯзи ҳам қуллаб-қувватлаган.

Амир билан тўкинашувдан қочиб булмайди, барибир Олимхон уз душманларини эсдан чиқарib қўймайди. Шунинг учун ҳам биз намойиш утказиб, мағлубиятга учрасак ҳам уз күчларимизнинг микдорини билиш, омма орасида очик ташвиқот юритиш, шиорларимиз билан ҳалқни таништириш ва жаюжал туфайли сафимиздаги извогар ва сотқинларни аниқлаш имкониятига эга буламиз, деб ўйланған Ф. Ҳўжаев бошчилигидағи Ёш бухороликлар жон-жаҳдлари билан намойиш утказишни қуллаб-қувватлашилар<sup>1</sup>.

Бироқ мутаассиб руҳонийлар ва мадрасаларда таҳсиз олаётган музлаваччалар намойишиларга қарши ташланиб, уларни ура бошладилар. Бухоро шаҳрида тартибсизликлар бошланди. Натижада намойиш қонга ботирилди. Амир фар-

1 Караганг: Файзула Ҳўжаев, Бухоро инқилобининг тарихига материалыар, 88—89-бетлар.

Telegram adress:

@turkiston\_kutubxonasi

монини ёқлаб чиққанлардан күпчилити зиндонға ташланди. Калтак інгандар орасыда улганлар ҳам бұлды. Демек, амирнинг фармоны факат қоюзда қабул қилинған булиб, у амалда жорий қилинмади. Ёш бухороликлар энди яшириң ҳолатда қарқыншылықта қаржылардың мәндерін сипаттады.

Файзула Хўжаев ва бошқа ёш буҳороликлар зурга Когон шаҳрига қочиб, омон қолдилар. Янги Бухоро ишчи ва солдат депутатлари Советининг саъй-ҳаракатлари натижасида амир зинданидаги жадидлар ҳам озод этилди. Буҳорадаги апрел воқеалари амирлик ҳудудидаги демократик ҳаракатнинг ривожланишига катта таъсир қылди.

Октябр түнгаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро уртасидаги муносабатлар ёмонлашди.

1917 йил 2 декабрда булиб уттан Бухоро амирлигидаги рус қишлоқдари вакилларининг II вилоят съездиде Россия ва Туркистон ҳукуматинин Бухоро ишлари буйича ҳайъати сайланди. Орадан кун утмай ёш бухороликлар партияси Файзулла Хужаев бошчилитидаги делегацияни кескин ва қатъий чора куриц учун Тошкентга жунатиши. Улар Бухорода очиқ кузғолон күтариши учун шароит етилди, унда камида 30.000 киши иширок этади, деб Туркистан үлкаси Халқ Комиссарлари Советини ишонтирдилар<sup>1</sup>.

Большевиклар энг аввато уз мудхиш режаларини амал-  
га ошириш мақсадида Ёш бухоролик жадидларни қуллаб-  
кувватлашди. 1918 йил 1 марта Туркестон ХКС раиси Ф.И.  
Колесов бошчылыгидаги қизил гвардиячилар отряди туш-  
ган эшелонлар Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳридан  
Бухоро томон йўлга чиқди. Колесов биринчи жантда ғолиб  
келди, шундан сунг амир тинч музокаралар олиб боришта  
рози булди. Кейин жанг ҳаракатлари қайтадан давом этди.  
Бу жангларда бухороликлар ғалаба қозонишли. Темир йул  
излари бузиб ташланганилиги оқибатида ҳар томондан узиб  
қўйилган Колесов эшелонлари Самарқанд томонга иул  
олишта мажбур бўлдилар.

Тошкентдан зудлик билан Колесовга ёрдамга юборилган қызил гвардиячилар 11 мартда Кармана шахрини эгалладилар. Улар амирнинг ёзғы саройига жойлашдилар ва хотиржам булдилар. Шундан суні босқинчиларни бухороликлар қалъадан кувиб чиқариштан. Большевикларнинг Тошкентдағы сиёсий мухолифлари улар тутган босқинчилик йүлини маъқулашмади, шунинг учун улка Хатқ Ко-

**Касымов Ф., Эргайев Б.** Бухарская революция. Дорогу выбрал курттак. «Родина», 1989, № 11, с. 34.

миссарлари Совети амир Саид Олимхон билан музокарага кунди.

1918 йил 25 марта Кизилтепада Туркистан ХКС билан Бухоро уртасида битим тузиңди. Тўққиз банддан иборат битим матнидан шуни анилаш қийин эмаски, Бухоро амирлиги фақат жабр кургангина эмас, аксинча, уз давлати худудидаги ҳарбий ҳаракатларда айбдор деб ҳисобланди ва товон тулашга мажбур қилинди.

Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, Колесовнинг иевогарона ҳаракати уз моҳиятини йукотганлиги ва муваффакиятсизликка учраганинг асосий сабаби айрим тарихчилар ёзаётганидек, Ёш бухороликтар партиясининг кенг омма ишончини оқдамаганлитидан эмас, балки қизил гвардиячи отрядлар, гарчи улар сафида Ёш бухоролик жадидтар булса ҳам, Бухоро ҳимоячилари томонидан истилочи ва босқинчи сифатида қабул қилинганингидан эди.

Чунки, сал кейинроқ Туркистан улкасининг фавқулодда комиссари қилиб В.И. Ленин томонидан тайинланган П.А. Кобозевнинг шоҳидлик беришича, «Степанов ва Колузаев бошчилигидаги Тошкент—Перовск қизил гвардия отряди Бухорога қилган ҳужумидан жуда күп миқдорда мусодара қилинган пул, сигир, от ва бошқаларни олиб қайтди: улар шундан бир қисминигина республика хазинаси ва ҳукуматига расмий равишда топширишди, анча қисмини узларида яшириб олиб қолишиди». Бухоро ва Куқондан Колесов ўнлаб миљион сум олиб келиб, билганича сарфлади, пуллар дарёдек оқиб келарди, хеч ким уларнинг ҳисобини олмаган»<sup>1</sup>.

1918 йил марта амалга оширилган Колесовнинг Бухорога юриши Бухоро амирлиги билан совет Туркистани муносабатларининг келгусидаги тарзини күп жиҳатдан оидиндан белтилаб берди. Бухоро ҳукмдори Саид Олимхон хориждан ишончли ҳамкорлар излашга киришди. Бироқ бу ҳаракатлар етарли даражада самара бермади. Фақат кейинчалик Саид Олимхон билан Жунайдхон (1857—1938) уртасида совет Россиясига қарши кураш учун ҳарбий иттифоқ тузилди. холос.

Афсуски, амир Саид Олимхон мамлакат тақдири ҳал қилинаётган ушбу нозик фурсатда мухолифатдаги Ёш бухороликлар партияси арблолари билан тил тошини олмади. У мамлакатда конституцион монархия (!) ва демократик тартиботларни ўрнатмоқчи бўлган жадидлар — Ёш

<sup>1</sup> Бухоро Шарқ дурдонаси. Т., «Шарқ», 1997, 72- бет.

бухороликларни аямасдан қириб ташлади. Файзулла Хужаевнинг таъкидлашича, амир Колесов воқеасидан кейин мамлакатда 1500 кишини жадид сифатида қатл қилган. Садриддин Айнийнинг ёзишича, пойтахт Эски Бухоро ва Фиждуон, Шофиркон, Вобкент, Қоракул, Вангози каби атроф тумандардан ташқари Кармана, Ҳатирчи, Чоржуй, Карки, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Ҳисор бекликларида ҳам минглаб кишилар жадидликда айбланиб, ноҳақ улдирилди. 1918 йил амир ҳукумғи, ҳатто еттига муллани ҳам улдирилди. Улдирилганлар орасида иирик сарой аъёнлари ҳам бор эди. Таракқийпарвар ва атоқли уламолардан Домла Икром (Икромча), Бухоро қози калони Шарифжон Махдум каби зотлар амир зиндонида ётдилар.

Ёш бухороликлар амирлик ҳудудидан ҳархол чиқиб кетишига мажбур булишли ва Туркистон республикасидан сиёсий бошпана сурашди. Совет Туркистони раҳбарлари Ёш бухоролик жадидларга ноҳуш муносабатда булишли. Ф. Хужаевнинг ёзишича, мудожирликда уларнинг күнчилиги очарчилик натижасида улди. Партия сафларида ғоявий тушкунлик, турухбозлик ва парокандалик юз берди. Ёш бухороликлар Самарқанд ва Тошкентда, кейинчалик Москва ва бошқа шаҳарларда фаолият курсатилиар. Большевиклар Ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ашаришда фойдаландилар. Улар ҳам тактик мақсадларни кузлаган ҳолда большевикларга яқинлашиди.

1920 йил 14 июнда инқи lobchi Ёш бухороликлар партиясининг конференциясида Файзулла Хужаев ишлаб чиқсан программа (дастур) қабул қилинди. Дастурда шариат адлия ишларини олиб боришнинг негизи деб эътироф этилган эди. Ёш бухороликларнинг фикрича, «шариат адолатни таъқин қијувчи ва камбағалларни ҳимоя этувчи»dir. Дастурда амирликни курол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони халқ демократик жумҳурияти деб эълон қилиш таалаб этилган эди.

1920 йил май ойи бошларида Москваға келган Турккомиссия (Туркистон Комиссияси) аъзолари Ш.З. Элиава ва Я.Э.Рудзутак Россия ташки ишлар комиссари Г.Ф. Чичерина Турккомиссиянинг «эртагаёқ Бухоронинг мустақиллигини бекор қилиш түргисида қарор чиқаривши» мумкинлиги ҳақидаги қатъий баёнотини томширди. Турккомиссия Бухоро давлатига қарши ҳарбий жанғ амалиётлари (операция) утказилишининг бутун тағисилотларни Туркфронт (Туркистон фронти) қўмонидони М.В. Фрунзе билан бир-

Telegram adress:

11

@turkiston\_kutubxonasi

галикда ишлаб чиқкан эди. Фрунзе Турккомиссия аъзоси ҳам буған.

1920 йил ёзида Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда ҳам кескинлашди. 25 августда қумондан Фрунзе Туркфронт күшинчарига «кузғолон кутарган Бухоро меҳнаткашларига ерлам курсатиш түгрисида» буйруқ берди. Зарбдор гурӯҳларининг күшилигига дастлабки марра (позиция) ни эгалаш ва 29 августа утар кечаси фаол ҳаракатларни бошлиш буюрилди. Жанг ҳаракатларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун Когон шаҳрига Турккомиссия ва Туркбюронинг янги аъзоси Г. Сафаров жўнатиши. Босқинчи қизил армия томонидан Бухоро шаҳрига хужум ҳам 29 августа утар кечаси бошланди. Ҳал қилувчи жанглар Бухори шариғ дарвозалари яқинида рўй берди. Бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди қўйидагича ёзган эди: «Шаҳар маркази ер билан яксон қилинди. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолётлар ишга солинди. Минглаб снарядлар ва бомбалар эски Бухоро устига ёғирилиди. Шаҳар ҳимоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар, аёллар ва болалар ҳалок булди. Юзлаб аҳоли уй-жойлари, меморчилик ва тарихий обидалар ер билан яксон бўлди. Регистон ёндирилди»<sup>1</sup>.

Босқинчи ва талончи қизил аскарлар томонидан «Шарқ мульжизаси» ҳисобланган муқаддас Бухоро яна шундай шафқатсиз равиша уққа тутилди. Амир Сайд Олимхон уз хотираларида бу фожиаларни қўйидагича таскирлайди: «Бу уруш асносида душман таҳминан Бухоронинг ярмини туп ва пулемётдан уққа тушиб, куті таълоғ етказди. Улар ун битта тайера билан Бухоро шаҳри устида ҳавода парвоз этиб, бомба ёғидилар»<sup>2</sup>. Амир узи ёзганидек, «вайронатарчилик янада зурайиб, одамларнинг яна ҳалок булишига йул қўимаслик андишаси ила» уз қўшинлари билан пойтахтдан чиқиб кетди.

1920 йил 2 сентябрда Туркфронт күшинлари қаттиқ жанглардан кейин Бухоро шаҳрини эгалашди.

Фрунзе бошчилигидаги қўшиннинг умумий миқдори 70000 киши буған. Шундай қилиб, Шарқнинг энг қудратли ва кўхна давлатларидан бири Бухорода қизил аскар найзалари остида амирлик ҳокимияти ағдариб ташланди. Бухоро ваҳшиёна бомбардимон қилинди, шаҳардаги икки

<sup>1</sup> Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году. «Вопросы истории», 1993, №7, с. 49—50.

<sup>2</sup> Амир Сайд Олимхон. Бухоро ҳалқинин ҳасроти тарихи. Т., «Фан», 1991, 15-боз.

ярим минг йиллик тарихга эта күрглаб осори-атиқалар вайрон булди, бутун шаҳар ўт ичида қолди. Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб айтиштан. Минглаб бухороликлар ўз муқаддас шаҳарларини ҳимоя қилиш пайтида жон бердишар. Босқичи қизил аскарлардан ҳам 500 дан ортиқ киши шаҳарни босиб олиш пайтида мудофаачилар томонидан ўлдирилди.

1920 йил сентябр ойида Бухоро шаҳри қизил аскарлар томонидан армонсиз таланди. Амирни хазинаси М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевнинг курсатмаси ила зудлик билан Москвага жунатилди. Гадқиқотчилар архивдаги манбалар асосида Бухородан ҳаммаси булиб икки эшелонда (ҳар бирида 14 тадан вагон) олтин ва қимматбаҳо буюллар олиб кетилганлигини эътироф этишмоқда. Бу бойликнинг умумий қиймати уша пайтдаги нарх билан тахминан 77 миллион тилла сүмни ташкил қиласан<sup>1</sup>. Бу маблағни ҳозирги баҳога чақадиган бўлсақ тахминан 80 миллиард долларни ташкил қиласди.

Бу воқеаларга манз 80 йил ҳам туди. Бугунги кун нуктai назаридан туриб, Бухородаги сентябр фожиаларига назар ташланса ва мушоҳада этилса, бир ҳақиқат ойдинлашади. Бухородаги амирлик истибдоли ҳақиқатан ҳам келгуси тараққиет учун тусик булиб турарди. Буни мардона эътироф қилмоқ керак. Ёш бухоролик жадидлар эса мамлакатни европача андозадаги ривожланган давлат даражасига кутариш, Бухорода демократик тузум ва ҳукуқий жамият қуриш учун чин дилдан интилган эдилар. Улар амирлик тузумини ўз қучлари билан иккита олмай, большевиклар ва қизил аскарлар билан иттифоқ тузиб, қаттиқ адашдилар. Бироқ ҳалқимизнинг бу фидойи углонлари номига бугунги кунга келиб заррача булса ҳам дотушириш, уларнинг эзгу ният ва мақсад йулидати ҳаракатларини қоралаш — бу тарихий вазиятни түри тушунмаслик ва воқеаларни юзаки таҳчили қилиш бўлур эди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шуроси, Инқилобий қумита (ревком) ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети (БКП МК)нинг умумий йигилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро Инқилобий Қумитаси (траиси — *Абдулқодир Мұхитдинов*<sup>2</sup>) ва респуб-

<sup>1</sup> Карап: Узоқов Ҳ., Холбоев С. Бухоро амириятининг олтинлари, «Ўзбекистон адабиети ва санъати», №33, 1992 йил, 14 август.

<sup>2</sup> Абдулқодир Мұхитдинов (1892–1934) — Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намоянчаси, давлат арбоби.

лика ҳукумати — 11 кишидан ташкил топган Ҳалқ Нозирлар Шуроси (раиси — *Файзулла Хужаев*) тузилди.

Ушбу уринда таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Файзулла Хужаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати уша пайтда дунёдаги энг маътумотли кишилар жамланган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Нозирлар Бухоро, Истанбул, Берлин, Москва ва бошқа шаҳарларда таълим олишган эди. Бунинг устига ҳукумат аъзолари асосан ёшлардан иборат бўлган. Ҳукумат бошлиги 24 ёшда булиб, нозирларниң ўртача ёши 29 ёшдан ошмаган. Тарихда бундай ёш ҳукумат учрамайди. Шундай қилиб, Бухоро жадидлари узларининг ислоҳотчилик ғояларини янги ҳукуматдати фаолиятлари давомида амалта оширинга ҳаркат қилдилар.

Америкалик таниқли политолог Дональд Карлайл Ф. Хужаев шахсиятига юқори баҳо бериб, унинг Узбек халқи давлатчилиги тарихидаги ўрнини қўйидағича курсатди: «Файзулла Хужаев — Узбекистоннинг айнан шу навқирон Бош вазири уз мамлакати порлоқ келажаги режаларининг, бугунги кунда Президент И. Каримов зўр катъият ва иродада билан рӯёбга чиқараётган режаларининг яратувчиси эди».

## 2. БУХОРО РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҖАРШИ ҲАРАКАТНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Бухорода амир ҳокимияти афдариб ташланган дастлабки ҳафтадардаёқ маълакатнинг фарбий, марказий ва шарқий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевиклар зулмига қарши **ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ** бошланди.

Босқинчи қизил армиянинг Бухоро ҳудудига тажовузкорлик билан бостириб кириши, унинг талончилиги ва зуравонлиги, бегуноҳ одамлар қонининг тукиши халқнинг оммавий норозиликлари ва қузғолонларини келтириб чиқарған асосий сабаблар эди. Большевиклар ва ҳарбийлар жойларда қизил аскарларнинг гарнizonларини жойлаштириб, уларга таянган ҳолда бухороликларга қарши шағиқатсиз қурац олиб бордилар. Улар одамларнинг мол-мулкини талаш, тинч аҳолини ўядириш, инқилобий узаришларни амалга ошириш, маҳаллий халқларнинг мизлий ва диний қадриятларини оёқ ости қилиш билан ўзгуландилар. Босқинчиларнинг бундай зуравонлиги истиқлолчилик ҳаракатининг кенгайиб, оммавий тус олишига оғизб келди.

Ҳаракатда туб жой аҳолининг деярли барча қатламлари, айниқса, дехқонлар ва хунармандлар фаол қатнаши. Бу ҳолат босқинчиларга нисбатан нафрат ва қаҳр-ғазаб қанчалик кучли булғанигитини, мурдасиз жангларга шайланган истиқтолчилар доираси куламиининг нақалар кенг, уткир ва шицдатли экантигидан далолат беради. Бирок қарийб 75 йил ҳукм сурган мустабид совет режими даврида бу ҳаракат асоссиз равищда «босмачилик» деб талқин қилинди.

«... Барча информаторларнинг яқдиллик билан тапиришларича,— деб ёзган эди уша вақтда Ҳиндистонда инглиз тилида чиқаған газеталардан бири.— Бухоронинг қўлга киритиш вақтида булганидек, у ерда совет ҳокимиятини урнатишда ҳам большевиклар томонидан куз курмаган тартиббузарликлар амалга оширилмоқда. Улардан асосийлари куйидагилар ҳисобланади:

Жуда кўплаб ёнгинлар, хусусан, масжидларда булаётган ёнгинлар, масжидларнинг отлиқ аскарларнинг қўналғаларига айлантирилиши. муқашдас Куръон варакётарининг қизил аскарлар томонидан патироғ үраш учун ишлатиши, мусулмонларнинг жамоа булиб намоз уқишининг тарьқикланиши, нуфузли фуқаролар ва савдоғарларнинг ўлдиришиши ва қамоққа ташланиши, уларнинг мол-мұлкини оммавий равищда мусодара қилиниши, аёллар юзидан чодраларнинг олиб ташланидии ва уларнинг мажбурий суръатда давлат хизматига тортилиши каби воқеалар...».

Файзулла Ҳўжаев бошчилигидаги Бухоро республикаси Ҳалқ Нозирлари Шуроси ана шундай жуда оғир бир вазиятда иш бошлади. Амирлик тузумидан қолган оғир шароит, урта асрчилик анъаналари. Бухоро қишлоқдаридаги қолоқлик, аҳоли уртасида мутаассиб руҳонийларининг нуфузи баландлиги ва бошқа бир қатор сабаблар «... шунга олиб келдики, амалга оширилиши унчалик қийин булмаган бир қанча тағбирлар, шунингдек, ҳужалик ва мадәний қурилишнинг бутун программаси маълум даражада қозода қолиб кетди»<sup>1</sup>.

Инглиз тадқиқотчиси Гленда Фрэзер қуийдагиларни ёзганда ҳик эди: «Еш бухороликлар аро йулда қолцилар.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 46-фона, 1-рўйхат, 179-ийш, 53-варақ: Бухоро совет ҳокимияти остида. «Сивиль энд милитери газетт», 1921 йил. 2 феврал.

<sup>2</sup> Файзулла Ҳўжаев. Бухородаги революция ва Ўрги Осиённиң мислий истарорланушин тарихига доир. Ганланган асағилар. Т.1. Г., 1976, 244-бет.

Миллатшарвар сифатида улар руслар босқинчилигига қарши курашаёттан босмачилик харакатига хайрихоҳ бўлмасликлари мумкин эмас эди. Либерал сифатида улар амирга қарши чиқардилар, аммо амир ўша вакъда халқ томонида эди<sup>1</sup>.

1920 йил охирида Бухоро республикасида қизил армиянинг замонавий қурол-яроблар ва жанговар техника билан қуролланган 70000 тажрибали жангчиси бор эди. Уларга қарши жанг қулаёттан истиқлолчиларда қурол-яроб етишмас, бор аслаларап ҳам қизил аскарларнинг жанговар ҳарбий техникаси олдида жуда ночор ҳолатда эди. Қизил аскарлар сафига эса Ташкент ва Москвадан тобора янги кучлар келиб қушиларди. 1920 йил кузида совет Россияси Кримда П.Н. Врантель (1878—1928) армияси устидан ғала-ба қозонгац, асосий эътиборни Туркистонга қаратди. Бу пайтда Совет-Польша уруши ҳам тугаган эди (1921 йил 18 марта сулҳ шартномаси имзоланди). Совет режими Бухоро ва Хоразм Ҳалқ Республикалари ва Фаргона водийсидаги истиқлолчиларга қарши жангларда чиниқдан ва сараланган қизил аскарларни ташлади.

Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати узининг мураккаб ва зиддиятли, айни пайтда, шонли ва зафарли тарихига эга. Бу ердаги ҳаракатнинг Туркистондан, хусусан, Фаргона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиласидан асосий томони шундан иборатки, ватаншарварлар Бухорода икки жабҳада туриб, кураш олиб боришларига түгри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдори булган **мужоҳидлар** жадидлардан иборат ёш Бухоро ҳукуматига ва шунингдек, босқинчи қизил армия қушиларига қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг пировард мақсади Бухорой шарифда амир Сайд Олимхоннинг ҳокимиятини қайта тиклаш, қизил аскарлар ва коммунистлар билан биргаликда, уларнинг таъбирича, «коғирларга сотилган жадидлар» ҳукуматини ҳам йуқотиш эди (Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳор ва бошқалар). Иккинчи томондан, милний истиқлол гояларига содик булган бухоролик ватаншарварлар Файзула Ҳужаев бошлиқ Бухоро халқ ҳукумати билан яширин алоқалар, үрнатиб, Бухоронин мұқадлас түрғидан джизил аскарларнин олиб кетилиши. Бухоро Республикасининг мустақилиги амалда қарор ғопиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек ва

<sup>1</sup> Glenda Frazer. Basmachi-L Central Asian Survey. Oxford, 1987, № 1, p. 51.

бошқалар). Ўз нафбатида Файзула Хужаев, Абдулқодир Мұхитдинов ва Бухоро республикасининг бошқа раҳбарлари бу ғистикәлчилар болан яширин алоқашар урнатиб, уларниң фаолиятини бирлаштиришга ва унга сиёсий тус беришта интилдилар. Шунинг учун ҳам айнан улар сафига кейинчалик Бухоро республикасининг жуда күнчилек раҳбарлари қўшилдиларки, бу арбобларниң аксарияти кечаги жадидлар ва Ёш бухороликлар эди.

Бухородаги ғистикәлчилар сафида ҳалқниң барға табақаларига мансуб кишилар бор эди. Дәққонлар ва хунарманделар қўрбошилар дасталаридағи йигитларниң асосини ташкил қиласиди. Ҳаракатнин етакчилари булган қўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари булмасдан, улар орасида зиёлилар, жадид ватанпарварлари — турли касб өгалари таъдайгина эди.

Ҳаракат сафларида узбеклар ва тоҷиклар билан бир каторда туриб, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ҳам курашдилар. Унлаб турк ва бошқирд, шунингдек, татар зобитлари ҳамда маслаҳатчилари қўрбоши дасталарида булиб, йигитларни ҳарбий тайёргарликдан угказишиди, уларга замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш йўлларини ургатишиди. Туркистонда уша давр сиёсий воқеалариниң марказида турган Аҳмад Заки Валидий Тутоннинг кейинчалик ёзишича, бошқирд зобитлари қўрбошилар хузурида котиблик вазифасини бажариб, хуфиялар томонидан олиб келинган қизил командирларниң ҳужжатларини русчадан таржима ҳам қилиб туршиди<sup>1</sup>. Фарғонадаги ғистикәлчилик ҳаракатидан фарқли равишда Бухородаги ватанпарварлар сафида рус аскарлари (европаликлар) деярли бўлмаган.

Бухоро мамлакатинин озодлиги ва мустақиллиги учун қизил армияга қарши кураш олиб борган ғистикәлчилар узғоя ва мақсадларини очиқ баён этганлар. Улар адолатли кураш йўлига кирганларига тұла амин эдилар.

Чунки Бухоро Ҳалқ Республикасининг мустақиллиги Россия томонидан расмий жиҳатдан тан олинса ҳам амалда унга кунинча риоя қилинмес эди. 1920 йил октябр-ноябр ойларида Турккомиссия ва РСФСР билан БХСР ургасида мувакқат ҳарбий-сиёсий битим ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 марта Москвада РСФСР билан Бухоро республикаси ургасида Иттифоқ шартномаси ва 1922 йил 9 августр

Қаранг: Zeki Velidi Togan, Hâtilalar (Türkistan ve Diğer Müslüman Doğu Türklerinin Millî Yarlık ve Kültür Mücadeleleri), Ankara, 1999, s. 347.

да ушбу икки давлат ургасида Иқтисодий шартнома имзоланган эди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Итифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қушилари туришини «қонуний асослаб» бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянин тутридан-тугри ҳарбий жиҳатдан қуролли арапашувидан, аникроқ айтганда, Бухорода босқинчи қизил армия туришини оқлашдан бошқа нарса эмас эди. Россия (сунгра СССР қиёфасида) ўзининг XX асрдаги тарихи мобайнида кейинчалик ҳам бундай шартномалар воситасида Шарқийн куплаб давлатларига тажонузкорона бостириб кирди. Курбошилар уз мактубларида ана шундай ҳолатни назарда тутиб, Бухоро республикаси раҳбарларига асосли тарзда қаттиқ дашиомлар ёғдиришган ва очиқ таъналар қилишган эди.

Хатто уша пайтда истиқболчиларга қарши кураш олиб борган ҳарбий қўмондонлар ва Марказ вакилларидан айримлари ҳам бу ҳаракатни дехқонларнинг оммавий қузглони, деб эътироф қилишга мажбур бўлган эдилар. РСФСРнинг Душанбедаги бош консули Нагорний томонидан тузилган «Шарқий Бухородаги босмачилик ҳақида» номли мълумотномада (20.04.1922 й.) Шарқий Бухорода истиқболчилик ҳаракати вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос томонлари нисбатан аниқ очиб берилган. Нагорнийнинг ёзишича, 1921 йил ёзининг охирида Шарқий Бухорода «босмачилик» оммавий равища авж олиб кетди. Бу ҳаракат аҳолининг тобора күнроқ янги табақаларини узига қамраб олди. Беклар ва уламолар томонидан бошқарилётган «ташқилий босмачилик» билан бир қагорда эндиликтада янги ижтимоий табака -- дехқонлар ҳам руслар ва янги Бухоро ҳокимиятига қарши курашга отландилар. Истиқболчилар босқинчи қизия аскарларни мамлакатдан чиқиб кетишини қаттиқ талаб қилдилар.

1921 йил апрел-май ойларида Шарқий Бухорода авж олиб кетган ушбу халқ қўзролонларини бостириш учун Спасский командирлигидаги 1-Туркистон отликлар дивизияси бу ерга зудлик билан жунатилган эди. Қўмондон Спасскийнинг ўзи кул остидаи қизил аскарларни «жулдур кийинми, ифлос, бў»<sup>1</sup>, деб таърифлагандан кейин, бу босқинчи армия турисида яна нима ҳам дейиш мумкин.

Карантин Гене В.Л. Радиом Бухарского эмирата в 1920 году. «Вопросы истории», 1993, № 7, с. 51–52; Гене В. Л. «С Бухарой надо кончать». К истории бутафорских революций. М., 2001, с. 55.

Telegram adress:

Шундай қилиб, Бухородаги истиқтолчилик ҳаракатининг асосий моҳияти мамлакатнинг амалда мустақил булиши эди. Ҳаракатта алоқадор бўлган умумий хусусият, бу — босқинч қизил аскарлар ва большевикларни Туркистон минтақасидан бутунлай олиб чиқиб кетилиши талаби эди. Бу талабни бутун ҳаракат илтари сурди. Хусусан, ИброХимбек, Анвар Пашо ва Муҳла Абдулқадҳор каби Бухородаги истиқтолчилик ҳаракатининг йулбошчилари бундай талабларни бир неча марта Тошкент ва Москвадаги совет ҳукуматлари олдига кескин қилиб қўйдилар.

### 3. ҲАРАКАТНИНГ ҒОЯВИЙ РАҲНАМОЛАРИ

Бухородаги истиқтолчилик ҳаракати бўш бир заминда найдо бўлмасдан унинг ғоявий-сиёсий илдизлари мавжудки, бу энг аввало ҳаракат мафкурасини тайёрлаган жадидлар ва уламоларнинг порлок номлари билан бевосита боғлиқдир.

Бухородаги истиқтолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурасини ишлаб чиқишида жадидларнинг хизмати бекиёс. Тарихчи олим Раъно Ражапованині ёзишича, «Жадидлар мустамлакачиларга қарши, уз ҳалқининг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш ғоясини ўртага ташлаган ҳаракат мафкураси асосини тайёрладилар»<sup>1</sup>.

Шунни алоҳида таъкидлаб утиш керакки, жадидларнинг бой тарихий меросида миллий ғоя ва миллий мафкура алоҳида урин тутади. Жадидчилик факат маданий-маърифий ҳодиса бўлмасдан, у энг аввало сиёсий ҳодиса ҳам эди. Жадидлар уз фаолиятида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалаларни қамраб олишганди.

Жадидларнинг миллий ғоясида ҳалқимизни дуненинг маърифатли миллатлари даражасига кутариш ва Туркистоннинг уз мустақиллигига эришиши энг асосий мақсад қилиб қўйилган эди. Жадидларнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашларида бу икки масала бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Чунки миллат маърифатли булиши учун мустақил бўлмоги лозим. Мустақил булиш учун эса ҳалқимиз энг аввало илм-маърифатни пухга эгаллаши керак эди.

Telegram adress:

Истиқтолимизнинг тарихий юнузлари  
№11—12, 5-бет

Ш.Туркестон 1995  
@turkiston\_kutubonasi

Telegram adress:

19

@turkiston\_kutubxonasi

Жадидлар, бир томондан, Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар (мухториятчилик ҳаракати). Иккинчи томондан, улар Туркистонда демократик хукуқий давлат куриш учун интилдилар (Туркистон Мухторияти хукумати, Бухоро ва Хоразм Ҳалқ Республикалари). Учинчи томондан, жадидлар истиқлолчилик ҳаракатининг юяйи мағфурачилари эди. Истиқтол ғоялари жадидчилик мағкурасининг асосини ташкил қилган.

Ота юрт — Туркистонга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат түнгуси, унинг келажаги ҳақида ташвишли уйлар. Ватанинг тараққиёт йўзлари режасини тузиш, Шарқ ва Гарбнинг энг илғор анъаналарини бирлашириш жадидларни бу йулга ундалган муҳим омиллар ҳисобланади.

Беҳбудий, Фитрат, Чулпон, Мунаввар қори ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг асарларида жадидлар миллий юясининг асоси — Туркистондаги барча туб ҳалқларни бирлашириш ғояси узак масала бўлиб ётганини курамиз. Бу ҳолни Беҳбудий қўйидагича курсатган эди. «Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бутундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожи учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам булмаймиз».

Жадидлар ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни, тараққиёт ва ривожланишга фақат гинчлик йули билан, парламент орқали эришишни мұлжаллаган эдилар. Улар узбек ҳалқининг ўзига хос миллий хусусияти (менталитети), унинг самимийиги, ишонувчанлиги, бағри кенглиги, сабр-тоқати, барлоши ва чидамини ҳам ҳисобга олган ҳолда тинч йул билан ҳокимиятни қўлга олишга интилган эдилар. Жадидлар фаолиятидаги бу ўзига хос миллий гоя кейинчалик жаҳоний аҳамиятга молик ҳодисага айланниб, у Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик кучлари йўлбончилари томонидан янада ривожлантирилди.

Бироқ 1917 йилдаги воқеалар жараёни, «Русияда бош кўтарган янги бир бало — большавик балоси» (Фитрат) кучлар нисбатини бутунлай узгартириб юборди. Беҳбудий томонидан ўргага ташланган «Ҳақ олинур, берилмас!» шиори бутун миллатнин жанговар чақириғига айланди. Мустақиллик ва озодлик учун, Туркистонда мухторият ўрнатиш учун парламент йули орқали курашган Туркистон Мухторияти хукумати большевиклар томонидан қонга

ботирилди. Туркистонда коммунистик мафкурага таянган мустабид совет режими урнатилди.

1920 йил 1 февралда Хиза хонлиги ва 2 сентябрда Бухоро амирлиги ҳудуцига босқинчи қизил армиянинг бостириб кириши натижасида бу икки давлат йўқотилиб, уларнинг урнида Хоразм ва Бухоро Ҳалқ Республикалари ташкил қилинди. Ағсусеки, асосан Ёш хивалик ва Ёш бухоролик жадидлардан ташкил топган бу ҳукуматларнинг мустакили фаолият юритишига Россия давлати ва совет режими тўсқинлик қилди. Марказ қизил армия ёрдамиша бу ерда ўз мавқенини сақлаб туришга интилди. Ҳусусан, Хоразмда бу пайтда вазият жуда кескинлашган эди. Бухорода ҳам бујуп Туркистон минтақасида булгани сингари коммунистик режим ва қизил армияга қарши истиқбол жанглари бошланди ва у тез орада ажойиб ютуқларни қулга киритди. Жадидлар истиқболчилик ҳаракатининг тоявий раҳнамолари булиб, улар ҳаракат мафкурасини тайёрлашган эди. Истиқболчилар тимсолида жадидлар ўз тояларини амалга оширувчи реал кучни курдилар.

Жадидларнинг иирик намояндадаридан бири **Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли** (1878—1931) Туркистон совет республикасида юз берган сиёсий можаролардан кейин 1920 йил октябрда Бухоро шаҳрига юборилди, унинг ўз ибораси билан айтганда «фаҳрли бадарга» қатинли<sup>1</sup>. Мунаввар қори Бухородаги бойлик фаолияти давомида Бухоро Ҳалқ Маорифи нозирлигига масъул лавозимда ишлаш билан бир қаторда истиқболчилар билан алоқа урнатишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Мунаввар қори 1921 йилда қисқа муддат ГПУ қамоқхонасида ўтириб чиқди. 1920 йилнинг кузидаги гурӯҳ собиқ Ёш бухоролик жадидлар Бухоро шаҳрида «Миллий Иттиҳод» ташкилотини қайта тузишган. Аслини олганда, «Миллий Иттиҳод» ташкилоти Мунаввар қори бошчилигида 1919 йили Тошкентда махфий равишда тузилган эди. 1920 йилда ташкилотнинг Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразмда шұъбалари ташкил қилинди. Мунаввар қорининг Бухоро шаҳрига келиши ва маориф нозирлигига ишлаши билан ташкилотнинг минтақадаги маркази Тошкентдан Бухорога кучади.. Буташкилот ярим яширин ҳолатда иш олиб борган, 1920 йил декабр ойида Бухоро шаҳрига Валидийининг кели-

<sup>1</sup> Мунаввар қори Абдурашидхонов. Ҳотигузаримдан. Т., «Шарқ», 2001, 28—29-бетлар.

ши билан ташкилот үз фаолиятини кенгайтириди, унинг аъзолари Бухоро республикаси доирасидан чиқиб, бутун Туркистон тупрори бўйича ҳаракат қилдилар. Ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро республикаси ва умуман. Туркистон минтақасини «советлаштириш» таъсирдан сақлаб қолиш, чин маънодаги мустақиллик ва истиқлолга эришиш эди. Бунинг учун курашнинг ошкора ва яширин усусларидан фойдаланиш кузда тутилди. Ташкилотда Файзулла Хужаев, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мукаммил Бурҳонов, Ибод Хужаев ва бошқалар фаол иш юритганлар. Ташкилотнинг аъзолари истиқлолчилик ҳаракатининг етакчилари билан алоқалар урнатиб, уларга гоявий раҳнамолик қилишган.

«Миллий Иттиҳод» ташкилотининг режали ва ташкилий фаолияти натижасида 1920—1924- йилларда Зарафшон водийси ҳудудини «босмачилик» ҳаракати қамраб олди. Фитратнинг таъкидлашича, Мулла Абдулқаҳдор, Жура Амин, Мурод Мешкоб, Метан Полвон ва бошқа йирик курбошилар ҳаракатга раҳбарлик қилдилар. Файзулла Хужаев ва Мунаввар қори биргаликда Зарафшон ва Фарғона водийсидаги курбошилар гуруҳларини бирлаштириш масалаларини муҳокама қилишган. Тергов ҳужжатларида келтирилишича, «босмачилик» ҳаракати шундан сунгра анча кучайган<sup>1</sup>.

«Миллий Иттиҳод» ташкилоти Марказий Кўмитасининг қарорларидан бирида айтилинича, улар «босмачилик» ҳаракатидан тўғри йуналишда ва аниқ сиёсий мақсадни кузлаб фойдаланишини мулжаллаганлар. Бунинг учун, энг аввало совет Россияси ҳукумати ва унинг вакилларига турли йуллар бидан «бизнинг ҳалқимиз советлаштиришни қабул қилолмаяпти, ҳалқ буни хоҳламаяпти, щунинг учун қўлига қурол олиб, уюшиб курашга кутарилаяпти, кул қон тўкилиши мумкин» деган фикрни сингцириб боришган. Ушбу қарорда ёзилинича, «Бир вақтнинг ўзица тарқоқ босмачи гуруҳларини йириклаштириш ва сиёсийлаштириш йулида иш олиб бориш керак. Чунки яхши қуролланган ва курашларда тажриба орттирган бу кучлар орасида ажониб командирлар ва ботир жангчилар нишиб етилган булиб, улардан келажакда миллий армияни жуда тез шакллантириш мумкин. Вакти келиб,

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати архини, П-22934, 4269-нин, 15—16-варажлар.

совет Россиясидан ажралиш масаласи кутарилганда реал кучга эга бўлинади»<sup>1</sup>.

Ташкилотнинг фаол аъзоларидан бири Отаулла Хўжаев кейинчалик ГПУ қамоқхонасида совет чекистларига берган кургизмасида эътироф этишила, уларниг асосий мақсадлари «совет қизилтариининг таъсирини Бухорога ўтказмаслик, сабиқ Бухоро давлати урнида Россияядан мустақил давлат тузиш учун кураш; Россиянинг давлатимиз ички ишларига аралашиши ва бойликларни ташиб кетишига барҳам бериш; уз армиямизни тузиш орқали Бухоро мустақиллитини куриқдан»; бу ишларни амалга ошириш учун яширин ташкилот ва унинг аъзоларини жамлаш; босмачи деб аталувчи гурӯҳларни сиёсийлаштириш, уларниг бўшини биритириб, мустақиллик учун курашга ённасига йўналтириш кабилар эди»<sup>2</sup>.

Афсуски, бу мақсалалар тулиқ амалга ошмади. Совет режими ёш Бухоро республикаси раҳбарлари ва муҳолифатдаги қуролли гурӯҳлар ургасидаги ҳар қандай алоқаларга, муросасозлик ва келишувчилик сиёсатига қарши аёвсиз курашди. Бироқ шунга қарамаслан совет режимига қарши Фитрат, Муинжон Аминов, Мукаммил Бурхонов ва бошқалар фаол курашганлар<sup>3</sup>.

Бухорода уша даврдаги сиёсий курашнинг марказида турган сиймолардан бири Туркистон халқларининг милий истиқтоли учун фаол курашган Аҳмад Заки Валидий Тугон (1890—1970) хисобланади. Валидий 1920 йил декабрдан то 1921 йил ноябргача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиқтолчилик ҳаракатини ятона марказга уюштириш учун катта ишларни қилди. У Бухоро хукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдулқодир Мухитдинов билан уз режаларини маслаҳатлашади. Заки Валидий кейинчалик узининг машқур «Хотиралар» китобида эслашича, у Туркиядан келган Анвар Пошо (1881—1922) ва Ф. Хўжаев билан 1921 йил октябр-ноябр ойларида Бухоро шаҳрида қизғин сұхбат-мунозаралар қилғанды<sup>4</sup>. Бу мунозараларнинг асосий мавзуи бутун Туркистон минтақасида булгани сингари Бухоро

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Минзий хикоязлилик хизмати архиви. П-22934, 4269-нн, 14—15-варақлар.

<sup>2</sup> Киличев Ф. Мустақилликнинг фожиали нули. «Шарқ юлдузи», 1992, № 7, 159-бет.

<sup>3</sup> 1924 йил охирларима «Милий Иттиҳод» ташкилотининг маркази қантадан Тошкентга кутди.

<sup>4</sup> Zeki Velidi Togan. Hailalar, s. 330—339.

жумхуриятида ҳам авж олиб бораётган истиқболчилик ҳаракатига («босмачылык»ка) нисбатан үтказиладитан сиёсий йулни аниқлаш эди. Шуниси характерлики, туркий халқларнинг бу уч буюк сиймоси Туркистон озодлиги ва бирлиги учун курашнинг уч кутбида туриб, бир-бирларидан фарқ қиласидан вазиятда ва алоҳида шароитларда фаолият олиб боришларига тури келди. Уларнинг ҳаёт шами ҳам дунёнинг турли манзилларида турлича тарзда сунди. Лекин бу катта учлик фаолиятини ягона нұктага бирлаштириб турған гоя, бу — ота юрт **ТУРКИСТОН МУСТАКАЙЛИГИ** бояси эди.

Валидий Бухорода яшар экан, жадидчилик ғоялари билан суғорилган сиёсий партиялар ташкил қилиш, уларнинг дастури ва режасини тузиш билан астойдил шутулланди. Валидий томонидан 1921 йилда «Эрк» партиясининг 9 банддан иборат ва жадид тараққийшарварлари партиясининг 19 бандлик дастурлари ишлаб чиқилди.

Бухорода 1921 йил 2–5 августда булган Миллий Бирлик конгрессида (бу Москва конгрессидан кейинги 5-конгресс эди) Валидий раислита «Ўрта Осиё Миллии Мусулмон Жамиятлари Федерацияси» (кейинчалик **ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИ** номи билан машхур булган уюшма) тузилди. Миллий бирликнинг ирограммаси Валидий раҳбарлигидан ҳали 1921 йилнинг бошларида ёқ ишлаб чиқилган эди.

Туркистон Миллий Бирлигининг өлтінчи ва еттінчи конгресслари Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида 1921 ва 1922 йилларнинг сентябр ойида чақирилади. Самарқанддаги конгрессда жамиятнинг 24 банддан иборат Устави ва Туркистон байроби қабул қилинди. 1921 йил 6 сентябрда қабул қилинган Туркистоннинг Миллий байроби бинафша рангла булиб, униң асоси қилиб X асрдаги қорахонийлар ва салжуқийлар давридаги байроқ танланган эди. Алған рангдаги бу миллий байроққа Маҳмуд Конғарий китобида тасвирлаб берилган байроқ асос қилиб олиниб, уни Амир Темур ва темурийлар замонида ёзилған қулёзма асарларидағи миниатюраларга сұяниб яратишиди. Байроқни тайёрлап ишида Валидий билан бирга Мунаввар қори ва Туракүл Жонузоков (1893—1921) иштирек этишиди.

Самарқанд конгресси Бухоро ресиубликаси ва Фарғона водийсиздеги истиқболчилик ҳаракатини ғоявий жихатдан жипелашувига анча хизмат қилиди. Фарғонадаги қурбонилар ҳузурнда бир йиача булган Туркистон МИК раисининг собиқ уринбосари Туракүл Жонузоков уз фаолияти

ҳақида конгрессда ахборот берди. Анжуманд бутун Туркистондаги қурбоши гуруҳлари билан алоқа үрнатиш ва ҳар бир қурбошининг хузурига сиёсий маслаҳатчилар ҳамда гоявий мафкурачилар юбориш туғрисида қарор қабул қилинди. Масадан, Самарқанд вилоятининг бош қурбоси, найманлардан бўлган Очилбек ёнига узбек зиёлиларидан Қори Комиъ исмли бир обузи киши жунатилди. Бухоро республикаси ва Фарғона водийсига аксарият жадидлардан иборат кўтілаб гоявий раҳнамолар юборилди. Валидийнинг эътироф қилишича, бу конгресс Туркистонда туттанган конгрессларнинг энг муваффақиятлиси булди ва хурсандчилик вазиятида утди.

Валидийнинг шахсан узи Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда ҳаракат қилаётган бир қатор қурбошиларнинг қароргоҳида булди, уларни умумий душманта қарши аёвсиз кураш олиб боришига чақирди, узаро тотувликка чорлади. Валидий шароит мажбур қилганда қизил аскарлар билан жантга кирди, уз қули билан бир нечта босқинчи ни улдирди.

Туркистон тарихининг кейинчалик теран тадқиқотчи сига айланган Валидий уз хотираларида истиқболчилар ва уларнинг раҳбарлари «элни таловчи, босқинчи» эмасликларини, балки уз «Ватанига содик, фидойи, дунё аҳволидан воқиф кишилар»<sup>1</sup> эканликларини яққол курсатиб берган.

Туркистоннинг эркесвар шоири Чўлони бу пайтда бир қанча муддат Бухоро шаҳрида яшади ва «Бухоро ахбори» газетасига масъул мухаррирлик қилиди. У Анвар Пошонинг ҳалок бўлганита атаб ёзган «Балжуон» марсияси, шунингдек, «Халқ», «Гузал Туркистон», «Бузилган улкага» ва бошқа қатор шеърларида мустақиллик гоясини куилайди. Туркистон озодлиги йулида шаҳид бўлган истиқболчиларнин порлоқ номларини у узбек шеърияти саҳифалариға мангуликка муҳрлади. Чўлоннинг шеърлари Бухоро истиқболчилари ўртасида ҳам жуда машҳур эли. Шунинг учун ҳам кейинчалик Чўлон ва Фитрат «босмачилик» ҳаракатининг бош мафкурачиси ва изчил ҳимоячиси сифатида совет режими томонидан қатарон қилинди. Фитрат ва Чўлон тергов қилинган 1937—1938 йиллардати ҳужжатларда юқорицаги фикриар уз аксини тоғган.

Бухородаги истиқболчилик ҳаракатининг гоявий мафкурачилари сифатида ислом уламолари ҳам катта хизмат

Zeki Velidi Togan, Наштар, с. 354.

қилиши. Бухоро азалдан ислом динининг маркази сифатида дунёда машҳур эди. Асеримиз бошларида бухороликлар уртасида исломнинг таъсири жуда кучли бўлган. Шунинг учун ҳам ҳаракатнинг раҳбарлари устида кушлаб мулла ва эшонлар турди (Мулла Абдулқаҳдор, Эшон Султон ва б.). Шунингдек, күшлаб ислом уламолари қурбошилар қушинида бўлиб, ҳаракатнинг мафкурасини ишлаб чиқишида, совет режими моҳиятини фош қилишда алоҳида жонбозлик курсатдилар (Хожи Латиф Девонбеги, Эшони Судур — Уроқхон Коракӯжа, Эсон қози ва б.).

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккӣ, истиқлолчилик ҳаракатига ғояйи раҳнамолик қилиш борасида жадидлар билан уламолар уртасида узаро рақобат мавжуд эди. Бухородаги истиқлолчиларнинг йулбошчиларига дастлабки пайтларда жадид мунавварларининг («Туркистон Миллий Бирлиги», «Итиҳод ва Таракқий», «Миллий Итиҳод», «Миллий Истиқлол» аъзоларининг) таъсири кучли бўлса, кураш жараёнида устунлик уламолар қулига ўтди. Натижада миллий озодлик ҳаракатининг хусусияти айрим мутаассиб диндорларнинг амаллари оқибатида кунгина ҳолларда факат ислом ғоялари билан чекланиб қолди. Шуниси таасуфланарлики, Бухородаги эшонлар ва қозиларнинг катта қисми кейинчалик советлар хизматига утишди. Кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён булиши ҳаракатнинг янада кентгайиши ва ривожланишига тусқинлик қилди.

Демак, Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати совет тарихчилари даъво қилганидек, факат амир Олимхон ва унинг амалдорлари, бир ҳовуҷ «эксплуататор синфларнинг аксилиңқилобий ҳаракати» булмасдан, балки жадидлар ва уламолардан иборат ғояйи мафкурачилари бўлган, қурбошилардан иборат ҳарбий кумондонлар раҳбарлигига иш курган муazzам бир умумхалқ ҳаракати ҳисобланади.

#### 4. БУХОРО ҚУРБОШИЛАРИ

Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг йулбошчилари турли сиёсий қарашлардаги, узгача феълатворли, жасур ва қайсар кишилар эди. Ҳарбий кумондонлар орасида амир ҳузурида йирик амалдор булиб турган сарой аъёнлари ва лашкарбошилардан тортиб, Бухоро республикаси ҳукуматининг юқори лавозимларида ишмаган куплаб таниқли давлат арбоблари, машҳур зиёлилар ва жадидлар, ҳатто Туркиядан келган ҳарбий зобитларгача бор эди. Шунингдек, сиёсий курашда ҳеч қандай тажрибаси

йүк. Гур «сиёсатдонлар» ва хат-саводи булмаган, фақат түгилган қышлоги ва туманидагина «узи бек» булган айрим сардорлар ҳам йүк эмас эди. Шунинг учун Бухородаги **ҚУРБОШИЛАР**нинг энг иирик етакчиларидан айримлари ҳақида маҳсус тұхтадың утмоқчимиз.

Даставвал Бухородаги манғитлар суперласининг сунити вакили, шунингдек, Афғонистондаги туркистонылк мұхажирларнинг раҳбари **АМИР САЙД ОЛИМХОН** ҳақида тұхтадың мокчимиз. Чунки Бухородаги истиқололчилк ҳаракатининг ташкилий жиһатдан расмийлаштырылышда, құрбoshилар фаолиятини ягона мақсад қомон йұналтирылышда унинг ҳам маълум даражада хизмати борлыгини қайд қилиб үтишга бурчлымиз.

Сайд Олимхон (1881—1944) Кармана шаҳрида туғилды. Олимхон 1893—1896 йилларда Петербургдаги Николаев суворийлик мактаби (пажлар корпуси)да таълим олған. 1898 йилда у Қарши, сунгра валииңд сифатида Кармана вилоятига ҳоким булды. Отаси амир Абдулахадхон вафотидан сунг, 1910 йил декабрда Бухоро таҳтига утируды. Сайд Олимхон дастрраб амирликда маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий соҳада ислоҳотлар үтказышта уринди. Сайд Олимхон даурида амирликнинг Россияга қарамлиги яна-да кучайды. Унинг фармони билан тараққийпарвар күчлар, шунингдек, Ёш бухоролик жадидлар қаттық таъқиб қилинди. Сайд Олимхон мамлакат аҳволини яхшилаш билан шугулланыш урнига асосий вақтини дабдабали тұрумуш кечириш ва айш-ишратта сарфлади. Натижада амир ва унинг сарой атьёnlари тобора күпроқ жаҳолат ва қабо-ҳат ботқогига ботаверди. Сайд Олимхоннинг калтабинлигі натижасида улуттор бир туркий давлат таназзулға учраб, парчаланиб кетди.

Сайд Олимхон Бухоро мамлакати ва халқи учун жуда масъулиятли бүлган бир давр (1917—1920 йиллар)да адолатли сиёсат юритиш урнига жабр-зулмни күчайтируди. У мамлакатда конституцион монархия ва демократик тартиботлар үрнатмокчи бүлган жадидлар — Ёш бухороликларни аямасдан қириб ташлади, салтанат худудида янгилик ва тараққиётта қомон бүлган ҳар қандай интилишни мурғаклигшаң бүгіб ташлашта уринди. Маҳмудхужа Беҳбүдийни мағфий тарзда үлдіртирган, Садрищин Айнийни калтаклатған, Файзула Хұжаевни бир неча марта унимга ҳукм қылған, истибдодни күтайтирган ҳукмдер ҳам шу Сайд Олимхон эди. «Бухоро амири узининг сиёсий чекланған-

лигини ўзи курсатди<sup>1</sup>, — деб ёзганида Валидий муллақо ҳақ булган.

Еш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитрат узининг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» (1930) рисоласида амирнинг «давлат ва ҳокимият ишларида ута билимдан эмаслигини», унинг «гул, ишёқмаслигини» аччиқ бир киноя билан тасвирлайди. Фитратнинг ёзишича, «амирнинг мулкни бошқаришга акл ва иродаси етмас эди». Бунинг устига, Саид Олимхон бошқа манғит амирлари каби айш-ишратга уч, маишатта муккасидан кетган ҳукмдор булган. Унинг ҳарамида бутун мимлакат ва ҳатто Россиядан келтирилган Қиз-жувонлар тулиб кетган эди. «Айтиш мумкинки, салтанатдагиларишинг Олимхонга сўлим қиз ёки аёл топиб беришдан бошқа ҳеч масъулияти ва вазифаси йўқ эди<sup>2</sup>, — деб ёзганида Фитрат заррача мубояза қилмаган.

Саид Олимхоннинг сиёсий қиёфасини курсатишда унинг энг асосий ғаними булган М.В. Фрунзенинг сұллари ҳам бир қадар аҳамиятлайди. Туркистон фронтининг қумондонаи М.В. Фрунзе 1920 йил 14 апрелда совет режимининг асосчиси В.И. Ленинга ёзган мактубида Амир Саид Олимхонни қутида тавсифлайди: «Бу кири европача мълумотли (бизнинг собиқ шахлар корпусимизни тутаглан), сиёсий жиҳатдан Россия монархиясининг содик дусти, ҳарактери занғ ва иродасиз киши булиб, Бухорода энг куярлди булган уламоларини тамомина таъсири остида эди»<sup>3</sup>.

Маълумки, М.В. Фрунзе бошчилигидаги Туркфронт қушиларининг Бухорога босқинидан сунт, 1920 йил 2 сентябрда Саид Олимхон тож-тахтдан маҳрум булиб, Шарқий Бухорога жўнади. Бухоро фожиалари Саид Олимхоннинг шахсиятида кескин узгаришлар ясади, унинг кузи ярқ этиб очилди. Бироқ асосий фурсат бой берилган эди. Шундай булишига қарамасдан, эндиликда собиқ ҳукмдор Бухоро халқининг босқинчи қизиқ армияга қарши олиб борган мустақиллик курашига раҳбарлик қилишга уринди.

Саид Олимхон «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» (1927) деб номланган эсдациларида ёзишича, у Шарқий

<sup>1</sup> Zeki Veşidî Togan. Hatıralar, s. 188.

<sup>2</sup> Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Т., «Минҳож», 1992, 21-, 40- бетлар.

<sup>3</sup> Фрунзе М.В. Пензвестное и забытое. М., «Наука», 1991, с. 187.

Бухорода булган чогида мунтазам равища уруш ҳаракатлари билан банд бўлганлигини, «Ҳисор вилоятида большевикларга қарши оли ой давомида кураш ва жанг олиб борган» лигини таъкидлайди. Сайд Олимхон Ҳисорда ўзининг сарой аъёнлари ва маҳаллий амалдорлардан иборат янги ҳукумат ташкил қиласиди ҳамда босқинчи қизил аскарларга қарши булаётган жант ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилади. Сайд Олимхон Шаҳрисабз, Бойсун, Ҳисор ва Кулоб вилоятларида халқнинг қизил армията қарши кутарган оммавий қузғолонларида раҳнамолик қилишга уринди. Янги ҳукумат фаолиятида Ҳисор беги Авлиёкулбек мухим роль ўйнайди.

Шарқий Бухородаги истиқлолчилар бу пайтда қизил армия қисмларига қарши ҳаёт-мамот жангларини авж олдириб юборган эдилар. Афсуски, Сайд Олимхон киндик қони түкилган тупроқ — Бухорода қолиб, уз халқининг миљий истиқлол курашига бевосита раҳбарлик қилиш урнига, 1921 йил 4 март куни «Кулоб вилоятининг усти билан Амударёдан утадиган жойдан» Афғонистон давлатига утиб, нойтахт Кобулга — афғон амири Омонулахон ҳузурига келди. Сайд Олимхон кейинчалик Кобулда яшаб, Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига йул-йуриқ курсатиб турди, ҳаракатнинг машҳур йулбошчилари ва саркардаларига турли мактублар ва қимматбаҳо совғалар жунатиб, уларни курашга илҳомлантириди. Сайд Олимхон, хусусан, Бухородаги машҳур қурбончилар Иброҳимбек ва Мулла Абдулқаҳор, кейинчалик Анвар Пошо ва Салим Пошо каби ҳарбий лашкарбошиларга доимий равища уз эҳтиромини изҳор қилиб турган. Сайд Олимхон бухоролик мұхожирларнини Афғонистондаги раҳбари ҳам эди. У қолган бутун умрини уша ерда утқазди.

Сайд Олимхон мұхожирликда ўзининг машҳур эсадликларини ёди. «Бухоро халқинин ҳасрати тарихи» деб номланган ушбу мемуар ва унинг Миллатлар Лигасига ёзган баёноти 1927 йил сентябрда расмий вакили генерал Ҳожи Юсуфбек Муқимбай ўғли орқали Женева шахрида фаолият курсатаётган Миллатлар Иттифоқига топширилди. Сайд Олимхон уз баёнотида Бухоро совет режими остида зулм чекаётганинги баён қилган эди. У хотираларида Бухорода босқинчи қизил аскарлар ва большевикларга қарши олиб борилган мұхорабаларни, мужоҳидлар курашини тасвирлайди.

Сайд Олимхон Бухорони тарк этар экан, уша тус-туплонда нафақат давлат ҳазинасини, балки ҳарамини ҳам

шашарда қолдириб кетишта мажбур бўлган эди. Унинг бутун оила аъзолари ва қариндош-уругларидан иборат ҳарами (уларнинг умумий миқдори архив ҳужжатларида 118 киши деб номма-ном курсатилган)<sup>1</sup> қўнига олиниб, уй қамоғида сақланди. Бироқ янги хукумат томонидан уларга ҳеч қандай зиён-захмат етказилмайди.

Саид Олимхон Бухоронинг янги хукумати раҳбарлари га мурожаат қилиб, оила аъзолари ва яқинларини Афғонистонга жунатишини илтимос қилганда, айнан Файзулла Хўжаев ва Фиграт бу утинг қондирishiшини қатъий суръатда вавда қилинди. 1923 йил 4 юнда бўлган Бухоро Коммунистик партияси Марказий Кумитаси Ижроия бкоросининг йигилишида ушбу масала куриб чиқилиб, у ижобий ҳал қилинди. Аммо Саид Олимхоннинг Султонхон, Шоҳмуродхон, Абдураҳимхон номли учала угли Марказнинг талаби билан Москвадаги Бухоро Маориф уйига «советча усулда тарбиялаш» учун жунатилди.

Саид Олимхоннинг оналари Тура ойим, Шамсия ойим; қизлари Хосиятой, Саодатой; завжатари Муҳаррам ойим, Мушарраф ойим, Хурсанд ойим; амакилари Мир Муҳаммад Сиддик Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Содик Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли; синглиси Шоҳой; туккан онаси Давлат Баҳт ойим ва бошқа яқин қариндошлари (жами 51 киши) уз ихтиёрига кура Афғонистонга юборилди.

Саид Олимхон оиласи ва қариндош-уругларидан Бухорода қолган 64 киши эса зудлик билан тутқунликдан озод қилиниб, бу ерда яшашлари учун уларга тегишли шароит яратиб берилди. Лекин 30-йиллар охиридаги оммавий қатли омда уларнинг ҳаммаси қатарон қилинди.

1932 йилда Саид Олимхон Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги орқали Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Муҳаммад Азизхонга шахсий мактуб йўллаб, Москвага жунатилсан уч ўғлини топиб, уларни кутқаришда ёрдам беришни илтимос қиласди<sup>2</sup>. Саид Олимхон халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятига ҳам мурожаат қиласди. Афғуски, унинг бу соҳадаги бутун интилишлари зое кетди.

Саид Олимхон мұхожирликда юрт дийдорига таипиниб яшади. Унинг Бухорога қайтиб келиш ҳақидағи илтимосларита СССРнинг раҳбари И. В. Сталин қатъий рад жавобини берган. Умрининг охирида унинг кузлари ожизланиб

<sup>1</sup> Узбекистон МДА. 47-фонд. I-рўйхат. 425-ниш. 278-варақ.

<sup>2</sup> Панмов Н. Амирнинг турниёти. Бухоро, 1995, 23-бет

қолади. 1944 йил 28 апрелда Саид Олимхон узоқ давом этган хасталикдан сунг Кобулдаги қароргоҳи — Қалъаи Фотуда вафот этди.

Саид Олимхон уғилларининг тақдиди эса фожиали тугади. Узининг совет режимига нисбатан нафратини яққол намоен этган кичик ути Абдураҳимхон 1937 йил жосусликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинди. Катта ўти Султонхоннинг бир оғи ногирон булиб, у 40-йилларнинг охирида қамоққа ташланди ва кун утмай уша ерда ҳалок булди. Урганча ўти Шоҳмуродхоннинг қисмати сал бошқачароқ кечди. У «Известия» (16.06.1929 й.) газетасида узининг отасидан «воз кечгандиги» ҳақида очиқ хат билан чиқишга мажбур булғандан сунг<sup>1</sup>, Москвадаги Ҳарбий инженерлік академиясида уқийди<sup>2</sup>. Шоҳмурод Олимов кейинчалик отаси сингари генерал унвонига сазовор булди, Иккинчи жаҳон урушида қатнашди. У 1985 йил 75 ёшида Москвада вафот этди.

Саид Олимхон Афғонистонда ҳам бир неча марта уйланган эди. Унинг бошқа фарзандлари Кобул агрофидаги Қалъаи Фотуда таваллуд топишган. 90-йилларнинг бошида Саид Олимхоннинг икки завжаси, ун икки нафар ўти ва ун нафар қизи тирик эди. Улар Туркияning Фозиантаб шаҳрида, шунингдек, АҚШ, Германия, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони ва Эронда истиқомат қиладилар<sup>3</sup>. Саид Олимхоннинг уғиллари 1993 йил сентябрда ота юртлари Бухорога келиб, уни зиёрат қилишди.

\* \* \*

Бухородаги қурбошилар ўртасида сұзсиз **ИБРОҲИМ-БЕК** алоҳида ажралиб туради.

Иброҳимбек 1889 йилда ҳозирги Душанбе шаҳридан 12 чақирим жанубда жойлашган Кўктош қишлоғида — Коғирниҳон дареси соҳилида узбек лақайлари уругининг эсонхужа шоҳобласига мансуб булган хонадонда туғилди. Архив ҳужжатларица келтирилишича, Иброҳимбекнинг

<sup>1</sup> Мактуб матни Фитратнинг Тожикистанда наир қилинган кўнидати асарида ҳам тута келтирилади: Фитрат. Даирал ҳукмронии Амир Отимхон. Душанбе, 1991, с.56—59.

<sup>2</sup> Таққоснан унун қаранг: Ҳасанов М., Германов В., Шодиев Қ. Амир Олимхон фожиаси. «Фан ва турмуш», 1991, №4, 27-бет.

<sup>3</sup> Бухоронинг сұнгы амири ёки Саид Олимхоннинг фарзандлари тақдиди ҳам да унинг ҳаиқ номига қолдирған мероси ҳақида. «Узбекистон овози», 1993 йил, 14 октябр; «Бухоро ҳақиқати», 1993 йил, 19 октябр.

отаси Чақабой Түқсабо амир амалдори булиб, у 1912 йилда вафот этади. Күктошда унинг ер-мұлки бор эди. Асосан узбекларнинг лақай уруғи яшаган бу худуд тарихий манба-ларда Лоқай деб көлтириләди. Шунинг учун Иброҳимбек Чақабой үтли кейинчалик Иброҳимбек лақай сифатида машхур бўлди.

Иброҳимбек уз қишлоғидаги масжидга қаршили мактабда сабоқ олғач, маҳаллий мадрасада ҳам таҳсил олди. Лекин мадрасани тутатганлиги ҳакида маштумотлар учрамайди. «Иброҳимбекнинг уруг оқсоқолларидан бири Абдуқаюм шарвоначининг қизига уйланганлиги кейинчалик унинг ҳаётига катта таъсир курсатди»<sup>1</sup>.

Иброҳимбек Ҳисор беги хузурида қилган хизматлари эвазига 1919 йили «коровулбеги» даражасига, кейинчалик Бухоро амири Саид Олимхон томонидан «девонбеги», «түпчибоши» ва «лашкарбоши» лавозимларига кутарилди. Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлантач, Шарқий Бухородаги қурбошилар гурӯҳларига умумий раҳбарлик қилиб (Анвар Пошо ва Салим Пошо Шарқий Бухорога келган давр бундан мустасно), босқинчи қизил армия ва коммунистик режимга қарши озодлик байроғини кутарди. Иброҳимбек қурбошининг номи ҳам машҳурликда Анвар Пошоникидан сира қолишмас эди. Лекин уларнинг фикрлаш тарзи, жанг қилиш усувлари ва ҳаракатларида катта фарқлар бўлган.

Иброҳимбек 31 ёшида кураш майдонига кирад экан, уз олдига асосий мақсад қилиб, Бухоро тупрогини қизил аскарлардан тозалаш билан бир қаторда ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни собиқ хукмдор Саид Олимхон қулига олиб бериш вазифасини қўяди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки куиларданоқ Бухоро амири Саид Олимхон томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар тарафлама қуллаб-куватланди ва рағбатлантирилди.

Иброҳимбек қурбоши 1920—1921 йилларда қисқа мулдат ичидаги үн минг нафардан ортиқ аскар туплаб, Кулоб ва Балжуон вилоятларини қизил аскарлардан тозалагач, Саид Олимхон хузурита — Кулобга уз вакильларини жунатди. «Бу аснода Иброҳимбек Девонбетининг узи Коратегин ва Дарвоз вилоятлари устига ҳужум қилиб босиб борди ва бу икки вилоятни ҳам эталлади...». Бу зафарлардан сунг Иброҳим-

Гиленсен В. М. Разгром басмаческих баз в Афганистане. «Военно-исторический журнал», 2000, № 1, с. 31.

бек юборган бошқа вакилларни ҳам Саид Олимхон хурсандачиллик билан кутиб олади, уз лашкарбошисининг «ғайрати ва мардлигидан анча мамнун» булиб, уни юқори мансабга кутаради. 1921 йил бошларида Саид Олимхон Иброҳимбек Девонбегини Бухородаги бутун қўшинларига Олий бош кумондан қилиб таинилайди.

Бу воқеалардан сунг Иброҳимбек Ҳисор вилоятига юриш қилди. «Ҳисор вилоятининг устки қисмига оғланиб бориб, душман билан анчатина юзма-юз булди, у билан жанг қилди, ҳарбий курол-яроғларни қулга киритди. Бу вилоятни узита марказ қилиб олади. Деҳнав вилоятининг юқори қисми бўлган Бойсун, Фузор, Шеробод, Қаршида ҳаракат қилди...»

Амир Саид Олимхон уз мемуарида Иброҳимбек ҳақида яна қуйидаги фикрларни ҳам ёзган эди: «... Иброҳимбек етти йил давомида большевикларга қарши мусулмон халқи ва бу бандай ожизни деб уруш қилди, жанг асносида қаҳрамонликлар курсатиб, уларнинг якунларидан ҳамиша мени хабардор этиб турди».

Саид Олимхон Иброҳимбекка ёзган мактубларидан биррида уни «садоқатли ва жасур доҳий, мулла, бек, бий, девонбеги, лашкарбоши, тунчибоши, ғозий», — деб улурлайди. Саид Олимхоннинг ёзишича, у Иброҳимбекка қўшимча кучлар юбориш учун Афғонистон ҳукумати билан музокаралар утказади. Афсуски, афғон ҳукумати бу пайтга келиб, Бухоро амири Саид Олимхон ихтиёрига ҳеч қандай ҳарбий булинмаларни ажратмайди. Чунки Афғонистон билан совет Россияси уртасида узаро дўстлик туғрисидаги шартнома аллақачон имзоланган эди.

Саид Олимхоннинг Иброҳимбекка нисбатан курсатган марҳаматлари бошқа манбаларда ҳам келтирилади. Масалан, туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчи «1917—1934 йиллар. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Курбошилар» номли китобида Иброҳимбек Саид Олимхоннинг куп мартабаларига эришганлиги, амир Шарқий Бухорода яшаган даврда Иброҳимбекка ўхшаш ёвқур, қўрқмас кишишларга гаяниб, советларга қарши савашганлиги айтилади. Китобда ёзилишича, «Иброҳимбек Лақай сунгти Туркистон миллий истиқлол курашининг ерқин сиймоларидандир. Амир замонидаёқ урис ҳарбийларига қирғин солишдан иш бошлаган ва қисқа фурсатда катта

---

Амир Сайд Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 19—20-бетлар.

шухрат қозонган ... Умумий аскарларининг сони саккиз мингдан зиёдроқ булган»<sup>1</sup>.

Иброҳимбек қул остидаги Шарқий Бухоро ҳудудида уз бошқарув усулини амалга ошириди. Совет ҳокимияти жойларда бугунлай тутатилди, унинг урнига шариатга асосланган ва амирлик давридаги бошқарув усули қайта жорий қилинди. Иброҳимбекни бу ердаги маҳаллий аҳоли, хусусан, Лоқай узбеклари қизғин құстаб-куватлашди. Бу ҳолдан Туркистандаги совет ҳокимияти вакиллари қаттық ташвишта түшдилар. Шунинг учун ҳам Туркистан Фронти сиесий бошқармаси томонидан түзилған жосуслик ахборотида Иброҳимбек фаолияти ҳар жихатдан таҳлил қилинади, аҳоли ургасида унинг нуғузи ошиб бораётгашлигидан чүчиш ҳолати күзга ташланади ва Иброҳимбек билан бошқа курбошилар гурұхлари ургасида түрли низолар чиқариш учун тавсиялар берилади<sup>2</sup>.

Афесуски, Иброҳимбек курбоши жадидларни ёмон қуарар эди. Бу жихатдан унинг фикрини Анвар Пошо ҳам үзгартыра олмайди. Дарвоқе Анвар Пошо Шарқий Бухорога келиб, истиқлолчиларни курашга даьеват қылған дастлабки кунларида ең уни Иброҳимбек ёқтиромай қолған эди. Иброҳимбек билан Анвар Пошо уртасидаги муносабатлар жуда мураккаб бўлган. Ҳатто Анвар Пошо Иброҳимбек қўлида тутқунликда бир ойча вақтни утказди. Кейинчалик Анвар Пошо томонидан Иброҳимбек ҳам уз навбатида беш кун қамаб қўйилди.

Бироқ Анвар Пошонинг ҳалокати ва Салим Пошонинг Афғонистонга чиқиб кетиши оқибатида бутун Бухородаги қизил армияга қарши ҳаракат Иброҳимбек тимсолида яна аввалги деск узининг ягона қўмандонига эга булди. Иброҳимбек Еарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги курбошилар гурӯхларига умумий раҳбарликни ҳам уз қулига олди. Шунинг учун ҳам Иброҳимбек бошлилигидаги курбошиларнинг кўплаб курултойлари чақирилди. Масалан, Ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро курбошиларининг навбатдаги курултойида Иброҳимбек Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган бутуни дасталарни ягона қўмандонлик остига бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида, қурбоши дасталари тузиш ва уларнинг жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муноса-

<sup>1</sup> Ali Vademet. 1917—1934. Türkistan Millî İstiklal Hareketi ve Enver Paşa. Korbaşlar. Cild I. İstanbul, 1975, s. 501.

<sup>2</sup> Пограничные войска и СССР. 1918—1928. М., «Наука», 1973, с. 610.

батлари хусусида маҳсус курсатмалар берди. Курултойда Ғарбий Бухородаги иирик бойлар томонидан ёрдам сураб юборилган мактубни Иброҳимбек үқиб эшиттирди. Мурожаатдан сунг, Иброҳимбек Шеробод—Бойсун атрофларида қизил армия қисмларига қарши узининг зафарли юришларини үтказган эди. Курултой тугагач, унинг иштирокчиларидан бири Асадуллабек томонидан кургазмали машқлар үтказилди<sup>1</sup>. Иброҳимбек қурбоши булса узининг мингта яқин йиғити билан Вахш дарёсининг ўнг соҳилидан ғарбга — Сурхон воҳаси, Шеробод ва Бойсун томонга қараб, 1925 йил январ ойининг бошларида намойишкорона назорат куриги үтказди.

Бироқ, Шаҳобиддин Яссавий Иброҳимбекнинг жасур киши булиши билан бир қаторда айрим масалаларни ҳал қилинча шошма-шошарликка йул қўйиб, хатолар қилганини гапиради. Шуниси характерлики, Иброҳимбек «Амир Олимхон фармонида булиб, Фозий Анвар Пошо ва Фузайл Махдумларга ҳурматсизлик қисди». У «ниҳоят диловар қаҳрамон» булса-да «калта фикрли эди... Иброҳимбек муборизлар, қурбошилар заиф бўён, фойласиз замонда иш бирлиги учун келди...»

Иброҳимбекнинг Сурхондарё истиқлолчиларининг етакчиси Ҳуррамбек билан ҳам муносабатлари анча кескин бўлган. Ҳуррамбекнинг узбошимчалиги Иброҳимбекнинг жаҳрини чиқарган. Бу ердаги бутун қурбошилар дасталари Иброҳимбек қўл остида бирлашиб, қизил армияга қарши қатъий ҳужумга утганларида Ҳуррамбек унга бўйсунишдан бош тортиб, уз ҳолича иш юритган. Бу ҳақда совет чекистларининг маълумотларида ҳам сўз боради.

Бу низолардан хабар топган Бухоро амири Сайд Олимхон Иброҳимбек ҳузурига Бекбой Коровулбеги деган вакилини жунатди. Бекбой ёрдамида Сайд Олимхон курбошилар уртасидаги ихтилоғларни бартараф қилишга ва энг аввало Иброҳимбек билан Ҳуррамбек орасидаги келишмовчиликни йўқотишга муваффақ бўлди.

Бу мулоҳазалардан Иброҳимбек фақат уз манфаати учун кураш олиб борган, шуҳратпараст бир киши эди, деган холоса чиқармаслик керак. У Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига етий йил раҳбарлик қиласар экан, уз она тупроғини босқинчи қизил аскарлардан тозалаш учун, эрк ва истиқлол учун кураш олиб борган эди. Фақат, Иброҳимбекнинг сиёсий қаращлари чекланган бўлиб, унинг

Пограничные войска в СССР. 1918—1928, с. 613—615, 667.

«Бухоро амирига содик фуқаро» эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Иброҳимбек Қурбоши уз қүшини сафида қаттиқ тартиб-интизом урната олди. Тинч ахолини талашда қатнашган ёки бегуноқ мусулмошларни үлдирған аскарлар мабодо учраб қолса, улар шафқатсиз жазоланған. Иброҳимбек томонидан құл остидаги қурбошилари Абдулазиз ва Абдурахмонбайға ёзған мактублари күт жиҳатдан аҳамиятлідір. Иброҳимбек уз мактубида Абдурахмонбайға қуидаги сұзларни ёзған зди: «... сиз аскарларни маҳсус рухсатномасыз миәтиклари билан жунатяпсиз – бу жуда ёмон». Демек, қурбошилар уз йигитларини қышлоқтарға миәтиклари билан юбориша, уларға маҳсус рухсатнома бериптін. Бу ҳолдан әрк ва истиқдол курашчиларининг кимлиги яққол намоён бўлади.

Туркистанда миллий-худудий чегараланиш үтказилиб, совет Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Шарқий Бухоронинің деярли барча қисми Узбекистон ССР таркибидаги Тожикистан АССР ихтиёрига утди (факат ҳозирги Сурхондарё вилояти таркибига киртган аирим туманлар бундан мустасно). 1925–1926 йилларда Иброҳимбек қурбоши Тожикистан ва Узбекистоннинг асосан тоғлиқ вилоятларида уз курашларни давом эттирди. Йигирманчи йилларниң іт үртасига келиб, Шарқий Бухорода вазият тубдан үзгарған зди. Туркистан фронтининг 1926 йылдан бошлаб Ўрта Осиё ҳарбий округининг катта миқдордаги қучлари Иброҳимбекка қарши ташланғач, у 1926 йил 21 июнда, кескін жанглардан сұнға, Афғонистон давлатига үтиб кетди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби И. А. Зеленский томонидан 1926 йил 6 сентябрда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси «босмачиллик»ка қарши кураш Марказий комиссиясінинг фаолияти ҳақида бюро піснумида қилинған ҳисобот маърузада айтгалишича, Иброҳимбек хорижга үтиб кеттігач, унинг оиласи: онаси ва иккі хотини асирға олинған<sup>1</sup>. Бу аёлларниң қисмати нима бұлғанлиги номақылум. Бу пайтда Сурхондарё истиқтолчиларинің эң ирик йўлбошчиси Хуррамбек ҳам Афғонистонға жунаб кеттган зди.

Иброҳимбек 1926–1927 йилларда Кобул яқинидати Қалъаи Фотуда Бухоро амири Саид Олимхоннинг қароргохыда яшайди. Саид Олимхоннинг ёзишича, «унинг кун-

<sup>1</sup> Пограничные воинска в СССР. 1918–1928, с. 675–700.

лик харажати учун Афғонистон давлати тарафидан ҳар ойига беш юз эллик кобулий рутияси тайин этилди»<sup>1</sup>.

Афғонистонда юз берган мураккаб сиёсий жараёнлар, ағон амирларининг бирин-кетин алмашиниши, ҳокимият учун курашлар бу ердаги туркистонлик мұхожирлар турмушига ҳам таъсир қылмасдан қолмайды. Иброҳимбек бошчылыгидаги бухоролик мұхожирлар Афғонистондағы сиёсий курашга мажбуран тортилишады, натижада, бу курашнинг марказига Иброҳимбек чиқып қолады. Иброҳимбек ва унинг лақай урутдошлари билан ағон аскарлари үргасида ҳатто қуролли тұқнашувлар булды. Айрим манбаларда ёзишича, Афғонистон хукумати билан туркистонлик мұхожирлар үргасидаги бу уруш бир йилча давом этти<sup>2</sup>.

Уша даврта оид ҳужжатларга таянтан ҳолда, Иброҳимбекнинг Афғонистондаги фаолиятини қысқача таҳдил қыла миз. 1928 йилнинг охирида Афғонистонда амир Омонуллахон (1892—1960; хукмронлик даври: 1919—1929)га қарши галасенлар кучайиб кетады. Бу исёнта Кобул атрофидаги төжик деңқони хонадонида туғилған, ағон армиясининг собиқ офицери Ҳабибулла — Бачай Саққо (1890—1929) раҳбарлық қылды. Ағон тарихчиси Ҳалилулла Ведаднинг ёзишича, 1922 йилда ёш Ҳабибулла Бухорода Анвар Пошо атрофида туриб, қызыл аскарларта қарши кураштан эди. 1929 йил 18 январда асосан деңқонлардан иборат Ҳабибулланиң отряди Кобулни әгаллайди. Ҳабибуллахон Афғонистон амири деб эълон қилинади (1929 йил январь-октябрь). Тахтдан воз кечган Омонуллахон Қандахорга қочди. Бу воқеалар қызиган пайтда — 1928 йилнинг охирларида Иброҳимбек Кобулдан жұнаб, Шимолий Афғонистонға келиб, үз мавқенини мустаҳкамлай бошлади<sup>3</sup>. Бу ҳудуд азалдан туркий халқарининг юрти булиб, асосан ұзбек, туркман ва төжиклар яшар эди. Иброҳимбек билан туркман мұхожирларининг бошлиғи Ҳалифа Эшон үргасида ұзаро иттифоқ тузилғач, унинг обруси жуда ошиб кетди. 1929 йил 18 марта ВКП(б) МК Урга Осиё бөюроси номига ёзилған мактубда курсатилишича, «Иброҳимбек дастасида 4000 киши булған ва у зүр тайрат билан үз қүшинини көнтай-

<sup>1</sup> Амир Сайид Олимхон. Уша асар, 22-бет.

<sup>2</sup> Бу қақда Қаранг: Аблуқаюм Парвоначининг иқори. «Ватан», № 48—49, 1993 йил 8 декабрь; Мирзақаюмнинг баёни. «Ватан», 1993 йил 3 ноябрь.

<sup>3</sup> Қаранг: Гиленсен В. М. Банлы под зеленым знаменем, «Восточно-исторический журнал», 1999, № 5.

тирмоқда... Хуррамбек, Утанбек ва бошқа кичик күрбошлиар үзаро ҳамкорликда ҳаракат қылмоқда...»<sup>1</sup>

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўрта Осиё ҳарбий округининг бу ҳақдаги маълумотлари билан танишган СССР раҳбари И. В. Сталин 1929 йил март ойида Омонуллахон ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Ғулом Сиддиқхон ва Москвадаги элчиси Ғулом Набиҳон Чархий билан учрашди. Сталин Омонуллахонга ҳарбий ёрдам курсатиш ҳақидаи афғон томонининг расмий таклифларини бажонидил қабул қилди. Совет чекисти ва айнокчиси Георгий Ағабековнинг уша пайтда ёзишича, 1929 йил 14 апрелда 2000 кишилик қизил аскарлар отряди Термиздан чиқиб, 15 апрелда Амударёнинг Паттакесар деган жойда кечувдан ўти ва Афғонистон ҳудудига бостириб кирди. Совет аскарлари афғон армиясини ҳарбий формасини кийиб олиштан эди<sup>2</sup>. Отрял қумонлони фуқаролар урушининг қатнашчиси, Украина казакларининг атамани, 1927 йилдан бошлаб СССРнинг Кобулдаги ҳарбий атташеси В. М. Примаков булиб, у «турк офицери Рагиб-бей» номи билан фаолият кўрсатган<sup>3</sup>. Босқинчи совет аскарлари 19 апрелда афғон Туркистонининг муҳим сиёсий ва иқтисодий маркази — Молори Шарифни, 22 апрелда Тошқурғон шаҳларини босиб олишди. Қизил аскарларга қарши жангларда Ҳабибуллахоннинг афғон қушиларидан ташқари Халифа Эшоннинг 2000 кишилик гурухи ва Иброҳимбек йигитлари ҳам қатнашди. Бироқ май ойининг охирида Омонуллахон Ҳабибуллахонга қарши курашни тұхтатиб, күн миңдерда олтин ва қимматбаҳо бойликларни ҳамда қариндош уруғларини олиб, аввал Ҳинҷистонга, сунгра Ғарбга жунаб кетди (у 1960 йилда Швейцарияда вафот эттән). Воқеаларнинг бундай ривожини курган Сталин 31 майда қизил аскарлар отрядини СССРга қайтарди.

Бироқ Ҳабибуллахоннинг күмроплиги узокқа бормади. Омонуллахон даврида ҳарбий вазир бўялан генерал Муҳаммад Нодирхон 1929 йил октябрда Ҳабибуллахонни ҳокимиятдан афдариб, уни қаты қилғач, узи Афғонистон подшоси булиб олди (1929—1933). Нодирхон даврица туркистонлик мұхажирларнинг ахволи яна оғирлашди,

<sup>1</sup> Гиленев В. М. Разгром басмаческих баз в Афганистане. «Военно-исторический журнал», 2000, № 1, с. 35.

<sup>2</sup> Ағабеков Г. Секретный террор. Москва. «Современник», 1996, с. 281.

<sup>3</sup> Прокин А. Спецназ Рагиб-бяя, был, оказывается, и «сталинский репей» в Афганистан. «Труд», 18 января 2000 года.

Ҳабибуллахон томонидан уларга берилган баъзи эркинликларга чек қўйилди.

Муҳожирликдаги дарбадарлик, Афғонистондаги турли сиёсий групчалар уртасидаги келишмовчиликлар ва бу курашда бирор-бир томон қўлида қўғирчоқ бўлиш хавфи ва ниҳоят, энг асосийси, Ватан туйгуси Иброҳимбекни яна орқага — Шарқий Бухорота қайтишга унчади.

1930 йил апрел ойида Иброҳимбек қурбошилар дасталари тузишни тутагиб, совет-афғон чегараси бўйлаб на мойишкорона юришини бошлиди. Иброҳимбек орадан кўп утмай 24—25 майда қурбошилар қурутойини чақирди. Курутойда лоқайлик қурбошилар билан биргаликда 100 дан ортиқ вакил қатнашди<sup>1</sup>. Унда бекнинг энг яқин сафдошлари Утанбек, Мулла Туракул қатнашиб, улар Тожикистон ССР ҳудудига утиш масалаларини ҳал қўтишди. Чегарадан утишни турли нуқталарда амалга ошириш келишиб олинди. Иброҳимбек СССРга қарши ялпи хужумни 1930 йил 3 июл кунига белгилади.

Бироқ кўп сонли жосуслар орқали уларнинг бу режасидан хабар толған мустабид совет режими раҳбарлари зудлик билан қарши зарба ўюштирилдилар. 1930 йил 20 июнда Урта Осиё ҳарбий округининг терма отлиқлар бригадаси Амударёни Айваж қасабаси ёнидан кечиб утиб, Афғонистон ҳудудига босириб киришиди. Совет аскарларига курашда катта тажриба туплаган Яков Мелькумов қўмондонлик килаётган эди. Уларнинг бош мақсади Иброҳимбекнинг Алиободдаги асосий кароргоҳини эгаллаш эди.

Урта Осиё ҳарбий округи қўмондени П. Е. Дибенко номига 1930 йил 26 июнда йўлланган ҳисоботда айтилишича, «ҳаммаси булиб 839 босмачи ва уларнинг фаол таъминотчилари ўлдирилган». Ҳалок булганлар орасида машҳур қурбошилар булган. Бундан ташқари қизил аскарлар томонидан уй-жойлар ҳам бузиб ташланди, қишлоқлардаги экинзорлар пайҳон қилинди, йиғиширилган ҳосил кўйцириб ташланди, улар «200 тую, 80 от, 400 қўйни тортиб олишди»<sup>2</sup>. Иброҳимбек ва унинг яқин сафдоши Утанбек қурбоши кичик даста билан Қора Ботир тогларига чекинишиди. 26 иунга утар кечаси босқинчиликни тутатган Мелькумов отряди Афғонистондан Тожикистон ССР ҳудудига қайтди. Шундай қилиб, Афғонистондаги туркистонлик муҳожирларга қарши қаратилган бу зарба Иброҳим-

<sup>1</sup> РГВА, 25895-фонд, 1-руихат, 696-иш, 602-вараж.

<sup>2</sup> РГВА, 25895-фонд, 1-руихат, 176-иш, 614-вараж.

бекни ўз Ватанита қайтиш мұлдатини яна орқага суреб ташлади.

1931 йыл бошларда Иброҳимбек уз ҳаракатини фаоллаштириб, мұхожирларнинг тарқок күчларини яна бирлаштырди. У үтгандай интиқом олиш истегида бутун вужуди енар эди. Бунинг устига Нодирхон режими билан туркестонлик мұхожирларнинг үргасидаги зицияттар анча кучайди. Архив ҳужжатлардан бирида көлтирилишича, «1930 йыл езила ағғон ҳукумати қуролли күч билан мұхожирларни тугатишта киришди... ва Иброҳимбекка қарши кураш бошлади. Ярим йилдик тұқнашушар натижасида, ағғон қүшинларининг зарбалари остида Иброҳимбек үз отряди билан чегара атрофига келиб үрнашды<sup>1</sup>...»

Иброҳимбек 1931 йыл март ойининг охирида Панж дарёси атрофида кичик қурбошилар дасталарини СССР чета расидан утишини уюштиради. Иброҳимбекнинг үзи 1500 кишилік сараланган қүшин ва 8 нафар қурбошиси билан 1931 йыл 30 марта (айрим манбаларда 2 апрелда) чегарадан угид. Ватан тупротига қадам күйди. Үша даврга оид Урта Осие чегара қүшиншары ОГПУ бойыншаси маълумотларидан айтилишича, «Иброҳимбек СССР худудига кирап экан, унинг аник сиёсий режаси бор эди...»<sup>2</sup>. Дархақиқат, Иброҳимбек уз олдига асосий мақсац қилиб мустабид совет режими ва қызыл армияга қарши курашни күйган эди.

Иброҳимбек тарафдорлари юрга ҳам күплаб топилди. Унинг қүшини сағында юзлаб ватаншарварлар келиб қүшилди. Урта Осиё ҳарбин округи (САВО) штаби ҳисоб-китобларига қараганда, Тожикистаннинг Коғирниён ва Вахш дарёлари оралиғида 1965 киши ва 16 даста ҳаракат қилған<sup>3</sup>. САВО күмөндөни уринбосари И. К. Грязнов бошчылығидағы 1618 ниёда аскар, 1823 отық жантчи, 164 та құл ва 78 та станокли пулемётлар, 12 тадан артилерия, туындар ҳамда самолётлар ёрдамида Иброҳимбек йигитларига қарши 10 апрелда ҳужумта үтилди. Совет жангиларига ОГПУ қүшинлари ёрдамға келишди.

Иброҳимбек қүшини билан совет қысмлари үргасида 3 апрелдан то 18 апрелгача каттық жанглар бўлди. У омон-

РГВА. 25895-фонд. 1-рўйхат, 718-иши, 2-вараж.

<sup>2</sup> Пограничные войска в СССР. 1929—1938. Сборник документов и материалов. Москва. «Наука», 1972. с. 182.

<sup>3</sup> РГВА, 25895-фонд. 1-рўйхат, 721-иши, 133-вараж.

сиз олишувлар билан Вахш дарёсининг ўнг қирғига чекинди, 10 майгача 974 йигитидан ажралди. Иброҳимбекка қарши 4000 аскар жўнатилди. 1931 йил 12 июнда Оқбоштоғда сунгти ва шиддатли муҳораба булди. Бу ҳаёт-мамот курашида Иброҳимбек яраланди ва жангни бой берди. У Коғирниҳон дарёси буйлаб, яна Боботоқда чекинди.

Жанг ҳаракатлари тасвириланган архив ҳужжатларида келтирилишича, 1931 йил 20 март — 29 июнда 77 қурбoshi қулга олинли ва таслим булди. Бу пайтда 1550 истиқолчилчи ўлдирилди, 1750 киши таслим булди<sup>1</sup>. 1931 йил 23 июнда ОГПУ қушинлари 10-отликлар полки 2-дивизиони жангчилари ва совет чекистлари томонидан Иброҳимбек ярадор ҳолатда қулга олинди<sup>2</sup>.

Иброҳимбек зудлик билан аввал Сталинобод (ҳозирги Душанбе), сунгра эса Тошкентга олиб келинди. Чекистыар томонидан утказилган тергов ва даҳшатли қийноқлар ҳам Иброҳимбекнинг маънавий иродасини бука олмади. 1932 йил март ойида булган суд жараёнида у манфур совет режимига қарши узоқ давр мобайнида мардоиавор куаш олиб борганлигини магрурлик билан тъкидиайди. Истиқолчиларнинг сунгти иирик йўлбошгиси Иброҳимбек Чақабой угли ҳарбий трибунал ҳукми билан 1932 йил 31 августда қатл қилинди.

«Иброҳимбек билан бирта «Бутун ислом қушинларининг Олий бош қумондони» деган унвон ҳам дафн этилди, шунингдек, мужоҳидларнинг қаҳрамонона даври ҳам тутади»<sup>3</sup>, — леб ёзган эди англиялик тадқиқотчи Гленда Фрэзер.

Шундай қилиб, Шарқий Бухорода айрим танаффуслар билан 11 йил давомида мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши-фидокорона куашган истиқолчиларнинг бош етакчиси Иброҳимбек қурбошининг кисмати фожиали тугади.

Бухородаги истиқолчиларнинг энг машҳур йўлбошчиси бу шубҳасиз туркиялик ҳарбий саркарда, сиёсий арбоб АНВАР ПОШО хисобланади.

Анвар Пашо (14.06.1881, Истанбул — 04.08.1922, Шарқий Бухоро) факат Туркия ёхуд Туркистонда эмас, балки

<sup>1</sup> РГВА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 721-ийн, 144, 147-варажлар.

<sup>2</sup> Қарант: Baymirza Hayit. Türkiston Rusya ile çin arasında İstanbul, 1975. s. 285; Гиленсен В. М. Разгром басмаческих баз в Афганистане, «Военно-исторический журнал», 2000, №1, С. 40.

<sup>3</sup> Glenda Frazer. Basmachi-II. Central Asian Survey, Oxford, 1987, №2, Р. 27.

бутун мусулмонлар оламида кузга кўринган фидойи инсонлардан бири эди. XX аср бошларида мусулмон дунёсила ҳеч кимнинг шуҳрати унингдек куп тарқалмаган бўлса керак. Анвар Пошо Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия, Туркистон ва Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашиди.

Анвар Пошо 1881 йилда Истанбулда кичик хизматчи Аҳмадбей оиласида тўнғич фарзанд сифатида туғилди. Анвар Пошо 1903 йилда Истанбулдаги ҳарбий академияни тутатди. Академия уни Усмонлилар салтанатига қарашли Македонияда турган З-армияга хизматта юборди. Анвар Пошонинг келиб чиқиши аслида македониялик булиб, унинг болалиги бу ерда утган эди.

Анвар Пошо Туркиядаги Усмонлилар султони Абдулхамид II (1842—1918; султон ва халифалик лаври: 1876—1909)нинг мустабид зулмига чек қўйган Ёш турклар ҳаркатининг раҳбарларидан бири эди. «Иттиҳод ва Тараққий»<sup>1</sup> партияси султонликка қарашли Македонияда 1908 йил 23 июлда ҳокимиятни қўлга олгач, бу воқеалар марказида турған Анвар халқ қаҳрамонига айланиб қолди. Уша йили ҳали 27 ёшга ҳам тўлмаган Анварга генерал ҳарбий унвони — Пошо берилди. Анвар Пошонинг обру ва нуфузи, унинг таъсири тез орада ниҳоятда кучаниб кетди. Анвар Пошони Берлиндаги Туркия ҳарбий атташеси қилиб тайинлашди. У немис тили ва ҳарбий санъатини қунт билан урганди. Унинг Германия билан яқинлашуви шу пайтдан бошланди. Анвар Пошо Италия — Туркия уруши (1911 йил сентябр — 1912 . йил октябр) ва Болқон урушлари (1912 йил октябр — 1913 йил август) даврида Усмонли турк салтанатининг Италия, Болгария, Сербияга қарши олиб борган курашларида жасорат намуналарини кўрсатди. 1913 йил январда бўлган ҳарбий тунтариш натижасида мамлакат тўлиқ равишда Ёш турклар қўлига утди (Иттиҳодчилар 1912 йилда ҳокимиятдан четлашган эдилар). Тальят Пошо, Анвар Пошо, Жамол Пошодан иборат триумфират (учлик) мамлакатни бошқара бошлади. Тальят Пошо Усмонли салтанатининг Бош вазири, Анвар Пошо мамлакатнинг Бош қўмандони ва ҳарбий вазир, Жамол Пошо (1872—1922) ҳарбий дентиз кучлари вазири эди<sup>2</sup> (Улар бу юксак лавозимларда 1918 йилнинг охиригача фаолият кўрсатишиди).

<sup>1</sup> «Иттиҳод ва Тараққий» Ёш туркларнинг маҳфий сиёсий жамияти сифатида 1889 йил Истанбулда таалкил топди.

<sup>2</sup> Қаранг: Турк ҳалқининг буюк фарзанди Отатурк. Т., 1998, 19-бет.

Анвар Пошо Болқон урушлари даврида ҳарбий корпуснинг штаб бошиғи лавозимида ишлаган пайтида унинг күл остида майор Мустафо Камол Отатурк (1881—1938; президентлик даври: 1923—1938) ҳам хизмат қиласар эди. Иккинчи Болқон уруши (1913 йил июн—август) даврида Анвар Пошо қүшинлари болгарларга кучли зарбалар беради. Биринчи урушда Туркиядан тортиб олинган Эдирна шаҳри болгарлар босқинидан озод қилинди. 1914 йил июнда Эдирнага борган Маҳмудхұжа Бекбет (1875—1919) Анвар Пошонинг ҳарбий жасоратларини «Ойна» журналида уша пайтда чоп қыздырган «Саёхат хотиралари»да салимият билан қуидагича тасвирлайди: «...Анварбек түрт күнлик йүлни бир күнде юриб келиб, Адрнани (Эдирнани — *K. P.*) босиб, булғорлардан қайтиб олди. Булғорлар муни билиб, Адрнанинг обод еру хонау аскархонау анборларига ут қуюб экәнларким, бу ушарни ҳам вактида турк аскарлари етиб, сундуруб, булғорлардан бенихоят озуқа, асбоб, мильтиқ ва күп адал тұпларни үлжа олибдурлар... Холоса, Адрнанинг қайтиб олинғанligининг шарафи Еш туркларга ва Анвар Пошога насиб будди»<sup>1</sup>.

Уз иавбатида Анвар Пошо Туркистандан таҳсил олиш учун Туркията борган талабаларға хайрихөдик билан қаранди. Баъзи манбаларда келтирилишича, у Бухородан бу діерга борган Усмон Ҳұжани олий даражада қабул қылған эди. Анвар Пошо 1913 йилда Туркияning ҳарбий вазири, Биринчи жаҳон уруши бошланғач эса бутун Усмонлы турк армиясининг Олий бош күмбездони қилиб тайинланди.

«1913—14 йилдардаги (аслида 1911—12- йилтардаги — *K. P.*) италян-турк уруши вактида Туркистан ахолиси Анварнинг ҳаракатига қандай муносабат билдирганини эслайтык, биз бунда шуни курамиз-ки, ҳатто мактабларда таҳсил олувлар үсмиirlар Анвар Пошо қүшинининг ҳар бир ҳаракатини интиқлик ва фахр билан күзатиб, унинг жасоратита тасаннолар айтишарди, халқ әса беш йил мобайнида унинг шарағига уз үглонларига Анвар исмини қуяр эди»<sup>2</sup>, — деб расмий хужжатларнин бирида сал кейинроқ ёзған эди Туркистан совет республикасининг раҳбарларидан бири.

1914 йил 5 март куни Анварнинг ҳаётіда унтуилмас вөкеа содир булди. У Усмонлилар султони ва халифайининг кизи Нажиба Бегимта уйланди.

Маҳмудхұжа Бекбет. Танланған асарлар. 2-нашри. Т., «Маънавият», 1999, 77-бет; «Ойна», 1914, №41, 981—984-бетлар.

<sup>2</sup> Үзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руихат, 45-шн, 131-варақ.

Туркияниң Германия билан яқинлашуви ныровардида ҳар икки томоннинг 1914 йил 2 августда Антанта давлатларига қарши битим тузиши билан якунланди. 1914 йил 12 ноябрда Туркия Германия томонида туриб, Биринчи жаҳон урушига кирди. Анвар Пошонинг бу яқинлашууда маълум ҳиссаси борлигини таъкидлаб үтиш жоиз. Анвар Пошо армияси икки фронтда: Кавказда Россияга қарши ҳамда Ирек, Ҳижоз, Миср ва Сурияда Англияга қарши урушга киришди. Анвар Пошонинг шахсан узи Кавказ фронтилаги жангларда күмбөнлик қилди. 1914 йил цекабрда Сариқамиш атрофида турклар билан руслар уртасида шиддатли жанглар булди<sup>1</sup>. Айни пайтда жанг харакатларини икки давлат Эрон худудига ҳам кучириб, турк армияси Эрон Озарбайжонида русларни мағлубиятга учратди. Уша пайтда Туркияда бўлган ва мамлакатдаги сиесий вазиятни яхши тушунган рус олими В. А. Гордлевский (кейинчалик у академик булди) ӯзининг «Туркия силуэтлари» (1914) асарида Анвар Пошони «қаҳрамон», «Еш турклар партиясининг энг шуҳратли доҳийси»<sup>2</sup> деб, бежиз таърифламаган эди.

Бироқ Биринчи жаҳон урушида Туркия ва унинг иттифоқчиси Германия мағлубиятга учраган, Анвар Пошо ӯзининг содик сафдошлари Тальят Пошо<sup>3</sup> ва Жамол Пошо<sup>4</sup> билан биргаликда 1918 йил 3 ноября утар кечаси Туркия худудидан чиқиб кетишли.

Туркиялик тарихчи Нермин Менеменси угулининг ёзичча, Анвар Пошо Берлинга 1919 йилнинг бошларида келади. Шу ийленинг июл ойида Истанбул ҳарбий суди уч пошо ва дустлари Нозимбекни үлим жазосига сиртдан ҳукм килади. Орадан кўп утмай бу ҳукм асоссиз деб топилди.

Матлубиятга учраган Германия Анвар Пошонинг фаолият курсатиши учун унга шароит яратиб берса олмайди. «Итиҳод ва Тараккӣ» партияси раҳбарларининг, шу жумладан, Анвар Пошонинг ҳам асосий фикри тобора нуфузи ошиб бораётган совет Россияси билан алоқани йўлга кўйинига қаратилди. Анвар Пошо немис коммунисти Карл

<sup>1</sup> Каранг: Всемирная история. Т. VII. М., 1966, с. 523.

<sup>2</sup> Гордлевский В. А. Избранные сочинения. Т. III. История и культура. М., 1962, с. 88.

<sup>3</sup> Тальят Пошо (1874—1921) 1921 йил 16 марта Берлинда номаълум арман террорчиси томонидан үлдирилди.

<sup>4</sup> Жамол Пошо (1872 — 1922) Истанбулда тутилди. 1908 ишдан бошлаб муҳим ҳарбий давозимларда ишлани. 1922 йил 21 июнда Тифлислага Карапет бошлиқ арман террорчилари томонидан үлдирилди.

Радекнинг (1885—1939) тавсиясига биноан Москвага жунайди. Анвар Пошо Москвага автомобизда кириб боради ва шу лаҳзадаёқ Зиновьев томонидан Бокуда 1920 йил 1—7 сентябрда буладиган Шарқ халқларининг қурултойида қатнашиш учун олиб кетилади.

Г. Е. Зиновьев (1883—1936) Коминтерн (Коммунистик Интернационал) Ижроия Комитетининг раиси булиб, Лениннинг курсатмаси билан у Бокудаги қурултой фаолиятига раҳбарлик қилган эди. Анвар Пошо қурултойда иштирок қиласа ҳам, Зиновьев икки кунилик тортишувлардан сунг унга нугқ сұзлаш учун имконият бермайды. Фақат Анвар Пошо тайёрлаган маъруза матни Афандизода томонидан қурултойда ўқиб әшиттирилади.

Мунаввар қорининг кейинчалик ўз хотираларида ёзишича, у қурултой жараёнида Анвар Пошо билан икки марта учрашган. Қурултой қатнашчилари Анвар Пошони зур әхтиром билан кутуб олишади, хусусан, у билан туркистанлик мусулмон делегатлари үртасида самимий мұлқотлар булади. Коминтерн раиси Г. Е. Зиновьев Башқирдистон миллий ҳукуматининг собиқ раиси Валидийга бу анжуман ишида қатнашишга рухсат бермайды. Мунаввар қори бу пайтда Бокуда ярим яширин ҳолатда фаолият курсатаелтан Валидий билан бир неча марта учрашади<sup>1</sup>. Қурултой очилмасдан аввал, 29 августда, Валидий Ашхобод атрофиде Туркистан делегацияси келаётгап поездга чиқиб, Турор Рискулов ва Туракул Жонузоқов билан маҳфий тарзда суҳбатлашган эди<sup>2</sup>. Улар бу учрашувларда совет режимига қарши биргаликда кураш олиб бориш түгрисида, Туркистандаги истиклолчилик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш ҳақида узаро фикр алмашадилар ва икдиш холосага келадилар.

Анвар Пошонинг совет Россияси билан ҳамкорлик қилған даври (1920 йил ёзи — 1921 йил сентябр) унинг таржимаи ҳолидаги энг қоронги ва чалкаш сақиғаларни ташкил қиласиди. Адолат юзасидан айтганда, Анвар Пошо ҳақида хорижда ва үзимиизда ёзилған китобларда бир-бирига зид фикрлар, қарама-қарши баҳо ва талқынлар мавжуд. Бу асарларда ҳақиқат билан үйдирма шунчалик қоришиб кетганини, уларни бир-биридан ажратиш тарихидан мушкул вазифа ва машаққатли меҳнат талаб қиласи.

<sup>1</sup> Қаранг: Мунаввар қори Абдурағипидхонов. Хотираларимдан, 27—28-бетлар.

<sup>2</sup> Zeki Veliîi Togan. Hatîralar, s. 288—289.

Мавжуд бўлган архив ҳужжатлари ва замондошлиарининг хотиралари асосида Анвар Пошонинг совет Россияси ва Бухородаги фаолиятини куриб чиқамиз.

«Анвар Москвада хотиржам яшар ва ҳурмат-эътиборга сазовор эди»<sup>1</sup>. — деб таъкидланади уша давр ҳужжатларининг бирида. Советлар билан ҳамкорликнинг дастлабки даврида Анвар Пошо большевиклар йулбошчиси Лениннинг фикрларини туғри деб уйлади, у ҳатто Шарқ ҳалқларининг коммунизм байроғи остида Туркияниң азалий душмани Англия империализмига қарши курашга чақириди. Албатта, бу курашга даъват Ленин ва унинг сафзошлиари томонидан Анвар Пошонинг онгига сингдирилган эди. Бироқ жанг жадаллар ва турли саргузаштларга уч, маълум маънода таваккалчи бўлган Анвар Пошо «...Москвада хотиржам яшашни истамади...», у 1921 йилюнда «...Москвалан Ботумига келди. Шу кунларда Мустафо Камол йинглизлар билан ҳёт-мамот жангига киришган эди...»<sup>2</sup>.

1921 йил 16 марта Москвада совет Россияси билан Туркия ўргасида дўстлик ва биродарлик ҳакида, 13 октябрда Туркия билан бошқа совет республикалари ўргасида шартномалар тузилган эди. Бу шартномалар натижасида икки янги давлат — Россия билан Туркия узаро муносабатларни яхшилаб олиши. Мустафо Камол қукумати Россиядан Анвар Пошони Туркияга қайтаришни ёки уни чегарадош Кавказ ҳудудидан чиқариб юборишни қатъий талаб қилиди. Шунинг учун ҳам РСФСР ҳукумати Анатолиядаги миллий турк ҳарбий кучларига қарши ҳеч қандай ҳаракат қилимасликни Кавказда турган Анвар Пошога тайинлади ва «унга Анатолия Ботумиси сриаридан зудлик билан чиқиб кетишини буюрди. Анвар Пошо ушбу буйрукни олтац, Түркестонга жұнади ва Бухорога етиб келди...»<sup>3</sup> Шундай килиб, шахсан Лениннинг кўрсатмаси билан Анвар Пошо Бухорога жұнатилди. «Улар Анвар Пошони ургадан четлаштириш учун Урта Осиёга юборган булишлари ҳам мумкин», — деб ёзганида турк тарихчиси Нермин Менеменси уели эхтимол ҳақдир.

Анвар Пошо 1921 йил октябрда Бухоро шаҳрига келганда унинг оидида икки йулдан бири турар эди: Бухоро-

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 26-шн, 66-нрак.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, уша жойла.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, уша жойла.

<sup>4</sup> Нермин Менеменси ўғли, Анвар Пошо Туркистонда «Саодат», 1992, № 9, 6-бет.

даги истиқолчилар қаторига утиб, бу ҳаракатни бошқариш, янын совет режимига ошкора қарши чиқиш ёки Афғонистонга яширин равища утиб кетиш. Тутри, учинчи йул — Москвага қайтиб кетиш имконияти ҳам йүқ эмас эди. Анвар Пошо бу муқаддас шаҳарда Бухоро ҳукуматининг бошлиги Файзулла Хужаев ва бошқа давлат арбоблари билан бир неча марта учрашди.

Туркистондаги сиёсий жараённинг фаол қатнашчиларидан бири, асли бошқирдистонлик Аҳмад Заки Валидий Тугон үзининг «Хотиралар» китобида Анвар Пошо билан Бухоро шаҳрида булиб утган учрашувларни батафсил тасвирлайди<sup>1</sup>.

Анвар Пошо булиб утган ана шундай учрашувлардан кейин қатъий бир қарорга келди. У Шарқий Бухорога бориб, истиқолчилар сафига қўшилмоқчи эканини үзининг дустлари ва сафдошларига маълум қилди.

Анвар Пошо Бухоро шаҳри билан мангута хайрдашган кун — 1921 йил 8 ноябр булди. «Шу куни аввало, амирнинг шаҳар ташқарисидаги саройи яқинидаги милиция биносига бордик, — дейди Пошо. — Бир рус милтиғи ва юзта уқ олдим. Йулга тушибик. Ниҳоят, чулга чиқиб, асл йулга етишибик». Анвар Пошо учун бу йул — роҳатсизлик, азоб ва руҳий қийноқлар иули эди. Унинг учун бу кунлар

— бағоят зиндиятли, уйловли, кунглини гоҳо тушкунлик куюни куршаб олган армонли кунлар эди. Бухорога у жуда улуғ ният, юксак орзу-умидлар билан кириб келганди. Кондош ва диндош қардошларини бир байроқ остида бирлаштириш, уларта бош булиб, шон ва зафарлар қучиш, бу табаррук заминни келгинди босқинчилар кўлидан халос этиб, асрий эркинлигини қайта тиклаш истаги уни Бухорони шарифга чорлаганди. Бухорони Пошо курди: бузилган, қарийб бир вайронага айлантирилган шаҳар жуда маҳзун ва чацажон билан ахволда эзи<sup>2</sup>...

Анвар Пошо Бухородан жунаб кетар экан, Туркистондаги истиқолчилик ҳаракатига қўшилишини Валидийга очиқ тарзда айтди ва унинг айрим маслаҳатларини қабул килди. Валидийнинг эътирофича, «унинг бу мамлакатининг Россия қуллигидан кутқаришга жонини фидо қилишга қарори қатъимилиги кўриниб турарди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Zeki Velidi Togan. Hatiralar, s. 328 – 337.

<sup>2</sup> Иброҳим Ҳакқул. «Кутубни ўлдузи» йўқлинка кирмас... «Бухоро ҳақиқати». 1995 йил 27 декабр.

<sup>3</sup> Zeki Velidi Togan. Hatiralar, s. 334.

«Анвар Пошо Бухорода қолиб ишларимиз билан шүгүлланганда эди. — дейди уша даврда Бухоро Марказий Ижроия Кумитаси раиси Усмон Хужа, — бутун Туркистан миллий кувватларини ислоҳ қилиб ва янгидан оекдантириб, ҳақиқий бир армияни яратган булурди. Чунки уша қунларда у ердаги турклар орасида Анвар Пошо даражасида лаекатли, тажрибали ва шуҳратли бир қумондон, ҳатто Афғонистон, Ироқ, хуллас, бутун ислом оламида ҳам йўқ эди. Масалан, 1921 йил декабр ойида руслар билан орамиз бузилганда «Оҳ, ҳозир Анвар Пошо булсайди...», — деярой, уни ҳасратла эслагандик. У замон Анвар сенимизда булсайди, бизга улут маънавий бир кувват булиб қолмасдан, биз уни дарҳол Баш қумондон этиб сайлардик».

Ҳақиқатан ҳам Анвар Пошо уша даврдаги мураккаб бир тарихий шароитда Туркистан аскарий ишлари учун бағоят зарур шахс эди. Аммо унинг Бухорога келиши юқорида таъкидланганнидек фақат совет маъмурлари ва муарриҳари томонидан ҳам ногури талқин этилиб, бу борада жуда куп тухмат ва елғонлар туқилгандир. У Балжуондан туриб, рафиқаси Нажиба бегимга ёзган сунгти мактубида шу тугрида ҳам тухталган: «Сен билурсанки, маним ҳақимда тухмат-ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбаҳт кимсаларнинг иддао этганидек, мен бу олис диёрларда (яъни, Бухорода — К. Р.) мол-дунё ахтариб, бой булмоқ ёки уз ҳокимиётимни курмоқ учун келганим йўқ. Мени сендан узоқлаштириб бу жойларга келтирган Жаноби ҳақнинг зиммамга юклатани муқаддас бир вазифашир»<sup>1</sup>.

Унинг рафиқасига йуллаган мазкур охирги хати Анвар Пошо маънавий дунёси қанчалик бутун буюк шахс эканлигидан, унинг иймони бакувватлигидан далолат берувчи бир ҳужжат ҳамдир.

Хорижлик тадқиқотчи Гленда Фрэзернинг ёзишича, Бухорода большевикларга қарши курашнинг ҳаракатлантирувчи кучи «либерал жадидлар, консерватив мусулмон етакчилари ва төглиқ қабилалар мустақил доҳийларининг машаққатли иттифоқи булиб, уларни Анвар Пошонинг фусункор исми бирлаштирган эди»<sup>2</sup>.

Фарблик бошқа бир тадқиқотчи Марта Олкоттининг тарькилашича, «Анвар Пошонинг оҳанрабони эслатувчи шахси

<sup>1</sup> Анвар Пошонинг сунгти мактуби. «Ўзбетим». Т., 1992. 71-бет.

<sup>2</sup> Glenda Frazer. Basmachi-I. Central Asian Survey, Oxford, 1987, № 1 P. 63.

ва унинг даъвати Туркистон ҳалқи ўртасида катта ақс-садо уйғотди ва улар томонидан қўллаб-қувватланди<sup>1</sup>.

Анвар Пошо истиқлолчиларнинг жанговар кучини ошириди. У Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этди ва уни турк зобитлари билан мустаҳкамлади, гарбча қўмондоилик услубини жорий қилди. Бутун Туркистон худудида совет режими ва қизил армияга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирилди. Анвар Пошо курсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм курбошиларининг учрашувлари мунтазам равишда угказиб турилди ва уларга керакли иул-йуриклар берилди. Шунинг учун ҳам туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчининг қўйидаги сузлари ўша даврнинг яхлит манзарасини тутри намоён қиласи: «Анвар Пошонинг Бухорода Туркистон тупрогига қадам қўйиши, Туркистоннинг ҳар томонида булганидек, Фарғонада ҳам курбошилар ва ҳалқ орасида қизғин меҳр билан қаршиланди, истиқлол умидини буюк маҳсад ҳаракатига айлантирилди»<sup>2</sup>.

Анвар Пошо Шарқий Бухорога келгач, Фарғонада булган турк зобитларидан Исмоил Ҳаққибейни ёнига ҷақиради. Унгача Пошонинг Бухорога келганилигини Афғонистон почта ходимлари орқали эшитган Фарғона курбошиларининг Бош қўмондони Шермуҳаммадбек Исмоил Ҳаққибей билан биргаликда Анвар Пошога ўз эҳтироми ва боғлиқлигини билдиримок учун Музаффархон мингбoshi раҳбарлигига бир ҳайъатни Шарқий Бухорога юборади. Анвар Пошо ундан Фарғона миллий муродаласи ҳақида барча маълумотларни олгач, уни Кулоб курбошиси Давлатмандбек хузурига жунатди.

Анвар Пошонинг Шермуҳаммадбекка юборган маҳсус мактубида (1922 йил февралда ёзилсан) шундай сузлар битилган эди:

«Муҳтарам фидокор муҳоҳид орқадошлар! Жаноби Оллоҳнинг ёрдами билан дину имон душмани булмиш большевикларни Душанбе, Шурчи, Сариосиё, Денов ва Қабодиёндан қувиб чиқардик... Большевик қўшинларининг катта қисми Бойсун гарнizonida үрнашиб олган. Бунга қарши Дарвоз, Боботоғ, Денов, Коратоғ аскарларидан гаркиб топган қўшинларимиз Бойсунни муҳофаза этишга

<sup>1</sup> Қарант: Ҳидоятова Н. Анвар Пошо ва босмачиллик ҳаракати. «Инсон ва демократия», 1993, №4, 52-бет.

<sup>2</sup> Ali Bademci. 1917—1934. Türkistan Milli İstiklal Hareketi ve Enver Paşa Korbasılar. Cild I. İstanbul, 1975, s. 380.

тайёрланмокдалар. Бойсунда мухораба давом этаётир. Иншоллоҳ, якин орада бу туманни ҳам озод этажакмиз...»<sup>1</sup>

Хоразм курбошиларининг етакчиси Жунаидхон билан Анвар Пошо уртасида ҳам үзаро алоқалар мавжуд бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Анвар Пошо давридагина Афғонистондан бухоролик истиқлолчилар учун қурол-яроғ, ҳатто афғон сарбозларидан иборат гуруҳлар жўнатилиди. Бухоро амири Сайд Олимхон ва афғон амири Омонуллахон Анвар Пошо орқали Туркистондаги истиқлолчи дасталар билан доимий алоқани йўлга қўйи бўрклилар.

Гленда Фрэзернинг фикрича, «Мужоҳидлар уша пайтда миллатниарварлик ҳаракатининг энг қудратли, эҳтимол, энг оммавий қисмини ташкил қила олдилар»<sup>2</sup>.

Анвар Пошо бир вақтнинг узида ҳам ҳарбий саркарда, ҳам уста сиёсатчи, ҳам моҳир дипломат ва давлат арбоби бўлишта иштирекчилар эди. Аксарият ҳолларда у бунга муваффақ була олганлигини эътироф қилишга бурчлимиз.

Туркистонлик ватандошимиз Шаҳобиддин Яссавийнинг ёзишича, Анвар Пошо мұқаадас курашга кирав экан, қуйидаги шиорларни майдонга ташлайди: «Туркистон – турк миллатининг юргидир! Ёвларимиз Туркистондан даф бўлсун! Туркистон халқининг гайрати на бирлиги эгилмасун!..»<sup>3</sup>

Бухоро телеграф агентлиги томонидан 1922 йил 16 августан чиқарилган шошилинч хабарномаса қуйидагиларни уқиймиз: «Балжувон за Ховалинг атрофларида Анварнинг ... улими... Босмачиларнинг йулбошчиси Анвар Пошо қўй жангига бешта ҳалокатли жароҳат олиб, улдирилди»<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, Анвар Пошо 1922 йил 4 август жума куни, Курбон Ҳайити байрамининг иккинчи кунида Балжувон яқинида қизил аскарлар билан бўлган жангда улдирилди<sup>5</sup>. Анвар Пояновнинг улими ҳақидаги хабар бутун Туркистон үлкасига яшин тезлигида тарқацди ва уни дағи этиш маросимида, айтишларича, қачонлардир Анвар Пошо билан бирга туриб кураштан 25 минг кишидан ҳам кўп халқ туттланди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ali Bademci. 1917–1934. Turkistan Milli İstiklal Hareketi ve Enver Paşa. Korbasilar. Cild I, s. 384

<sup>2</sup> Glenda Frazer. Basmachi-L. P. 53.

<sup>3</sup> Шаҳобиддин Яссавий Исмоилийх улли. Turkistan Acciç Naqiqatları. 2-Baskı (Ўзбек тилида араб иълоси билан). Истанбул, 1984, 111-бет.

<sup>4</sup> Узбекистон МДА, 47-фонд, I-рўйхат, 343-иш, 35-варак.

<sup>5</sup> Zeki Velidi Togan. Hatirlar, s. 389–390.

<sup>6</sup> Нермин Менеменси улли. Куреатилган мақола...

Бухоро амирининг ёзишича<sup>1</sup>, «унинг жасади Чакан мавзейида Ҳазрати Султон деган ном билан машҳур булган зиёратгоҳ жойга дағи этилди». Тўлоннинг сузиги қаратанда, «ҳамма жойга тарқалган мотам қушиқлари» ёзилди.

Худди аиа шундай мотам марсияларининг энг машҳури Туркистоннинг буюк эркесвар шоири Чулпон қашамига мансуб «Балжувон» марсиясидир. Бу марсия 1922 йил авгуист ойида битилган. Узбек шеърияти тарихида мазмун моҳияти, маслак муросасизлиги жихатидан «Балжувон»га ухшаш ёки яқин келадиган иккинчи бир шеър ёзилмагандир. Бор-йўғи йигирма олти мисрали шеър бағрига яширинган қайгули тарихий маъно, очиқ фарёд ва толесизлик аламини унлаб достонлар таркибига ҳам сингцириб булмайди. Бу шеър «Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдаланирувчи суздан яралган шеърий бир ҳайкал» (Иброҳим Ҳаққул) десак асло муболага булмайди.

Чулпон Анвар Пошонинг шаҳид бўлганлигини назарда тутиб, «қонлар йиелатди-ку бизни бу хабар», — дейди ва Балжувонда тукилган қонларни — «тарихнинг рангини» узгартирган қон дея ҳукм чиқарали:

Корайтган, тулдирган бироқ Балжувон  
Энг сунгги умидни қонга буяган,  
Оҳ, қандай хайрсиз замонлар келган!<sup>2</sup>

Шундай қилиб, Анвар Пошо туркий ҳалқлар озодлиги учун уз жонини фидо қилди ва номи Туркистон тарихида абадий қолди.

Фарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги истиклолчиларнинг сардори булган МУЛЛА АБДУЛҚАҲОР (1884–1924) ҳам кузга куринган йирик кўрбоши булган. Бухоронинг сунгти амири Саид Олимхон уз хотираларида Мулла Абдулқаҳор фаолиятига маҳсус тухтагиб, унинг қылган ишларини алоҳида бобда ёритган.

Мулла Абдулқаҳор Бухоронинг Фиждувон туманида 1884 йилда туғилди. У ёштигиданоқ уқимишли ва билимдон бўлғанилиги учун чор атрофга «мулла» деб номи кеттан эди. Чунки у Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасида таҳсил олганди. 1920 йил сентябрда Саид Олимхон Бухоро шаҳрини тарқ этгач, «Бухоро шаҳри атрофидаги фуқаро-

<sup>1</sup> Амир Саййид Олимхон. Ўша асар, 21-бет.

<sup>2</sup> Чулпоннинг «Балжувон» марсияси иш марта гулиқ ҳолида Ўзбекистон матбуотида 1995 йил 10 июнда «Миллий тикланиш» газстасининг дастлабки сонида эълон қилинди.

лар, Фиждувон, Пирмас. Вобкент, Хўжа Ориф (Шофирикон — *K. P.*), Хутфор, Вагонза (Кизилтепа — *K. P.*), Коракул туманлари аҳолиси ва фуқаролари, тахминан, ўн беш минг нафар одам<sup>1</sup> қизил аскарларга қарши курашга тұлғанды. Сайд Олимхоннинг фармони билан унинг «Мулла Абдулқаҳдор деган мұытабар ҳамсуҳбати бухоролик фидокор фуқароларга йуловчи сардор қилиб»<sup>2</sup> тайинланды.

Мулла Абдулқаҳдор раҳбарлигіда Бухоро ва Карманадағи үшлаб қурбоши дасталари бирлаштирилди. Бир хужжатда ёзилишича, унинг күл остида Бухоронинг гарбий қисмидан 20 та курбоши тұлғанған<sup>3</sup>. Үрмон Полвон, Шукур Хўжа, Жура Амин, Ҳайит Амин, Остон Коровулбети (Остонча), Сайд Мансур, Мурод Мешкоб, Аъзам Ҳожи, Азимхужа, Ҳамро Полвон, Тош Мурдашгүй. Хушвақт ва Сирожхужа каби сардорлар унин әңг нуғузли курбошлилари санаған. Метан Полвон ва Наим Полвон Мулла Абдулқаҳдорнинг туғыштан уқалари бўлиб, душманга нисбатан шафқатсизликлари билан ном чиқарған эдилар. Улар асосан Фиждувон, Шофирикон, Вобкент, Ромитан, Коракул туманлари ва Нуротада үз фаолиятларини кучайтирудилар.

Мулла Абдулқаҳдор Бухоро шаҳри атрофидаги тумандарда «фидокор мужоҳидларга раҳбарлық қилиб, аскарлар орасида тартиб-интизом үрнаттач, ... Фиждувон туманини душман қулидан қутқарди ва уни үз тасарруфига киргазди». Сайд Олимхон үз хотираларида ёзишича, «иигирма беш минг нафардан ортиқрек жамоа» Мулла Абдулқаҳдор раҳбарлигіда тұлғанды. Мулла Абдулқаҳдор Фиждувон, Шофирикон ва Вобкентда үз ҳокимиятини үрнаттач, Нурота вилояти сари юрди. Унинг асосий қароргохи Нуротада жойлашган эди. Бу ердан у атроф тумандарга үз вакилларини жунатиб, йўл-йуриқлар курсатиб турған.

Бироқ Мулла Абдулқаҳдор курбоши ҳам худди Ибрөхимбек сингари жадидларни емон куар ғолиби. У истиклолчиларга ҳарбий қурол-яреғлардан фойдаланишни үргатиши мақсадида Туркистан Миллий Бирлиги жамияти томонидан юборилған бир нечта бошқирд зобигларини үлдиртиради. Валидийнинг хотирлашича, улар кейинчалик үзаро учрашғанларища Мулла Абдулқаҳдорнинг бундай қалғабинлигидан қаттиқ ғазабланғаныгинаи айтади. Мулла Абдулқаҳдор улардан кечирим сўрайди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Амир Сайд Олимхон. Ўша асар, 20-бет.

<sup>2</sup> Амир Сайд Олимхон. Ўша асар, 20-бет.

<sup>3</sup> РГВА, 895-фонд, 1-рўйхат, 12-инч, 218-варақ.

<sup>4</sup> Zeki Velidi Togan. Hatiralar, s. 347.

Бу воқеалардан сунг Мулла Абдулқаҳдор яна икки йилдан зиёдроқ қызил аскар қисмлари билан ҳаёт-мамот жангларини олиб борди. Унинг асосии қароргоҳи Нуротада жойлашган булса ҳам, бу пайтда белоёни Кизилқум чуллари Абдулқаҳдорнинг макони эди. Мулла Абдулқаҳдор турт йиллик истиқбол жангларидан сунг 1924 йилнинг охирида Кизилқумда булган тұқиашувларнинг бирида улдирилди.

Шарқий Бухорода Иброҳимбекдан ташқари яна жуда куплаб нуғузли қурбошилар булған. Бу уринда фақат Давлатмандбек ва Фузайл Махдум, шунингдек, Ҳамро Полвон ва аёл қурбошилар ҳақида қисқача тұхтаб үтмоқчимиз.

**ДАВЛАТМАНДБЕК** Камолиддинбек үэли Балжувондан 25 чақирим наридаги Гл қиынлогида туғилған эди<sup>1</sup>. Давлатмандбек қурбоши Шарқий Бухоронинг Балжувон, Конкурд, Чигон минтақаларида озодлик байропини кутартған булиб, 1921 йилнинг бошида кураш майдонига кирған пайтида ихтиёрида 2000 дан ортиқ йигит булған. Аны Бодомчининг езишича «ҳақиқатда юксак салоҳият соқиби — қаҳрамон бир қурбоши булған. Бундан ташқари, миллий шуур жиҳатидан ҳам Шарқий Бухоро қурбошиларининг эңг ойдинаидір. Миңгий ҳукumatнинг чақириқ ва амрларини туғри түшүнгән ҳамда Анвар Понсоннинг сафига құшилған илк йигитлардан булған».

Давлатмандбек Бухоро амирлиги даврида саройда юқори лавозимларда хизмат қылған, амир ҳарбий күшларининг бошлиғи — лашкарбошиси ҳам булған эди. Балжувон ва Шеробод бекликларида унинг катта ер-мұлки булиб, Балжувонда беклик ҳам қылған. Балжувон яқинида бұлған машхур жангда (1922 йил 4 август) Анвар Понсо билан бир сафда туриб, қаҳрамонларча кураштан за ҳалок булған.

«Давлатмандбек ҳам уз юрти, уз миллати ва миллии номуси учун фидо булғы»<sup>2</sup>. Давлатмандбек қурбоши ҳалок булғач, унинг үэли Абдулқодирбек ҳам отаси сингари уз ботирлиги ва душманга нисбатан нафрати билан шұхрат қозонди.

**ФУЗАЙЛ МАХДУМ** Карманада туғилған булиб, у Шарқий Бухоро билан Фарғона водийсі уртасидаги Қоратегегин вилоятинин қурбошиси булған. У Қоратегинде беклик ҳам

<sup>1</sup> Аблуқаюм парвоначининг иқорори. «Ватан», №48—49, 1993 йил 8 десабр.

<sup>2</sup> Шаҳобиддин Яссавий Иемойшшайх үэли. Turkistan Acciқ Нағірдаттары, s. 111.

қылган. Фузайл Махдум Қоратегин ва Шеробод миңтақаларида душманга қарши кураш олиб борган тадбирли ва баҳодир бир кўмондон эди. Иброҳимбекнинг асосий уринбосари бўлган Фузайл Махдум кул остида 26 та қурбоши дасталари ҳаракат қылган<sup>1</sup>. «Маърифатли бир дин одами. Узоқ замон амирликка содик қолган, охир-оқибатда эса 3000 дан ортиқ йигити билан миллий истиқдол йулида жанг қылган»<sup>2</sup>.

Фузайл Махдумнинг энг машхур жангларидан бири қизил аскарлар қўлидан 1921 йил март ойида Дарвоз қасабасини озод этиб, бу ердаги совет режимига барҳам берганилигиdir. У Ғарм ва Қалъайи Хумбни узоқ вақттacha босқинчи қизил аскарлар тажовузидан ҳимоя қилиб турди. Фузайл Махдум уз қушини билан Анвар Пошога сал кеинироқ қушилса-да, Давлатмандбек сингари унга охиригача содик қолди. Пошонинг улемидан сунт, Иброҳимбек бошчилигида курашни яна давом эттириди. Йигирманчи йилларнинг ўртасида у ҳам ўз гуруҳи билан Афғонистонга утиб кетди. Бироқ Афғонистондан Шарқий Бухоро ҳудудига бир неча марта қайтиб, қизил аскарларга кескин зарбалар берди. Хусусан, унинг 1929 йил апрел-май ойларида Дарвоз ва Ғармни ишғол қилишиб совет режимини жуда катта таҳликага қўйди. Фузайл Махдум ҳозирги Тожикистон тупроғида совет армиясига қарши жангларда 30-йилларнинг бошларигача иштирок қилиди. Кейин эса у Афғонистонга бутунлай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур булади.

**ҲАМРО ПОЛВОН (1892 – 1941)** – Ҳамро Шодиев 1892 йили Бухоро амирлиги Ромитан туманидаги Работалак қишлоғида ҳунарманд оиласида туғилган. Болалигида отасидан ажрагач, унинг тарбияси билан амакиси шугулланди. У ёшлигидан бошлаб полвон сифатида ном чиқарган. Бугунти кунда узбекча кураш тарзида дунёга танилаётган бухороча курашнинг моҳир устаси ҳисобланган Ҳамро Полвон кураш тушганда қуллаган усуллар ҳозиргача Бухоро полвонлари ўртасида нақи қилинади, давраларда унинг маҳорати ёдга олинади. Ҳамро Полвон 1911 йили Бухорода ўтказилган Гулисурҳ сайли – Наврӯз байрамида барча рақиблари курагини ерга текказиб, Бухоро амирлигининг бош полвони деб топилади. У кейинчалик юз-

<sup>1</sup> РГБА, 895-фонд, 1-руихат, 12-иц, 218-варақ.  
Ali Bademci, 1917–1934. Türkistan Millî İstiklal Hareketi ve Enver Paşa. Koşbaşilar. Cild I, s. 499.

боши унвонига сазовор булиб, амир Саид Олимхон саройида хизмат қилади.

Ҳамро Полвон Бухорога қизил армия бостириб кирган илк кунлардан бошлаб босқинчиларга қарши истиқтол курашига қушилади. Ўз атрофига Ромитан туманидан чиққан жумард йигитларни туплаб, босқинчиларга қарши ҳаётмамот жангариини олиб боради. 1920—1922 йилларда Ҳамро Полвон дастаси Ромитан ва Жондор туманиндида ҳамда Бухоро шаҳри атрофларида ҳаракат қилган. Ҳамро Полвоннинг кейинги фаолияти Шофиркон тумани ва Жилвон билан чамбарчас боелиқдир. 1922—1923 йилларда у Ҳайит Амин қурбошининг гуруҳида йигит сифатида жанг қилган. Ҳайит Аминнинг үламидан сунт узи кичик бир даста тушиб, Шофиркон ва Вобкеит туманиндида босқинчи қизил аскарларга қарши курашган. Бу ҳолатни Ҳамро Полвоннинг узи 1932 йил февралда терговга берган курсатмасида қўйидаги изоҳлайди: «Мен Бухородан келиб, Ҳужа Ориф қишлоғида уч кун яшаганимдан сунг Ҳайит Амин ва Урмон Полвон мени уз сафларига даъват этишди. Мен икки ой давомида Ҳайит Амин гуруҳида йигит сифатида жанг қилдим... 1924 йилда Ҳужа Ориф ревкомига таслим булдим ва Ҳужа Ориф қишлоқ кенгашидаги Тезгузар қишлоғида яшай бошладим. Мен «босмачилар» сафидан Ҳайит Амин жангда улцирилиб, унинг йигитлари Урмон Полвон гуруҳига бориб қушилгач, чиқиб кетганман (У 1924 йилда 5 йигити билан совет ҳокимиятига таслим булган эди — К. Р.). 1927 йилда мен колхозга қирганман»<sup>1</sup>.

Ҳамро Полвон утган асрнинг 20-йиллари урталаридан бошлаб, асосий куроли — милтиқни кетмонга алмаштириб. Жилвон массивини узлаштиришга киришади. Бирок унинг бу яратувчилик фаолияти узокқа чузилмайди. 1941 йили у учинчи марта қамоққа олиниб, мустабид совет режими томонидан қатагон қилинди<sup>2</sup>.

Бухоролик қурбошилар орасида аёллар ҳам булган. Карманалик **НОДИРА ҚИЗ** улардан бири ҳисобланади. Нодира 1904 йилда Кармана беклигизаги Кўзибокар қишлоғида Мулла Раҳматиллабой хонадонида туғынди. Нодира ёшлидан савод чиқариш билан бир қаторда чавандозлик ва тирандозлик каби ҳарбий жанг санъати турларини шухта

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Миллий ҳафсиганлик хизмати архиви, 1586-иш, П-3491, 14-вараж.

<sup>2</sup> Диліпәд Ражаб. Жилвон уғлони. Т., 2001. 55-бет.

эгаллади. Нодира хүснә тенгсиз қыз бўлса ҳам, тақдир тақозоси билан турмушга чиқмаган.

1923 йили қизил аскарлар Нодиранинг кинологига бостириб кириб, унинг 2 ақасини үлдиришади. Мулла Раҳматилабой 1925 йилда ўз оиласи билан Афғонистонга йул олади. Сайд Мансур Олимий «Бухоро — Туркистоннинг бешиги» асарида гувоҳлик беришича. Нодира қыз Иброҳимбек қушинидаги маҳсус аёллар дастасига раҳбарлик қилган. Нодира қыз дастаси қизил аскарлар юрагига гулгула солган. 1931 йили Иброҳимбек СССР ҳудудига кирганида унинг қушини сафида Нодира қыз ҳам бўлган. Афсуски, унинг кейинги тақдирни ҳозиргача номаълум<sup>1</sup>.

Бухоро қурбошиларининг аксарияти ҳалқимиз ургасида кенг тарқалган бўхороча курашнинг моҳир усталари булиб, улар полвон сифатида ном чиқарган эдилар. Ҳатто аёллардан ҳам гушналар (полвонлар) бўлган. Масалан, гиждувонлик Салима жинжак (1901—1937) номли гушна аёл истиқдолчиларнинг хуфияси ҳисобланиб, муҳим маълумотларни уларга етказиб турган. Шурчилик Ибодат баттол (1900—1923) номли полвон аёлнинг фаолияти ҳам таҳсинга сазовор<sup>2</sup>.

Демак, Бухоро қурбошилари, эл-юрт манфаати ва Ватан мустақиллиги йулида босқинчи қизил аскар қисмларига ва мустабид совет режимига қарши матонат билан кураш олиб бордилар. Улар Бухоро ватанпарварларининг истиқдолчилик харакатига ҳарбий жиҳатдан раҳбарлик қилган эдилар.

Каранг: Хайрулла Исматулла. Ҳурриятта интилган ҳур қыз. «Миллий тикланиш», 2000 йил, 8 август.

<sup>2</sup> Ражабов Қ. Туркистон асл қурбошилари қисмати. «Гулистон», 2002, № 2, 12—13 бетлар.

## **II боб. БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ ҲАРАКАТИНИНГ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

---

### **1. БУХОРОДА МУХОЛИФАТ ҲАРАКАТИНИНГ БОШЛАНИШИ ВА УНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАРИ (1920 йил кузи — 1921 йил октябр)**

Бухоро мамлакатининг ҳукмдори амир Саид Олимхон 1920 йил 1 сентябрда, кескин жанглардан сунг, пойтахт Бухоро шаҳрини тарқ этишга мажбур булгач, Вобкент, Шоғиркон, Фиждувой, Қизилтепа туманлари ва Ургачул орқали Қарши чулига чиқиб кетди. Амирининг кейинчалик узи ёзган хотираларида келтирилишича, мабодо муболага қилинмаган бўлса, йигирма беш минг нафардан иборат бухороликлар (улар сафига Фиждувонда яна ун минг киши қушилди) унга ҳамроҳ булишиди.

Бу пайтда М.В. Фрунзе бошчилигидаги Туркистон фронти қушинлари томонидан босиб олинган Бухоро шаҳрида «инқилобий» жараёнлар жамиятнинг минг йиллик асосларини ларзага келтираётган эди. «Бухоро ахбори» газетасида ёзилишича, 1920 йил 6 ва 9 сентябрда Бухоро Марказий фавқулодда текширув комиссияси (Бухоро Чекаси — раиси Ҳожи Ҳасан Аҳромим ўғли) томонидан йирик уламолар: қозикалон мулла Бадриддин, домла Фахриддин, Қори Амин Исро菲尔 ўғли, шунингдек, Абдулҳамидхўжа, Абдулраззоқ Боқи ўғли, Мухторхўжа Сайдғанихўжа ўғли, Мирзо Сафар бий Шариф ўғли, Мирзо Омон Бурҳон ўғли, Аҳадхўжа Азизхўжа ўғли ва бошқалар аксилҳаракатчиликда айбланиб, отиб улдиришга ҳукм қилинди. Бундан ташқари 1920 йил 18 октябрда бўлган Олий Инқилоб ҳарбий ҳукм маҳкамаси (Ревтрибунал — раиси Олимжон Акчурин) мажлисида қозикалон Бурҳониддин, раис Мулла Асомиддин, Аҳрорқул Тўқсабо, Усмонбек қушбеги, Ҳожи Қаршибек каби Бухоронинг куплаб машҳур кишилари 24 соат ичида отиб улдиришга ҳукм қилинди ва улар зудлик билан қатл қилинди. «Бухоро ахбори» газетасининг 21 ноябрдаги сонила Бухорода қатл қилинган бошқа 29 кишининг ҳам исм-шарифи келтириб утилади. Туғри, ўлимга ҳукм қилинганлар орасида Бухоро амирининг жаллоди Нурулла Уста Холбой ўғли, ҳукмдорнинг махфий жаллоди ва чироқчиси (сарой амалдори) Ҳусайн Али Мирхон ўғли, Ёш бухоро-

ликларни улдирған Неъмат Қобил (лақаби «жаллод»), Абдулжаббор Абдулғаффор, Аблулҳалим Абдулкарим, Нураддин Хўжа подшоҳ Хўжа каби ҳалқ нафратига сазовор булган кимсалар ҳам бор эди.

Собиқ хукмдорнинг қочиб кетишга ултурмаган амалдорлари ва сарой аъёнлари, куп миқдордаги нуғузли рұхонийлар кейинчалик ҳам мунтазам равишда большевик чекистлар томонидан отиб ташланди. Уларга қарашли булган завод ва фабрикалар, хусусий корхоналар, омборлар, пахта ва ишак заҳиралари, бутун мол-мулжалари мусодара килинди<sup>1</sup>.

«Бухородаги Хуржун, Ҳожи Зоҳид, Мулло Муҳаммад Шариф Савдогар, Пушаймон, Уткир қўшбеги, Фотҳали қушбеги мадрасалари қизил аскарлар томонидан қамоқхоналарга айлантирилди. Ҳазрати Имом дарвозаси ичидаги Мирзо Урганжий ҳовлиси «иккинчи зиндан» номини олди»<sup>2</sup>, — деб уша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди булган маҳаллий муаррих Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг «Тарихи Нофсий» асарида ёзган эди.

Шундай қилиб, бутун мусулмон оламида «шариф шаҳар» ва «ислом динининг гумбази» сифатида шуҳрат қозонган муқаддас Бухорои Шариф коммунистлар томонидан қизил Бухорога айлантирила бошланди. Бухоронинг турли жойларида зудлик билан инқилобий қўмита — ревкомлар тузилди.

Бухоронинг марказий қисмларидан шошилинч чекинаётган Сайд Олимхон Қарши ва Ғузордан ҳам утиб, Бойсун беклиги ҳудудига кириб борди. Архив хужжатларида келтирилишича, собиқ амир Сайд Олимхон яхши қуролланган 300 кишилик отлиқтар, шу жумладан, Афғонистон ҳукуматининг вакили Муҳаммад Акбархон бошчилигидаги 100 та афғон сарбози ҳимояси остида 1920 йил 10 сентябрда Бойсунга етиб келишди<sup>3</sup>. Бироқ Сайд Олимхон уз хотираларила Бойсун түғрисида суз юритмай, балки Курғонтепага борганлигини тилга олади. Ҳолбуки, Курғонтепага у сал кейинроқ боргац.

<sup>1</sup> Қаранг: Joseph Gastagne. «Turkistan Milli Kurtuluş Hareketi». İstanbul, 1981, s. 115; Кастанье Жозеф. Бухарская республика. «Позиция», 1993, № 1, с. 16.

<sup>2</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофсий. Қулёзма, 54-вараж Асарни т.ф.д. Ш. Воҳидов тожик тилидан таржима қилган. Таржима қўлэзмасини тақдим қилганилиги учун муаллиф унга ўз миннатдорчилигини билдиради.

<sup>3</sup> Ирқаев М. История гражданской войны в Таджикистане. Душанбе, 1963, с. 191.

Бойсун беги Саид Аҳмад «кутилмаган меҳмон»ни бир оз ҳайратланиб, қаршилийди. Саид Олимхон бу ерда саноқли кунлар булишига қарамасдан, у «Бойсун вилоятига қарашли Бандардан то Дарбандгача душман олдини олиш учун истеҳкомлар қурдиртиради»<sup>1</sup>. Аммо орқадан етиб келган қизил аскарларнинг хужумига унинг сарбозлари дош бера олмайди. Дарбанд ва Сайробда булган жанглардан сунг, Саид Олимхон «Бухоронинг шарқи булган Ҳисор вилоятига» жунаганлигини уз мемуарида ёзиб колдирган. У Ҳисор ва Деновга янги ҳокимларни тайинлайди<sup>2</sup>.

Ўз вақтида Ёш бухоролик жадидларнинг мамлакатда демократик ислоҳотлар утказиш ҳақидаги таклифларига кескин салбий муносабат билдириган собиқ амир энди босқинчи қизил армия жангчиларига қарши мустақиллик курашини ташкил қилингта уринди. Дарҳақиқат, қисқа фурсат ичида Саид Олимхон бошчилигидаги қушин сафиға Шарқий ва Ўрта Бухородан кўплаб ватанпарварлар келиб қушилди.

Саид Олимхон Душанбе ва Қоратогда ҳам булгач, Ҳисор шаҳрини ўзига қароргоҳ қилиб белгилайди. Шарқий Бухорадаги Иброҳимбек, Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Эшон Султон, Тогай Сари, Авлиёқулбек<sup>3</sup>, Абдураҳмонбек, Алимардонбек каби нуфузли кишилар, уруғ бошлиқлари ва беклари, йирик дин арбоблари собиқ амир ҳузурида тулланишди. Улар Шарқий Бухорони қизил аскарлар қулига тоғширмаслик, янги ҳокимиятни тан олмаслик ва унга буйсунмасликка қарор қилдилар.

Саид Олимхон уз лашкарларининг бошлиғи қилиб, ҳарбий вазир булган тоғаси Муҳаммад Саидбек Парвоначини, шунингдек, Абдулҳафиз Парвоначи ва Иброҳимбекни тайинлайди. «Ҳисор вилоятида большевикларга қарши олти ой давомида кураш ва жанг олиб бордим»<sup>4</sup>, — деб ёзган эди у.

Саид Олимхон бу даврда ҳарбий куч ва қурол-яроғ сураб, Афғонистон амири ҳузурига уз ишончли вакилларини жунатли. Афсуски, Афғонистондан етиб келган срдамчи кучлар, қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳалар ҳам унчалик куп эмас эди. Бундан ташқари, Саид Олимхон ҳали Шарқий

<sup>1</sup> РГВА (Российской Государственной Военный архив), 268-фонд, I-рўйхат, 144-иш, 8-варақ.

<sup>2</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофейӣ, 47-варақ.

<sup>3</sup> Авлиёқулбек 1920 йилнинг охирида Ҳисорнинг беги булган. Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофсий, 58-варақ.

<sup>4</sup> Амир Саид Олимхон. Уша асар, 16-бет

Бухорода эканлигидәек уз вакиллари орқали большевикларга қарши курашиш учун ҳарбий ёрдам сураб Европа мамлакатларига, хусусан, Англияга бир неча марта мурожаат қилди. Афсуски, унинг бу илтимосига Англия ва Европадаги бошқа давлатлар совуққонлик билан қараб, ҳеч қандай амалий ёрдам курсатишмади.

Мунтазам армиянинг мавжуд эмаслиги, қурол-яроғларнинг етишмаслиги, замонавий ҳарбий мутахассисларнинг деярли йўқлиги ва бошқа қатор қийинчиликларга қарамасдан қисқа муддат ичидаги Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши тураладиган катта миқдордаги ҳарбий кучлар тупланди. Бухоро Ҳалқ Республикаси Ревкоми номига жунатилган қизил аскарларнинг разведка маълумотларида айтилишича, 1920 йил 23 ноябрда «Бойсунда Бури Тўқсабо қўмондонлигига 7000 киши (5 та пулемёти билан), Денов шаҳрида 1000 киши, Сариосиёда 3000 кини, Сангардак қишлоғида (Юрчига кетиш йўлида) 140 киши, Бахчи қишлоғида (Тошкўргондан 20 чакирим жануби-шарқда) Эшон Боши қўмондонлигига 600 киши, Дарбандда 100 кишидан ортиқ қўшин»<sup>1</sup> тупланди. Ушбу 12 минг кишига яқин қўшин 23 ноябрда Тошкўргон гомонга юриш қилиб, уни эгаллади. Шуниси характерлики, ушбу ҳужжатда ёзилишича, «амир қўшинлари Шарқий Бухородаги кунгиллилар ҳисобидан тузилган эди». Бироқ қўшинда ағон аскарлари ҳам булган.

Сайд Олимхон Кулоб, Ҳисор ва Душанбе атрофида катта миқдордаги кучларни бирлаштиришга муваффақ булди. 1920 йил ноябр ойининг урталарида унинг қўшинлари Бойсун, Дарбанд ва Шерободни эгаллашди<sup>2</sup>.

БХСР Ревкоми ва ички ишлар нозири номига жунатилган бошқа бир маҳфий ҳужжатда айтилишича, «...Шеробод шаҳри атрофидаги бизнинг қисмларга (Шеробод гарнizoniga — K.R.) қарши душман турли милтиқлар билан куролланган 7000 кишидан иборат кучни ташлади, улар орасида Денов, Юрчи ва Ҳисор шаҳарларининг аҳолиси бор эди. Шеробод шаҳри атрофидаги жангларда қатнашган душман уз кучларини Бойсун, Ҳисор ва Шарқий Бухоронинг бошқа шаҳарларидан бу ерга олиб ташлаган эди, уларнинг аскарлари ҳозир ҳам келиб турибди. Душман кучларининг тазиيқи остида Шеробод гарнizonи 27 ноябрда

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 10-иш, 130-зарақ

<sup>2</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Том II. I., «Фан», 1970, с. 313.

Шеробод шаҳрини ташлаб чиқди ва Ангор қишлоғига (Термиздан 20 чақирим шимоли-ғарбда) чекинди. Шеробод шаҳрида булган жанг қатнашчиларининг фикрига қараганда, амир Қўшиналарининг мутаассиблиги (аслида жасорати — *K.P.*) шу даражага бориб етганки, улар бизнинг артиллерия ва пулеметдан тинмай ўт очишимизга қарамасдан, фақат олига ташланишарди...

Шеробод тумани ва Ангор қишлоғидан атиги 6 чақирим шимоли-шарқ, шимол ва шимоли-ғарбда жойлашган қишлоқларда душманнинг 8000 кишиси жойлашган. Жосуслик матъумотларига қараганда, Бухоро амири русларга қарши муқаллас уруш эълон қилған, унинг чақириги Шарқий Бухоро қишлоқларининг аҳолиси томонидан хайрихоҳчик билан кутиб олинмоқда<sup>1</sup>.

Эски Бухоро шаҳрига жунатилган навбатдаги ҳужжатда (4.XII.1920 й.) ёзилишича, қизил армиянинг 8-полки батальонлари Шерободни 27 ноябрда ташлаб чиққач, аввал Ангор, сунгра Гермиз томонга қочишиади. 28 ноябр куни кечгача истиқлолчилар Ангордан 6-чақирим шимол, шимоли-шарқ, шимоли-ғарбда жойлашган бутун қишлоқларни эгаллашиди.

Истиқлолчилик ҳаракати тез орада Шарқий Бухородан Урта Бухорага ҳам тарқалди. Ф.Хужаевнинг эътироф килишича, «узбек қабилалари... бошлиқлари томонидан Шарқий Бухорода бошланган босмачилик ҳаракати Бухоронинг бошқа қисмларида ҳам қўшлаб-кувватланди». Босқинчи қизил аскарлар ва Бухородаги янти ҳукуматга қарши кутарилган катта кузғолонлардан бири «Урта Бухоронинг собиқ Шаҳрисабз, Яққабоғ, Китоб, Чироқчи бекликларида бошланди. Бутуртга беклик Урта Бухоронинг атрофи тоғлар билан ураб олинган, аҳолисининг деярли ҳаммаси узбек қабилаларидан иборат булган битта катта районни ташкил этган эди»<sup>2</sup>.

24 декабрда қузғолон Шаҳрисабз, Яққабоғ, Китоб, Чироқчидаги бошланди. Бу ерда тупланган 2500 киши Сайд Олимхон қўшинлари сафига қушилишни истаб, Шарқий Бухоро томон юришиди. Урта Бухородаги қўзғолончилар асосан қизил аскарларнинг Бухородан чиқиб кетишини ва исломий руҳдаги талабларни ўргага қўйишиди. Шундай қилиб, «1920 йил декабрнинг охирида амир 15000 кишига яқин лашкар туплади»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 46-фонд, 2-руйкат, 10-иш, 124—126-вараж.

<sup>2</sup> Файзулла Хужаев. Тацланган асарлар. I-том, 233-, 244-бетлар.

<sup>3</sup> Файзулла Хужаев. Уша китоб, 504-бет.

Совет кумондонлиги ҳали 1920 йил октябр ойининг охирларидаёқ Шарқий Бухорони босиб олиш учун маҳсус экспедиция жўнатишни режалаштирган эди. 9 ноябрда I-армия қўмондони Г.В. Зиновьевнинг буйруғи билан Бухоро ҳудудидаги барча совет ҳарбий бўлинмалари ва қалъалардаги гарнизонлар Бухоро группа қушиналари таркибига киритилди. Унинг яқин орадаги вазифаси қилиб, Ҳисор экспедициясини ўтказиш белгиланди<sup>1</sup>.

1920 йил 17 декабрда Ҳисор экспедицияси қисмлари дивизия командири Марсов бошчилигига Қаршидан йўлга чиқиши. Улар 20 декабря жант билан Дарбандни эгаллаши.

Афсуски, кучлар тенг эмас эди. Аввал ҳам ёзib ўтилганидек, бу пайтда Бухорода замонавий қурол-яроғлар ва жанговар техника билан қуролланган Қизил армиянинг 70 минг тажрибали жангчisi бор эди. Архивлардаги хужжатлар 1920 йилдаги кучлар нисбатини ана шундай ифодалайди<sup>2</sup>. Бу ҳолни Сайд Олимхон ҳам тушунмаслиги мумкин эмас эди. Истиқдолчилар қушинида қурол-яроғ етишмаган. 1920 йил кузида совет режими Кримда Врангел армияси устидан ғалаба қозонгач, асосий эътиборни Туркистон минтақасига, шу жумладан, Бухоро республикасига қаратди. Бухородаги қўзғолончиларга қарши Россия марказидан келтирилган янги ҳарбий қисмлар, сараланган ва жангларда чиниқсан қизил аскарлар ташланди. Айнан ушбу ҳолат Урта Бухородаги қўзғолонни янада авж олиб кетишига йул қўймади.

«23 декабря қизил аскарлар уч турли қуроллар ёрдамида 5 соатлик жангдан сўнг Шаҳрисабзни эгаллашиди. Душман Чироқчи — Китоб йуналиши томонга чекинди. 25 декабря душман Шаҳрисабзни қайта эгалаш учун қарши хужумга утди, бу жойда жанглар кетмокда...»<sup>3</sup>, — деб таъкидланади қизил аскарлар қумондонининг ёзган рапортида.

Бухоро группаси қушиналари қумондонлиги томонидан 1920 йил 24 декабря чиқарилган буйруқда Китоб—Шаҳрисабз, Чироқчи—Яккабоғ—Ёртепа атрофларида кутарилган аксилинқилобий қўзғолонни тутатиш учун шошилинч ва қатъий талбирлар белгиланди. Бу тадбирларнинг энг асо-

<sup>1</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т.II, с. 315; РГВА, 110-фонд, 3-рўйхат, 260-иш, 3-варақ.

<sup>2</sup> См.: Крушельников А. Бухарская революция. Диктатура по телеграфу. «Родина», 1989. № 1, с. 33.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 46 фонд, 2-рўйхат, 10-иш, 6-варақ.

сийси Қашқадарे воҳасидаги қўзғолончилар билан Сангардак, Юрчи ва Деновда жойлашган 4470 кишидан иборат Саид Олимхон қўмандонлигидаги қўшинларни бирлантиришга йул қўймаслик эди. Шунинг учун ҳам Самарқанддан йулга чиқсан Ионов отряди 25 декабрда Тахтакорача шовонини эгаллайди. Довондан тушиш йуллари эса 26 декабр эрталаб ишғол этилди<sup>1</sup>.

Урта Бухорода жанглар қизиб кетди. Истиқлолчилар қулидан декабр ойининг охирларида Шахрисабздан ташқари Китоб, Чироқчи, Яккабоғ шаҳарлари тортиб олинди. Қўзғолончилар Шарқий Бухорога ута олишмаганилиги учун Урга ва Шарқий Бухородаги истиқлолчилар қўшини ўзаро бирлаша олмади. Бу пайтга келиб Шеробод шаҳрини ҳам қизил аскарлар босиб олишган эди.

«Қизил аскарлар томонидан 24 декабрда Шеробод шаҳри эгалланганда мужоҳидларнинг 8000 кишилик армиясида ҳар ўн кишига биттадан милтиқ туфри келарди, бунинг устига ҳар милтиқда бор-йўғи 3—5 дона ўқ бор эди, холос. Мужоҳидлар Қабодиён шаҳридан 80 чақирим шарқдаги Сарой томонга чекинишди»<sup>2</sup>, — деб большевикларнинг расмий ҳужжатларидан бирида курсатилади.

24 декабрдан бошлаб Бухоро группаси қўшинлари Туркистон фронти штаби ихтиерига утказилди. Бухоро республикаси ҳудудидаги барча ҳарбий қисмлар эса Бухоро группаси қўшинлари штабига сўзсиз равишда бўйсуниши лозим эди<sup>3</sup>. Бу пайтга келиб, фақат Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган Ҳисор экспедицияси таркибида 10 мингдан ортиқ қизил аскар бўлган.

Қизил аскарларнин кагта миқдордаги ҳарбий кучлари истиқлолчиларнинг ҳам ўз қўшинини яхлит қўмандонлик остига бирлаштиришни тақозо қиласар эди. Бу даврда Саид Олимхон Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати билан алоқани йулга қўйди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Фарғонадан 4000 йигит Шарқий Бухорога етиб келган<sup>4</sup>. Ҳисордан Кўлоб вилоятига келган Саид Олимхон бутун қўшинларига Мулла Муҳаммад Иброҳимбек Девонбеки (Иброҳимбек лақай) ва Давлатмандбек Девонбегини лашкарбошилар қилиб тайинлади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, ўша жойда, 103-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, ўша жойда, 8-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, ўша жойда, 103-варак.

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 12-варак.

<sup>5</sup> Каранг: Амир Саййид Олимхон, Ўша асар, 16-бет.

Бухоро республикаси Марказий Ревкоми ва Ҳалқ Но-  
зирлар Шуроси раиси номига жұнатылған «мұтлақо мах-  
фий» маълумотда ёзилишича, 1921 йил 1 январга келиб  
Бухоро амирининг армияси 15000 кишидан ортиб кетди.  
Бу хужжатда амир кучларининг жойлаштырылыш тартиби ҳам  
келтирилді: «Бухоро амирининг тоғаси Туражон (собиқ  
Шаршауз беги) Ҳазрат Имом Сайдда (Қурғонтепадан 70  
чақирик жанубда) жойлаштырылған... Деновда Бурибай ва унинг  
ёрдамчеси Шариф Бойвачча бошчилігінде асосан ов ми-  
лтиқлари билан қоролланған 1500 кишилик гурұх мавжуд.  
Бу гурұх түб ахоли орасидаги қунғиллілар ҳисобидан ту-  
зилған, қунғиллілар үртасида Бухоро, Самарқанд ва Фар-  
ғонадан келген сартлар (узбеклар — Қ.Р.) бор. Юрчи шах-  
рида Ҳожи Мурод Тұқсабо бошчилігінде түрли миңтиқлар  
билан қоролланған, маҳаллій ахолидан иборат 200 киши-  
лик гурұх жойлаштырылған... Ҳисорда самарқандлық Турсунбай  
ва биродары Одилнинг 200 кишилик гурұхи, туркманлар-  
нинг Олтиқул бошчилігінде 150 кишилик гурұхи урнаш-  
ған. Шаҳар қалъасида битта пилта түп бор. Ҳисорда сафар-  
барлық давом этмоқда. Қунғиллілар ва сафарбар қилин-  
ғанларни самарқандлық Ражаб миңтиқ отиши ва ҳарбий ишга  
урғатмоқда... Ҳисорда Турсунбайнинг биродары Одил на-  
зорати остида ишлайды қорол-яроғларни тұзатадыган  
устахона мавжуд, унда етти киши ишлайди»<sup>1</sup>.

Қисқа муддат ичида Сайд Олимхон уз армияси миңдо-  
рини янада күнайтырды. 1921 йил 8 январдаги разведка  
маълумотларига қараганда, «Бухоро амири қушинининг  
миңдори 25000 кишига етган, уни сафарбар қилинғанлар  
ҳисобидан 50000 кишига етказылған мүлжалланымоқда. Қушиң  
турли миңтиқлар, бир нечта пулемёттар ва 8 та түп билан  
қоролланған. Миңтиқлар етарли даражада, лекин үқ-дори  
етищмайды. Үқ-дорини мунтазам равишда етказиб бериш  
учун Ҳисорда үқ-дори заводи ишга туширилди. Завод ишини  
4 та австриялик бошқармоқда... Амир Афғонистон томони-  
дан берилады қорол-яроғларни тұзатадыган қорол-яроғ өнімдерін  
олиб бориши учун етарли миңдорда қорол-яроғ ва ҳарбий  
инструкторлар жұнатыш вайда қилинған»<sup>2</sup>.

Уша даврга оид бошқа бир хужжатда ҳам Сайд Олим-  
хон қушинининг миңдори 25000 киши деб курсатылады<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 12-варақ ва унинг  
орқаси.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 14-варақ ва унинг  
орқаси.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 10-иш, 3-варақ.

Истиқлолчилар билан қизил аскарлар ўртасида Бойсун учун қаттік жаңглар кетди. 1921 йил январ ойининг бошларыда қизил аскарлар дастрраб Бойсунни эгаллашди. Сунгра Бойсун беги катта миқдорда күч тұплаб қарши ҳужумга үтди, ҳатто шағарнинг шарқий қисмими босқынчи қизил аскарлардан озод қылды. Иккі ҳаfta давомида яна шағар учун шиддатли жаңглар бұлды. Бу орада қизил армиянинг катта миқдордаги отлиқдар полки ва бошқа қисмлар Сайд Олимхон томонидан бойсунликтарға ёрдамға юборилған 10 минг кишиilik армияни Бандихон дарасида мағлубиятта учратди. Бойсун ёнидаги жаңгларда истиқлолчилар қизил аскарларнинг дивизия командири Марсовни үлдиришди. Аммо улар оқибат натижада Бойсунни ташлаб чиқишига мажбур булишди.

Бойсундаги жаңгларда истиқлолчилар мағлубиятта учраган бұлсалар ҳам, улар Денов ёнида катта миқдордаги күчларни туплашди. 13 февралда жұнатылған қизил аскарларнинг жосуслик маълумотларига қараганда, «Денов, Юрчи шағарлари ва атроф қишлоқларда қаршиilik Бури бойвачча бошчилигида 5000 кишиilik құшин тупланди. Бу құшин таркибида тахминан 500 кишиilik туркман, 200 кишиilik афғон, 300 кишиilik Фарғона босмачилари булиб, қолғанлари Бухоро амирининг доимий сарбозлари, турк ва шербачча полклари, маҳаллий аҳоли вакиллари эди... Босмачилар Душанбедан келишди. Улар Шерматтинг одамлари булиб, амирнинг илтимоси билан Куршермат (Шермуҳаммадбек — *K.P.*) томонидан Шарқий Бухорога жұнатылған... Деновда 5 та пилта тұп ва 2 пулемётта зәғ құшин бор... Миршоди қишлоғида (Деновдан 20 чақирик жануби-гарбда) Деновдаги құшиннинг бир қисми — 1400 кишиilik гуруҳ бор, ... бу гуруҳ Бури бойваччага бүйсунади. Бир ой аввал амир Душанбеда эди, касал булиб қолғач, Курғонтепага жұнаш тараддудига түшди, лекин вазиятни куриб, яна Душанбе шаҳрида қолди. Бу пайтда унинг олдига Кобулдан 10 кишиilik афғонларнинг делегацияси ташриф буюрди ва тез орада амирға мадад келишини маълум қилишди»<sup>2</sup>.

Лекин Афғонистондан хеч қандай қуроли күчлар ёрдамға юборылмади. Қизил армиянинг тажрибали жаңгилари билан булған шиддатли жаңгда Бухоро истиқлолчилари бу гал ҳам дош беріша олмади. 1921 йил 15 февралда душман

<sup>1</sup> Ирқаев М. Ұша асар, 201-варап.

Узбекистон МДА, 46-фонд, 2-рұйхат, 19 иш, 37 варақ.

Деновни эгаллази. Тез орада истиқолчилар кўлидан Юрчи, Сариосиё ва Сарижуй ҳам тортиб олинди. Ҳужум қилиб келаётган совет қушилари Регарда шиддатли қаршиликка дуч келдилар, лекин бу шаҳар ва сунгра Коратоғ ҳам улар томонидан эгалланди. Ҳусусан, 1921 йил 20 февралдан бошлаб Ҳисорга кираверинида шафқатсиз жанглар қизиб кетди<sup>1</sup>.

«Известия» газетаси<sup>2</sup> уша кунларда ушбу сатрларни ёзган эди: «...Амир ҳукмронлик қилаётган ҳудуд кундан-кунга қисқармокда. У баҳорга келиб, ё тоғларга чиқиб кетиши, ё Бухоро ҳудудини тарқ этиши лозим бўлади. Унинг ихтиёрида факат Шарқий Бухоронинг Ҳисор, Душанбе, Файзобод вилоятлари қолди. Унинг ихтиёрида факат 600 аскар бор»<sup>3</sup>.

Бу воқеалардан сўни Said Олимхоннинг қароргоҳи — Душанбе шаҳрига ҳужум бошланди. 20 февралда у шаҳарни ташлаб чиққач, аввал Кулоб вилоятига чекинди. 1921 йил 4 марта Said Олимхон Чубек деган жойдан Афғонистон давлатига ўтиб кетди.

Said Олимхон Бухоро тупроғини тарқ эттач, истиқлолчилик ҳаракати суниш урнига аксинча ловуллаб, аланга олиб кетди. Ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида кўплаб қурбоши дасталари тузилди. Шарқий Бухорода: Балжувонда Ҷавлатмандбек, Кенткурда Ашурбек ва Мирза Солих, Кулобда Ашур Тўқабо, Курғонтепада Тоғай Сари, Дангарада Абдуқаюм парвоначи<sup>4</sup>, Лоқайда Иброҳимбек, Дарвозда Эшон Султон, Коратегинда Фузайл Махдум, Файзободда Ғаюrbек, Сариосиё ва Қоратоғда Абдураҳмонбек, Боботоғда Ҳайитбек подҳоҳ, Душанбса Раҳмон додҳоҳ, Сурхонда Ҳуррамбек, Ҳисорда Али Мардонбек ва Темурбек, Урта Бухорода: Қаршида Жўраҳӯжа, Фузорда Авлиё-

<sup>1</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т. II, с. 317.

<sup>2</sup> Известия (г. Ташкент), №37, 18 февраля 1921 г., История Бухарской Народной Советской Республики (1920—1924 гг.). Сборник документов. Т., «Фан», 1976, с. 243.

<sup>3</sup> «Известия» газетасидаги бу маълумот кишида жиддий шубҳа уйғоради. Чунки Шарқий Бухорони назорат қилиб туриш учун 600 аскар мутлақо етмайди. Бир оз кейинроқ Said Олимхон Афғонистонга олтин, жавоҳирлар ва қимматбаҳо буюмлар ортилган 300 туюдан иборат карвои билан ўтиб кеташи. Ҳатто ушбу карвоини қуриқлаш учун ҳам юқоридаги миқдордан кўра купроқ кишилар керак эди. Ўз-ўзидан қўриниб туриблики, Said Олимхоннинг тарафлорлари газетадаги мазкур маълумотда атайлаб жуда камайтириб кўрсатилган.

<sup>4</sup> Абдуқаюм парвоначи Иброҳимбекнинг қайнотаси бўлган.

кул кўрбоши, Каркида Кулмуҳаммадбек ва Абдураҳмон Ботир, Саройкамар ва Олатоғда Достонқул ва Түқсанбой, Шаҳрисабз ва Яккабоғда Жаббор каби қўрбошилар йирик дасталар тузиб, истиқлолчиларнинг озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилдилар. Тўғри, бу қўрбошиларнинг кўпчилиги амирнинг собиқ амалдорлари, ўз туманларининг беклари ёки йирик дин арбоблари булишган. Лекин, шунга қарамасдан, улар боқинчи қизил армия ва большевикларга қарши курашга отланган юртдошларининг ҳаракатини яхлит бир йуналишда бирлаштира олдилар. Улар узлари эгаллаб турган ҳудудларда ислом дини ва шариат асосида ўз бошқарув усулларини ўрнатдилар.

Туткаул атрофида Иброҳимбек, Давлатмандбек, Тогай Сари ва Эгамберли ўзларининг 3000 кишилик суворийлари билан қизил аскарларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Бироқ шиддатли жанглардан сунг, 24 феврал кечкурун Давлатмандбек бошчилигидаги 1800 суворий Кангурт орқали Балжувонга жунаб кетди, қушиннинг қолган қисми эса Иброҳимбек етакчилигига Кулоб томонга қараб йул олди. 1921 йил 25 февралда Роганов бошчилигидаги 2-отлиқлар полки Кулобни эгаллади.

Фарм учун булган жангларда эса Шарқий Бухородаги мужоҳидлар билан бир сафда туриб, фарғоналик истиқлолчилар ҳам қизил аскарларга қарши курашдилар. Шермуҳаммадбек ва унинг кул остидаги Нурмат Мингбоши ва Аскар Полвоң бошчилигидаги истиқдолчилар Қоратегин беги Фузайл Махдум билан Фармни душмандан мардларча мудофаа қилишларига қарамай, З мартда қизиллар шаҳарни эгаллашди. Натижада Шермуҳаммадбек ўз қушини билан Олой воҳаси орқали Фарғонага чекинган бўлса, Фузайл Махдум Дарвозга жунади.

Фарм вилоятида ҳаракат қилаётган Фузайл Махдум ўз қушинлари сафини 1000 та отлиқка етказиб, Жирғаталада уларни тўплади. Дарвоз беги Эшон Султон булса 700 суворийси билан Камчирак довонида турди. Ҳар икки қўрбоши ўз кучларини бирлаштиргач, Фармдаги қизил аскарларга қарши хужумга ўтишиди. Бу даврда истиқдолчиларнинг қулида Жирғатала, Чилдара ва Тавилдара каби стратегик жихатдан муҳим булган манзиллар бор эди.

20 июня Матчо беги Абдуҳафиз ўзининг 2500 йигити билан Қоратегинга келди. У Сурхобни эгаллаб, қалъани қамал қилди. Фарм қалъасидаги қизил аскарларга катта микдордаги ёрдам кучи етиб келгач, Матчо бегининг қушини мағлубиятга учради.

Дарвоз беги Эшон Султон булса худди шу кунларда узининг 1000 та суворийси билан Сурхобнинг чап қирғоғидаги Лангар, Маҳалла ва Хост қишлоқларини эгаллади.

Шарқий Бухорода бошланиб, бутун Бухоро республикасида кенг тарқалиб кетган истиқлолчилик ҳаракати Тошкент ва Москвадаги совет ҳукумати арбобларининг қаттиқ газабланишига сабаб булди. Марказдаги партия ва совет раҳбарлари Файзулла Ҳужаев бошлиқ Бухоро ҳукуматини истиқлолчиларга қарши кескин чоралар курмаётталиқда айблашди. Чунки мабодо Бухоро истиқлолчилари билан Туркистонда ҳаракат қилаётган бошқа ватанпарвар кучлар бирлашиб, истиқлолчилар ягона куч булиб уюша олсалар, улкада совет ҳокимиятининг тугатилиши аниқ булиб қоларди. Большевиклар энг аввало мана шундан қаттиқ курқишиарди. 1920 йил 26 декабря Бухоро шаҳрига келган РКП(б) МК Туркбюро раисининг уринбосари Г. Сафаров ўша куни чақирилган республика фаолларининг йиғилишида катта нутқ сузлади<sup>1</sup>. Сафаров уз маърузасида бухоролик инқилобчилар шаънига ҳақоратомуз гапларни айтди.

Бутун Бухоро Ревкомининг раиси А. Мұхитдинов ва Халқ Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Ҳужаев бу воқеадан сунг РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигига норозилик нотаси билан мурожаат қилиб, Сафаров уларни шоҳақ айблаётганини таъкидлашди. Сафаров юқорида айтилган йиғилишда Бухоро ҳукуматини «совет қароқчилари тудаси» деган, «Бухоро инқилоби паспортсиз инқилобдир» деб айблар қўйган эди. У йиғилганларга қаратса таҳдид билан «Биз сизларнинг ҳаммангизни отиб таштаймиз<sup>2</sup>» деб, уз сүзининг охира уларга «чўчқалар» дей мурожаат қилган<sup>2</sup>.

Бухоро давлати раҳбарлари уз норозилик ноталарига РСФСР ҳукумати томонидан радио орқали жавоб берилиши ва Сафаров қилмишлари изоҳтанишини таъаб қилишди. Улар большевиклар қулида қўғирчоқ эмасликларини таъкидлашди. Мунаввар қорининг ёзишича, Бухоро давлати раҳбарларининг норозилик чақириғидан сунг Сафаров Бухордан чақириб олинди.

1921 йил 4 марта РСФСР билан Бухоро Халқ Республикаси уртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Бу шартнома мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшиллари

<sup>1</sup> Қаранг: Узбекистон НРИДА, 14- фонд, 1- рўйхат, 4- иш, 1—5- варақлар.

<sup>2</sup> Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году. «Вопросы истории», 1993, №7, с. 51.

туришини қонуний асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг түгридан-түгри ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди. Шундай қилиб, Иттифоқ шартномаси Бухоро ватанпарварларининг совет режимига қарши олиб бораётган курашларини яна ҳам қийинлаштириди, чунки қудратли шимолий қушининг ҳарбий мадади билангина бу ерда совет ҳокимиияти сақлаб турилаётган эди.

1921 йил апрелининг охири ва май ойининг бошларида Шарқий Бухорода қизил армиянинг босқинчилик ҳаракатларига қарши оммавий равишда халқ қузғолонлари қайтадан бошланиб кетди. «Халқ қузғолони, — деб 25 июнда маъруза қиласан эди 1-Туркистон отлиқлар дивизиясининг собиқ командири Спасский, — май ойининг дастлабки кунларида бошланди ва Фарм, Балжувон, Файзобод, Кулоб ва Коратегин вилоятларини қамраб олди. Қузғолон кутарилишига сабаблар куп эди, энг асосийлари эса қуйидагича: аҳолидан доимий равишда турли-туман нарсаларнинг олиниши, бунинг учун уларга нулоғон тилхат қофози берилиши, милицияга сафарбарликнинг нуноқсик билан ўтказилиши. Қузғолон кутаргандарга Фарғонадан босмачилар келиб қушилди ва уларга раҳбарлик қила бошлиди»<sup>1</sup>.

«Жулдур кийимли, ифлос, оч» босқинчи қизил аскарларнинг кўмондони Спасский Туркфронт Реввоенсовет аъзоси П.И.Барановга мурожаат қилиб, Шарқий Бухорадаги совет қушилари уртасида ҳеч қандай тарбиявий иш олиб бориши мумкин эмаслигини таъкидлаган эди: «Кулобда бўлган икки кунлик жанглардан сўнг қизил аскарлар шаҳарни талон-торож этиш учун ёпирилишиди. Улар бу ерда қолган тинч аҳолини отиб ташлаб, 50 та аёлни зўрлаб, номусига тегишиди, 140 та аёл бўлса, қалъага қочиб яширинди. Комиссарларнинг бутун ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермаяпти»<sup>2</sup>.

Бир томондан, истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши ва иккинчи томондан, қизил аскарларнинг «босмачилар»га қарши кураш баҳонасида бу ерда қилаётган жиноий ҳаракатлари Бухоро республикаси раҳбарларини қаттиқ ўйлантириб қуиди. Бунинг устига Ёш бухороликларнинг

<sup>1</sup> РЦХИДНИ (Российский Центр хранения и изучения документов новейшей истории), 122-фонд, 1-рўйхат, 250-иш, 30—31-варажлар

<sup>2</sup> Генис В.Л. «С Бухарой надо кончать...» К истории бутафорских революций, М., МНЛИ, 2001, с. 54—55.

собиқ йулбошчиси Файзулла Хужаевга ҳукумат ичиди ишлаш ҳам осон кечмәётган эди. Бир тарафдан, Бухоро Компартияси ичидаги сүл ва унг коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришта туғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари булган Турккомиссия, Туркбюро ёш «мустақил давлат»нинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Мана шундай оғир бир вазиятда Бухоро ҳукумати раҳбарлари ва истиқболчилик ҳаракатининг йулбошчилари олдинга сурган талаблар бир нұктага келиб туташи. Чunksи, ҳар икки томон ҳам қизил армиянинг Бухоро тупроғида ортиқ қолишини истамас, икки томон ҳам ӯзининг асрий анъана ва урғ-одатларидан иборат шарқона ахлоқ ҳамда исломий руҳдаги ҳаёт тарзига «коммунистча тун» кийдирилишини хоҳламас эди. Ағсуски, ҳукумат сафидағи миллий ватаншарвар күчлар (собиқ жадидлар) билан мухолифатдаги қуролли истиқболчи гурӯҳлари йулбошчиларининг очық келишуви амалга ошмади<sup>1</sup>.

Мабодо бу келишув юз берганда, ушбу нодир ҳодиса Туркистан ҳалқлари миллий озодлик ҳаракати тарихидаги кескин бурилиш нұктасини, әхтимол, унинг энг шопли ва зафарлы сақиғасини ташкил қылған буларди. Ҳолбуки, ҳар икки томон ҳам миллий бирлік, тинчлик ва муросага қараб интилған эди. Ҳар икки томоннинг ҳам пироварл мақсади Туркистанни яхшит ва бир бутун ҳолда ҳақиқий мустақил давлат ҳолатида куриш эди. Бу мураккаб ва зиддиятли ҳодисани күннел архив ҳужжатлари ҳам исботлаб беради.

Масалаи, 1921 йил езида Файзулла Хужаевнинг топшириғи билан Душанбега келган Бухоро ҳукуматининг Фавқулодда Мұхтор вакили **Ота (Отаулла) Хужаев<sup>2</sup>** бош-

<sup>1</sup> Бухоро ҳукумати таркибидан түрли муддаттарда қойидағи давлат арбоблари истиқболчилар сағиға үтиб кетди. 1921 йил августда Эски Бухоро миңшабларининг бошлиғи, ЧК раиси Мұхиддии Махсум Хұжаев; 1921 йил ноябрда Шеробод вилояды ҳарбий нозири Ҳасан Афанди ва Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди; 1921 йил декабрда Бухоро Марказий Ижроня Құмитасининг бириңчи раиси Усмон Хужа (Усмонхұжа Пұлатхұжаев) на республика милициясининг бошлиғи, ҳарбий ицелар нозири мұовини Али Риҙо Афанди, шунингдек, Сурайс Афанди, Бойсун ҳарбий нозири Цониёлбек; 1922 йил март ойда ҳарбий ишлар нозири Абдулхамид Орипов. Шунингдек, 1922 йилда истиқболчилар билан курашни хоҳламаган Бухоро республикасидаги 1-миллий армиянинг командири туркман Мұхаммад Күлмуҳамедов Ағғонистонга жұнаб кеттеган эди.

<sup>2</sup> **Ота (Отаулла) Хужаев (1894—1938)** — Еш бухороликлар фирмасининг энг күзға курынған арбобларидан бири. Отаулла Хужаев Усмон Хужаининг укаси ва Ф. Хужаевнинг амакиваччасын ҳисобланади.

чилигидаги комиссия Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати вакиллари билан алоқа урнатиш ва қурбошилар розилик билдириса икки ўртада шартнома тусиши керак эди. Бухоро ҳукумати юқорида айтиб ўтилган Фарм, Балжувон, Файзобод, Кулоб ва Коратегинданда халқ қузғоюнини шундай муросаю мадора иули билан тинчитмоқчи эди. Дастрраб Отаулла Хўжаев ўзининг ёрдамчиси Сурайё Афандини Коратегин беклигининг маркази Фармга юборди. Фармдаги нуфузли кишилар ва халқнинг турли табақаларига мансуб вакиллар билан учрашган Сурайё Афанди Коратегин ва Дарвоздаги муътабар кишиларни Отаулла Хўжаев номидан Балжувонда буладиган учрашувга таклиф қилиди<sup>1</sup>. Балжувонда Отаулла Хўжаев билан Давлатмандбекнинг расмий учрашуви мулжалланаётган эди.

Отаулла Хўжаевнинг қурбошилар билан музокаралари натижасида истиқлолчиларнинг йирик йўлбошлилари булган Давлатмандбек ва Эшон Султон Балжувон ва Фарм инқилобий қумитаси (Ревкоми)нинг раиси қилиб тайинландилар. Вилоят Ревкомларининг раиси қилиб қурбошиларнинг тайинланиши аҳоли уртасида уларнинг тасирини оширди<sup>2</sup>.

12 авгуистда Балжувонда булган ушбу учрашувда Отаулла Хўжаев билан Давлатмандбек Камолиддинбек ўели ўртасида 8 моддадан иборат битим-келишув тузилди.

Демак, Бухоро республикаси ҳукумати вакили билан қурбошилар уртасида тузилган ушбу шартнома шуни ёрқин равишда исботлайдики, Бухоро истиқлолчилари ўз маслакдошлари булган Фаргона ватанпарварлари сингари Туркистон мустақиллиги, шунингдек, мустақил Бухоро учун истиқтол жангларини олиб боришган. Уларнинг энг асосий талаби муқаддас Бухоро ҳудудидан босқинчи қизил армиянинг олиб кетилиши бўлган. Қурбошилар совет режими ўрнига мустақил Бухоро жумҳурияти амалда таи олинишини, Бухородан Россияга талаб кетилган моддий бойликларни ўз қонуний меросхўрларига қайтариш зарурлигини, Бухоронинг ички ишларига Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар аралашмаслиги талабини қатъий равишда таъкидлайдилар. Шуниси характерлики, ушбу шартномада Бухоронинг ички ишларига аралашишга уринаётган инглизлар, истиқлолчилар раҳбарлари томонидан ҳам «миллатимиз, давлатимиз ва динимиз душмани деб», эълон қилинди.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА. 46-фонд, I-рўйхат, 42-иш, 17—18-вараклар.

<sup>2</sup> Ишанов А. Ўша асар, 279-бет

1921 йил ёзининг охири — кузнинг бошларида Бухоро республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятда устунлик яна истиқлолчилар қулига утди. Янги шаронгдаги жанг усуллари ва ҳаракатларини белгилаб олиш зарурияти тукилди. Натижада 1921 йил 17 сентябрда Шарқий Бухородаги Қорақамиш қишлоғида (Файзободдан 26 чақирим жануби-шарқда) Бухоро қурбонилари үзларининг биринчи курутойларига тұпланиши. Бу қурутойни Давлатмандек ва Эшон Султон уюштириши<sup>1</sup>. Архив хужжатларыда ёзилишича, бу ерга Дарвоз ва Кўлобдан етиб келган истиқлолчиларнинг миқдори 7000 кишидан кам эмас эди. Курутойда айтилишича, БХСРниң Фавқулодда Мухтор вакили билан қурбошилар уртасида тузилган тинчлик шартномасига мувофиқ ун кун ичиде кизил аскарлар кўмондонлиги Бухордан уз қушиналарини олиб чиқиб кетиши керак, акс ҳолда истиқлолчилар бутун жабҳа буйлаб хужумга утишта қарор қилилар. Совет қўмондонлигининг эътироф этилишича, бу пайтда «Курғонтепани 2000 кишилик гурӯҳ эгаллаб турибди. Душанбе қамал қилинган. Шаҳар гарнizonи уч кечак-кундуздан буен қуршовда турибди. Озиқ-овқат ва ем-хашак тұғаш арағасида. Аҳоли босмачилар сафига қўшилмоқда»<sup>2</sup>.

Бу қурутойда Иброҳимбек Бухоро қурбошиларининг Олий бош қўмондони қилиб сайланди ва-унга «Ислом лашкарбониси» деган унвон берилди.

Туркистан фронти жойлашган Тошкентдан туриб, Москвадаги РККА штабига 1921 йил 30 сентябрда йулланган «шошилинч ва маҳфий» телеграммада айтилишича, «15 сентябрдан бошлаб Шарқий Бухорода босмачи гурӯҳлари фаол ҳаракат қила бошладилар: 15 сентябрда улар Коратепани эгаллашди, 22 сентябрдан бошлаб Иброҳимбек қўмондонлигидаги 4000 киши Душанбени қамал қилишга киришди, гарнizon ҳозир ҳам қуршовда. Душанбе қамал қилинган вақтда босмачилик ҳаракати Балжувон-Кўлоб атрофини ҳам қамраб олиб, қузғолон даражасига кутарилди. Аҳолининг купчилиги босмачиларга хайрихоҳ ва уларга қушилмоқда, натижада, босмачиларнинг кучи ортиб бормоқда. 25 сентябрда улар томонидан Ҳисор ва Коғирниҳон эгалланди. Ҳозирги вақтда қузғолон кучайиб бормоқда. Бу ҳол биз учун күтилмаган ҳодиса булди...»

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 56-варақ.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 56-варақнинг орқаси.

<sup>3</sup> РГВА, 110-фонд, 3-рўйхат, 659-иш, 91-варақ.

Бутун халқ оммасининг кўллаб-куватлашига таянган Шарқий Бухоро истиқолчилари оммавий равишда қарши хужумга утдилар. Душанбени қамал қилаётган узбек лақайларининг сардори Иброҳимбек шаҳардаги рус гарнizonининг бошлиғи Т. Морозенкога беҳуда қон тўкилишига йул қўймаслик учун сузсиз таслим булишни тақлиф этиб, 2 октябрда ультиматум юборди. Бирок, Иброҳимбекнинг бу тақлифи рад этилди. Истиқолчилар Душанбе шаҳрини бир неча кун қамал қилиб турғач, ниҳоят, қаттиқ хужум билан уни эгалладилар. Афсуски, қизил аскарларга Файзободдан ёрдамга юборилган катта миқдордаги ҳарбий кучлар келиб қушилгач, улар Душанбе шаҳрига хужум қилиб, 18 октябрда шаҳарни қайтадан босиб олдилар. Душанбенинг босиб олиниши қизил аскарларнинг сўнгги ютуғи бўлди.

Шарқий Бухородаги шаҳар ва қишлоқлар бу пайтда бирин-кетин истиқолчилар қул остига утар эди. Октябр ойида фақат Душанбе—Коғирниҳон йўналишида 6000 нафардан ортиқ аскар тупланди<sup>1</sup>. Бу даврда Шарқий Бухоро ватанпарварларининг Олий бош қумондони Иброҳимбек эди. У узининг қароргоҳи қилиб, Лоқайдаги Мозори Мавлоно қишлоғини танлади. Бу қишлоқ Куктош яқинидаги муҳим стратегик манзилда жойлашган эди.

1921 йил октябр ойининг урталарида Файзобод, Кулоб, Фарм, Курғонтепа, Коғирниҳон, Ҳисор ва Коратепа шаҳарлари истиқолчилар қулида булган<sup>2</sup>. Афғонистонда турган Бухоро амири Саид Олимхон истиқолчиларнинг Олий бош қумондони Иброҳимбек орқали Шарқий Бухородаги вазиятдан доимо хабардор булиб турад эди.

1920—1921 йилларда Шарқий Бухорода истиқолчилик ҳаракатининг кучайиши, қизил армиянинг бу ерга катта миқдордаги ҳарбий кучларининг ташлаши Ғарбий ва Урта Бухорода ҳам ҳаракатнинг тез суръатда бошланishi ва авж олишига олиб келди. Ғарбий Бухородаги истиқолчилар ҳам бу даврда катта ютуқларга эришдилар. Бухоро ва Кармана вилоятларидағи истиқолчиларнинг қумондони Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши эди.

Тез орада Бухоро ва Кармана вилоятларидағи ҳар бир туманда, йирик қишлоқ ва кентларда дасталар тузилиб, уларга маҳаллий қўрбошилар ва сардорлар бошлилик

<sup>1</sup> РГВА, уша жойда, 95-варақ.

<sup>2</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т. II, с. 323; РГВА, 110-фонд, З-рўйхат, 659-иш, 122-варақ.

қилишди. Бу дасталар қизил аскарларнинг мазкур қишлоқлар худудига киришларига йўл қўймас, туман марказлари ва шаҳарларда жойлашган қизил аскарларнинг гарнizonларига ҳужум қилишар, ўрни келгандай бошқа дасталар билан бирлашиб, босқинчи армиянинг ҳарбий кучларига қарши жангга киришар эди. Истиқлолчиларнинг бундай дасталари Farbий Бухорода эллиқдан ортиқ булиб, улар сафида ўн мингдан ортиқ ватанпарвар бор эди.

1921 йил октябр ойида Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи босқичи тугади. Тахминан бир йилча давом этган бу босқичда истиқлолчилар асосан Шарқий Бухорода куплаб ғалабаларга эришдилар. Дастреб таҳтдан маҳрум қилинган амир Сайд Олимхон советларга қарши курашга раҳбарликни уз қулига олган булса, у Афғонистон тупроғига утиб кетгач, бу ҳаракатга Шарқий Бухорода Иброҳимбек ва Давлатмандек курбoshiлар бошчилик қилишди. Farbий Бухоро истиқлолчиларнинг етакчиси Мулла Абдулқаҳдор курбоши бу даврда Афғонистонда турган Сайд Олимхон билан доимий равиша алоқа боғлаб турди. У уз вакиллари орқали қурбошилар, нуфузли кишилар ва диний арбобларга мурожаат қилиб, уларни босқинчи қизил армия ва янги тузумга қарши курашга отлантира олди.

## 2. ҲАРАКАТНИНГ АВЖ ОЛИШИ ВА КУЧАЙИШИ. АНВАР ПОШО БОШЧИЛИГИДА ОЛИВ БОРИЛГАН ЖАНГЛАР

(1921 йил ноябр — 1922 йил август)

Аҳмад Заки Валидий Түғоннинг кейинчалик гувоҳлик беришича, Анвар Пошо 1921 йил 20 октябрда Бухорога келган<sup>1</sup>. Унинг ёнида фақат икки турк зобити бўлган. Бухоро республикасининг ўша даврдаги давлат бошлиги Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пулатхўжаев) бу ҳақда кейинчалик қуидагиларни ёзган эди: «Анвар Пошо Москвадан бошлаган узоқ бир сафарининг сўнггида — 1921 йил октябр ойининг охирларида Бухорои шарифга ташриф буюрди. Шунда мен Шарқий Бухорода эдим...»

Анвар пошо ва унинг икки ёрдамчиси: Мұҳитдинбек ҳамда Ҳожи Сомий (Салим Пошо) Бухоро шаҳридан сал

<sup>1</sup> Zeki Velidi Togan, Hatiralar, s. 386.

ташқаридаги мұхташам Дилкүшо қасрига жойлаштирилди. Файзулла Хұжаев Душанбета турған Бухоро республикаси Марказий Ижроия Құмитаси раиси Үсмонхужа Пулатхұжаевга телеграф орқали сим қокиб, «багоят буюк ва мұхтарам Айвар Пошонинг келганинги», унға барча шароитлар яратылғаннегини маълум қилди.

Айвар Пошо Бухоро шаҳрида бир оз муддат турғач, 8 ноябрда бу ердан Шарқий Бухорога жунаб кетди<sup>1</sup>. Айвар Пошонинг адютанти Мұхитдинбек кейинчалик Истанбулга қайтгач, у ердаги «Вакт» рузномасида (25.XI.1923 й.) босилған хотираларида ёзишича, Пошо Бухородан кетадиган куни қуйидаги тапларни айтган экан: «Туркистон учун курашиш керак. Ҳақ иш учун улимдан күркесант, узингни ҳам ит ҳолида яшашта дучор қиласан. Агар бу ишта киришмасақ, келажак авлодлар лаънати оғир булади. Кутулиш йулини излаб, үлсак ҳам, үзимиздан кейин келадиган авлодларга өзөдлик ва баҳт йулини таъминлаган буламиз»<sup>2</sup>.

Шарқий Бухорога йул олган Айвар Пошо ва унинг иккисафдоши<sup>3</sup> Қарши яқинидаги Қилиқул атрофида истиқдолчиларнинг күмөндөни Мулла Нағис курбоши томонидан қабул қилинди. Айвар Пошо Туркистондаги миллий истиқтол ҳаракати сафига қушилар экан, 1921 йил 9 ноябряда Бухоро замиқида биринчи марта баёнот берди. Ушбу баёнот матнини ватандошимиз Абдулла Ражаб Бойсун тубандагича келтиради: «Орқадошлар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йулида олиб борилаётган курашга мен ҳам қушилғаны келдім. Ичингизда биз билан хизмат қилишни хоҳловчилар булса, таклиф қиласан, оңт ичсин! Лекин, ичингизда бола-чақаси руслар күл остида булганини ўйлаб андисла ва тараддуд кўрсатувчилар бор булса, улар ҳам очиқчасига айтсин. Буюраман!»

Тўплангандар курашмоқ учун онт ичдилар. Демак, Айвар Пошонинг Туркистондаги истиқдолчиллик ҳаракатига киришиш тарихи 1921 йил 9 ноябряда Қилиқул тумани марказида бошлангандир.

Қарши ва Шеробод вилоятлари орқали Айвар Пошо Шарқий Бухоро томон интиларди. Айвар Пошо Қабодиён-

<sup>1</sup> Шуниси характерлики, 8 ноябряда Валидий ҳам Бухоро шаҳридан чиққиб кетган эди.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қараңыз: Zeki Velidi Togan Hatıralar, s. 337—338; Baymirza Hayit. Turkistan im XX Jahrhundert. Darmstadt, 1956, s. 191.

<sup>3</sup> Баъзи манбаҳарда Айвар Пошо сафдошларининг миқдори түрт киши ҳам дейилади. Қараңыз: Бобохужаев А. Совет давлатини де-факто ва де-юре таниш даврида Урга Осие ва Урга Шарқда инглиз антисовет сиесатининг барбоз булиши. Г., «Фан», 1959, 174—175-бетлар.

га етганда дўсти — Шеробод вилоятининг ҳарбий нозири, Туркия армиясининг сабиқ полковниги Ҳасан Афанди ва Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди (у ҳам туркиялик зобит эди) уз отрядлари билан унга келиб қўшилди. Улар энди Жилликулга шул олдилар<sup>1</sup>.

Анвар Пошо Шарқий Бухорода энг аввало Жилликулда турган Тоғай Сари гуруҳи билан бирлашди. Хорижлик тадқиқотчи гарнинг фикрича, уша пайтда Анвар Пошо ихтиёрида 160 отлик бор эди. Дастлаб бу ердаги истиқлолчилар ва Саид Олимхоннинг тарафдорлари Пошони яхши кутиб олишди. Аммо Кургонтепала Тоғай Сари унинг шрафига базм уюштиргандан кейин Анвар Пошога муносабатлар кескин ўзгаради. Иброҳимбекнинг буйруги билан Анвар Пошо ва унинг отликлари қуролсизлантирилди. Пошонинг узи бўлса бекнине Кўктошдаги қароргоҳида тутқуниликда сакланди. Бухоро амири Саид Олимхон ва Афғонистон амири Омонуллахон ҳамда Бухоро республикаси ҳарбий қисмларининг қаттиқ талабларидан кейин, Иброҳимбек чамаси бир ойча тутқуниликда ётган Анвар Пошони озод қилди.

Декабр ойининг бошларида Шарқий Бухоро — Душанбеда вазият кескинлашган эди. Бухоро Марказий Ижроия Кумитаси раиси Усмон Хужа (Усмонхужа Пулатхужаев) бу пайтда Бухоро ҳукуматининг Фавқулодда вакили сифатида Душанбе шаҳрида эди. У билан бирга республика милициясининг бошлиғи, ҳарбий нозир ӯринбосари Али Ризонинг 650 кишилик кушини ҳам бор эди. Усмон Хужа ва ЎХСР ҳукуматининг купгина раҳбарлари Бухорони уз миллий армияси, миллий ҳукумати бўлган ҳақиқий маънодаги мустақил республикага айлантирмоқчи эдилар. Мустақил республика мавжудлигининг биринчи шарти яхши куролланган миллий қушинни тузиш зарурлиги эди. Усмон Хужа асосан руслардан иборат қизил армиянинг Бухорода туришига очик равишда қарши чиқди. Чунки қизил армия бу ерда турар экан, мустақил республика фақат қоғозда қолар, мустамлакачилик тузуми давом этаверар эди. Бу нозик сиёсатни Усмон Хужа жуда яхши тушунган.

Усмон Хужа уз ёрдамчилари: республика милициясининг бошлиғи Али Ризо (Афанди) ва Дониёлбек билан биргаликда 9 декабр куни кечқурун Душанбе гарнizonининг бошлиғи Морозенко, военком Мухин ва РСФСРнинг бош консули Нагорнийга шаҳардаги ҳарбий гарнizonни

<sup>1</sup> Бобокужаев А.Х. Уша асар, 175-бет.

куролсизлантириш ва бугун қурол-яроғни Али Ризо ихтиёрига бериш кераклиги ҳақидағи хұжжатта имзо чектириб олдилар. Сунғра бу рус зобитлари қамоққа олинди.

Усмон Хұжанинг руслар билан алоқаси бузилғач, у шаҳарни қамал қилаётган Иброҳимбек ва бошқа қурбошиларға мурожағ қилиб: «Биз босқинчиларға қарши кураңға киришдік, келинглар, барчамиз бир жону бир таң булыб, жаңғ қиласыз!» — дея баённомалар юборди. Иброҳимбекнинг үзиге ҳам маҳсус хат ёзид, тутқунликда ётган Анвар Пошони унинг хузурига жунатишни сурайди. Бу пайтда Пошо билан унинг орасидаги масофа үзининг ёзишича, әллик чақирим булған. Ағесуски, Иброҳимбек Усмон Хұжанинг бундай самимий даъватига унчалик ишонмайды. Тез орада Душанбе шаҳрида турған қызил аскарлар тарнозонига Бойсундан қүшимча равишида ёрдам күчлари етиб келади. Усмон Хұжа ва унині тарафдорлари күчлар тенг бұлмаганлиги учун Душанбени 13 декабрда ташлаб чиқышта мажбур булишди<sup>1</sup>. Душанбе яна босқинчи қызил аскарлар ихтиёрига үтди.

Архив ҳұжжатларыда келтирилишича, Усмон Хұжа Шарқий Бухородан Бухоро шаҳрига қайтиш мақсадыда Қаршиға келали ва бир ҳовлида тұнайди. Шу вактда Усмон Хұжа билан бирга Душанбета борған Бойсуннинг ҳарбий нозири Дониёлбек истиқлолчилар сафига утиб кетади. Бундан сал олдинроқ эса Эски Бухоро мирабларининг бошлиғи, ЧК раиси Мұхитдин Махсум Хұжаев ҳам үзининг бир қисм ҳарбийлари билан истиқлолчилар сафига құшилған эди. Усмон Хұжа Қаршида турғанлигыда узил-кесил бир қарорға келиб, советлар билан алоқасини үзді. У олдин истиқлолчилар сафига, сал кейинроқ — 1922 йил бошларыда эса Али Ризо билан бирғаликда Афғонистонға жұнаб кетади.

1921 йил декабр ойининг охирларидан бошлаб, Анвар Пошо Шарқий Бухорадаги қурбоши дасталарига раҳбарлық қилишни үз қулиға олди. У Күктошда Шарқий Бухоро, шунингдек, Ғарм вилоятіда қаракат қилаётган Бухоро, Фаргона ва Матчодаги барча қурбошиларнинг қурутойини қақырди. Бу қурутойда Анвар Пошо совет режимига қарши жаңғ қилиш унинг асосий мақсады эканлигини, Туркистан тупроғини босқинчи қызил армиядан тозалаш учун миллий истиқлол қаракатининг бошлаганлигини

<sup>1</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т. II, с. 325; РГВА, 110-фонд, З-рүйхат, 577-иіш, 112-варақ.

эълон қилди. Анвар Пошо фақатгина Шарқий Бухородаги қурбошилар билан эмас, балки бутун Туркистон ҳудудидаги ватанпарвар кучлар билан ҳам кенг алоқаларни йулга күйди. Қисқа муддат ичиде Урта Бухородаги Турди Тұқсабо, Еарбий Бухородаги Мулла Абдулқаҳхор, Жұра Амин, Аъзамхұжа, Самарқанддаги Баҳромбек, Хоразм ва Қорақумдаги Жунаидхон, Фарғона водийсидаги Шермуҳаммадбек, Ёрмат Махсум, Ислом Полвон, Парнибек билан доимий алоқалар урнатылды. «1921 йил охирида Анвар Пошо қул остида 20000 киши бор эди»<sup>1</sup>, — деб үз пайтида курсатған эди совет тарихчиларидан бири.

Бу ҳолни уша даврдаги Бухоро ҳукумати раҳбари Ф.Хужаевнинг узи ҳам яхши билар эди. Унинг айтишича, 1921 йил охирида истиқлолчилик ҳаракати шу қалар кенгайиб кетдикі, бу ҳаракатнинг «раҳбарлари очиқдан-очиқ сиёсий талаблар қуйиш даражасига бориб етдилар. Анвар Пошо қизил армия қисмларининг ҳаммасини чиқартириб юборишин талаб қилди»<sup>2</sup>.

Анвар Пошо 1921 йил декабр ойининг иккинчи ярмida Душанбе шаҳри атрофида истиқлолчиларнинг уп минг кишилилк армиясини туплади. Душанбени қамал қилиш қайтадан бошланды. Жаңг ҳаракатларига эндиликтә Анвар Пошо ва Иброҳимбек бошчилик қилишарди.

Анвар Пошо Шарқий Бухородаги бутун истиқтол кучларини уз қул остига түплагач, Душанбені озод қилиш учун сұнғы қатый хужумға утди. «Унинг биринчи улкан ғалабаси 7—8 минг кишига қаршы Душанбе устига 1500 сарбоз билан юриши бўлди»<sup>3</sup>. Шиддатли жанглар натижасида 1922 йил 16 февралга утар кечаси қизил аскарлар Душанбени ташлаб чиқишга мажбур булишди, истиқлолчилар шаҳарни эгалладилар. Қизил аскарларнинг чекинишлари истиқлолчиларнинг ҳужумлари оқибатида тартибсиз қочишга айланды. Босқинчи қизил армия қисмлари 22 февралла Бойсунга келиб урнашдилар.

Шарқий Бухородаги бутун Тожикистон ҳудуди ва Сурхондарё воҳасининг Юрчи, Денов, Миршоди, Какайди, Жарқурғон, Кумқурғон, Хотинработ, Паттакесар, Шербол каби шаҳар ва қишлоқлари (фақат ҳозирги Термиз шаҳри ва Бойсун маркази бундан мустасно) Анвар Пошо ҳарбийлари қулига утди. Бу пайтга келиб, Бухоро респуб-

<sup>1</sup> Қаранг: Бобохужаев А. Үша асар, 103-бет.

<sup>2</sup> Хужаев Ф. Таңланган асиrlар. I том, 247-бет.

<sup>3</sup> Шермин Менеменсен уғли. Қурсатилған асар, 6-бет.

ликаси, умуман, бутун Туркистон миңтақасида истиқол-чилик ҳаракати ягона сиесий ҳарбий маслак сифатида тулик шаклланган эди.

Сурхондарёлик Сохиб Қурбоши, Эшони Судур, Ҳуррамбек, Мустафоқулбек, Раҳмонбек, Раҳмонберди, Салом Түқсабо, Азимбек, Вали Қурбоши, Шойман Тўқсабо, Мулла Эшқул, Мулла Ражаб, деҳқонободлик Танғиберди доддоҳ, Бўри Баташ, Утанбек ва бошқа ўнлаб қурбонилар ана шу даврда фаоллашган эдилар.

Шарқий Бухорода вазият истиқолчилар фойдасига тубдан узгарганлиги сабабли Бутун Бухоро Марказий Ижроия Кумитаси, Халқ Нозирлар Шуроси ва БКП Марказий Комитети 1922 йил 2 январда булган қушма мажлисида БХСР МИКнинг Шарқий Бухоро буйича фавқулодда Диктаторлик Комиссиясини тузишга қарор қилди.

БХСР МИК 1922 йил 8 январда Диктаторлик Комиссиясининг инструкциясини тасдиқлади. Унда Шарқий Бухоро туманларида инқилобий тартиб урнатиш, бутун кучни «босмачилар»ни тор-мор қилишга сафарбар этиш ва совет ҳокимиютини тиклаш (аслида ўрнатиш — *K.P.*) комиссия олдига асосий вазифа қилиб қўйилди. Диктаторлик Комиссиясининг асосий хукуқлари, ваколатлари ва функциялари батафсил баён қилиб берилди. Комиссия таркибига Носир Ҳакимов (раис), Олимжон Акчурин, Аҳмад Комилов, Рашид Боймуродов, Зайнуллахужа Закиряев (аъзолар) киритилди<sup>1</sup>.

Бутун Бухоро МИК «Шеробод, Ҳисор, Фарм ва Кулоб вилоятлари Диктаторлик Комиссиясига батамом бўйсунади», леб белгилади. «Бундан ташқари, комиссия зиммасига, конституцион қонунларни бекор қilmagan ҳолда, Қарши, Шахрисабз, Карки вилоятларида ҳам тартиб ўрнатиш» вазифаси юкланди<sup>2</sup>. Комиссияга бу вилоятлардаги ижроия комитетларини тугатиш ва уларнинг ўрнига революцион комитет (ревком)лар тузиш хукуки берилди<sup>3</sup>.

Анвар Пошо уз навбатида 1922 йил феврал ойида Фарғона водийсидаги истиқолчиларнинг Бош кўмондони Шермуҳаммадбек, Шахрисабз атрофидағи истиқолчиларнинг бошлиқлари Дониёлбек, Жабборбек, Холиқбек ҳамда Самарқанд вилоятидаги Баҳромбек, Очилбек ва Усмонбек

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 136-иш, 42-варап.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 46 фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 114-варап.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 236-варап. Бу ҳақда яна қаранг: Урта Осиё коммунистик ташкилоттарининг тарихи. Т. Узбекистон, 1969, 735—736-бетлар; Ишанов А. Уша асар, 284-бет.

каби қурбошиларга, шунингдек, Хоразмда ҳаракат қилаётган Жунаидхонга маҳсус мактублар билан мурожаат этиб, бутун Туркистон минтақасидаги истиқболчилар күшинин ягона қумондонлик остига бирлаштиришни таклиф қилди. Бухоро ҳукуматининг ҳарбий нозири Абдулҳамид Орипов Анвар Пошоға мактуб юбориб, руслар унга қарши катта ҳужумга тайёргарлик кураётганиларипи мәълум қилди. Шунинг учун ҳам Анвар Пошо бу пайтда уз қароргоҳини тез-тез узгартириб турар эди.

Март ойининг бошларида Анвар Пошо ихтиёрига Шермуҳаммадбек томонидан жунатилган Маҳмуд Рузи қурбоши бошчилигидаги 100 кишилик ласта етиб келди. Бундан ташқари унинг қароргоҳида Туркистонда машхур кунлаб нуфузли кишилар булган. Бу пайтда қизил армия қумондонлиги Котон йуналишида ўзининг 40—50 минг кишилик қүшинини туплади. Анвар Пошо мудофаа жангларига тайёргарлик курди. Шунингдек, у Қоракум саҳроси, Амударё қирғоқлари ва Хоразмда босқинчиларга қарши курашаётган Жунаидхон кучлари билан жанг ҳаракатларини узаро ҳамкорликда олиб боришга уринди.

Шундай қилиб, 1922 йил март ойида Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб, то Шарқий Бухоро ва Хоразмгача булган улкан ҳудудда Анвар Пошо бошчилигидаги истиқболчи кучларнинг умумий фронти тузилди. Анвар Пошо истиқболчилик ҳаракатини бутун Туркистон минтақасида авж олдириш учун Сирдарё соҳилидаги қозоқ даштларига уз вакилларини жунатиб, Қозогистонда ҳам совет режимига қарши оммавий қузғолон бошланишига умид қилди<sup>1</sup>. Бу пайтда Аҳмад Заки Валидий бошчилигига фаолият курсатасетган Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм қурбошлирига сиёсий ва ғоявий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи бир марказ вазифасини бажараётган эди.

Анвар Пошо ўз кучларининг бир қисмини Дониёлбек бошчилигига Сурхондарё вилоятига жунатди. Улар бу ердаги Ҳуррамбек билан бирлашгач, Шахрисабз орқали Бухорога қараб юришлари ва Бухоро шаҳрини қамал қилаётган Мулла Абдулқаҳдор қүшинига мадад беришлари лозим эди. Анвар Пошонинг узи булса сал кейинроқ Бухорога ҳужум қилмоқчи бўлди. «Анвар узининг уринбосари қилиб Иброҳимбекни 1200 йигити билан Шарқий Бухорода қолдирди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Карап: Zeki Veidi Togan, Hatıralar, s. 345—346.

<sup>2</sup> Иркаев М. Уша асар, 311—312-бетлар.

Бухоро ва Кармана вилоятларидағи истиқолчилар ҳам 1921 йил күз фаслидан бошлаб, уз ҳаракатларини фаоллаштирган әдилар. Мулла Абдулқаҳор ва Жаббор қурбоши кўмондонлигидаги истиқолчиларнинг 2000 кишилик армияси 1921 йыл кузидаги Кармана шаҳрига ҳужум қилишиди. Ҳарбий дасталарга бу жаигда Ҳайит Амин, Үрмон Полвон, Исмоил Туксабо, Ҳасан Карвон, Дониёлбек (ғишилик) каби қўрбошилар бошчилик қилишиди. Кармана шаҳрини истиқолчилар эгаллашгач, уларнинг сафи қисқа муддат ичидаги бир неча марта кунайди. Уз сафларида Фарбий Бухородаги истиқолчиларни бирлаштирган Мулла Абдулқаҳорнинг қушини Фиждувон шаҳрини эгаллагач, пойтахт Бухоро шаҳрининг узида ҳам унга хайриҳоҳлар купайиб қолди.

1921 йилнинг охирида қарийб бутун Фарбий Бухоро Мулла Абдулқаҳор қўрбошининг тасарруфи остида эди.

Бу пайтда Мулла Абдулқаҳор қўрбоши Афғонистонда турган собиқ амир Сайд Олимхон билан, щунингдек, Иброҳимбек ва Анвар Пошолар билан доимий алоқаларни йулга қўйди. Мулла Абдулқаҳорнинг қушинига қисқа вақт ичиладиги минглаб бухоролик йигитлар келиб қушилди. Уларнинг аксарияти деҳқонлар ва хунармандлардан иборат эди. Сайд Олимхоннинг ёзишича, Мулла Абдулқаҳор қушинига «Бухоро атрофидан тахминан 6000 нафар, Вобкент туманлиги тарафидан 2000 нафар, Вағанза (ҳозирги Қизилтепа — К.Р.) туманидан 2000 нафар, Шоғриком туманидан 2000 нафар, Пирмаст туманидан 2000 нафар, Хутфар ва Лаклақа (ҳозирги Ромитан ва Пешкӯ — К.Р.) туманидан 2500 нафар, Баҳоуддиндан (ҳозирги Когон тумани — К.Р.) 2000 нафар аскар, ҳаммасини жамласак, 25000 нафардан ортиқроқ жамоа йиғилибди»<sup>1</sup>.

Маълумки, бу пайтда Анвар Пошонинг қўшинлари Шарқий Бухорода ғалабаларни қўлга киригаётган, Душанбе шаҳрини қайта эгаллаган, бирин-кетин шаҳар ва қишлоқлар босқинчилардан озод қилиниб, истиқолчилар тасарруфига утаётган эди. Мулла Абдулқаҳор Фарбий Бухорода даставвал республика пойтахти Бухоро шаҳрини қўлга киритиш вазифасини уз олдига қўйди. Агар истиқолчилар Бухоро шаҳрини эгаллашса, Шарқий ва Фарбий Бухорода амалда уларнинг ҳокимиюти урнатилди, деган гап эди. Шундан сунгра Мулла Абдулқаҳор Қарши шаҳрини жанг билан олиб, Шарқий Бухоро истиқолчилари билан қўшил-

<sup>1</sup> Амир Сайд Олимхон. Ўша асар, 23-бет.

моқчи булган. Бухоро ватанпарварлари Кармана ва Нурота орқали Самарқанддаги истиқолчи дасталар билан узаро бирлашиб, Туркистон республикасидаги совет ҳокимиятига ҳам кучли зарба бермоқчи булдилар. Анвар Пошо булса Бойсундан Шахрисабз орқали ўтиб, Қарши шаҳрида Мулла Абдулқаҳҳор қўшинлари билан қушилмокчи эди. Агар бу қўшинлар ўзаро бирлашиб, ягона қўмондонлик остида ҳаракат қилишса, Бухоро республикасидаги қизил аскар кучлари батамом тор-мор этилиши турган гап эди. Бу ҳолда Фарғонадаги истиқолчилар билан бирлашган бухороликлар бутун Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши курашга отланардилар. Ҳоразм истиқолчилари ҳам уларни қулиабкуватлар эди. Шунинг учун ҳам истиқолчилар ҳал қилувчи ушбу муҳорабага жиддий тайёргарлик куришди. Қизил аскарлар уз навбатида бошқа фронтлардан ҳарбий қисмларини олиб, юқорида айтиб утилганидек, уларни Когон йуналиши ва Бухоро шаҳрига жуната бошладилар.

Фиждувон тумани атрофига булган қаттиқ жанглар на-тижасида Мулла Абдулқаҳҳор қўшини қизил аскар қисмларига кучли зарбалар етказди. «Бир ой ичиде большевиклар қулидан 2000 бешотар милтиқ, 100000 бешотар уқ, 10 та пулемёт ва учта темир қопланган броневик улжа олинди<sup>1</sup>. Фиждувон гуманидан ташқари Шофиркон, Вобкент ва Ромитан туманлари ҳам истиқолчилар қулига утди. Уз муввафқиятларини мустаҳкамлаш учун Мулла Абдулқаҳҳор Нурота устига юриш қилди. Нуротага қарашли Чуя ва Сентоб қишлоқларида шиддатли жанглар бўлди. Нуротани Қизил аскарлардан озод қилгач, у тоғлар уртасидаги бу вилоятни узига қароргоҳ қилиб олди.

Уша давр воқеаларининг иштирокчиси, Бухоро ҳукуматида масъул лавозимларда ишлаган шофирконлик чекист Абдуғани Набиевнинг уз эсадаликларида кейинчалик сзишича, Абдулқаҳҳор қўрбоши юқоридаги туманлар худудини қулга киритиб, бу ерда уз ҳокимиятини қарор топтиргач, Мулла Жалол ва Ҳазраткулбекни Бухоро республикасининг раҳбари Ф. Хўжаев ҳузурига ультиматум (таблонома) билан юборли: «Зарафшон ларёсининг юқори қисмини берасан, акс ҳолда Бухорога ҳужум қисламан»<sup>2</sup>, деб ёзилган эди унда.

Истиқолчиларининг бу талаби рад қилингач, улар 1922 йил март ойининг бошларида Бухоро шаҳрини эгаллаш

<sup>1</sup> Амир Сайид Олимхон. Уша ясар, 23-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Набиев А. Жанговар йилтардан лавҳалар. Т., 1968, 13-бет.

учун хужумга утишди. Саид Олимхоннинг ўз хотираларида келтиришича, «Сарипул, Мөҳтар Қосим куприги бошига-ча борилган аснода Бухоро жадидларининг Абдулҳамид Афанди<sup>1</sup> деган ҳарбий вазири 60 нафар бухоролик, турк, ҳинди одамлари ҳамроҳлигига ўз олдиларита анчагина курол-ярғ қўйиб, Мулла Абдулқаҳдорни кутиб олишди»<sup>2</sup>. Зарафшон куприги сида булган бир кунлик жангда Бухоро ҳукуматининг аскарлари мағлубиятга учрайди<sup>3</sup>. Баъзи манбаларда Зарафшон устига қурилган Мөҳтар Қосим куприги ёнида булган бу жанг «икки кечаю-кундуз» давом этганлиги қайд қилинган.

Қизил аскарлар мағлубиятга учрагач, лойтахтга чекинишди. Ғалабадан руҳланган Мулла Абдулқаҳдор қўрбошининг қўшини Бухоро шаҳрига хужум қилди. Шиддатли жанглар натижасида Мулла Абдулқаҳдорниң қўшини республика пойтахти Бухорога ёриб кирди, шаҳарниң олти дарвозасини эгаллади. Мулла Абдулқаҳдор ўз ғалабасини мустаҳкамлаш учун қушинини икки қисмга ажратиб, уларнинг биринчи гуруҳини Когон шаҳрига жунатди.

Темир йул тугунида жойлашган ва Эски Бухородан атиги 12 чақирим нарида булган бу шаҳар муҳим стратегик мавқега эга эди. Агар Когон шаҳри истиқдолчилар томонидан ишғол қилинса, қизил аскарларга келаётган ёрдам кучларининг йўли тўсилар, Бухоро шаҳри Тошкент ва Москвадан бутунлай узиди кўйилар эди. Бу ҳолни Бухоро ҳукумати раҳбарлари ҳам яхши билишарди. Шунинг учун қизил аскарларниң асосий кучи Когон шаҳри атрофига тупланди ва бу ерда истиқдолчилар билан шиддатли жанглар қизиб кетди.

Мулла Абдулқаҳдорниң узи бўлса қушинининг қолган қисми билан Бухоро шаҳрини турт соатдан купроқ ишғол қилиб тургач, шаҳардан ун чақиримча нарида жойлашган Қасри Орифон — Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг зиератгоҳига йул олди. Истиқдолчилар билан қизил аскарлар уртасида бу ерда ун соат давомида шиддатли жанглар бўлди. Ҳар икки томондан ҳам қон дарё булиб оқди. Уз Ватанининг мустақиллиги ва озодлиги, диний эътиқодларини ҳимоя қилиш йулида курашаетган истиқдолчилар қушини бу муқаддас зиёратгоҳни ҳам қизил аскарлардан

<sup>1</sup> Абдулҳамид Афанди дейилганда Бухоро республикасининг ҳарбий нозири — Абдулҳамид Орипов кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Амир Саид Олимхон. Уша асар, 23-бет.

<sup>3</sup> Абдураҳмонов Р. Жўшқин ёшлик йилларим. Т., 1974, 48—49-бетлар.

тозалашди. Афсуски, Ғарбий Бухоро истиқлолчиларининг бу суурорли ғалабалари узоқ вақт давом этмади. Қизил аскарлар етарли миқдорда қүшин туплаб, дастлаб Когон атрофидаги истиқлолчиларнинг кучларини тор-мор қилишиди. Афсуски, Анвар Пашо юборған қүшинлар Шаҳрисабз ва Карши орқали Бухоро вилоятига етиб кела олмади.

Уша даврда чиқсан журналларнинг бирида ёзилишича, Жаббор қурбошининг дасталари ҳам Эски Бухорони ҳамма томондан қуршаб олди. 1922 йил 5 марта БХСР ҳукумати шу сабабли Ғарбий Бухородаги «босмачилик»ни тутатишга ёрдам беришни сураб, Туркфронт Революцион (Инқи-лобий) ҳарбий кентганига мурожаат қилишга мажбур булди<sup>1</sup>. Зудлик билан Самарқанддан суворий қисмлари ҳамда Закаспийдан Будённийнинг отлиқ қисмлари Бухорога ташланди. Тошкент ва Москвадан қўшимча ҳарбий кучларни юбориш учун Туркомиссия шошилинч чоралар белгилади.

Бухорога «Закаспийдан етиб келган буденнийчилар отряди»<sup>2</sup> 8 марта -Бухоро шаҳри атрофида истиқлолчилар билан жангга киришди. Самарқанд ва Тошкентдан қўшимча ёрдам кучлари изма-из етиб келиб, қизил аскарларга қўшилди. «9 март куни Туркистон фронти Бухоро учун яна 12 минг кишилик қўшин ва бир неча бронепоездни юборди»<sup>3</sup>. Самарқанддан етиб келган суворий қисмлари Вобкент, Шофиркон ва Фиждувонда булган жангларда 1922 йил 9 марта Жаббор қурбошининг дастасини тор-мор келтиришди. Бухоро шаҳрига ҳар икки томондан йўл очилгач, қизил аскарлар 11 марта булган ҳал қилувчи жангда истиқлолчилар қўшинига кучли зарба беришди. Истиқлолчилар шаҳар атрофидан 10—15 чақирим нарига чекинишга мажбур бўлдилар. Бир неча кунлик шиддатли жанглар нағижасида Вобкент, Фиждувон, Шофиркон ва бошқа куплаб шаҳарларни қизил аскарлар босиб олишди. Ҳарбий куроляроғларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан истиқлолчилардан бир неча марта устун булган қизил аскарлар Бухоро шаҳри атрофида бир қатор ғалабаларга эришсалар-да, ватанпарвар боболаримиз ҳам жангларда буш келишмади. Масалан, 1922 йил апрел ойининг бошларида Бухоро шаҳридан 15 чақиримча узоқликда булган Жондор қишлоғида аёвсиз тўқнашувлар бўлди.

<sup>1</sup> Жизнь национальностей. Москва, №4(10), 21 марта 1922 г.

<sup>2</sup> Файзулла Ҳужаев. Танланган асарлар. I том, 457-бет.

<sup>3</sup> Рашидов У. Бухоро босмачилари аслида ким эли? «Мулокот», 1994, №11—12, 35-бет.

Мулла Абдулқаҳдор бошчилигидаги истиқолчилар қўшини Бухоро шаҳри атрофларидан чекингач, уз ҳарбий ҳаракатларини Кармана вилоятида фаоллаштирилар. Кармана, Нурота, Хатирчи шаҳарлари бу пайтда уларнинг қул остида эди. Кизил аскарлар қанчалик уринишмасин, улар Ғарбий Бухоро истиқолчиларининг асосий қароргоҳи Нурота вилоятида анча пайтгача бирорта ҳарбий ютуққа эриша олишмади. Кизил аскарлар катта миқдорда ҳарбий куч туплагач, фақат Кармана атрофидаги истиқолчилар қўшинини ентишди.

1922 йил баҳорида Шарқий Бухорода ҳам истиқолчилар билан қизил аскарлар ўртасидаги жанглар қизиб кетган эди. Совет айғоқчиларидан бирининг берган маълумотларига кура, бу пайтда Анвар Пошо қўмондонлигидаги қўшиннинг миқдори 16000 кишидан иборат туртта катта қушилма бўлган. Анвар Пошо ва Иброҳимбекларнинг ҳар бири бевосита 4000 йигитга қўмондонлик қилган. Бошқа бир совет манбасида ёзилишича, 1922 йил баҳорида Анвар Пошо ихтиёрида 20000 жангчи бор эди. Яна бошқа бир манбада келтирилишича, бу пайтда Анвар Пошо ихтиёрида 50000 жангчи булиб, у Россияга қарши мусулмон давлатини тузмоқчи эди.

Хорижий давлатларда нашр қилинган тадқиқотларда эса бошқачароқ рақамлар келтирилади. Гленда Фрэзернинг ёзисишича, «Бу пайтда руслар Туркистонда юз минг кишилик армияга эга эди, улар уз сафларига австриялик ва немис ҳарбий асиirlарини қўшиб олгач, бу миқдор деярли икки бараварга кўпайди. Бўлардан ташқари, 75000 кишилик қуролланган ишчи отрядлари бор эди. Оренбургдан таркибида 8 минг кишилик татар бригадаси бўлган 3-армия бу ерга жунатилди. Қизил армиянинг бу кучларига қарши Анвар Пошо қўмондонлигидаги 60000 қуролли ва 225000 қуролсиз босмачилар курашди»<sup>1</sup>. Албатта, советлар бу миқдордаги кучларнинг ҳаммасидан фойдаланишмаган булса ҳам, шубҳасиз, миқдорий устунлик улар томонида эди.

1922 йил март ойининг бошларида Иброҳимбек Бойсун-Шеробод чизиги буйлаб жойлашиб олди. Балжуонидан Давлатмандбек ва Дарвоздан Эшон Султон гуруҳлари ҳам шу чизиқ буйлаб тўпланди. Истиқолчиларнинг зарблор кучи Шеробод атрофига урнашган. Қурбоши дасталарини ягона режа асосида жой-жойига қўйгач, Анвар Пошо Сурхондарёда ҳаракат қиластган Дониёлбек қўмондонли-

<sup>1</sup> Glenda Fraser. Basmachi-I. P 60

гидаги қүшинларни Шахрисабзга жунатди. Унинг узи булса Иброҳимбек билан биргаликда қүшинининг асосий кучларини олиб, Бойсун шаҳрини ишғол қилиш учун жанг бошлиди. Анвар Пошо март ойининг бошида Бойсундан 18 чақирим узоқда бўлган төғли Кўшбулоқ қишлоғига, кейин эса Кушбулоқнинг жануброғидаги Пулҳоким қишлоғига уз қароргоҳини жойлаштириди. 18 марта эса у уз қароргоҳини Пулҳокимдан Кофирунга кучирди, унинг штаби ҳам шу ерга келтирилди.

Кофирун қишлоғи Бойсундан 16 чақирим жанубда жойлашган булиб, у ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулайлиги билан Анвар Пошонинг дикқатини узига жалб этган эди. Энг аввало Бойсун шаҳрининг узи қулай жуғрофий мавқени эгаллаган булиб, у Фарбий Бухоро билан Шарқий Бухоро уртасида дарвоза-қургон вазифасини утаб келарди. Унда истаганча ҳарбий қисмларни жойлаштириш, қулай жанг позициялари, фронт чизиқлари, мудофаа истехкомларини ташкил қилиш, пистирмала жанговар отрядларни жойлаштириб, душман йулларини кесиб қуиб, унга қуққисдан зарба бериш имкониятлари бор эди.

Анвар Пошо Бойсун қамалига катта умид боғлайди. У Кучкак, Авлод, Сариосиё, Падан қишлоқларида Иброҳимбек билан Соҳиб командирнинг; Пулҳоким, Пудина, Чорбоғ, Инкобод, Дашибоз қишлоқларида Эшон Султон билан Ҳожи Афандининг; Сариқамиш, Кофирун, Работ, Биби Ширин, Мирқоракуз қишлоқларида Сурайё Афандининг; Қизил ва Миршоди қишлоқларида Азимбек қурбошининг йигитларини жойлаштирган эди. Кофирун-Работ-Қизил фронт чизиги буйлаб мудофаа истехкомлари қурилди.

Анвар Пошонинг Шарқий Бухородаги ғалабаларидан руҳланган Саид Олимхон 1922 йил 22 марта ёзган мактубила уни «Бухородаги бутун қүшинларнинг Олий бош қўмондони» қилиб тайинлайди. Бу мактубни 28 марта Анвар Пошонинг узи Саид Олимхон вакилларидан қабул қилиб олди.

Анвар Пошо 1922 йил 10—15 апрелда Бойсундаги Кофирунда Туркистон курбошиларининг катта қурутойини ўтказди. Унда Бухоро қурбошиларидан ташқари Фарғона водийсидан келган ҳарбий қўмондонлар ҳам иштирок эди. Шунингдек, қурутойда турк зобитлари, Афғонистондан Саид Олимхон юборган вакиллар ҳам қатнашди. Турк зобитларидан Дониёлбек Афанди, Усмон Афанди, Ҳасан Афанди, Ҳожи Сомий, Сурайё Афанди, Али Ризо, Мұхитдинбек ва муҳрдор Ҳужамурод Муродов; курбошилар-

дан Эшон Султон, Давлатмандбек, Иброҳимбек, Абдуқаюм парвоначи, Тоғай Сари, Барот, Алимардонбек; Фарғона-дан Ботир Рузи; Қаршилик Бўри Батош Тўқсабо, Утанбек ва шахрисабзлик Жаббор кенагас, бойсунлик Ҳуррамбек, Аҳмадбек Икромиддин Ҳужа, Мустафоқулбек, Соҳиб командир, Саломбек, Эшони Судур — Үроқхон Қорахужа, миршодилик Азимбек ва бошқа нуфузли сардорлар иштирок этилди. Курултойда Анвар Пошо Олий бош қумондон ва сиёсий раҳбар қилиб сайланди.

Бу курултойда Анвар Пошо бутун Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатини бирлаштириш ва Бухоро шаҳрини қўлга киритиш режасини баён қилди. Режага мувофиқ, Farбий Бухоролаги истиқлолчилар Мулла Абдулқаҳор бошчилигига жанглар билан Кармана ва Нурота орқали Самарқанд ҳудудига ўтиши, шунингдек, Қарши шаҳрини эгаллашлари лозим эди. Анвар Пошонинг узи эса Бойсун шаҳрини олгач, у ердан Шахрисабз ҳудудига кириши, сунгра Қарши шаҳрига ўтиб, Мулла Абдулқаҳорнинг кўшини билан күшилгач, республика пойтахти Бухорои шариф устига биргаликда юришлари керак эди.

Курултойда Сайд Олимхоннинг нуфузли аъени Ҳожи Латиф Девонбеги иштирок этиди. У Анвар Пошога амирнинг шахсий мактуби ва қимматбаҳо совваларини топширгач, Farбий Бухорога — Мулла Абдулқаҳор ҳузурига йўл олди. У ҳам Сайд Олимхоннинг, ҳам Анвар Пошонинг вакили сифатида Мулла Абдулқаҳор кўшинида ўлимiga қадар фаолият кўрсатди.

Курултой куниларида Анвар Пошонинг тақлифи билан бир гуруҳ нуфузли вакиллар шу кунларда Самарқандда ўтиши мўлжалланган Туркистон мусулмонларининг 2-курултойига вакил қилиб жунатилди.

Анвар Пошо Бухородаги истиқлолчилар курашига раҳбарлик қиласар экан, фақат жанг ҳаракатлари билан чекланниб қолмади. У совет ҳокимияти вакиллари билан музокаралар утказишга, дипломатик воситалар орқали уз мақсадини баён этишга ҳам интилди. Бу билан Анвар Пошо қон тукишни камайтиришга, босқинчи қизил аскарларни эса Россияга жунатиб юборишга ҳаракат қиласарди. Анвар Пошо, Иброҳимбек ва бошқа қурбошилар номидан Бойсун шаҳридаги большевиклар вакили О. Акчурин номига жунатилган мактубда шундай сатрлар бор: «Ҳақиқий мустақил Бухоро тупроғидаги аҳолининг вакиллари булган бизлар сизларга шуни маълум қиласизки, сизлар мамлакатимиздан чиқиб кетмагунингизча жангни давом эттираверамиз, деб бир қарорга келдик. Ҳозирги вақтда беҳуда қон тукилма-

син деб ва одамгарчилик қилиб сизларга мамлакатимиздан чиқиб кетишни таклиф қилаёттирмиз. Шундай қилсангиз, Сизнинг дустларингиз булиб қоламиз ва ўзимиз ёрдам бериб, сизларни очликдан сақлаб қоламиз, акс ҳолда Сизлар ватанингизда очарчиликдан улаётган оиласарингиз каби маҳв этиласиз. Хозир биз гуноҳкор булмайлик деб одам қонини тикишни истамаёттирмиз. Лекин ҳалқимизнинг истагига хилоф равишда ватанингизга бостириб кирган сизлар билан жанг қилишни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Бизлар хурсандлик билан бу йулда қонимизни тикиб, шаҳид бўлишдан қайтмаймиз»<sup>1</sup>.

Анвар Пошонинг бундай талаблари ва эришган ғалабалари совет ҳокимиятини саросимага солди. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Анвар Пошонинг Туркистон кураш майдонида куриниши, унинг дадил ҳаракатлари Россиянинг Шарқ ва Туркистонда юритаёттан сиёсати таназзулининг ибтидоси бўлди. Апрел ойининг уртасида Бойсунга Анвар Пошо билан сулҳ тузиш учун совет Россияси ташқи ишлар ҳалқ комиссарлигининг 10 кишидан иборат делегацияси келди.

Пошонинг қароргоҳига уларнинг таклифини бойсунлик Усмон Ака ўғли келтирди. Бу сулҳга биноан Анвар Пошо «Дарвоз, Қоратегин, Кулоб, Душанбе, Ҳисор каби шаҳар ва вилоятларда ўз орзуси асосида мустақил бир давлат қураолиши» мумкинлиги эътироф этилган эди. Бунинг эвазига, ундан Туркистон масаласига бошқа аралашмасликни талаб қилдилар. Анвар Пошо совет элчисига 19 апрелда қуйидагича жавоб қайтарди: сулҳ битими ҳақида фақат рус аскарлари Туркистон тупрогидан бутунлай олиб чиқиб кетилгандан кейингина сўз бўлиши мумкин.

Анвар Пошо 13 майда фаол жанг ҳаракатларини бошлиди. Кармана, Бойсун, Шеробод, Термиз, Карки каби турли шаҳарларда истиқлолчилар қизил аскарларга қарши хужумга ўтишли.

Анвар Пошо 1922 йил 19 майда совет давлатининг пойтахти — Москвага жўнатиш учун Озарбойжон республикаси Ҳалқ Комиссарлари Конғашининг раиси Н. Наримонов орқали бир ультиматум (талабнома) юборди. У ҳамма нарсадан олдин босқинчи рус қўшинларининг Туркистондан чиқиб кетишни талаб қилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Файзулла Хужаев. Таъланган асарлар. I том, 247—248-бетлар.

<sup>2</sup> Ушбу ультиматум матнини француз тâлқиқотчиси Ж. Кастанье уз ишида келтириб утади. Бу ҳақда қаранг: Кастанье Ж. Бухарская Республика. «Позиция», 1993, №1, с. 17—18.

Табиийки, совет ҳукумати Анвар Пошонинг бу талабларини жавобсиз қолдирди. Жанговар ҳаракатларни кучайтириш билан бир қаторда ҳалқ оммаси уртасида Анвар Пошота қарши оммавий равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориш аллақачон бошланган эди. РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси ҳали 1922 йил 1 февральдаек «Бухоро масаласига доир» қарор қабул қилган булиб, мазкур қарорни И.В. Сталин, Г.В. Чичерин, В.В. Куйбишев ва Ф. Хужаевдан иборат комиссия ишлаб чиқкан эди<sup>1</sup>.

Бу қарорга кура, Бухоро ва Фарғона худудларидаги истиқлолчиларга қарши курашаётган фронтлар РСФСР Инқилобий ҳарбий кенгани тайинлаган маҳсус қўмондонлик раҳбарлигига бирлаштирилди, бунда мусулмон аҳолиси орасида сиёсий иш олиб боришга ва қизил аскар қисмларини таъминлаб туришни кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Қарорда «босмачилик»ни тугатиш, Бухоро партия ва совет органларининг энг муҳим вазифаси, деб таъкидланли. «Босмачилар»га қарши муваффақиятли курашмок учун РКП(б) МК туркманлар ва тожиклар орасида сиёсий ишни кучайтиришни, маҳаллий аҳолига ён бериш иулини тутишни, мусодара қилинган вақф ерларини қайтариб беришни, қозилар судини ошкора расмийлаштиришни ва тавба қилган «босмачилар»нинг гуноҳини кечишини суради<sup>2</sup>.

Шарқий Бухородаги истиқлолчилар ҳаракатини батамом тор-мор келтириш мақсадида Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгашининг 1922 йил 1 апрелдаги буйруғига биноан, «босмачилик» билан кураш олиб борувчи Шарқий Бухоро фронти тузилди. Унга Инқилобий ҳарбий кенгаш бошчилик қиласиди. Кенгаш (фронт таркиби 4 киши: қўмонлони Ионов — раис, Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзолари — Ф. Хужаев ва Р.И. Берзин ҳамда штаб бошлиғи Зуев)дан иборат қилиб тузилди<sup>3</sup>. Ионов Бухорога етиб келгунча, унинг ваколатини Ф. Хужаев вақтилчалик бажарив турди.

Бухоро республикаси ҳудудида турган барча қизил армия күшинлари, ушоу «босмачилик»ка қарши кураш фронтининг Инқилобий ҳарбий кенгashi қўмондонлигига тула

<sup>1</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т. II, с. 327.

<sup>2</sup> Қаранг: **Файзулла Хужаев**. Таинланган асарлар. I том, 512—513-бетлар; РЦХИДНИ, 61-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 5—7-вараклар.

<sup>3</sup> РГВА, 110-фонд, 4-рўйхат, 644-иш, 1-варак.

равиша бўйсундирилди, Бухоро давлатининг қуролли кучлари (миллий қизил армия ва халқ милицияси) эса узларининг хизмат курсатувчи аппаратлари (штаб ва бошқармалари) билан оператив жиҳатдан Йиқилобий ҳарбий кенгаши ихтиёрига утди.

«Босмачилик»ка қарши кураш фронти билан Туркфронт қўшинларини бир-биридан ажратиб турган худудий чизик қилиб Бухоро республикасининг давлат чесгараси тайинланди. Янги тузилган фронт қўмондонлигига командарм — армия қўмондонининг ҳамма ҳуқуклари бериб қўйилди<sup>1</sup>.

РКП(б) МК Бухородаги истиқдолчилик ҳаракатига қарши кураш олиб бориш чора-тадбирлари туғрисида атиги турт ой ичида олтита қарор<sup>2</sup> қабул қилди, шунинг узидан ҳам Анвар Пошо бошчилигидаги Бухоро ватанпарварларининг кураши Москвани қанчалик ташвишга солганигини билиб олиш мумкин. Ушбу қарорлар орасида РКП(б) МК томонидан 1922 йил 18 майда қабул қилинган «Туркистон — Бухоро ишлари ҳақида» леган кенгайтирилган қарор муҳим урин тутади. Шуниси характерлики, ушбу қарор Анвар Пошонинг советларга юборган ультиматумидан бир кун олдин қабул қилинган эди. Унда Анвар Пошо «Англияниң агенти ва Шарқ халқларининг душмани», деб эълон қилинди, унга қарши «кенг сиёсий компания бошлаш» чора-тадбирлари белгиланди. «Анвар Пошонинг инглиз империализмининг малайи эканлигини фош этиш ва қизил армияниң халоскорлик миссиясини оммага тушунириш» юзасидан маҳсус курсатмалар берилди. Фирт туҳмат ва сиёсий товламачиликдан иборат булган бу қарор тарихимизда ута машъум рол уйнади. Бу қарорни амалга ошириш учун Г.К. Оржоникидзе Москвадан Бухорога зудлик билан жунатилди. Бундан гашқари 1922 йил езида Россия ҳарбий ишлар халқ комиссари Л.Д. Троцкий, Россия қуролли кучларининг Олий бош қўмондони С.С. Каменев, булгуси совет маршали С.М. Будённий ва Турк-

<sup>1</sup> Қаранг: Файзулла Ҳўжаев. Таинланган асарлар, I том, 514, 522-бетлар.

<sup>2</sup> РКП(б) МК Ташкилий бюроси 1922 йил 18 январда «Бухорога ёрдам кўрсатиш чоралари ҳақида», РКП(б) МК Сиёсий бюроси 1 февралда «Бухоро масаласига доир», 22 февралда «Бухородаги аҳвол ҳақида», 1 марта «Шарқий Бухородаги қўшинларини кучайтириш ва қурол-яроғларни купайтириш ҳақида», 13 марта «Бухоро ҳақида» ва ниҳоят, РКП(б) МК 18 майда «Туркистон — Бухоро ишлари ҳақида» қарорлар қабул қилди. Бу ҳақда батафсил қаранг: Урта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи, 737-бет.

комиссия аъзоси В.В. Куйбашев, Урта Осиё бюросининг ранси Я.Э. Рудзутак ҳам аввал Туркистонга, сўнгра эса Бухоро шаҳрига юборилдилар. Ленин ва Сталиндан ташқари совет Россиясининг энг нуфузли давлат арбоблари ва ҳарбий бошлиқларигинг Туркистон ва Бухорога келиши, бу ердаги вазият билан танишиб, истиқлолчиларга қарши курашга шахсан ўзлари бевосита раҳбарлик қилишлари Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати қанчалик кучайланлиги ва сиёсий тус олганлигини яққоз курсатади. Бу ҳолни Бухоро ҳукуматининг уша пайтдаги бошлиғи Файзулла Хужаев ҳам қуидагича эътироф этган эди: «Шарқий Бухородаги босмачилик ҳаракати узининг стратегик мавқеи жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга ва сиёсий жиҳатдан қарангандা Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқдир»<sup>1</sup>.

Совет ҳокимияти бутун Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатини қисқа муддат ичидаги тор-мор қилиш учун узининг барча имкониятларидан фойдаланди. Шу мақсадда РКП(б) МК Туркбюроси ўрнида 1922 йил майда РКИ(б) Марказий Комитетининг Урта Осиё бюроси тузилди<sup>2</sup>. Урта Осиё бюроси истиқлолчиларни тор-мор қилиш ишига foявий жиҳатдан раҳбарлик қилиши керак эди.

Совет Россияси ва унинг босқинчи қизил армияси томонидан мулжалланган ҳарбий ҳаракат режалари ҳам, марказдан жўнатилаётган янги-янги ҳарбий қисмларининг Туркистон ва Бухорога келиши ҳам, аҳоли уртасида юритилаётган коммунистик тарғибот ва ташвиқот ҳам истиқлолчиларни курашдан қайтара олмади. Мулла Абдулқаҳор қўшинлари Бухоро шаҳри атрофида мағлубиятга учрагач, Анвар Пошо Шарқий Бухорода қизил аскарлардан интиқом олмоқчи булди. Бу пайтда Бойсун гарнизонидан ташқари бутун ҳудуд унинг ихтиёрида эди. Анвар Пошо булажак жангларга қизғин тайёргарлик кура бошлади.

Мулла Абдулқаҳор қурбоши ҳам бу пайтда Farbий Бухорода ўз ҳаракатини анча фаоллаштириди. Уша давр хужжатларининг бирида ёзилишича, «1922 йил 24 майда эрталаб Мулла Абдулқаҳор бошчилигидаги 3000 киши Fиждувон шаҳрини чор атрофдан куршаб олишди ва гарнизонга хужум қилишиб... Гарнизоннинг аҳволи жуда қийин ҳолатда... шаҳар ҳамма томондан куршаб олинган»<sup>3</sup>. Икки

<sup>1</sup> Файзулла Хужаев. Танланган асарлар. | том. 461-бет.

<sup>2</sup> Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. М., 1987, с. 613.

<sup>3</sup> Пограничные войска в СССР. 1918—1928, с. 582—583.

кеча-ю қуидуз давомида тинимсиз жанглар булди. Фиждувон гарнizonидаги қизил аскарларга құшимча ёрдам күчлари келиб қүшилгач, истиқолчилар орқага чекиниши. Ұша ҳужжатда қайд этилишича, «бутун күчлар билан душмани зурға қайтаришга муваффақ бўлинди».

Бу пайтда қизил аскарлар Кармана—Нурота йуналишида ҳам ҳужумға ўтдилар. Мулла Абдулқаҳорнинг Фарбий Бухородаги асосий қарортоҳи булган Нуротага ҳужум қилинди. Тоғлар орасидаги бу шаҳарни 28 майда қизил аскарлар босиб олиши. Истиқолчилардан 150 киши жангда мардларча ҳалок булди, 50 киши эса асир тушишга мажбур булди. Мулла Абдулқаҳор узининг асосий күчлари билан Қизилкүм саҳросига чекинди.

Фарбий Бухорода истиқолчиларга қарши курашни жонлантириш мақсадида туман марказлари ва йирик қишлоқларда қизил аскарларнинг ҳарбий гарнizonлари тузилган эди. Бундай гарнizonлар Шофиркон, Талисафед, Вардонзе, Вобкент, Ромитан, Зандани, Фишти, Фиждувон ва бошқа куплаб жойларда ташкил этилди. Бу гарнizonлардаги қизил аскарлар «босмачилар» билан жанг қилиш урнита купинча тинч аҳолини талаш, қишлоқларга ут қўйиш, мусулмон аёлларининг номусига тегиши каби қабиҳ ишлар билан шугулландилар. Масалан, ұша даврга тегиши бир ҳужжатда ёзилишича, Шофиркон туманининг маркази булган Ҳужа Орифда жойлашған қизил аскарлар гарнizonининг бир жангчиси шу ерлик Ҳофия Бурхонхужа қизини зурлаб, номусига тегди. Жабрдийда қиз ва унинг отаси Бурхонхужа Сайдхўжаев қизил аскарларнинг бу зұравонлигидан паноҳ истаб, Читгарон қишлоғида жойлашған истиқолчилар сафига бориб қүшилдилар<sup>1</sup>. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Бухоро истиқолчилари сафида куплаб ұзбек ва тоғик аёллари құлда курол тутиб, қизил аскарларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар.

Бу пайтда Туркистанда булган Россия Куролли күчларининг Олий бош күмандони С.С. Каменев Бухородаги қизил армиянинг жанг ҳаракатларига шахсан узи раҳбарлик қилди. Бухоро группа қүшинларининг штаби ва Инқилобий ҳарбий кенгаш (Реввоенсовет) тузилди, қүшинлар қумондони этиб Н.Б. Какурин ва Реввоенсовет аъзоси қилиб эса Батурин тайинланди. 1922 йил 1 июндан бошлаб БХСР ҳудудида икки фронт: Шарқий ва Гарбий фронтлар ташкил қилинди.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 266-иш, 327-варақ ва унинг орқаси.

Совет қўмандонлигининг режасига мувоғиқ фаол ҳаракатлар икки йўналишда: сўл колонна Бойсундан то Денов—Ҳисор—Душанбе—Коғирниҳон—Файзободгача, унг колонна бўлса Шеробод—Қакайди—Термиз учбурчагидан Қабодиён—Курғонтепа—Кулоб—Балжуvon томонгача олиб борилиши керак эди.

Какурин қўмандонлигидаги Бухоро группа қушинлари Бойсунни 4 ойдан бери қамал қилиб турган Анвар Пошо армиясига қарши 1922 йил 9 июнда хужумга утдиладар. Жанг ҳаракатлари тасвирланган совет хужжатларида истиқдолчиларининг қизил аскарларга қарши шиддатли курашганилиги қўйидагича курсатилади: «9 июн тонготарида артиллерия ути ҳимоясида Биби Ширии ва Мирқоракуз қишлоқлари шиддатли жанг билан ишғол этилди. Шу куни Работ қишилоги эгалланиб, ҳар иккала колонна бирлашди. Душман кучли қаршилик курсатди. Тушдан кейин душман 2500 киши атрофидаги кучлар билан Бойсун ва Работ атрофига қарши хужумга утса-да, бу жойда 217 кишини йуқотиб, орқага чекинди»<sup>2</sup>.

Биби Ширии, Мирқоракуз, Работ, Юқори Қакайди, Инкабод қишлоқларида жойлаштан Али Ризо, Дониёлбек, Турсун афанди ва Азимбек, Эшон Султон бошчилигидаги Анвар Пошо қушинлари Я.А. Мелкумов жанговар қисмларининг шиддатли хужумига қаршилик курсатган бўлса-да, Ҷяконов тупларининг берган зарбаларидан кейин отлиқ аскар булинмалари улар устига ташланди. Натижада истиқдолчилар Бойсун атрофидаги қишлоқларни ташлаб чиқишли. Аммо улар ўз навбатида қарши хужумга ҳам утиб туришган. Масалан, 12 июнда Бойсундан 8—10 чақирим жануби-шарқда жойлашган Инкабод қишлоғига 1000 кишидан иборат истиқдолчилар қушини шимол ва жануб томондан хужум қилишли. Қизил аскарлар уларни шиддатли хужумини зўрга қайтариб қолишли<sup>3</sup>.

Қизил аскарлар бу ҳал қилувчи жангта тайёргарлик курган вақтларида факат тинч ахоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот юритиш билан чекланиб қолмаган эдилар. Улар қурбошилар орасида пифоқ чиқариш, уларни бир-бирига қайраб солинш, турли иғволар тарқатиб, истиқдолчилар сафини булиб ташлашга жон-жаҳдлари билан интилдилар. Совет чекистлари ва айрим сотқинлар қўрбошилар

<sup>1</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т. II. с. 329.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 309-варақ.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 309-варақ.

дастларидан булиб, йигитлар уртасида ваҳимали мишишлар тарқатар эдилар. Бу муртадлар Шарқий Бухорадаги истиқлолчилик ҳаракатининг икки буюк сиймоси: Анвар Пошо ва Иброҳимбек уртасидаги мураккаб муносабатни янада тарапглаштиришга, улар орасига низо солишга ҳам муваффақ булдилар. Натижада қизиллар ҳужуми арафасида Иброҳимбек қурбоши ўзининг 7000 кишидан иборат сараланган қушинини олиб, Бойсунни тарқэтди. Иброҳимбек бу билан чекланмай, қизиллар ҳужум қилган вақтда Анвар Пошога буйсунмаслигини айтиб, исён кутарди. Иброҳимбекнинг бу ўзбошимчалиги ва Анвар Пошонинг у билан тил топиша олмаслиги истиқлолчиларга қимматга тушди.

Анвар Пошо 1922 йил 15 июнда Сайд Олимхонга ёзган мактубида бу зиддиятларни тасвирлаб, қуидагиларни маълум қилган эди: «Кулобда ҳужумга ўтган лақайликлар бутунлай тор-мор этилган эдилар. Тожиклар, қирғизлар ва туркмайларниң бирлашган қушинлари Давлатмандбек бошчилигига провинциянинг ҳамма округини (Шарқий Бухори — *K.P.*) улардан тозалаган ва бу атрофлагиларни (Иброҳимбек йигитларини — *K.P.*) куролсизлантирган эдилар... Бу ҳужумни Иброҳимбек тайёрлагани ва Тоғай Сарига қуролли қишиларни ёрдам учун юборгани очиқойдин маълум... Эндиликда мен шуни аниқ биламанки, Иброҳимбек ҳеч қачон Бойсунга — менинг ҳузуримга қайтиб келмайди...»

Қизил аскар қисмларининг ҳар икки колоннаси 1922 йил 15 июнда ҳал қилувчи ҳужумга ўтдилар.

Ҳужжатларда ёзилишича, «15 июнда чап колонна қисмлари Бойсун, Инкабод, Работ теварак-атрофида 10 чақирим фронт буйлаб ҳужумга ўтди. Душманнинг қуриқчи соқчиларини улоқтириб ташлаб, соат 8 билан 9 орасида Коғириун, Сариқамиш, Пулҳокимдаги фронт буйлаб ҳужумга ўтилди. Душман Тангимуш дарасига қисиб қўйилгач, шарқ томони бурилди. Душман талафоти: 200 киши үлдирилди, 20 киши асир олинди. Булардан тақиқари 200 бош қорамол, 37 туя ва Анварнинг шахсий буюмлари қулга туширилди...»

Анвар Пошо ва Ботмон Тұқсаболарнинг 2000 кишилик гурӯҳи Деновда жойлашган эди.

<sup>1</sup> Соловейчик Л. Басмачество в Бухаре (Очерк возникновения и развития современного басмачества в Бухаре). М., Красная новь, 1923, с 24—25.

16 июн тоғтотарда 8-отлиқлар бригадаси Бандихондаги төғ дараси орқали Жарқурғонга етиб олди.

17 июн эрталаб 1-отлиқлар бригадаси Денов, Юрчи, Сариосиёни әгаллашди. Үша куннинг охирила бу жойга пиёда аскарлар ҳам кириб келди...

18 июнда унг колонна қисмлари Бишкентни әгаллашди. Уч юз кишидан иборат душман Қабодиёнга чекинди. Душманнинг кўрган талафоти: 12 киши улдирилди, 4 киши асир олинили... Беш-Темур кечуви (жангиз) ишғол қилинди, 19 июн кечкурун у ерга унг колоннанинг унг отряди ҳамда унг колонна сул отрядининг бир қисми етиб келди...

12-отлиқлар полкининг 2-батальони Деновга етиб келди... Унг колонна қисмлари Қабодиён ва Айвожни әгаллашди...»<sup>1</sup>

Анвар Пошо 24 июнга утар кечаси Дарбанд атрофида узининг 3000 кишилик күнини билан булгуси генерал Какуриннинг 8000 кишилик яхши қуролланган совет дивизиясига қарши хужум қилди ва у тор-мор қилинди<sup>2</sup>.

Хуллас, Анвар Пошонинг қизил аскарларга қарши 15 июнда Коғириунда ҳал қилувчи зарба тайёрлашга уриниши амалга ошмади. Июн ойининг иккинчи ярми ва июл ойининг бошларида сон ва сифат жиҳатидан устуниликка эга бўлган қизил аскарлар истиқлолчиларни мағлубиятга учратса бошлади. Анвар Пошо Афғонистон ҳарбий вазирига ёзган мактубида унинг қушинларида патрон етишмаганилиги, русларнинг қуроли уларникига нисбатан сифатлироқ эканлиги жанг тақдирининг ҳал қилганлигини таъкидлайди. Бу пайтда Душанбе атрофида турган Иброҳимбек Анвар Пошога ҳеч қандай амалий ердам курсатмади. Шундай булишига қарамасдан, Анвар Пошо уз кучларини туплаб, 29 июнда Регар-Қоратоғ йуналишида қизил аскарларга қарши хужумга ўтди. Афсуски, уларнинг бу хужуми ҳам қайтарилиб, ўз навбатида қизил армия жангчилари ялпи равишда қарши хужумга ўтди. Истиқлолчиларнинг асосий кучлари Регардан Ҳисорга чекинишга мажбур бўлди.

«2 июлда шиддатли жанглар билан Қоратоғ, Ҳисор, Чимқурғон, Ҳужа Чакмоқ, Регарни чап колонна қисмлари әгаллашди. Анвар Пошонинг асосий кучлари Оқ Мачитга чекиндилар...»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 309—310-вараклар.

<sup>2</sup> Нермин Менеменси ўғли. Курсатилгап асар, 7-бет.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 310-варак.

3 июля қызил аскарлар Жиллиқулни босиб олишган булса, 4 июля улар шидлатли жанглар натижасыда ва истиқолчиларнинг қаттиқ қаршиликларидан кейин Курғонтепа шахрини эгаллашди...

Ўз харбий маҳоратига ишонган Анвар Пошо истиқолчиларнинг кучларини туплаб, яна қызил аскарларга қарши ҳужумга утди. 8 июл куни 500 кишидан иборат истиқолчилар грухи Қоратогдан 8 чақирим шарқда жойлашган Иляка қишлоғидан қызил аскарларни сурисб чиқариши. Бу ғалабадан руҳланган 700 кишилик истиқолчилар грухи Турақалъа қишлоғида жойлаштан 5-үкчи полкининг батальонларига ҳужум қилишди. Танг аҳволга тушиб қолган қызил аскарларга ёрдамчи кучлар келиб қушилгач ва кучли артиллерия зарбасидан сунг, мухолифатчилар жануби-шарқ томонга чекиндилар.

Курғонтепадан 30 чақирим шимоли-шарқда жойлашган Сангтуда қишлоғи атрофида кескин жанглар қизиб кетди. 13 июля қызил армиянинг 15-отликлар полки дастлаб Сангтуда қишлоғини босиб олди. Анвар Пошонинг 500 кишидан иборат қушини бу ерлаги тұқнашувда 50 кишидан ажралиб, шимол томонга чекинди. Иброҳимбек ва Дониёлбекдан мадад кучи етиб келгач, Анвар Пошо 1500 кишилик құпин билан 14 июля Сангтудани озод қилиш учун ҳужум бошлади. Баъзи манбаларда Анвар Пошо ихтиерида бу пайтда 5000 жаңгчи борлиги күрсатилған<sup>1</sup>. Лекин кейинги воқеалар бу миқдор ошириб күрсатилғанligini исботлади. Анвар Пошонинг Сангтуда қишлоғини қайтадан эгаллаш учун қылған ҳаракатлари самара бермади. Бу жангда у яна 50 кишидан ажралди ва Сангтудадан чекинди.

Душанбе атрофида ҳам бу пайтда жанглар қизиб кетган эди. Истиқолчилар билан қызил аскарлар ўртасыда қаттиқ жанглар булди. Душанбе ҳимоячилари бу жангда 170 киши йүқтедилар. 1-отликлар бригадаси жангчилари 14 июл куни Душанбе шахрини босиб олишди. 17 июля улар Кулобни эгаллашди. Душанбе шахри роппа-роса 5 ой давомида истиқолчилар қўл остида турған эди.

Анча муҳим ғалabalарни қулга киритган қызил армия жангчилари Анвар Пошога сунгти зарбани Балжуон атрофида бериш учун ўз кучларини бу ерда тұплашди. Анвар Пошо ҳам бу ҳаёт-мамот жангига зур бериб тайёргарлик кура бошлади. Лекин унинг имконияти ҳам, қуролланған

<sup>1</sup> Қарант ва таққосланғ: Ирқаев М. Уша асар, 346-бет; История гражданской войны в Узбекистане. Т. II, с. 330.

қүшининің миқдори ҳам чекланған әди. Қизил аскарларга эса Тошкент ва Россия марказидан тобора янги күчлар ҳамда ҳарбий бўлинмалар келиб қўшиларди. Босқинчилар қўшини замонавий жанг қуроллари билан тиши-тирноғига-ча қуролланған әди.

Балжувон учун шиддатли жанглар уч кун давом этди. Ҳужжатларда ёзилишича, «19 июнда 15-отликлар полкининг икки эскадрони олтита пулемётнинг тинимсиз уқ ёмғири ёрдамида шиддатли жанглардан сунг, Хонобод қишлоғи томондан Балжувон шаҳрининг атрофларини эгаллашди, 15-отликлар полкининг дивизиони бўлса кеч соат 20 да қийин жанглардан сунг, қалья ва шаҳарининг қолган қисмини ҳамда шаҳарга олиб борувчи Қизилсув дарёсининг чап қирғонини эгаллашди. 600—700 кишидан кам бўлмаган душман күчлари Қизилсув дарёсининг ўнг қирғонига утиб олиши ҳамда Хонобод қишлоғи ва Балжувон уртасида мустаҳкам ўрнашдилар<sup>1</sup>.

Балжувонни эгаллаш учун 15-отликлар полкининг күчлари камлик қилгандан кейин Богданов кўмондонлигидаги 16-отликлар полки ҳам бу ерга ташланди. Катта миқдордаги қизил аскар қисмларининг сиқувидан сунгра Анвар Поню Балжувон атрофидаги Оби Дара қишлоғига чекинди. Қизил аскарлар 20 июлда Балжувонни бутунлай босиб олишди.

27 июлда Хонобод қишлоғидан шарқ томонда 1500 кишилик истиқолчилар қўшини билан қизил армиянинг ўнг колонна жангчилари уртасида қаттиқ туқнашув бўлди. 15-отликлар полкининг 3-эскадрони ва 16-отликлар полкининг 1-эскадрони жангчилари 8 та пулемёт ва туплар ўқи остида ҳамкорликда ҳужумга утсалар-да, истиқолчилар уларнинг қаршилигини синдириб, орқага улоқтириб ташладилар. Уша куни кечқурун қизил аскарлар Хонободни ташлаб, қочишли<sup>2</sup>.

29 июлда қизил аскарларга мадад күчлари келиб қўшилгач, улар Хонобод томон қайтадан ҳужум бошлашди. Истиқолчилар жанг қилган ҳолда шарқ, шимоли-шарқ ва жануби-шарқ йўналишларига томон чекиндилар. «5-уқчи полк қисмлари томонидан Кўктош қишлоғи (Ҳисордан 17 чақирим шарқда) эгалланди». Бу пайтда Иброҳимбек қўрбшининг 400 кишилик қўшини, Файзободдан 15 чақирим жануби-шарқда жойлашган Зардолу довонида әди. Қизил

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 310—311-вараждар.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, уша жойда, 312-вараж.

аскарлар билан бўлган жаңгдан сунг у ҳам Явон қишлоғи тарафга чекинди.

Афғонистон амири Омонуллахон Анвар Пошони муҳофаза қилиш учун Афдолиддин бошчилигига 300 аскар жунатган эди. Улар Бойсун сафарида ҳам бирга бўлган эдилар. Аҳмад Заки Валидийнинг ёзишича, Пошо чекиниб, Балжувон билан Кулоб орасидаги Геврекли деган жойга келгач, Омонуллахондан бир мактуб келган. Бу хатда у Пошони яна бир бор Афғонистонга келишга даъват этиб «Сенга миллатимизнинг бағри, юртимизнинг дарвозаси очиқ», деб ёзган. Бироқ Анвар Пошо афғон аскарий қисмининг раҳбари Афдолиддинни ҳузурига чақириб: «Сизнинг бу ердаги вазифангиз тугади, юртингизга қайтинг», деб буюрган ва Омонуллахонга хат ёзган: «Мен қатъяян шу ерда қоламан. Ўлсам, дустларимнинг юртида устимга тортиладиган тупроқ тошилар. Бу ердан кетиш катта хато булур. Аскарларингизга қайтишга рухсат бердим»<sup>1</sup>.

Анвар Пошо ихтиерида турган Эшон Султон ҳам уз қўшинларини гарбга — ватани бўлган Дарвоз томонга олиб кетиш учун ундан рухсат сўрайди. Анвар Пошо қўл остида жуда кам миқдорда қушин қолди. Фақат жасур Давлатманбек ва йигитлари Анвар Пошонинг охирги нафасигача унинг ҳузурида қолицди<sup>2</sup>.

1922 йил 4 август жума куни мусулмонларнинг Курбон Ҳайитига түғри келди. Бу сана 1345 ҳижрий или зулҳижжа ойининг ўнинчи куни эди. Бу пайтда Анвар Пошо узининг кам сонли отряди билан Балжувондан 12 чақирим щимоли-шарқда жойлашган Оби Дара қишлоғида эди. Курбон Ҳайити намози ўқилгандан сунг, Анвар Пошо узининг энг содиқ сафдошларига қарата қисқаша ваъз айтди. Ушбу ваъз унинг эрк ва истиқлол курашчиларига қилган сунгги даъвати ва сиёсий васияти булиб қолди. Мана уша сузлар: «Мен сизларга ҳозир ҳайитлик тарқата олмайман. Агар бизларнинг қардошлигимиз ҳақида бир неча оғиз сузлар битилса, мен унга уз муҳримни қўйиб бажонидил имзо чекардим. Мен ўйлайманки, бу сузлар бизнинг озодлик учун олиб бораётган миллий курашимиздаги ҳарбий қардошлиқ ҳақида бир ажойиб хотира булиб қоларди».

Москвадан маҳсус Бухорога жунатилган ОГПУнинг Шарқ булими мудири кавказлик армани Г. Агабековнинг чекистлари бу пайтда Анвар Пошо турган жойдан хабар

<sup>1</sup> Zeki Velidi Togan, Hatiralar, S. 390—391.

<sup>2</sup> Қаранг: Нермин Менеменсен уғли. Уша жойда, 7-бет.

топиб, бу манзилини қизил армия қўмондонлигига маълум қилишган эди. Оби Дара қишлоғи чор атрофдан қизил аскарлар билан куршаб олинди. 8-отликлар бригадаси, 15-, 16-, 18-отликлар полки, куплаб отлиқ эскадронлар Оби Дарада жойлашган Анвар Пошо йигитлари устига қўқисдан ташланди.

Хужум куни сифатида айнан мусулмонларнинг муқаддас байрами — Курбон Ҳайити куни бежиз танланмаган эди. Ўша кунги жанг ҳаракатлари қизил аскарларнинг архивларда сақланиб қолган оператив маълумотларида қўйидагича тасвирланади: «4 августда 8-отликлар бригадаси Балжувон — Ховалинг ургасила жойлашган Анвар Пошонинг асосий кучларига қарши ҳужумга ўтди. 16-отликлар полкининг 3-эскадрони 500 кишилик куч билан Оби Дара қишлоғи (Балжувондан 12 чақирим шимоли-шарқда) атрофида душман зарбдор кучларига ҳужум қўлди. Анвар узининг сараланган 100 та жангчисини оляб, 18-отликлар полкининг 1-эскадрони устига ташланди ва уни янчиб ташлади. Аммо 3-эскадрон жангчилари билан кўл жангига киришган Анвар Пошо беш жойидан жароҳатлантириб, ўлдирildi. Унинг улимидан сунг, душман жasadни олишга ҳам улгурмай, шимолий томондаги тоққа чекинди. Жasad тинтуб қилинганда Анвар Пошо номига унинг рафиқаси томонидан ёзилган хатлар, учта муҳр (муҳрларнинг иккитаси Анварнинг шахсан ўзига тегишли эди) ва револьвер топилди. Маҳаллий аҳолининг фикрига қараганда, худди шу жангда оғир ярадор қилинган Давлатмандек жанг майлонидан олиб чиқилгач, орадан икки соат утгач ўлган...»

Анвар Пошо уша куни булган сунғги муҳорабасида шамшири билан ун бир урис аскарини ўлдирди. Уша даврда Туркистонда булган Аҳмад Заки Валидийнинг кейинчалик ёзишича, «Пошо Чекенда русларга қарши қаҳрамонона жанг қиляди, лекин қўрқиб чекинаётган рус аскарининг ўқига учди. Пошо аскарлари гарқаб кетди, аммо Дониёлбек билан Форуҳбек бутун кучларни янгида туплаб, русларни үраб олиб, уларнинг Чекенгача келиб етган батальонини деярли бутунлай йўқ қилиб ташладилар. Мустафо Шаҳқулиниң фикрича, руслар Пошони кимнинг ўқи ўлдирганлигини ҳам, улган киши кимлигини ҳам билмаганлар. Уша вақтда Пошо ёнида булиб, ҳозир Туркиядада яшаётган Мирза Мухитдин билан Мирза Нафас Туркман-

1 Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-руйхат, 48-иш, 312-варақнинг орқаси -- 313-варақ.

нинг айтишича, марҳумнинг Пошо эканлигидан бехабар тожиклар, унинг кийимларини ечиб, салласидан кафантикиб, дағн қилганлар. Пошонинг кийимлари билан баъзи қоғозлари бир оздан кейин тожиклар орқали рус айғоқчилари қулига тушган бўлса керак»<sup>1</sup>.

Валидийнинг бу мулоҳазаларида жон бор, албатта. Биз юқорида келтирган архив ҳужжати Анвар Пошонинг улимидан анча кейин — 15 августда ёзилган булиб, эртаси куни — 16 августда Бухоро телеграф агентлиги томонидан чиқарилган шошилиш (таъкид бизники — К.Р.) хабарномада расмий равишда биринчи марта унинг улими эълон қилинди. «Красная звезда» газетасининг 15 август сонида ҳам бу ҳақда кисқа ахборот босилди. Ўн кундан зиёд муддат ичидаги сон-саноқсиз чекистлар ва бошқа айғоқчилар ердамида олинган маълумотлар асосида, ниҳоят, совет кумондонлиги Анвар Пошо Балжувон яқинида үлдирилганлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳолбуки, совет ҳукумати бу хабарни қангзалик «интиқ» кутганлиги сир булмаса керак. Пошонинг жасади қизил аскарлар қулига тушганилиги тұғрисидаги хабар ҳам уйдирмадир. Анвар Пошонинг Балжувон атрофияда 25000 кишидан ортиқ бутун туркистанлик мусулмонлар иштирокида дағн қилиниши, унинг улимиға бағишлиб, мотам марсиялари ёзилиши (Чулпоннинг машхур «Балжувон» марсиясини эсланг), фикримизнинг яққол далилидир. Бухоро истиқдолчилари томонидан мамлакатда миллій мотам тутилди. Аффонистонда ҳам шу фожия тұғрисидаги хабар олинғач, мотам эълон қилинди. Пошонинг турли шахсий буюмлари, яқинларига ёзган күпшіл мактублари жосуслар ва разведкачилар орқали совет кумондонлиги қулига тушганилигига келсак, бу энди бутунлай бошқа бир масаладир.

Анвар Пошо Туркистан мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлди. Анвар Пошо улимидан бир мунча олдин Бойсунда турғаң қизил аскарларнинг бошлиғи О. Акчуринга ёзған мактубида Туркистон унга бегона эмаслигини, унинг аждодлари Туркистандан бориб, Туркияда салтанат қурганиларини, аксинча, бошқалар учун бу юрт бегона эканлигини қуйидагича таъкидлаган эди: «Бу инсонларнинг томирида оқаётган қон худди менини каби соф туркий қондир. Бу ер русларнинг эмас, балки туркий халқларнинг асл юртидир».

Шундай қилиб, 1922 йил августда Бухородаги истиқдолчиллик ҳаракатининг иккинчи босқичи тугади. Ушбу бос-

<sup>1</sup> Zeki Veliidi Togan. Натралар. S. 391.

қичда ватанпарварлар ота юрга учун қаҳрамонларча жанг қилдилар. Шарқий ва Ғарбий Бухородаги истиқтолчилар ягона қумондонлик остида ҳаракат қилишга уриндилар. Агар уларнинг кучлари узаро бирлашганда эди, эҳтимол, Бухородаги совет ҳокимиятига хотима берилши мумкин буларди. Анвар Пошонинг улимидан кейин истиқтолчилар ийрик жанг ҳаракатларини утказа олишмади. Шундай булишига қарамасдан, 1922 йил куз-қиши фаслида ҳам Ғарбий ва Шарқий Бухорода кескин жанглар асло пасаймади.

### 3. ҲАРАКАТНИНГ КЕЙИНГИ РІВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (1922 йил кузи — 1924 йил декабр)

#### A. Ғарбий Бухорода Мулла Абдулқаҳдор бошчилигидаги ҳаракат

1922 йил август ойи охирларида Кобулда Бухоронинг собиқ амири Саид Олимхон туркистонлик муҳожирларнинг катта қурултойини чақирди. Унда Афғонистондан ташқари Бухоро ва Туркиядан келган вакиллар ҳам иштирок қилди. Афғонистондан Муҳаммадхон Эшонғози; Тошкентдан Кузур Қози, Азим Афанди, Фарғонадан Қори Афанди ва яна 4 киши; Бухородан Усмон Ҳужа, Ориф Ҳамид (Абдулҳамид Орипов - Қ. Р.); туркмандардан Қулмуҳаммадбек (М. Қулмуҳамедов) ва амир номидан Абдул Ҳаким каби вакиллар қатнашдилар<sup>1</sup>. Анвар Пошонинг улимидан кейин Бухоро ва бутун Туркистонда юзага келган вазият муҳоказма қилинди. Бухородаги истиқтолчиларга амалий ёрдам бериш чоралари ҳақида келишиб олинди. Туркистондаги турли қурбоши гурӯҳларини бирлаштириш ва жойларга вакиллар ҳамда маслаҳатчилар юбориш масалалари ҳал қилинди. Ҳалок булган Анвар Пошо ўрнига (Бухорода унинг ёрдамчиси булиб юрган ва ҳозир Афғонистонда турган) турк зобити Ҳожи Сомий Афанди — Салим Пошо Олий бош қумондон қилиб тайинланди ҳамда унга Пошо (генерал) унвони берилди. Салим Пошо бошчилигида Туркистондаги истиқтолчиларнинг ялпи ҳужумини 1923 йил баҳорида бошлиш режалаштирилди.

1922 йил кузидаги Ғарбий Бухорода истиқтолчилар билан қизил аскарлар уртасидаги жанглар қизиб кетди. Кармана вилояти ижроия қумитаси раисининг 1922 йил 9 сен-

<sup>1</sup> Ирқаев М. Ўша асар, 367-бет.

тябрда ёзган маърузасида айтилишича, Хатирчидаги истиқлочиларга Бобо Муҳаммад Алим, Ҳасан Амин Тўксабо, Журақул Мироҳур, Шамсутдин Ҳожи Мироҳур, Жумакул, Шомурод каби қурбошилар бошчилик қилишган. Бу дасталарнинг 400 кишидан иборат қўшини Чингир Бозорда урнашган булиб, уларга Самарқанддан Ҳамдамча бошчилигидаги 90 кишилик даста келиб қўшилган. «Ҳозирги вақтда босмачилар бир қанча қишлоқларда ўз амлокдорларини тайинлашди»<sup>1</sup>, — деб жойларда совет ҳокимияти тугатилиб, унинг ўрнига қўрбошилар ўз бошқарувини жорий қилганилиги ушбу маърузада эътироф этилади. Хатирчидан ташқари яна Кармана атрофлари ва бутун Нурота истиқлочилар қулида эди.

Ҳозирги Бухоро вилоятининг Шофиркон, Фиждувон, Вобкент туманлари жанг ҳаракатлари энг фаоллаштан жойлар эди. Қизилқум чўлларида жойлашган Тикай қудук, Мулла қудук, Оғитма ва Қайроқли Отада Мулла Абдулқаҳор бошчилигига бир исча минг истиқлоҷи бор эди. Бухоро группа қўшиларининг 1922 йил 12 сентябрдаги оператив маълумотларда айтилишича, Бухоро жанг участкасида «31-отликлар бригадаси қушин қўмондонининг ўринбосари Гаазе бошчилигига 10 сентябр соат 21 да Вардонзедан (Шофиркондан ун чақирим шарқда) Тикай қудук қишлоғи томонга қараб, Мулла Абдулқаҳор дастасини тугатиш учун йулга чиқди. 11 сентябр соат 5 дан 10 минут утганда Тикай қудук қишлоғига (Шофиркондан 16 чақирим шимолда) Ҳайит Аминнинг 150 кишилик дастасига хужум қилинди ва у яксон этилди. Жангда 120 босмачи улдирилди, улганлар орасида 3 афғон, Абдулқаҳорнинг асосий ўринбосари — Абдусаттор, Ҳайит Аминнинг ўғли бор эди, шунингдек, Бўзчи Ботир қурбоши ва 6 босмачи асирга олинди... Мулла Абдулқаҳорнинг узи эса дастада йуқ экан. Жангда Гаазе улдирилди... Уша куни 31-отликлар бригадаси Вардонзе қишлоғига қайтди»<sup>2</sup>.

Тикай қудукдаги жангларда қизил аскарлар билан бир сафда туриб, ўз юртдошлирига қарши курашган Вобкент инқилоб қўмитаси (ревком)нинг раиси Абдуғани Набиев ўз эсадаликларида ушбу ҳодисани багафсил ҳикоя қиласиди<sup>3</sup>. Унинг айтилишича, бу жангда Абдусаттор Гўқсабо, Бозор

<sup>1</sup> Узбекистон МДА. 59-фона. 1-рўйхат. 31- иш, 248- вараж.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА. 48-фона. 1- рўйхат. 48- иш, 394- вараж.

<sup>3</sup> Караге. Набиев А. Жанговар йиллардан лквҳалар 23—25- бетлар.

Амин, Шобек каби шоғиркошлиқ құрбошилар халок бўлган.

Очиқ курашда ватанпарварларни айтарли мағлубиятга учрата олмаган қизиллар энди макр-хийлани ишга солиб, қурбошиларни таслим булишга ундашади. Бироқ уларнинг елғон ваъдаларига учмаган Ҳайит Амин бу фикрни қатъий раҳ этади. Бунинг устига Тикай қудукда булған жангда унинг ўғли улдирилган булиб, Ҳайит Аминнинг юрагида қасос ўти ёнарди. У душмандан интиқом олиш учун қурбон булишга ҳам тайёр эди. Юзма-юз курашда уни ента олмаган қизил аскарлар Ҳайит Аминни маккорлик билан йўқотиш йулини уйлаб топишиди. Бунине учун сопини ўзидан чиқаришга ҳаракат қилинди. Уз хоҳиши билан таслим булган Исмоил Түқсабо ишга солинди. Исмоилга беш кун муҳлат ичидаги Ҳайит Амин қурбошининг ўлиги ёки тиригини келтириш вазифаси юклатилди. Шундан сўнг унга афв (амнистия) қозои бериладиган бўлди.

Исмоил Түқсабо уз йигитларидан бир неча кишини Қозоқ нозир бошчилигига Ҳайит Аминни қулга тушириш учун жунатди. Булар Ҳайит Аминни Ҳазорнур зиёраттохидан топдилар. Унга Исмоил Түқсабонинг сотқинлигидан шикоят қилиб, бир умр Ҳайит Амин билан бирга булишга қарор қилғанликларини айтишиди. Ҳайит Амин ҳеч бир иккилан масдан уларни уз йигитлари қаторига олди. Ҳайит Аминнинг ишончини қозонган Қозоқ нозир қулагай пайт келишини кутади. Ниҳоят, бир куни тушлик намози тугаб, қул фотиҳа үқиши учун юзга олиб борилганда, Қозоқ нозир Ҳайит Аминнинг қоқ пешонасидан отади. Унинг таҳлика-га тушган б йигити эса қуролсизлантирилиб, қўллари боғланади<sup>1</sup>. Ҳайит Амин ана шундай хиёнат ва разилликнинг қурбони бўлди.

Хиёнат ва турли хил сотқинликлар Бухородаги, умуман олганда, бутун Туркистон миңпакасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг кейинчалик мағлубиятга учрашида машъум уринн тутади. Афсуски, шимолдан келган босқинчилар билан айрим юргдошларимиз «тил топишиб», уз Ватани ва халқига нисбатан хоинлик қилиди. Шунингдек, янги тузум сиёсатини қуллаб-қувватловчи табақалар фаолияти кучайиб борганлигини ҳам наэардан қочирмаслик лозим.

Тикай қудук фожиасидан кейин куп утмай — 13 сентябрда Вардонзе атрофидағи 31-отликлар бригадаси, учар

<sup>1</sup> Набиев А. Уша асар. 25—26-бетлар.

отряд ва Бухоро отлиқлар дивизиони Чандир қишлоғига (Шоғиркондан 8 чақирик шимоли-шарқда) ҳамда 61- отлиқлар полки Саврак қишлоғига (Шоғиркондан 1 чақирик шарқда) келиб жойлашиді..<sup>1</sup>

Шоғиркондаги ушбу қаттиқ жанглар натижасида ҳам қизил аскарлар бу ерда тулиқ устунликка эриша олмайды. Бухоро республикаси ички ишлар халқ нозири Мухтор Сайджоновнинг Бухоро группа қўшинлари Инқилобий ҳарбий кенгаши номига 1922 йил 16 сентябрда ёзган рапортида айтилишича, «Ички ишлар халқ нозирлигига Шоғиркон кентидан келган маълумотларга қараганда, у ерда гарнizon мутлақо йўқ... Ички ишлар халқ нозирлиги у жойта гарнizon юборишингизни қатъият билан сурайди»<sup>2</sup>.

Чунки Шоғиркон туманидаги Хўжа Ориф, Талисафед, Вардонзе қишлоқларида жойлаштирилган қизил аскарларнинг гарнizonлари истиқолчилар томонидан қириб ташланган эди.

Зандани кенти ижроия қўмитаси раисининг 1922 йил 19 сентябрдаги маърузасида ёзилишича, «Босмачиларнинг бошлиқлари Мурод Мешкоб ва Остон Коровулбеги Хўжа Порсо қишлоғида дараҳтларни кесиб масжид курдирмокдалар, масжиднинг атрофи тахминан 4 таюбдан иборат булиб, унда истеҳкомлар ҳам барпо қилинмоқда...»<sup>3</sup>

Бошқа бир ҳужжатда қўйидаи гаплар ёзилган эди: «Вобкент туманида тартибсизликлар юз бериб турганлиги учун Шоғиркон ва Занданига куролли кучлар юборинг»<sup>4</sup>.

Яна бошқа бир ҳужжатда келтирилишича, «20 сентябрда маҳсус вазифаларни бажарувчи эскадрон Чандир қишлоғида (Шоғиркондан 8 чақирик шимоли-шарқда) битта босмачини улдирди, иккита отни улжа олди»<sup>5</sup>. «2 октябрда маҳсус вазифаларни бажарувчи эскадрон Вобкентдан йўлга чиқиб, Хўжа Ориғача булган ҳудудни текшириб чиқди, 10- отлиқлар полки уз эскадронларини Хўжа Калишон, Чандир ва Мир қишлоқларида жойлаштириди...»<sup>6</sup>

1922 йил 20 сентябрда Эски Бухоро шаҳрига — Бухоро Чекаси номига юборилган телеграммада ёзилишича, «300

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48 иш, 395- вараж.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 59- фонд, 1- рўйхат, 31- иш, 215- вараж.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, уша жойда, 233- вараж.

<sup>4</sup> Узбекистон МДА, уша жойда, 274- вараж.

<sup>5</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 425- вараж.

<sup>6</sup> Узбекистон МДА, уша жойда, 451- вараж.

киши миқдоридаги босмачилар Китобни қуршаб олишди. Улардан 200 киши шаҳарга кирди. Бизнинг күшинлар томонидан улар шаҳардан сиқиб чиқарилди... Ҳозирги вақтда босмачилар Китоб атрофида истеҳкомлар қуриб, урнашиб олдилар<sup>1</sup>. Ҳудди шу кунларда Қашқадарё воҳасидаги истиқлолчилар Косонга хам хужум қилишган эди.

Бухоро қурбошилари уртасида уз жасурлиги билан Ҳамро Полвон (1892—1941) алоҳида ажралиб турарди. У амирлик даврида кураги ер искамаган машхур полвон бўлган. Ҳамро Полвон асосан Ромитан туманида уз фаолиятини кучайтирги<sup>2</sup>.

Бу пайтда Бухоро вилоятида Мулла Абдулқаҳор бошлигига Жўра Амин, Остон Қоровулбеки, Мурод Мешкоб, Метан Полвон, Урмон Полвон, Сайд Мансур, Ҳамро Полвон каби қурбошилар фаолият юритаётган эди. Мурод Мешкоб асосан Пешку ва Ромитон туманларида ҳаракат қиласиди. У Зандани қишлоғидан 16 чақирим ғарбда жойлашган Ҳўжа Порсо қишлоғига узи курдирган истеҳком ёрдамида қизил аскарлар ҳужумини анчагача қайтарди. Миқдор жиҳатдан устунликка эга бўлган қизил аскарлар истиқлолчиларни барибир у ердан суриб чиқаришди. Бу жангда истиқлолчилар жами 26 кишини йўқотишиди, 3 ватанпарвар эса асир олинди...<sup>3</sup>

1922 йил октябр-ноябр ойларида Ғарбий Бухоролаги истиқлолчилар күшини уз ҳужумлари билан қизил аскарларни таҳликага солиб қўйди. 14 октябрда Мурод Мешкоб, Остон Қоровулбеки, Сайд Мансур каби қурбошилар бошлигигидаги 200 суворий Шоғиркон туманидаги Эшонлар қишлоғига 17-отлиқлар полкининг 3-эскадрони аскарлари билан жангга киришиди. Истиқлолчилар қизил аскарларни кучли уқ ёмғири билан қарши олдилар. «Душманнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан эскадрон жанғчилари уларни қишлоқдан суриб чиқарди ва қишлоқ кучаларига бостириб кирди. Чандир қишлоғи орқали мужоҳидлар кумлик ичига кириб кетдилар. Жанг натижасида улар улганлар ва чопиб ташланганлар булиб, 53 киши ва битта қурбошини йўқотишиди...»<sup>4</sup>, — деб қизил армия қумондонлиги уз маълумотномасида ёзган эди.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 59- фонд, 1- рўйхат, 31- иш, 250- варак.

<sup>2</sup> Ҳамро Полвоннинг авлодлари ҳозир Бухоро вилояти Шоғиркон туманидаги Жилвон ва Ромитан туманидаги Работатак қишлоқларида, шунингдек, Тошкент ва Навоий шаҳарларида яшашади. Бу ҳақда қаранг: **Дилшод Ражаб**. Жилвон уюни. Т., 2001, 150- бет.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 462- варак.

<sup>4</sup> Узбекистон МДА, уша жойда, 477- варак.

Бу ерда жанға киришган қизил аскарларнинг 3- эскадрони Шоғиркон маркази — Хужа Ориф қишлоғидаги гарнizonда үрнашған эди. Улар Догбони, Кағат, Қатағон ва Эшонлар қишлоғида «тартиб» үрнаттач, уз манзилла-рига қайтдилар.

Курбошилар эса қатынят билан курашни давом эттиришар эди. 9 ноябрда Күшхона қишлоғидан (Галаосиё атро-фига) йулга чиққан Азим Хужанинг 100 кишилик дастаси Галаосиё қасабаси ва Бухоро шаҳри теварагидаги амирнинг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хоссала жойлашған қизил аскарлар гарнizonига ҳужум қилмоқчи булишиди. Ситораи Моҳи Хоссага яқин жойда бўлған тўқнашувда қизил аскарларнинг қули баланд келди. Жангда Азим Хужа қурбошининг ёрдамчиси Файзула Полвои ва 15 аскар улдирилди<sup>1</sup>. Истиқлолчилар жанг билан орқага чекиндилар.

Фарбий Бухородаги истиқлолчилар ҳаракатини янада фаоллаштириш мақсадида бу ерга Сайд Олимхон Шарқий Бухоро орқали уз вакилларини юборди. Унинг ана шундай вакилларидан бири олдин ҳам эслатиб утганимиз Ҳожи Латиф Девонбеги эди. Бу пайтда Бухоро республикасининг собиқ ҳарбий вазири А. Орипов ҳам 35 киши кузатувида Шарқий Бухоро орқали Мулла Абдулқаҳҳорнинг қароргоҳи — Нуротага келди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Бухоро ва Кармана вилоятларидаги истиқлолчилар тепасида Мулла Абдулқаҳҳор, Ҳожи Латиф Девонбеги, Урмон Полвои ва Метан Полвонлар туришар эди<sup>2</sup>.

Бухоро Ҳалқ Республикаси Нозирлар Шуросининг раиси номига 1922 йил 12 ноября юборилган «мутлақо махфий» маълумотда айтишича, «Абдулқаҳҳор қушинида Шарқий Бухоро ва Афғонистондан қелган қандайдир турк Афанди ва Абдураҳмон қори бор. Улар октябр ойининг охирида Фарбий Бухорода босмачи гуруҳлари ташкил қилиш учун бу ерга келишган эди, шунингдек, Абдулқаҳҳорни бутун Фарбий Бухородаги мужоҳидларнинг Олий бош қўмондони қилиб тайинланганлиги ҳақидаги буйруқни ҳам олиб келишган эди. Октябр ойининг сунгги кунларида Нуротадан 30—35 чақирим жануби-шарқда жойлашған Чуя қишлоғидаги Мустафо Ҳайитбек қурбошининг дастаси олтинчи гуруҳ булиб, Абдулқаҳҳор ихтиёрига ўтди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 531- варак.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 59- фонд, 1- рўйхат, 31- иш, 312- варак.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 555- варак ва унинг орқаси.

Бухоро Нозирлар Шуросининг раиси номига 1922 йил 10 декабрда жунатилган бошқа бир «мутлақо махфий» ҳужжатда Бухоро республикаси ҳудудида 1922 йил ноябр ойида ҳаракат қилаётган истиқтол кучларининг қисқача шархи берилади:

«Бухоро — Кармана райони (9—15 ноября): 10 ва 11 ноября қизил отлиқдар томонидан Остонча дастасига жиддий талағот етказилди. У узининг 200 та йигити билан Вобкентдан 6 чақирим шимоли-гарбда жойлашган эди<sup>1</sup>. Берилган зарбалар натижасида Остонча узининг 50 кишисидан ажралиб, шимолий ва шимоли-гарбий томонларга қараб чекинди.

14 ноябрядаги разведка маълумотлариغا қараганда, Остонча Абдулқаҳдор ва Метан Полвон дасталари билан биргалиқда яна Вобкент туманида пайдо булди...»<sup>2</sup>

Остон Қоровулбеги (Остонча) Мулла Абдулқаҳдорнинг энтифузли қўрбошиларидан бири эди. Асли Шофиркон туманининг Читгарон қишлоғидан бўлган бу қўрбошига жасурлиги учун Мулла Абдулқаҳдор томонидан «қоровулбеги» унвони берилди. «Остон Қоровулбеги 46 ёшда булиб, урта бўйли, қисиқ кўзли ва қора соқолли кини эди»<sup>3</sup>. Маълумки, у уч кун давомида (10—12 ноябр) Шофиркон тумани маркази — Хужа Ориф ҳамда Чандир қишлоғида қизил аскарларга қарши мардонавор кураш олиб борган эди. Уша жангларда кукрагидан ўқ еб оғир ярадор бўлган Остон Қоровулбеги жароҳати тузалгач, бу гал узининг асосий зарбасини Бухоро вилоятидаги Вобкент шаҳрига қаратди.

Архив ҳужжатларининг бирида ёзилишича, «5 декабр соат 15 да Остон Қоровулбеги ва Саид Мансур, Мурод Мешкоб, Эргаш Мурдашуй каби қурбошиларнинг узаро ҳамкорлигига Вобкент шаҳри эгалланди. Вобкент қалъаси гарнизони жангчилари билан уруш икки соат давом этди»<sup>4</sup>. Бу жангда Метан Полвон ҳам ўз йигитлари билан қатнашди.

Остон Қоровулбеги бошчилигидаги ватанпарварлар Вобкент қалъасидаги гарнизонга ёрдамга етиб келган отлиқ-

<sup>1</sup> Бу жанг 1922 йил 11 ноября Шофиркон туманидаги Чандир қишлоғига булди. Бу ҳақда қаранг: Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- руйхат, 48- иш, 545, 566- варақлар, 583- варақнинг орқаси.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 48- фонда, 1- руйхат, 171- иш, 124- варақ ва узининг орқаси.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, уша жойда, 48- иш, 623- варақ.

<sup>4</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- руйхат, 48- иш, 621—626- варақлар.

лар полкининг жангчиларини бозор майдони олдида қуршаб олиб, уларни қириб ташлашди. Куршовдан кутулган бир неча қизил аскарни истиқлолчилар Вобкентдан 5 чақирим узоқликдаги Саринул қишлоғигача кувиб келдилар. Вобкент шаҳри қисқа муддат ичида истиқлолчилар қўлига бутунлай ўтди. Лекин улар уз ютуқларини мустаҳкамлашта ултурмасдан, бу ерга куплаб қизил аскар қисмлари келтирилди. Душманга иисбатан оз сонли бўлган истиқлолчилар 11 йигитидан ажралиб, Чандир-Зандани йуналиши бўйича чекинлилар: Саид Мансур қўл остидаги Хайдар понсад эса қизиллар қўлига тушиб қолди.

Бу воқеалардан сунг Остон қурбоши Шофиркон туманида уз ҳаракатларини кучайтирди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Остон Қоровулбети 9 декабрда Вардонзе, Кӯҳна Вардонзе, Галисафед, Саид Ота, Ҳужа Ориф, Чандир қишлоқларида фаол ҳаракат қила бошлади. Унинг биродари бўлган Саид Мансур қурбоши эса Вардонзе йуналишидаги қумликларда ва Богоиғзал қишлоғида қизил аскарларга қарши жангга кириши.

Қизил армия жангчилари қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир улар 1922 йилнинг охиригача Ғарбий Бухородаги истиқлолчиларга қарши ҳал этувчи зарбалар бера олишмади. Совет қўмондонлиги бу пайтда қурбошилар дасталарини бир-бирига қарши қўйиш, уларни қуролсизлантириш орқали узининг синалган тактикасини амалга ошираётган эди. Шунинг учун ҳам қуролни ташлаган истиқлолчилар вақтинчалик авф этилди. Лекин совет ҳокимиятининг алдовига учиб, унга таслим бўлган қурбошилар аёвсиз жазога тортиларди. Масалан, авфи умумий берилгандан сунг таслим бўлган Жаббор қурбоши ва бошқалар алдаб, қамоққа олинган ва иккинчи куниёқ бутун Бухоро Марказий Ижроия Комитети Президиумининг қарорига биноан отиб ташланган эди<sup>1</sup>.

Декабр ойида Исмоил Тўқсабо исмли тажрибали қурбоши ҳам 40 та йигити билан расмий ҳукумат вакилларига таслим булди. 11 ноябрда ёзилган ҳужжатларининг бирида қайд қилинишича, «Вобкентдан 16 чақирим шимолдаги Саид Ота қишлоғида таслим бўлган Исмоил Тўқсабо қурбоши ўзининг 35 отлик йигити билан Бухородан юборилган фармойишга биноан Шофиркон туманини босмачиларнинг ҳужумидан ҳимоя қилмоқда. Исмоил Тўқсабо амир қушинининг собиқ полковниги булиб, разведка отрядлари

<sup>1</sup> Қаранг: Файзулла Ҳужаев. Танланган асарлар. I том, 457- бет.

бошлигининг кузатишига қараганда, ишончга сазовор... Исмоил Туқсабонинг уринбосари Ражаббой Амин ҳисобланади<sup>1</sup>.

Айрим қурбоши ва йигитларниң таслим булиши курашни давом эттираётган бошқа истиқолчиларни қаттиқ газаблантириди. Бухоро вилоятида ҳаракат қилаётган Мулла Аъзам Ҳожи Гозий, Файзуллабек Туқсабо, Ҳофизхўжа Мирохур, Азимхўжа Музаффар Ҳужаев саркарда, Ражаббек Коровулбеки, Сайдхўжа Коровулбеки, Солиҳбой Коровулбеки ва Тош Ҳужаев каби қурбошилар Зарафшон воҳасидаги бутун аҳоли ва таслим булган собиқ сафдошлирига қаратга 1922 йил декабрда чиқарган мурожаатларида уларин уз қаторларига яна қайтишга даъват қилишди. Бу қурбошилар Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғи томон — истиқолчилар таъсиридаги ҳудудга кейинги ҳафтганинг шанба кунидан қолмай келишлари таъкидланди. Улар мабодо орқага қайтишмаса, хоинларга нисбатан ҳеч қандай шафқат қилинмаслиги ҳам очиқ айтилди. Мурожаатда ана шундай согқин қурбошилардан бири Мир Бойваччанинг фожеий тақдирин ҳам эслатиб утилди<sup>2</sup>.

Мулла Абдулқаҳдор қушинида советларниң айғоқчилири изғиб юради. Ана шундай жосуслардан булган бир қозоқ йигити қизил армия қўмонлонлигига жуда муҳим маълумотларни етказиб турган. Бу маълумотлар асосида энг юқори давлат муассасалари ва ҳарбий ташкилотлар номига 1922 йил 14 декабря «мутлақо махфий» тамғаси билан батафсил ахборо тайёрланди. Ушбу ҳужжатда Мулла Абдулқаҳдор қушини, унинг қурбошилари ва аскар кучлари, шахсий таржимаи ҳолига оид далиллар ва бошқа муҳим фикрлар келтирилганки, биз мазкур ҳужжатдан бир парча келтирамиз:

«Абдулқаҳдор қушинида ушбу қўрбошилар даста бошлиқлари эди:

1. Урмон Полвон — 46 ёшда, Денов қишлоғининг фуқароси.
2. Метан Полвон (Абдулқаҳдорниң укаси, ғиждувонлик фуқаро).
3. Наим Полвон — бу ҳам Абдулқаҳдорниң укаси, 27 ёшда, кукрагига уқ тегиб, жароҳат олган.
4. Урмон Полвон — 35 ёшда, Харгуш туманидаги Шамба қишлоғининг фуқароси.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 621- варақнинг орқаси.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 59- фонд, 1- рўйхат, 84- иш, 28- варақ

5. Абдурасул Афанди — қўқонлик булиб, Шарқий Буҳордан келган, сал олдинроқ БХСР милициясининг собиқ бошлиғи Ризо Афанди билан бирталикда Шарқий Буҳорга Анвар ҳузурига қочиб борган эди.

6. Шукурхужа — 40 ёшда булиб, вобкентлик фуқаро.

7. Абдулқаҳҳорнинг узи булса 38 ёшда, гиждувонлик фуқаро, иккита хотини бор, туар жойини аниқлашнинг иложи булмаяпти...

Күшинда фахрий вакил сифатида собиқ амирнинг амалдори Латиф девонбеги ҳам булиб, у 48 ёшда, Нурота шаҳридан бўлиб, уни 10 йигитдан иборат шахсий соқчилар муҳофаза қиласди. Абдулқаҳҳорнинг шахсий қуриқчилари миқдори ҳам 10 йигитдан иборат булиб, улар сафида Абдулқаҳҳорнинг катта ишончига сазовар бўлган Мулла Рустам, Аскар, Мулла Тоҳир, Оғагул, Ёлгорхужа, Насриддин, Сайд Полвон каби йигитлар бор. Абдулқаҳҳор қүшинида штаб бошлиғи вазифасини рус тилида смон гапирадиган ўзбек йигити Иброҳим Мирзо бажармоқда, у турли фармойиш ва шаҳодатномалар ёзиш билан шуғулланади. Бундан олдин қүшиннинг штаб бошлиғи булиб турк йигити Набиҳон ишлар эди, лекин у октябрнинг охирида таркибила бир неча ағғон бўлган 10 йигит билан Хоразм республикасига жунаб кетди. Күшинда учта пулемётчи булиб, улар Салим Полвон, Нур Муҳаммад ва Захридинлардир. Салим Полвон сунгти жангда чопиб ташланди. Күшиндаги суворийлар таркиби жуда яхши, отдаги эгарлар маҳаллий, кўнчилигига хуржунлар бор, йигитлар кул ранг ва муҳофазали чопонлар, маҳаллий косиблар тайёрлаган оч сариқ тусдаги этиклар ҳамда қоракул теридан тикилган телпаклар кийиб олишган. Телпаклар устидан саллалар уралган...»<sup>1</sup>

Жондор қишлоғи (Бухоро шаҳридан 16 чақирим гарбда) бу пайтда истиқлолчиларнинг асосий қароргоҳларидан бири булиб, бу ерда Жура Амин қурбошининг дастаси урнашган эди. Қизил аскарлар Бухоро шаҳрининг шундай ёнбошидаги бу қишлоқни босиб олиш учун куп уринсаларда, 1922 йил декабр ойининг охиригача бунга муваффақ була олмаган эдилар. 24 декабр куни 1-эскадрон отлиқлари қумлар орасидан, 2- эскадрон жангчилари ва милиция отряди Зарафшоннинг ўнг қирғозидан Жондор томон йулга чиқишиди. Жура Амин ўзининг 70 кишилик булинмасини қишлоқка кираверишда пистирмага қўйган эди.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 627- варак.

Қизилларнинг отлиқ аскарлари дастлабки тұқнашувда мағлубиятта учраб, орқага қайтдилар. Сұнгра ёрдамга етиб келган 3- эскадрон жангчилари ва полк штабининг кумаги билан қизил аскарлар Жондорни босиб олишиди<sup>1</sup>.

Айнан ушбу кунда ҳозирги Вобкент түмани ҳудудидаги Харгуш қишлоғыда ҳам истиқолчилар билан қизил аскарлар ўртасида жанглар қизиб кетди. Аъзам Ҳожи, Тош Мурдашуй ва Наим Полвоннинг Харгуш атрофидаги Кунди ва Лайлак қишлоқларида жойлашған дасталари душман билан омонсиз олишувга кирди. Қизил аскарлар құмандошлиги томонидан тайёрланған маълумотларда айтилишича, истиқолчилар «қатыяг билан жанг қилдилар, улар отлиқлар сафини қанотлардан айланиб үтишиди. Колонналарнинг душманни енгіш учун қылған барча ҳаракатлари самараasziz булди...»<sup>2</sup>

Лекин қизил аскарлар үз устунликларидан фойдаланиб, Бухоро вилоятидаги истиқолчиларга анча талафот етказдилар. Натижада фақат 1922 йил декабрида қизил аскарларнинг қонли хужумлари туфайли Бухоро атрофларида «511 киши шаҳид булди, 127 киши асир олиниди. Қизиллар эса 260 милтиқ, 52 та туппонча, 11 мингдан зиёд патрон, 220 от ва 1 пулеметни үлж қилиб олдилар»<sup>3</sup>.

1923 йил феврал ойида Бухоро республикасининг Зарафшон райони (Бухоро ва Кармана вилоятлари)да Жура Амин (Бухоро шаҳридан шимоли-ғарбдаги Жондор-Яккатуда, 120 йигит билан), Остонча — Остон Қоровулбеги (Занланининг гарбида, 80 йигит билан), Мурод Мешкоб (Хужа Зәйферонда — Вобкентдан 35 чақирим гарбда, 120 йигит билан), Сайд Мансур (Хатирчидан 25 чақирим узоқда — Пармидон атрофига, 50 йигит билан), Азим Ҳужа (Куйимозор гемир йўл бекати атрофига, 100 йигит билан), Мулла Абдулқаҳҳор (Нуротада, 100 йигит ва 3 та пулемет билан), Метан Полвон (Нуротада, 40 йигит билан), Урмон Полвон (Нуротада, 50 йигит билан), Наим Полвон (Фишти атрофига, 40 йигит билан), Ҳамро Полвон (Бухоро шаҳридан шимоли-ғарбда, 70 йигит билан), Тош Мурдашуй (Кумушкентда, 30 йигит билан) каби қурбошилар ҳаракат қилардилар<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 59- фонд, 1- рўйхат, 84- иш, 35- варақ.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, уша жойда.

<sup>3</sup> Рашидов У. Бухоро босмачилари аслида ким эди? «Мулоқот», 1994, № 11—12, 35- бет.

<sup>4</sup> РГВА, 28113- фонд, 7- рўйхат, 90- иш, 25- варақ; Манбалар сузлайди. «Узбекистон овози», 1995 йил, 28 ноябрь.

Амуларё буйи районида Очил Сардор (Қоракул атрофига, 45 йигит билан), Қилич Сардор (Денов томонда, 15 йигит билан), Рустам (Бурдалик атрофига, 15 йигит билан), Қилич Мерған (Каркидан шимоли-шарқда, 60 йигит билан) фаолият юритган булса, Қарши — Шахрисабз районида Турди Түкәсабо уз йигитлари билан қизил аскарларга қарши кураш олиб бормоқда эди<sup>1</sup>.

1923 йил бошларида Мулла Абдулқаҳҳор бошчилигидаги қурбошилар Фарбий Бухорода уз ҳаракатларини фаоллаштирилар. Салим Пошо юборган Ҳасан қурбоши ва Мурод 28 йигит билан 24 марта бу ерга келиб, биргаликда ҳаракат қилиш режасини унга етказдилар. Бу вакиллар Бухоро амири ва Салим Пошонинг мактубини олиб келган эдилар<sup>2</sup>. Мулла Абдулқаҳҳор Қарши шахри орқали Салим Пошо қушини билан бирлашиш ниятида ўз йигитларининг бир қисмини, Урта Бухорога жунатди. Бухоро ва Кармана вилоятларининг узида ҳам жанглар қизиб кетди.

1923 йил 17 февралда Фарбий Бухоро қурбошиларидан Остон Қоровулбеги, Мурод Мешкоб, Тош Мурдашуй, Файзулла Махсум, Урмон Польон, Саид Мансур ва бошқалар Вобкентдан ун чакиримча шарқда жойлашган Кумушкент қишлоғида узларининг навбатдаги қурултойларига тупланишди<sup>3</sup>. Қурбошиларнинг сардори Мулла Абдулқаҳҳор уша куни Қизилтепа ва Фиждувонда қизил аскарларнинг отлиқ булинмаларига қарши жанг қилаётганлиги сабабли қурултойда шахсан узи иштирок қила олмай, унга ишончли вакилини жунатди. Қурбошилар қурултой утказаётганда қишлоқни бор-йуғи 200 йигит ҳимоя қиласар эди. Бу анжуманда Мулла Абдулқаҳҳор юборган вакил Салим Пошонинг Шарқий Бухородаги фаолияти ҳақида ахборот бергач, булғуси жанг ҳаракатлари билан уларни таништириди.

Истиқлолчилар курған эҳтиёт чораларига қарамай, уларнинг бу йигинидан қизил армия қўмондонлиги ўз жосуслари орқали хабар топди. Гулланган қурбошиларни бир зарб билан қириб ташлаш учун катта миқдордаги ҳарбий куч, хатто самолётлар Вобкент устига юборилди. Истиқлолчилар мардларча жанғ қилишди. Ватанпарварларга яна 450 киши ёрдамга етиб келган булса-да, кучлар тенг эмас эди. Кумушкентдан жанг билан чекинган истиқлолчиларни уч-

<sup>1</sup> РГВА, 28113- фонд, 7- рўйхат, 90- иш, 16- варак.

<sup>2</sup> РГВА, 885- фонд, 1- рўйхат, 12- иш, 218- варак.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 171- иш, 148- варак.

чақирим наридаги Суфидеҳқон қишлоғида қизил аскарларнинг отлиқ қүшинлари (И. Бекжонов командирлигига 1-Бухоро отлиқлар полки) үраб олди. Жант тақдирини оқибатда самолётлар ҳал қилди. Бу қонти тұқнашувда 44 йигит мардларча ҳалок бұлды. Уч йилдан бери қизил аскарларнинг додини бериб юрган шоғирконлик Остон Қоровулбеті — Остонча қурбоши ҳам 17 февралда булған ушбу жантда шаҳид кетди. Бундан ташқары Вобкентдеги жантарда Турди Ота ва Шукур Хұжа каби қурбошилар ҳам ҳалок булишди<sup>1</sup>.

Мулла Абдулқаҳхор қурбоши үша куни 300 йигити билан Фиждувондан 16 ва 20 чақирим шимоли-шарқда жойлашған Ҳаст ва Тошработ қишлоқларида қызилларнинг 17-отлиқлар полки I-эскадрони жангчиларига қарши ҳужумга утиб, уларни орқага улоқтириб ташлади. Лекин қизил аскарлар Вобкентдеги галабадан кейин Фиждувонга етиб келиб, бу ердан Мулла Абдулқаҳхор қүшинини суриб чиқардилар. Истиқлолчилар кучли қаршилик курсатиб, Тогустепа (Түккізтепа — K.P.) қишлоғи йуналишидаги чул томонға чекиндилар<sup>2</sup>.

Қизил аскарлар билан булған жангларда истиқлолчилар бутун халқ оммаси томонидан мунтазам қуллаб-куватлаанди. Жангларда йүқотилған кишилар үрнини ватанпарварлар қүшини сағиға янғидан қүшиластған ёш йигитлар доимий равища тұлдираған боришли. Улар асосан дехқонлар ва хунармандлардан иборат булған. Farбий Бухородаги тинч аҳоли вакиллари қизил аскар күчларининг ҳолати ва ҳаракатлари бүйіча маълумотларни истиқлолчиларға зудлик билан етказишиар эди. Үша давр ҳужжатлардан бирида ёзилишича, «аҳолининг мужоҳидларға нисбатан муносабати дүстона». Лекин халқнинг қизил аскарларға булған муносабати эса «яхши эмас, хусусан, марказ, яғни Бухоро шаҳридан узоклашған сарі»<sup>3</sup>.

Қизил аскарларнинг зулми ва шафқатсизлигидан күнгли зада булған маҳаллій аҳоли уларни ёмон қуарар эди. Қизил аскарлар Шарқий Бухородаги йирик шаҳарларни босиб олишганда туб миллат вакиллари үз киндик қонлари тукилған үйларини ташлаб, истиқлолчилар билан биргаликда тоғу тошларға чиқиб кетишиар, Farбий Бухорода булса улар

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 47- фонд, 1- рүйхат, 515- иш, 9- варажнинг орқаси.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, үша жойда; 48- фонд, 1- рүйхат, 171- иш, 148- варак.

<sup>3</sup> РГВА, 895- фонд, 1- рүйхат, 12- иш, 21- варак.

қум ва чўллар ичига кириб, куздан тойиб булишарди. Бу ҳолни курган қизил армия қўмондонлиги таажжубга тушиб, масъул идораларга йўллаган маълумотларидан биринча қуийдагиларни ёзган эди: «Шуниси характерлики, ҳамма йирик шаҳарлар: Денов, Юрчи, Регар, Ҳисор, Душанбе, Янгибозор, Файзобод, Балжуон, Кўлоб ва ... бошқа жойлар аҳолининг катта қисми томонидан ташлаб кетилган. Уларга уз бошпаналариға қайтиб келиштаклиф қилинганда бунга рози булишмаяпти. Чунки уларнинг фикрича, қизил армия билан ёнма-ён яшаш ноктадай эмиш. Қизил аскарлар бозорларни қайта тиклаш урнига вархни ошироқдалар ва аҳолининг уйларини эгаллашмоқда...»<sup>1</sup>

Қизил аскарлар шаҳар ва қишлоқларни босиб олгач, қуролсиз тинч аҳолини «сен — босмачисан» деб қамоққа олишар, уларнинг уй-жойларини ёқиб, бор мол-мулкини талар, қаршилик курсатганларни эса уша жойнинг узидаёт отиб ташлар эди. Истиқлолчиларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғлари эса дом-дараксиз кетарди. Бу ҳол ватанпарварларни яна ҳам купроқ газаблантирас, улар жангда тобора шафқатсизроқ бўлар эдилар. Масалан, Муҳаммад Ҳужа (Мирза Чатоқ) деган қурбоши Зандани ревкоми номига 1923 йил февралида жуннатган мактубида бу ҳолни яққол курсатиб берган эди<sup>2</sup>.

1923 йилнинг баҳор-ёзида Фарбий Бухорода жанглар қизиб кетди. Қизил аскарлар ҳам, истиқлолчилар ҳам ҳаётмамот жангига киришган эди. Остон қурбошининг ўлимидан кейин Мулла Абдулқаҳорнинг ёрдамчиси қилиб Аъзам Ҳужа (Аъзам Ҳожи) тайинланди. Бухоро вилоятидаги Жура Амин, Тура Амин, Ҳамро Полвон, Мурод Полвон, Нурус Ҳужа қаби қурбошилар Аъзам Ҳужага бўйсунар эдилар<sup>3</sup>. «Аъзам Ҳужа ўзини Эшон Аъзам Ҳужа Мусофири Ҳужасв Фозий Саркарда деб улуғларди»<sup>4</sup>.

Бироқ, баъзи бир қурбошилар Аъзам Ҳужага бўйсунишдан бош тортдилар. Масалан, 1923 йил апрел ойининг ўрталарида Жондорнинг ғарбиидаги Ойтуда қишлоғида Мурод Полвон билан Аъзам Ҳужа қаттиқ жанжаллашиб қолди. Хайриятки, Мулла Абдулқаҳор олдидан маҳсус фармойишлар билан Жондорга 18 апрелда келган Мурод Пайвандчи Мурод Полвон томонидан Аъзам Ҳужанинг улдирилиши-

<sup>1</sup> РГВА, уша жойда, 71—72- вараклар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 171- иш, 109- варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 171- иш, 97- варак.

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА, уша жойда, 37- варак.

га йул қўймади<sup>1</sup>. Курбошилар ўртасидаги бундай тарқоқлик ва узаро келишмовчилик ҳолатлари ҳаракатнинг яна-да ривожланишига халақит берар эди.

Мулла Абдулқаҳҳорнинг қароргоҳи бу пайтда Нуротада булиб, унга Метан Полвон, Латиф Девонбеги, Абдурасул Афанди, Хушвақт, Оға Гулбек, Ёдгор Хужа, Сирож Хужа, Мусобой, Азим Юзбоши, Мулла Карши, Назир Юзбоши, Асадулла Қоровулбеги, Оқил Қоровулбеги, Мустафо Қоровулбеги, Мулла Мансур каби қурбошилар буйсунар эди<sup>2</sup>.

Қоракул туманида ҳаракат қилаётган Мурод Полвон сафдошлари Жура Амин ва Ҳайит Полвоилар билан биргаликда апрел ойининг охиринда Жондордаги қизил аскарлар гарнizonига муваффакиятли ҳужум қилишди<sup>3</sup>. Истиқоличилар Жондор атрофида душманнинг иккита аэропланни уриб туширишди<sup>3а</sup>.

Тош Мурдашўй қурбоши 1923 йил апрел ойининг охирларида уз кучларини Ҳаргуш атрофига ташлайди. 26 апрелда Куйимозорда қизиллар билан бўлган жанглар натижасида Тош Мурдашўйнинг ёрдамчиси Ҳожи Бойвачча ва Ёдгор, Турсун ва Жума (Ёдгоров) деган уч йягити асири тушишга мажбур булиб қолишиди. Баҳоуддин зиёратгоҳи атрофида жойлашган 61- отлиқлар полкида қўлга олинган бу ватанпарварлар қисқа сурвдан кейин, 27 апрелда отиб ташландилар<sup>4</sup>.

Баҳоуддин (ҳозирги Қоғон) туманида Тош Мурдашўй қурбоши қизил аскарлар билан жангни ёз фаслида ҳам давом эттириди. 10 июн куни Тош Мурдашўй ва Аъзам Хужа кумондонлигидаги 300 суворий Ҳаргуш атрофига ҳужум қилиб, бу ердаги қизил аскарлар гарнizonини қириб ташлашди<sup>5</sup>.

Маълумки, Ғарбий Бухоро асосан дәҳқончилик улкаси ҳисобланади. Шу сабабли бошланиб кетган навбатдаги экинтикин мавсуми қўрбошиларнинг жанг ҳаракатларига уз таъсирини утказмасдан қолмади. Купчилик йигитлар қўшинни вақтинчалик тарқ этиб, уз қишлоқларига қайтдилар ва дәҳқончилик ишларини йўлга қўйишда уз оиласиарига ёр-

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, ўша жойда, 97- варак

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, ўша жойда

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, ўша жойда, 97- варакининг орқаси.

<sup>3а</sup> Узбекистон РПДА, 14- фонд, 509- иш, 40- варак.

<sup>4</sup> Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), 74- фонд, 1- рўйхат, 1- иш, 29- варак.

<sup>5</sup> Бухоро ВДА, ўша жойда, 48- варак.

дамлашишди. Масалан, Аъзам Ҳужа уз дастасидаги йигитларнинг аксарият қисмига баҳорги экин экиш мавсуми бошланганлиги муносабати билан уз уйларига жұнаб кетиш учун рухсат берди<sup>1</sup>.

Қизил армия 1923 йил баҳор ёзидағи оммавий жанг ҳаракатлари билан худди Шарқий Бухорода булганидек Бухоро ва Карманада ҳам истиқтолчиларнинг қаршилигини бутунлай енга олмади. Май-июл ойларидаги жанг ҳаракатлари тасвирланған мәдениеттегіларға назар ташлар эканмиз, қизил аскарлар бу пайтда Бухоро вилоятида айттарлы бир натижага эриша олмаганлигига ишонч ҳосил қиласымыз. Истиқтолчилар эса мазкур даврда асосан мудофаа ҳарактеридаги жангларни олиб бордилар, шунингдек, улар айрим жойларда кескін ҳужумға үтиб, босқинчиларға кучли зарбалар ҳам берішди.

Бухородаги ватанпарвар күчлар республика пойтахтидан атиғи 3—6 чақирим нарида туриб, қизил армия қисмлари билап жангга кирадилар. Масалан, Бухоро шаҳридан 4 чақирим шимоли-ғарбда жойлашған Ўзбекон қишлоғида<sup>2</sup> Навruz Ҳужа қурбоши дастаси билан қизил аскарлар уртасида 3 июнда жанг булди. Шаҳардан 12 чақирим ғарбда жойлашған Раҳимобод қишлоғига 4 июнда Аъзам Ҳужа қурбоши узининг 100 кишилик дастаси билан келиб үринашди. Унга үша куниёқ Тош Мурдашүй (50 йигити билан), Чули Амин (18 йигити билан) ва Ҳайит Полвон қурбоши уз йигитлари билан келиб құшилдилар<sup>3</sup>. Қурбошилар агар құлай имконият туғылса, Бухоро шаҳрига ҳужум қилишни режалаشتirdилар.

18 июнда Томдида Ўрмон Полвон бошчилитидаги истиқтолчилар билан қизил аскарлар үргасида кучли жанглар бұлған<sup>4</sup>. Бу жангда Ўрмон Полвон ярадор булди.

Кармана вилоятида ҳаракат қилаётган Исфар Ҳожи ва Абдулла Бобоёр июн ойининг охирида уз күчларини бирлаштирилар. Истиқтолчиларнинг 150 кишилик бирлашған дастасига Бобоёр қурбоши раҳбарлық қила бошлади.

Қурбошилар Бухоро вилоятилаги мұхим стратегик манзил — Вобкент шаҳрига 28 июнда ҳужум құлдилар. Бу жангда Кур Ота ва Эргаш қурбошининг йигитлари катнашды.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рүйхат, 171-иш, 117-варап.

<sup>2</sup> Муаллиф Бухоро шаҳри останасидаги утибу қишлоқда 1995 йил ноябр ойида илмий сафарда булиб, кекең кишилардан үша давр хотираларини ёзіп олишіга мұваффқақ бўлган эди.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48-фонд, 1-рүйхат, 171-иш, 185-варап.

<sup>4</sup> Узбекистон МДА, үша жойла, 174—194-вараСлар.

Улар Вобкент шаҳрини жанг билан эгаллашди, лекин тез орада бу ердаги қизил аскарларга ёрдамга стиб кслган ҳарбий кучлар ватанпарварларни шаҳардан ташқарига суреб чиқарди.

30 июн — 1 июл кунлари истиқлолчилар Бухоро шаҳридан 1 чақирим ғарбда жойлашган Күхна масжид қишлоғига тусатдан ҳужум қилиб, бу ердаги қизил аскар ва милиционерлар билан жанг қилишиди.

3 июля Урмон Полвон узининг яқин йигитлари билан Шоғиркон туманидаги Денов, Маҳаллаи Боло, Маҳаллаи Пойн қишлоқларида булиб, қурол-яроғ ва уқ-дори заҳрасини бу ердаги истиқлолчиларга тарқатди.

Афсуски, истиқлолчиларга жанг пайтида қурол-яроғ ва уқ-дорилар доимий равишда етишмас эди. Бир ҳужжатда ёзилишича, «кейинги пайтларда босмачиларга уқ-дори етишмаслиги ўз таъсирини курсатмоқда, шунинг учун ҳам улар бизнинг қисмлар билан туқлашишдан узини тортмоқда, улар фақат кечалари ҳужум қилишмоқда, кундузлари эса кичик гурухларга булинган ҳолда қишлоқларга яширишмоқда»<sup>1</sup>.

Мулла Абдулқаҳҳор 1923 йил июл ойининг бошида Бухоро ва Кармана вилоятларидағи қурбошиларнинг навбатдаги қурултойини утказди. Бу қурултойда ўша пайтдаги вазият муҳокама қилинди, қизил аскарларнинг оммавий ҳужумларига қарши кучлар тенг булмаганлиги учун мудофаа жанглари олиб бориши кераклиги уқтирилди. Кичик-кичик дасталарга булинган ҳолда фаол ҳужумга утиш усули узини оқлаётганлиги сабабли бундан келажакда ҳам фойдаланиш кераклиги кўрбошиларга тавсия этилди. Мулла Абдулқаҳҳор Қарши ва Шаҳрисабз орқали Шарқий Бухоро, Нурота орқали эса Самарқанд қурбошилари билан қушилиш имконияти ҳали кун тартибидан олиб ташланмаганлигини яна бир бор эълон қилди.

Бухородаги ватанпарварларга қарши кураш қизил армия ва унинг кўмандонлигидан катта куч-ғайрат талаб қилди. Москва, Тошкент, Бухорода 1923 йил май-июн ойларидаги утказилган олий даражадаги бир қатор анжу-манларда бу масала энг долзарб муаммо сифатида кун тартибила турди. 1923 йил 9—12 июня Москвада РКП(б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва областларнинг масъул ходимлари иштирокида 4-кенгаши булди. РКП(б) МК Сиёсий бюроси аъзоси Л. Б. Каме-

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, ўша жойда, 217- варак.

нев ушбу кенгаш фаолиятига раислик қилди. РКП(б) МК Бош котиби И. В. Сталин ва партия котиби В. В. Куйбышев асосий маърузачилар булган бу кенгашда бир гурӯҳ туркестонлик маҳаллий коммунистлар «босмачилар» ва Заки Валидий (Валидов) билан яширин равишда алоқа боғлаганликда айбланди. Улар сафида Туркистон АССР ва БХСРнинг таниқли давлат арбоблари Турор Рисқулов, Файзулла Хужаев, Иномжон Хидиралиев, Акмал Икромов, Султонбек Хужанов бор эди<sup>1</sup>. Сталин ўз сўзида Бухоро Нозирлар Шуроси — янги ҳукуматнинг таркиби пролетар булмаган упсурлардан тузилган деб, ҳукумат бошлиғи Ф. Хужаевни кескин танқид қилди ва ҳукумат таркибини фақат деҳқонлар билан тулдириш лозимлиги хақида курсатмалар берди<sup>2</sup>. Ҳолбуки, Ф. Хужаев кенгашдаги маърузасида ҳукумат таркибига деҳқонлар ҳам киритилганлигини айтиб утган эди<sup>3</sup>.

Кенгаш ўз ишини ўтказаётган кунларда — 10 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси маҳсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукуматини советлантириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Шунингдек, Шарқий Бухородаги истиқлолчиларга қарши кескин чоралар билан курашишга давват этилди. Мазкур қарорда ёзилганидек, «1) Шарқий Бухородаги босмачиликка қарши курашга раҳбарлик қилиш учун Реввоенсовет — Инқилобий ҳарбий кенгаш тузилсин. 2) Жазо чоралари ҳарбий ҳаракатларга қатъий равишда мувофиқлаштирилиши, шунинг учун Шарқий Бухородаги Реввоентрибунал — Инқилобий ҳарбий кенгашга буйсуниши шарт. 3) Бухоро МИКга ушбуни юклатиш керакки, у Бухоро ҳукумати Шарқий Бухородаги қизил армия қисмларининг таъминотини ўз вақтида бенуқсон бажаришини назорат қилиб туриши лозим»<sup>4</sup>.

РКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1923 йил июндаги қарори ва СССР Инқилобий ҳарбий кенгашининг 11 июндаги буйруғига мувофиқ, СССР Куролли кучларининг Бухородаги ҳарбий ҳаракатларини янада фаоллаштириш ва истиқлолчиларни тез орада тутгатиш мақсадида Шарқий Бухоро Инқилобий ҳарбий кенгashi тузишга қарор қилин-

<sup>1</sup> Тайны национальной политики ЦК РКП. Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. М., Инсан, 1992, с. 80—85, 260—263.

<sup>2</sup> Сталин И. Асарлар. Т. 5. Т., 1949, 345—358, 378—380- бетлар.

<sup>3</sup> Тайны национальной политики ЦК РКП... с. 165, 268.

<sup>4</sup> РЦХИДНИ, 3- фонд, 1- рўйхат, 2538- иш, 1- вараж; Ирқаев М. Уша жойда, 387- бет.

ди<sup>1</sup>. Файзулла Хужаев Инқилобий ҳарбий кенгашининг раиси қилиб тайинланди, унга БХСР МИК номидан кенг ваколатлар берилди. Кенгаш аъзолари қилиб 13-уқчи корпусининг командири П. А. Павлов ва В. М. Мулин белгилапди<sup>2</sup>.

Шуниси характерлики, Бухоро МИК узининг 1923 йил 17 июнда булган мажлисида БХСР Инқилобий ҳарбий кенгашининг янги таркибини тузди. Бухоро ҳарбий нозири Ф. Хужаев ва Бухоро қизил армияси қумондони Разгон имзолари билан Эски Бухоро шаҳрида 5 августда чиқарилган буйруқда Инқилобий ҳарбий кенгаши (Р.В.С.) таркиби кўйидагича курсатилади:

«1) Реввоенсовет Раиси — Нозирлар Шуросининг раиси ва ҳарбий нозир Файзулла Хужаев.

2) Аъзолари: а) Ҳарбий нозир муовини Разгон;

б) БКП Марказий қумитасининг масъул котиби А. Раҳимбоев.

Юқорида номлари курсатилган шахслар булмаганда уларнинг муовинлари қилиб қўйидагилар ҳисоблансан:

биринчи — Нозирлар Шуроси раисининг муовини К. Отабоев;

иккинчи — Бухоро қизил армияси штабининг бошлиғи; учинчи — БКП МК 2- котиби Позднишев»<sup>3</sup>.

1923 йил 13 июнда Москвада СССР Реввоенсовет (РВСР) раиси Л. Д. Троцкий раҳбарлигига Инқилобий ҳарбий кенгашининг маҳсус йиғилиши булди. Ушбу йиғилишда Россия Ишчи-Деҳқон Қизил армиясининг (РККА) С. С. Каменевдан ташқари барча казо-казолари иштирок қўлди. СССР Қуролли кучларининг Олий бош қумондони С. С. Каменев бу пайтда Туркистонда булиб, Фаргона ва Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатини тезда тугатиш учун узининг машъум «чора-тадбирлари»ни белгилаётган эди. И. Хидириев, Т. Рискулов, К. Отабоев, А. Раҳимбоевлардан иборат Туркистон делегацияси ва доғистонликлар бу йиғилишда қатнашдилар<sup>4</sup>. Троцкий йиғилишда ҳар икки республика ҳукумати раҳбарлари олдига тез орада бутун Туркистондаги «босмачилик» ҳаракатини тугатиш вазифасини кўди. Йиғилиш тугагач, И. Хидириев ва И. Любимов

<sup>1</sup> РКП(б) МК 1923 йил 12 июнда Бухоро масаласи бўйича маҳсус қарор қабул қилди.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг ва таққосланг: **Файзулла Хўжаев. Таъланги асарлар.** 1- том, 52, 260, 515- бетлар.

<sup>3</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 171- иш, 231- вараж.

<sup>4</sup> Узбекистон МДА, 17- фонд, 1- рўйхат, 336- иш, 252- вараж.

керакли тавсияларни ишлаб чиқиш учун Москвада қолдирildi<sup>1</sup>. Каменев Туркистондан Москвага қайттач, бу масала билан янада жиддийроқ шуғулланиши йиғилишда таъкидланди.

Совет хукумати уз буйруқларини тез ва қаршиликсиз амалга ошириш учун РКП(б) МК котиби ва Ўрта Осиё бюросининг раиси Я. Э. Рудзутакни Бухорога зудлик билан жунатди. Бухоро Коммунистик партияси (БКП) Марказий қўмитасининг 23 июнда булган ёпиқ пленумида Рудзутак иштирок қилиб, Бухоро хукумати раҳбарлари ва маҳаллий коммунистлар оллига қатъий талабларни кўйди. Ф. Хужаевнинг энг яқин сафдошлари булган собиқ Ёш бухоролик жадидларнинг деярли ҳаммасига турли асоссиз айблар қўйилиб, улар Бухоро хукумати таркибидан чиқариб ташланди. Бухоро хукумати Москва ва Тошкентнинг «коммунистик сабоги»ни олган «тажрибали совет ходимлари» билан тўлдирилди. Пленумнинг узида БКП МК котиби Муҳаметдинов урнига А. Раҳимбоев БКП МК масъул котиби қилиб сайланди<sup>2</sup>.

Рудзутакнинг курсатмалари асосида янгидан тузилган Бухоро хукумати раҳбарияти «Босмачиларни рўйхатга олиш» инструкциясини ишлаб чиқди<sup>3</sup>. Унда уз ихтиёри билан таслим булган истиқлолчилар ҳамда хали курашни тухтатмаган қурбоши ва йигитларига нисбатан қандай мунносабатда булиш йул-йуриқлари келтирилади. Бухоро республикаси ички ишлар нозири ва 13-уқчи корпус Махсус булим бошлиги (ГПУ) имзолари остида тайёрланган бу «махфий» инструкцияни 1923 йил 1 августда Бухоро Ноизирлар Шуроси раисининг 1-муовини Қ. Отабоев тасдиқлагач, у кучга кирди.

Ушбу инструкция Бухоро республикасидаги барча вилоят ва туманилардаги ревкомларга юборилиб, улардан мазкур инструкцияни қатъий суратда амалга ошириш талаб қилинди.

Масалан, Қарши вилояти ревкомида 1923 йил 6 сентябр кечқурун булган «махфий йиғилиш»да Турди Туқсанбо, унинг қурбоши ва йигитларининг қариндош-уругла-

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, уша жойла, 254- варак. Бу ҳакда тулароқ қаранг; Уша жойда, 252—269- вараклар

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 47- фонд, 1- рўйхат, 425- иш, 309- варак

<sup>3</sup> Бухоро ВДА, 74- фонд, 1- рўйхат, 1- иш, 28- варак ва унинг ораси.

рини қамоққа олиш масаласи куриб чиқилди<sup>1</sup>. Натижада бир ҳафта муддат ичида вилоятдаги истиқлолчиларнинг қўмондони Турди Түқсабо, унинг қурбошилари бўлган Темирхўжа Эшон, Одил Полвон Коровулбеги, Яхши Жугир ўғли, Панжи Остонақул ўғли, Хўшмурод (Турдининг уринбосари), Ражаб Боки Коровул, Мошин Расмурот ўғли, Қилич Мирза Камолов, Мулла Жума, Жума Коровулбеги, Мулла Бури, Шоди Коровулбегилар ҳамда таниқли йигитларидан Ҳалил Мерған, Раҳмон Мерған, Худойберди, Умир, Орал Полвон, Идибой, Умир Файзи ўғли, Муҳаммад Карим Кучқор ўғли, Барот оқсоқолларнинг барча оила аъзолари ва қариндош-уруғлари зудлик билан қамоққа олинди, уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинди<sup>2</sup>.

Турди Түқсабо ва унинг қурбошилари бу пайтда асосан Қамаши ва Косон туманларида ҳаракат қилаётган эди. Агар улар уз ихтиёрлари билан ҳукумат вакилларига таслим булишмаса, гаровга олинган барча кишилар отиб ташланishi айтилди. Турди Тўқсабо ва унинг жасур сафдошлари курашни тухтатмагач, қамоққа олинган бутун қариндош-уруғлари ва оила аъзолари қатл қилинди.

Худди шундай ҳолат Бухоро вилоятидаги таниқли қурбоши Жура Аминнинг тақдиррида ҳам тақрорланди. Жура Амин (1889—1926) Жондор туманидаги Жўйзор қишлоғида туғилган эди. Жура Аминнинг йигитлари Жондор ва Қоракул туманларида 13- уқчи корпус жангчиларига қарши шафқатсиз жанглар олиб боришли. Корпус қўмондони Павлов уз штабини Жондор марказидаги бинога жойлаштириди. «Бир қанча жанглар натижасида Павлов Жура Амин бошчилиги даги йигитларни енга олишга кузи етмагач, энг қабиҳона йулни танлайди. Жура Аминнинг турмуш ўртоғини Эргаш исмли чақалоги билан Ғозиён мадрасасида ташкил этилган қамоқхонага ташлаб, уларни бир ярим йил давомида шу ерда сақлайди»<sup>3</sup>. Аммо шунга қарамай, Жура Амин келиб, таслим булмайди. Жондорлик бу мард қурбоши душманга келиб буйин эгмагач, қизил аскарлар томонидан гаровда ушлаб турилган унинг оила аъзолари отиб ташланди. Жура Амин бўлса яна бир неча йиллар давомида

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 59- фонд. 1- рўйхат, 61- иш, 6- варақ ва унинг орқаси

- Ўзбекистон МДА, уша жойда, 6- варақнинг орқаси — 7- варақнинг орқаси.

<sup>3</sup> Қаранг: Қиличев Р. «Отам босмачи эмасди...» Бухоро ҳақиқати, 1993 йил, 13 февраль.

Қизил аскарларга қарши ҳаёт-мамот курашини олиб борди<sup>1</sup>.

Англиялик тадқиқотчи Гленда Фрэзернинг ёзишича, «совет қўмондонлиги Бухоро республикасида 1923 йил баҳор-куз фаслларида булган жангларда 100000 кишилик улкан армиясини ташлади... 1923 йил ноябр ойида босмачилар Бухоро ва Самарқандда узларининг сунгги йирик хужумларини бошлашди. Farbий Бухорода Мулла Абдулқаҳор, Қаршида Берди Додхоҳ, Яккабогда Абдураҳмон, Самарқандда Холбутабек, Бойсунда Мустафо Бойвачча, Вахш дарёсининг сул соҳилидаги тоғларда Абдурраҳим, Қизилқум саҳросида эса Мулла Абдулқодир қўрбошилар жанг ҳаракатларида қатнашдилар»<sup>2</sup>.

1923 йил ноябр ойида Бухоро вилоятидаги қўрбошилар ичидаги Жура Амин, Аъзам Хужа, Тош Мурдашўй, Бозорбек, Равшан Давлат кабилар уз ҳаракатларини фаолластиридилар. Уларниң ҳар бири узларининг 500—600 кишилик суворийлари билан Бухоро шаҳри атрофида ҳамда Харгуш ва Хайробод кентларида қизил аскарлар билан жангта кирадилар<sup>3</sup>.

Мулла Абдулқаҳор қўрбоши бўлса, Нурота, Кармана ва Бухоро вилоятларининг турли туманинида уз дастаси билан курашни давом эттириди. У баъзан Зарафшон дарёсининг ҳар иккала қирғозида жанг қилса, баъзан Шофиркон ва Фиждувон туманинида Қизилқумга туташ чулларида қизил аскарларниң додини берар, баъзан Нуротанинг тоғтошларида душман билан олишарди.

Бухородаги ватанинвар кучларга қарши курашда Турк-Фронти Ҳаво флоти ҳарбий учувчилари утга «жонбозлик» Қўрсатимиди. Мана шундай учувчилардан бири П. X. Межерауп эди. У терма авиация группасининг (2- ва 4- авиаотрядлар негизидаги) бошлини сифатида Farbий Бухородаги қўрбошилар дасталари жойлашган ерларни бомбардимон қиласа, катта қишлоқлар ва аҳоли юнайтидан манзилларни самолётдан туриб, пулемёт уқига тутарди. Farbий группа қўшиллари қўмондоши Швецов ёзган рапортда айтилишича, Межерауп бошчилигидаги бир гуруҳ авиаотряд 15 ноября Тош Мурдашўй қўшинининг 300

<sup>1</sup> Жура Амин йигитлари билан қизил аскарлар уртасидаги сунгги жанг 1926 йил май ойида ҳозирги Нешкӯ туманинида Хужаубон зиёратгоҳи яқинида юз берди.

<sup>2</sup> Glenda Frazer. Basmachi-II. P.18—19.

<sup>3</sup> Бухоро ВЛА. 777- фонд, 2- рўйхат, 34- иш, 1- варажнинг оркаси — 2- вараж.

кишилик дастасини Шамба-Имачти қишлоқлари йуналишила ва Куйимозор темир йул бекати атрофларида, «...группавий равишда самолётлардан бомбардимон қилиши ва пулемётдан уққа тутишди, тинимсиз давом этган беш соатлик бомбардимон ва пулемёт ўти натижасида қурбоши дастаси ичига саросима солинди ва 100 йигит йук қилиб ташланди»<sup>1</sup>.

Совет күмөндөнлиги истиқболчилар билан жангга киришар экан, олишув тутагач, ўша атрофдаги маҳаллий тинч ахолини ҳам асирга олар, құлға олинган истиқболчилар билан бир қаторла қишлоқларнинг аксарият ахолиси «сен — босмачисан» деб, отиб ташланар эди. Масалан, «1923 йил 23 декабрда Барот Эшоп бошчилигидаги 200 кишилик суворийлар гурухи Боя-Соқол деган жойда тор-мор қилинганды қишлоқ оқсоқоли ва ахолининг бир қисми асирга олинди...»<sup>2</sup>. Қишлоқдаги тинч ахолини асири олишда «мардлик» курсатган ушбу қызил аскарлар ОГПУ буйруги билан кейинчалик түрли хил орден ва медаллар билан тақдирлапшиши.

Тошкент ва Москвадаги большевик раҳбарлари 1923 йилнинг охири ва 1924 йилнинг бошларидан Бухоро Республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан ҳали қониқиши ҳосил қильмаган эдилар. Улар шунинг учун ҳам ҳарбий харакатларни жадал суръатларда олиб бориш билан бир қаторда Бухоро ҳукумати раҳбарларидан курашнинг барча тур ва воситаларидан фойдаланишини талаб қилиши. 1923 йил 22 декабря бўлган Бухоро Коммунистик партияси Марказий Кумитаси Ижроия бюросининг йигилишида Farbий ва Шарқий Бухородаги «босмачилар»га қарши кураш чоралари маҳсус мұхокама этилди. Мажлис баенномасида ёзилишича, унда қуйидаги масалалар куриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилиниди:

«а) РКП Урта Осие бюросининг босмачиларға қарашли мол-мұлкни мусодара қилиш түррисидаги инструкцияси.

б) Урта Осие бюросининг босмачиларнинг шериклари ҳақидаги инструкцияси.

в) Farbий Бухоронинг айрим вилоятларида ва Шарқий Бухородаги вилоятларда босмачиликка қарши кураш Кенгашларини ташкил қилиш түррисида. -

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 47- фонд, 1- руихат, 555- иш, 234- варак.

<sup>2</sup> Пограничные войска в СССР. 1918—1928. С. 598.

г) Фарбий Бухорода босмачиликка қарши кураш Комиссиясини тузиш ҳақида.

д) Жазо учликлари ишини янада кенгайтириш түркисида.

е) Кизил армия билан БХСР меҳнаткашлари ўртасидаги яқинлашув компаниясини утказиш ҳақида<sup>1</sup>.

Бухоро ҳукумати Марказнинг сиқувлари остида истиқлолчиларга қарши курашни авж олдиришда ислом дини арбобларидан ҳам кенг фойдаланишини режалаштириди. Кент, туман, вилоятларда булган руҳонийларнинг қурултойларида бу масала кенг муҳокама қилинди. Ниҳоят, 1924 ийл 28—31 январда Бухоро шаҳрида республика уламоларининг қурултойи чақирилди. Расмий ҳукуматнинг тазиики остида утган қурултойда керакли мақсадга эришилди. 30 январда Мулла Ақмал Фозил Ҳужаев маърузаси бўйича «Босмачилик ҳақида» номли резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда худди партия қарорларида таъкидланганидек, истиқлолчилар «халқ лушмани» деб эълон қилинди<sup>2</sup>.

Шариат пешволарининг қурултойида аҳолига қаратада «Уламоларнинг босмачилар ҳақидаги хитобномаси» номли мурожаатнома ҳам қабул қилинди. Ушбу хужжатта шариат қоидаларини шарҳлаб берувчи 113 та уламолар имзо чеккан эди<sup>3</sup>.

Бухоро республикаси ҳудудида курашнинг бешинчи иили истиқлолчилар учун мана шундай қийин бир шароитда бошланди. Шундай булицига қарамасдан, уларнинг аксарият қисми қулдан қуролни ташламадилар. Фарбий Бухорода бу лайтда Мулла Абдулқаҳор (Занданида), Жўра Амин (Қоракулнинг шимоли-фарбига), Аъзам Ҳужа (Жондорда), Тош Мурдашӣ (Бухоро шаҳрининг шимоли-фарбига), Кур Ота (Вобкентда), Ислом Қоровулбеги (Фиждувонда), Урмон Полвон, Метан Полвон, Наим Полвон (ҳаммаси Шофирконда), Бобоёр, Хушвакӯ ва Сироҷхӯжа (ҳаммаси Нуротада) каби қурбошилар дасталарининг ҳар бирида 300—400 ватанинвар курашни давом эттираётган эди<sup>4</sup>. Булардан ташқари кичик микдордаги ўйлаб курбошилар дасталари ҳам мавжуд булган.

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 262- иш, 97- варақ; История Б.Н.С.Р. С. 271.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Узбекистон РГДА, 14 фонд, 1- рўйхат, 123- иш, 11- варақ.

<sup>3</sup> Ишанов А. Ўша асар, 308- бет.

<sup>4</sup> РГВА, 28113- фонд, 7- рўйхат, 90- иш, 98--99, 164—165- варақлар.

Үрта Бухоро – Қашқадарё воҳасида булса Турди Түқсабо (Косондан шимоли-ғарбда), Бури Додҳоҳ ва Абдураҳмон (Яккабоғдан жануби-ғарбда), Абдурозик (Суматда) каби қурбошилар, Амударё бўйи районида (ҳозирги Туркманистон ҳудудида) Қилич Мерган ва Мулла Рузи (Каркидан жануби-шарқда), Мулла Махта (Бурдалиқда) сингари сардорлар қизил армияга қарши жанг олиб боришарди.

Шундай қилиб, бу пайтда Фарбий Бухорода Мулла Абдулқаҳдор ва Шарқий Бухорода Иброҳимбек қурбошилар истиқлолчиларнинг ун минг кишига яқин қушинига кумондонлик қилишаётган эди.

Фарбий Бухорода 1924 йилдан бошлаб истиқлолчиларга қарши қаттиқ жанглар авж олдириб юборилди. Архив ҳужжатнарида келтирилишича, 1924 йил 19 январдан 25 июнгача бўлган жанглар натижасида ватанпарварлардан 2000 киши курашдан четлаштирилди, яъни таслим булди. Бундан ташқари жангларда 25 қурбоши ва 474 йигит ўлдирилди, 2 қурбоши ва 93 йигит ярадор қилинди, 12 қурбоши ва 194 йигит асир олинди, 59 қурбоши ва 637 йигит уз ихтиёри билан таслим булди...<sup>1</sup>

Қизил аскарларнинг асосий зарбаси Бухоро ва Кармана вилоятларидағи қурбошиларнинг умумий етакчиси Мулла Абдулқаҳдорга қарши йуналтирилди. «...Қизил аскарлар 21 июнга ўтар кечаси Абдулқаҳдор гуруҳига ҳужум қилинди, натижада унинг 18 йигити чопиб ташланди ва Абдулқаҳдорнинг узи оғир ярадор қилинди».

Бухоролаги истиқлолчилар баҳорги жангларда мағлубиятга учрашларига қарамасдан, 1924 йил июн ойида Үрта ва Фарбий Бухорода мужоҳидларнинг фаоллиги кузатилади. Бу пайтда Шарқий Бухорода ҳам қурбоши дасталари уз ҳаракатларини кучайтирган эдилар.

Мулла Абдулқаҳдор ва Аъзам Хужа аҳолига қаратга мурожаатнома чиқариб, чакириқ ёцидаги кишиларни Бухоро қизил армияси сафларига кирмасликка, аксинча, истиқлолчилар қаторида туриб, босқинчиларга қарши курашга даъват этниди. Натижада курашни турли сабаблар билан тарқ этган йигитлар яна қайтадан келиб, уз дасталарига қўшила бошладилар. Ҳатто қизил армиянинг эскадрон командири Шаталов бир гуруҳ аскарлар ва анчагина миқдордаги қурол-яроғ билан истиқлолчилар сафига ўтди.

<sup>1</sup> РГВА, 895- фонд, 1- руйхат, 126- иш, 100—101- варажлардари  
рия Б.Н С.Р. С. 170.

Бу ҳолдан қаттиқ ташвишга тушиған қизил армия құмандонлиги Бухоролаги партия ва совет органдарында истиқололчиларға қарши курашда шошилиниң чора-тадбирлар күришіні топширди. «Босмачилик»ка қарши кураш Марказий Комиссиясының раиси Мавлонбеков имзоси билан 1924 йил 30 майда қабул қилингандың «мутлақо махфий» тамгали «Урта — Farbii Бухородаги босмачы гурұғары ва зарбадор компания утказиш тадбирлари ҳақындағы Низом»<sup>1</sup> мувофиқ, 5 июлдан бошлаб «Босмачилар билан кураш ойлиги» утказышға қарор қилинди. Расмий ҳукумат бир ой давомида Farbii ва Урга Бухородаги бутун қурбоши дасталарини тугатышни режалаشتirdи. Мулла Абдулқаҳдор, Аъзам Ҳужа, Тош Мурлашуй, Турди Тұқсабо, Қилич Мерған каби асосий қурбошиларнинг дасталарында кучли ва сунгги зарба беріштә қарор қилинди.

Мазкур қарорни амалға ошириш учун Бухоро вилояті буйича Абдуғани Набиев, Ражаб Мұхаммадий, Субхонкул Жураев ва Абдуқодир Рахимбоев; Чоржүй вилояті буйича Солиев, Чорисев ва Ниезмуродов; Нурота вилояті буйича Шароф Баротов ва Араббой Муминов<sup>2</sup>; Кармана вилояті буйича Берди Еров ва Сафар Бозоров; Беҳбудий (Қарши) вилояті буйича Зокиров ва Халилов; Шахрисабз вилояті буйича Мирзаев ва Бобоназар Хидиров ҳукумат томонидан мұтасадді этиб тайинланишди<sup>3</sup>.

Мулла Абдулқаҳдор құрбошининг йигитлари билан қизил аскарлар уртасыда 1924 йил ёзи ва күзида Fиждувон туманининг Fиғти ва Катта Fамхур қишлоқларыда, Нурота тоғларыда, Шофиркон туманинда туташ Қизилқұмнинг Жильвон құмликларыда, Богиағзал ва Вардонзе қишлоқларыда қаттиқ тұқнашувлар булды. Күчлар тенг булмаган ушбу жангларда Farbii Бухоро ватанпарварларнинг етакчысы мағлубиятта учради. Farbii Бухородаги қурбошилар дасталарында сезиларлы зарба берилди. «Зарбадор ойлик даврида Ортиқ Тұқсабо, Ортиқча, Мирза Иброҳим, Рустам Косон ва бошқанар үз йигитлари ҳамда қурол-яроғлар билан таслим булишли. Ойлик мобайнида 17 құрбоши ва 250 йигит құлға олинди ҳамда асир туиди»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> РГВА, ұша жойда, 100—103-вараклар.

<sup>2</sup> Араббой Муминов академик Иброҳим Муминовнинг ақасидир.

<sup>3</sup> Цабиев А. Ұша асар. 34- бет.

<sup>4</sup> Рұзбекистон РПДА, 14-фонд, 1- руиҳат, 779- иш, 180- варак; Ислар. Н.С.Р. С. 171.

Мулла Абдулқаҳдор қурбоши Қизилқум чұлларидан қызил аскарлар билан бұлған туқнашувларнинг бирида 1924 йилнинг охирида үлдирилди. Сайд Олимхон ёзганидек, уннинг икки укаси: Метан Польон ва Наим Польон сал олдинроқ шаҳид булишган эди.

Шундай қилиб, 1924 йил охирларидан Бухоро ва Кармана вилоятларидағи истиқолчилар ассоан мағлубиятта учрадилар. Курашнинг үчинчи босқичи ниҳоясига етди. Лекин ҳали жанглар давом этар әди.

### **Б. Шарқий Бухорода Салим Пошо ва Иброҳимбек раҳбарлығидаги жанглар**

1922 йил күз фаслида Шарқий Бухорода қызғын жанглар кетаёттан булиб, бу ерләгі истиқолчилар Иброҳимбек бошчилигида курашни давом эттираёттан әди. Сентябр ойининг урталаридан уларнинг сафига Афғонистондан **Салим Пошо** — Ҳожи Сомий афанди келиб құшилди. Салим Пошо дастлаб Балжувонга бориб, Анвар Пошо ва Давлатмандбекнинг қабрларини зиёрат қылды. Уларнинг қабри устида Туркистанни босқынчи қызил аскарлардан тозалаш хусусида онт очди. Сүнгра октябр ойининг урталаридан Балжувондан 37 чақирим шимоли-шарқда булған Сарм Пулида қурбошиларнинг қурултойини утказди. Иброҳимбек бу гал ҳам навбатдаги турк зобитига үзининг барча ҳуқуқдарини осонликча бериб күйишни хоҳдамади. Қолаверса, Салим Пошонинг нуфузи ва обруси Шарқий Бухоро истиқолчилари уртасыда Анвар Пошоникидек юқори эмас әди. Натижада бу қурултойда Салим Пошо күзлаган мақсадига ета олмагач, Қоратегин томонға — Тобилдарага йул олди.

Маълумки, Фузайл Махдум Анвар Пошоға садоқати зур қурбошилардан әди. Салим Пошо ҳам уннинг ҳузурига бориб янглишмади. Фузайл Махдумнинг катта саýй-харакатлари натижасыда Қоратегинде булған қурбошиларнинг навбатдаги қурултойнда Салим Пошо Шарқий Бухоро истиқолчиларининг Олий бош күмбөдони деб тан олинди. Бу қурултойда Самарқанд ва Фарғонадан келған истиқолчиклик ҳаракатининг вакиллари ҳам иштирок этди.

Салим Пошо құл остидаги қурбошиларни Кулоб районда туплад, шүнингдек, ҳар бирида 500 кишидан иборат булған Сайд Польон ва Мулла Ниёз қўрбоши дастлары билан бирғаликда 1923 йил 16 февралда Вахш дарёсидан кечиб утиб, уннинг унг қирғонидаги Курғонтепа

туманига борди<sup>1</sup> ва Ҳисор водийсига томон йул олди. Салим Пошо Шурянбоши деган жойда вақтнчалик уз қароргоҳини үрнатди. Ниҳоят, Иброҳимбек қурбошидан Салим Пошонинг Олий бош қўмонидон эканлиги тан олинган хабар унга етиб келди. Бу хушхабарни Салим Пошо узоқ пайтдан буён интиқлик билан кутар эди. Салим Пошо қўл остида энди 10000 кишидан ортиқ истиқлолчи тўпланди.

1923 йил феврал ойида Салим Пошо Шурянбошида курултой чақириб, унда қурбошилар билан учрашиди ва ҳар бир дастанинг ҳаракат режасини белгилаб берди<sup>2</sup>. Курултойда иштирок қилган Иброҳимбек билан биргаликда Салим Пошо бир вақтнинг үзида икки йуналиш буйича ҳужум ҳаракатлари қилиш режасини ишлаб чиқишиди. Кисқа ва самарали утган бу анжумандан сунг, Салим Пошо 6000 жангидан иборат асосий кучларни олиб, Фузор—Қарши—Ғарбий Бухоро томонга қараб йул олди. У Самарқанд ва Фарғона истиқлолчилари билан кейинроқ қўшилишни ҳам мулжаллади. Иброҳимбек қўрбоши булса, 3000 йигит билан Душанбе—Ҳисор—Қабодиён томонга юриб, Шарқий Бухорода совет ҳокимиятини батамом тутатиши ва Салим Пошо қўшинининг орқа томонини муҳофаза этиши шарт эди. Бу режани амалга ошира бориб, улар 1923 йилнинг баҳорида Қарши—Карки, Термиз—Бойсун линиясига чиқишиди. Салим Пошонинг 1300 суворийси Калиф томонга йул олиб, туркман бойлари билан қўшилишга ҳаракат қилди<sup>3</sup>. Турди Туқсанбек истиқлолчилари эса Салим Пошо билан биргаликда Қарши шаҳри устига юриш қилишиди. Ўрта Бухородаги 15 та қурбони Салим Пошо ихтиёрига ўтди<sup>4</sup>.

Салим Пошо қурбошилардан уз дасталарида қаттиқ тартиб-интизом үрнатишни талаб этди. У Темурбек қурбошига ёзган мактубида «мужоҳидлар уйларига ҳар сафар бориб келиш учун жунаганларида албатта уз ҳарбий бошлиқларидан тегишли руҳсатнома (таъкид бизники — K. P.) олишлари шарт» эканлигини таъкидлайди.

Салим Пошо Иброҳимбек қурбоши буйсунганилигига қарамасдан, барибир унга ишонмайди ва амалда купроқ Темурбекка суняди. Шунинг учун ҳам у Темурбекни «бий» унвонидан «додхоҳ» даражасига кутарди.

<sup>1</sup> Бобохўжаев А. Уша асар, 245- бет.

<sup>2</sup> Ирқасов М. Уша асар, 370- бет.

<sup>3</sup> История гражданской войны в Узбекистане. Т. II. С. 333.

<sup>4</sup> РГВА, 985- фонд, 1- рўйхат, 12- иш, 218- варак.

Салим Пошо Давлатмандбекнинг бевасига уйлангач, Кўлоб вилоятидаги қурбошилар ургасида ўзининг мавқени янада мустаҳкамлади.

Шундай қилиб, 1923 йил баҳорида Бухоро республикаси ҳудудида қўйидаги учта йирик лашкарбоши: Мулла Абдулқаҳдор қурбоши Фарбий Бухорода (Нурота ва Ёндувон томонларда); Иброҳимбек қурбоши Шарқий Бухорода (Ҳисор водийсида); Салим Пошо Урта Бухорода (Карши йуналишида) қизил армияга қарши оммавий равишда хужум бошладилар<sup>1</sup>.

Туркистон фронти қўмондони А. И. Корк уз навбатида катта миқдордаги кучларни Бухоро республикаси ҳудудига, хусусан, Шарқий Бухорога ташлаш ҳақида буйруқ берди. Бухорога 3- отлиқлар бригадаси, 11- отлиқлар дивизияси ва 6- алоҳида отлиқлар бригадаси зудлик билан етиб келди. Қарийб 15000 кишидан иборат булган бу босқинчи кучлар П. А. Павлов бошчилигидаги 13- уқчи корпусга бирлаштирилди<sup>2</sup>.

Шарқий Бухородаги қизил аскарлар олдига икки асосий вазифа қўйилди ва шундан келиб чиққан ҳолда босқинчилар қушини қўйидаги икки гурӯҳга ажратилди: «а) 7- уқчи полк, 3- алоҳида бригада, 10- отлиқлар полки, 1- ва 2- тоғли отлиқлар батареяси Вахш йўлида дарёнинг сўл соҳилидаги қўзғолончиларнинг уюштаги гурӯҳларини тор-мор қилиши, Дарвозни эгаллаши ва қўзғолончиларнинг маркази булган Қалъайи Хумб, Тобилдара, Чилдарадаги алоҳида дасталарни мағлубиятга учратиб, Панждаги чегаранинг қуриқлашни мустаҳкамлаши лозим эди; б) 9-полк, 11-отлиқлар дивизияси, 3-дивизия, 7- ва 9-тоғли батарея Вахш дарёсининг унг соҳилида қўзғолончиларнинг уюшган гурӯҳларини тор-мор қилиши ва мазкур жойларни улардан тозалаши керак эди...»<sup>3</sup>

Совет қўмондонлиги уз жанговар операцияларида авиациядан усталик билан фойдаланаар эди. Уша даврдаги ҳарбий харакатларда самолётларнинг хизмати жуда катта булган. Истиқлолчилар ва маҳаллий аҳоли руҳиятига бу «пұлат құзғунлар» уз таъсирини курсатмасдан қолмади. «Авиациянинг вазифаси энг аввало шундан иборатки, ун-

<sup>1</sup> Кўрини: Ишанов А. Уша асар, 303—304- бетлар.

История гражданской войны в Узбекистане. Т. II. с. 334; Боевой путь войск Гуркестанского военного округа. М., Оборонгосиздат, 1959. С. 163.

<sup>2</sup> РГВА. 895- фонд. 1- рўйхат, 471- иш, 70—71- варажлар.

дан бомбардимон қилишда, пулемётлардан үкқа тутишда, варақалар ташлашда ва алоқа хизматида фойдаланиларди<sup>1</sup>.

Совет кўмандонлиги ўз кучларини юқоридаги тартибда жойлаштиргач, истиқлолчилик ҳаракатига қарши умумий ҳарбий ҳаракатларни Шарқий Бухорда 1923 йил март ойининг бошларнда, Еарбий Бухорда марта март ойининг урталарида бошлаб юборди<sup>2</sup>.

Қизил армия қўшинлари бутун Бухоро республикаси ҳудудида истиқлолчиларга қарши бошлаган ҳарбий ҳаракатларини апрел-май ойларида янада фаоллаштиришга муваффақ булди. Натижада ватанпарварлар лашкари бир неча жангларда мағлубиятга учради. Масалан, Салим Пошо дасталари Қарши районида узидаи устун қизил армия қўшинлари билан болган жангда мардонавор курашсалар-да, улардан енгилиб, Шарқий Бухоро томонга қайтадан чекиндилар. Салим Пошо Калиф ва Денов орқали Ҳисор водийсига келди<sup>3</sup>.

Бир неча сўз тарихий адабиётларда деярли ёритилмаган Матчо беклигидаги истиқлолчилик ҳаракати хусусида. Матчо беклиги қулай жуғрофий уринда жойлашган булиб, муҳим стратегик аҳамиятга молик жой эди. Бухоро амирлиги ҳудудининг бир қисми болган бу ер ҳозирги вақтда Шимолий Тожикистонга қараиди. Матчо беклиги Фарғона, Самарқанд, Коратегин истиқлолчиларининг Шарқий Бухородаги сафдошлари билан алоқани bogлаб турувчи муҳим ҳалқа эди. Беклик аҳолиси 1923 йилнинг баҳоригача 6 ийл давомида қизил армия томонидан Матчога қилинган ҳамма ҳужумларни қайтариб турдилар. Маччойиликларининг миллий озодлик курашига Авлиёхужа Эшон ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилди. Унинг туртта уғли — Эшон Тўра, Аҳмадбек, Аҳрорхон, Асрорхон қурбошилар истиқлолчиларининг ҳарбий раҳбарлари эди<sup>4</sup>. Шунингдек, Матчода Холбута қурбоши ўзининг катта дастаси билан ҳаракат қиласарди. Аҳмадбек Матчо беки булиб, Обурдон қишлоғи бекликнинг маркази эди.

1923 йил 18 марта қизил армия Матчо беклигини босиб олиш ва бу ерда совет ҳокимиятини урнатиш учун ҳал

<sup>1</sup> РГВА, уша жойда, 72- варак.

<sup>2</sup> Қаранг ва таққосланг: РГВА, уша жойда, 70- варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 48- фонд, 1- руҳнат, 171- иш, 117- варак.

<sup>4</sup> Шахобиддин Яссавий Иемонашайх ўғли. Turkistan Asosiq Haqiqitlari. Истанбул, 1984. S. 36—37.

қилувчи жанг ҳаракатларини бошлаб юборди. 2 апрелда беклиниг маркази Обурдон, шу ойнинг охирида эса бутун Матчо беклиги босқинчилар томонидан босиб олинди. Совет ҳокимиятига бўйсунишни хоҳламаган маччойиликлар собиқ ҳукмдорлари Аҳмадбек бошлилигига қизил армияга қарши яна узоқ мулдат давомида миллий истиқдол курашини давом эттириши. Собиқ Матчо беклиги эса Туркистон АССР таркибидаги Самарқанд вилоятига киритилиб, бу ерда зуравонлик билан совет ҳокимияти урнатилди.

Иброҳимбек қўрбоши дастлаб Шарқий Бухорода муваффақиятли равишда жанговар ҳаракатлар олиб борди. У Сурхон дарёси атрофидаги Юқори Какайли (Шарқий Шеробод — ҳозирги Кумқурғон тумани)да бир қатор жанглар утказди. Иброҳимбек бу жангларда устунликка эриша олмагач, яна орқага қайтиб, Душанбе атрофидаги Лоқайдага ўз кучларини мустаҳкамлади ва янги жангларга тайёрланди. Иброҳимбек атрофида Раҳмат Мироҳур, Барот Эшик оғаси, Мулла Ниёз, Мулла Эсон (Иессо), Ширин Түқсанбо, Аҳмадбек, Аблуқодир Қарлуқ<sup>1</sup>, Абдуқаюм парвоначи каби нуфузли қурбошилар бирлашди. «З майдаги маълумотларга кура, Салим Пошо Ҳовалинг атрофидан Оқсув даресизининг юқори қисмига — Фузайл Махдум билан учрашиш учун жўнаб кетди»<sup>2</sup>.

Қизил армиянинг Шарқий Бухорога босқини натижасида май ойида бу ерда кўплаб, қурбошилар дасталари тузилди ва улар босқинчиларга қарши жангларда қатнашди. Бир ҳужжатда ёзилишича, 10 майга келиб Шарқий Бухородаги бундай дасталарниг сони 47 та эди. Бу қурбошилар дасталарига босқинчиларниг зуравонлиги ва хунрезлигини ўз кузи билан кўрган маҳаллий ўзбек ва тожик йигитлари оммавий радишда кирап эдилар.

Май ойининг бошларида Урта Бухоро — Қашқадарё воҳасида ҳам жанглар қизиб кетди. Қаршидаги ватанпарварларга бу пайтда Самарқанддаги энг нуфузли қурбошилардан бири Очилбек узининг 200 дан ортиқ йигити билан ёрдамга келди. Очилбек Самарқанд ва унинг теварагида қизил аскарларга қарши тинимсиз жанглар олиб борган. Бу ҳужумлари оқибатида Самарқанд — Зарафшон ҳудудидан Маччо тоғлари этакларига қадар булган жойларда совет ҳокимиятини тугатишга муваффақ булди. Туркиялик

<sup>1</sup> РГВА, 28113- фонд, 7- рўйхат, 90- иш, 60- вараж.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 48 фонд, 1- рўйхат, 182- иш, 175- вараж.

тадқиқотчи Али Бодомчининг ёзишича, у аслан найман уруғи үзбекларидан булиб, кураш майдонига чиқмасдан аввал узок мулдат Тошкентда булган, урисчани урганган, жадид мағаблари таъсирида маънавий савиясини орттирган. Айни пайтда Тошкентда «ҳаммоллик» билан шуғуллануб маълум миқдорда бойлик туплаган ва уни ҳам миллий кураш йўлида сарф этган. Очилбек ватаний ахлоққа эга, жасур, вазмин табиатли шахсият соҳибидир. Курбошиликни бошлашдан аввал у Бухоро амиринин тобаси Сайид Акрам Туранинг хизматида булиб аскарликни ўрганганд. Бу фикрни Очилбекнинг қароргоҳида булган Валидий уз хотираларида ҳам тасдиқлайди. Очилбек 1918 йилдан истиқолочилик ҳаракати сафига қушилган, атрофидага 2000 дан зиёд аскарлик малакасига эга йигитлари булган. Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти Очилбек ҳузурига жадид зиёлиси Кори Комилни сиёсий маслаҳатчи сифатида жунатган эди.

Қарши вилоятига келиб, Китоб шаҳридан 20 чақирим шарқдаги Варгаиза (Ваганзи) қишлоғида ўрнашган Очилбек билан қизил аскарлар уртасида 1923 йил 9 майда тенгизиз олишув булди. «10 майдаги маълумотларга қараганда, Очилбек дастаси Китоб атрофидаги муваффақиятсиз жангда уз байробини йўқотиб ва бир исча уликларни, шу жумладан, Очилбекни ҳам қолдириб, Тахта Қорача довони орқали Қайнар Булоқ йулидан Самарқанд вилоятига жунаб кетишиди. Очилбекнинг ўлимидан сунг 130 йигитдан иборат дастага Зиёвуддин бошлилик қила бошлади»<sup>1</sup>.

Совет маъмурларининг эътироф қилишларича, 1923 йил май ойида истиқболчилар сафига маҳаллий миллатга мансуб куплаб масъул ходимлар, милиционерлар келиб қушилишган. Бир хужжатда таъсирчан қилиб ёзилганидек, «Шахрисабзда кейинги пайтда милиция сафидан босмачилар гурӯхига бориб қушилиш оммавий хусусият касб этмоқда, якунланаётган ҳафта мобайнида Яккабоғдан 8 милиционер қулда қурол билан кетиб қолишиди, улардан Шамсутдин Хужа дегани от ва револьвер билан, ревкомда ишлайдиган бир хизматчи бўлса қуролсиз равишда мужоҳидлар сафига утди»<sup>2</sup>.

Яккабоғда бундай ҳодисалар илгари ҳам бўлган эди. Бутун Бухоро Марказий Ижроия Кумитаси аъзоси, Шаҳрисабз вилояти Яккабоғ ревкомининг раиси Мирза Одил

<sup>1</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 171- иш, 117- вараж

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 171- иш, 117- вараж

Фозилов<sup>1</sup> 1921 йилнинг биринчи ярми ва 1922 йил давомида Қашқадарё ва Шарқий Бухоро чегараларида ҳаракат қилган Жабборбек кўрбоши, Бозорбек (Одилов), унинг ёрдамчиси Бозор командир (Хужамкулов) каби курбошлилар билан амалий ҳамкорликда ишлаган ва ушбу ҳамкорлик натижасида Яккабоғ шаҳри ва қалъаси узоқ муддат ватанпарварлар қулида бўлган эди. Фозилов томонидан Яккабоғ қалъасидаги курол-яроғ Жабборбек курбоши дастаси ихтиёрига берилгач, ватанпарварларнинг кучлари анча купайди. Фозилов бу ишларни маҳфий равишда килган. Ниҳоят, 1923 йилнинг бошларида чекистлар Фозиловнинг изига тушиб, уни қамоққа олишди. Уз халқининг ватанпарвари сифатида курбоши дасталарини куллаб-куватлаган ва улар билан доимий равишда алока боғлаб турган собиқ ревком Мирза Одил Фозилов кейинчалик – 1923 йил 18 авгуустда Эски Бухоро шаҳрида булиб утган Туркистон фронти 13- уқчи корпуси ҳарбий трибуналиниң сайёр сессияси ҳукмига кура отиб ташланди<sup>2</sup>.

Иброҳимбек курбоши Ҳисор воҳаси (Душанбе атрофи)да уз кучларини жислаштиргач, қизилларга қарши ҳужумга ўтди. У май ойининг охирида 2- Туркистон отликлар полкини Обикийик қиншоғида куршаб олишга муваффақ булди. Иброҳимбек билан Салим Пошо ўргасидаги ихтилоф қизил аскарларни бу ерда муқаррар тор-мор қилинишдан қутқариб қолди. Салим Пошонинг Қаршидаги мажлубиятидан сунг, Иброҳимбек яна унга бўйсунмай қўйган эди. Иброҳимбекнинг ҳужуми ҳақидаги хабарни эшитгач, Салим Пошо ўзининг 2500 кишилик қўшини билан унине қароргоҳига келди. Қизил аскарлар билан Иброҳимбек қўшини ўргасидаги қонли тўқнашувни кузатгач, Салим Пошо уз сафдошига ёрдам бериш үрнига, аксинча унга дуқ-пўписа қилинишдан нарига ўтмади. Натижада кулагай имкониятдан фойдаланган қизил аскарларнинг бошқа – 1- Туркистон отликлар полки Иброҳимбекка тусатлан орқа томондан кучли зарба берди. Жант қизиган пайтда келиб, Иброҳимбекни чалғитган Салим Пошо уз қўшини билан бу ерни тарқ этди. Ушбу жангда Иброҳимбек мажлубиятга учраб, 500 аскарни йўқотди ва Вахш дарёсининг сул соҳилига утиб кетди. Иброҳимбек ҳаммаси булиб, бу жангларда 1300

<sup>1</sup> Бу ҳақла қаранг: Узбекистон МДА, 47- фонд, 1- руйхат, 425- иш, 110- варақ.

<sup>2</sup> Узбекистон МДА, 47- фонд, 1- руйхат, 425- иш, 110–111- варақлар.

кишидан ажралган, июн ойининг урталарига келиб эса Лоқайдати истиқлолчиларнинг сони 15000 кишидан 350 кишига тушиб қолган эди<sup>1</sup>.

1923 йил ёз-куз фаслларида мухолифатчилар Шарқий Бухорода бўлган жангларда мағлубиятга учрашди. Бир қатор муваффақиятсиз жанглардан сунг Салим Пошо 1923 йил 15 июнда Панж дарёсидаги Хирмонжой кечувидан Афғонистонга утиб кетли<sup>2</sup>. Совет ҳукуматининг қатъий талаби билан Афғонистон маъмурияти Салим Пошони ўз давлати ҳудудидан чиқариб, уни Эронга жунатди<sup>3</sup>. Валидийнинг ёзишича, Салим Пошо Эрон орқали Туркияга келди ва ўз юргида савдо-сотик билан шугулланиб, фабрика очди<sup>4</sup>.

1923 йил июл ойида қизил аскарлар Қоратегин беклиги устига юриш қилишиди. Бу ерда Қоратегин ҳокими Фузайл Махдум раҳбарлигидаги истиқлолчилар уч йилдан бери қизил аскарларнинг барча ҳужумларини қайтариб, Қоратегинни улар босиб олишига нул қўймаётган эди. Бироқ, бу гал қизил аскарларнинг кучлари ватанпарварларнига нисбатан бир неча марта ортиқ эди. Натижада 29 июнда Қоратегин беклигининг маркази Ғарм шаҳри қизил аскарлар томонидан босиб олинди. Истиқлолчилар Ғарм шаҳрини мудофаа этиб, қизил аскарлар қилган тикимсиз ҳужумларни 12 соат давомида қайтаришга муваффақ булсаларда, охири Ғармни ташлаб чиқишиди. Фузайл Махдум ва унинг йигитлари Қоратегин беклигидаги қизиллар билан жангни яна давом эттирилар. Фузайл Махдумнинг йигитлари Дарвоз беклигидан ёрдамга келган кучлар билан қушилгач, Тобилдара қишлоғида қизил аскарларга қарши ҳужумга ўтдилар. Афсуски, бу ҳужум ҳам самара бермади<sup>5</sup>.

Дарвоз беклигидаги босқинчи қизил армия билан истиқлолчилар уртасида жанглар қизиб кетди. Дарвоз беги Телваршо билан Фузайл Махдум қушилари Қалъайи Хумбда тупланди. Қалъайи Хумб — бекликнинг маркази булиб, у шундай Афғонистон чегарасида жойлашган эди. Қоратегин ва Дарвоз бекликларининг бирлашган қушинига қар-

<sup>1</sup> Glenda Frazer. Basmachi-II. Р. 14—15

<sup>2</sup> РГВА. 1143- фонд, 1- рўйхат, 73- иш, 99- варак.

<sup>3</sup> Каранг: Бобохўжаев А. Уша асар. 247- бет; Узбекистон МДА, 47- фонд, 1- рўйхат, 372- иш, 33—38- вараклар.

<sup>4</sup> Салим Пошо 1927 иили Туркияда улдирилди

<sup>5</sup> История Б.Н.С.Р. С. 268; «Туркестанская правда» (Ташкент), № 168, 17 августа 1923 г.

ши қизил аскарлар катта миқдордаги ҳарбий кучлар ва самолётларни ташлашди. Ватанпарварлар босқинчи қизил аскарларнинг иккита самолётини уриб тушириб, уларнинг анча жангчиларини улдирдилар<sup>1</sup>.

Лекин, пироварцида бу жангда ҳам истиқболчилар мағлубиятга учради. У куйидагича юз берди. «12 августда Дарвознинг поитахти Қалъайи Хумб әгалланди. Қалъайи Хумбдан совуқ ва ут очувчи қуроллар, босмачилар ва Салим Пононинг буюмлари күлга киритилди»<sup>2</sup>. — деб ёзган эди. уша пайтда Гошкентда чиқадиган большевиклар газетаси.

Атиги бир ой муқаддам ватанпарварларнинг 2000 кишилик катта күшининг бошчилик қилган Фузайл Махдумдек машхур қурбошининг ихтиёрида энди бор-йуғи 200—300 үигит қолди, холос. Түқнашувларнинг бирида у оғир ярадор булди. Фузайл Махдум кейинги жангларга куч тұндаш учун ҳам нақтынчалик кураш майдонини тарқ этди. У, биродари,— Дарвоздеги Төсваршо ва оз сонли аскарлари билан биргаликда Афғонистон чесгарасидан үтди. Орадан 2 йил үтгач, Төсваршо яна собиқ Дарвоздеклигі ҳудудила узининг 300 кишилик дастаси билан пайдо булып, қизил аскарларга қарши жанглар олиб борди<sup>3</sup>. Фузайл Махдум ҳам тез орада Шарқий Бухорога қайтиб, яна узоқ шайт давомида босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот курашида қатнашды.

Ватанпарвар кучлар Қоратегин ва Дарвоздаги мағлубиятларига қарамай, Шарқий Бухорода қизил армия қисмларига қарши шиддатли жанглар олиб боришиди. Шарқий Бухородаги бутун қурбоши дастанари 1923 йилнинг ёзіда Иброҳимбек томонидан катта куч-ғайрат сарф қилиб бирлаштирилди. Истиқболчиларнинг сони 5000—7000 кишига етди. Иброҳимбек әндиликтә яна Шарқий Бухоро қурбошиларининг таң олинган ягона йулбошчиси булып қолди. Иброҳимбек қурбошининг узи Ҳисор водийиси ва Панж дареси атрофида қатор мұваффакиятли ҳарбий ҳаралаттар ва жанг амалиетларини үтказди. Ҳисор водийиси — үзбек лақайлари яшайдиган жой яна Шарқий Бухородагы истиқболчилик ҳаракатининг зыгироф этилған доимий маркази булып қолаверди.

<sup>1</sup> Glenda Frazer. Basimachi-II. P. 17.

<sup>2</sup> «Туркестанская правда», № 186, 7 сентября 1923 г; История Б.Н.С.Р. С. 270.

<sup>3</sup> РГБА, 28113- фонд, 7- рўйхат, 90- ню, 164—165- варажтар.

Сурхон воҳасида бўлса Хуррамбек қурбоши ўз таъсир доирасини кучайтириб, бу ердаги истиқлолчи кучларга бошчилик қиларди.

1924 йил январда Иброҳимбек қурбоши Вахш дарёсининг унг қирғоғида узининг асосий кучлари билан жойлашган эди. У Ҳисор водийсида (асосан лақайлар яшайдиган Куктош томонда), шунингдек, Вахш дарёси соҳилларида қизил аскарларга қарши бир қатор кучли зарбалар бериши мувваффақ бўлди. Бу пайтга келиб, Шарқий Бухорода Хуррамбек ва Боймат (Какайди томонида, ҳозирги Кумкүргон ва Жарқўргон туманларида), Мулла Ниез, Раҳмон Доддоҳ, Боймурод (Душанбе атрофида), Асалуллабек (Вахш дарёсининг унг қирғоғида), Мулла Эсон (Тўртқулда), Усмонқул, Мирза Али (Ховалингда), Барот Тўқсабо (Балжувонда), Алла Назар Полвон (Қулобнинг жануби-гарбидаги), Эшон Гиш (Муминободда), Телваршо (Тагмай атрофида), Темир Тўқсабо, Достон Тўқсабо, Тоғай Сари<sup>1</sup> каби қурбошилар дасталари булиб, уларнинг ҳар бири ихтиёрида 400—350 жангчи бор эди<sup>2</sup>.

Шарқий Бухорода ўрнатилаёттан совет режими Иброҳимбек қурбошига қарши курашида ҳам худди Ғарбий Бухорода булгани сингари ислом дини уламоларидан кенг фойдаланди. Шарқий Бухородаги бугун ахоли ўртасида катта нуфузга эга булган лақайларнинг энг таниқли ва машҳур мулласи Эшон Ҳўжа Домулло Доноҳон Лоқай ревкомининг қатъий талаби билан 50 кишилик делегацияга бош булиб, 1924 йил 4 февралда Иброҳимбек ҳузурига жунаб кетди. Делегация Иброҳимбекни совет ҳукумати вакилларига таслим булишга кундириши керак эди. Шарқий Бухоро истиқлолчиларининг йўлбошчиси Иброҳимбек қурбоши 11 февралда Ингичка қишлоғида бўлган учрашувда делегация аъзоларига қатъий рад жавобини берди. Бу ҳолдан қаттиқ ғазабланган қизил армия қисмлари Иброҳимбек қўшинига қарши ҳужумга утди. Аевсиз ўтган тұқнашувларнинг бирида Иброҳимбек қулидан ярадор булди, унинг 5 та қурбошиси ва 75 та ўигити улдирилди<sup>3</sup>.

Иброҳимбек қурбоши бу мағлубиятга қарамасдан, 1924 йил март—апрел ойларида Ҳисор водийси ва Вахш дарёси

<sup>1</sup> Темир Тўқсабо, Достон Тўқсабо, Олимхон, Тоғай Сари каби қурбошилар 1923 йил декабр ва 1924 йил январ ойларида Афғонистондан Шарқий Бухорога қайтиб, қизил аскарларга қарши курашни яна давом эттирилдилар.

<sup>2</sup> Қаранг: РГВА, 28113-фонд, 7- рўйхат, 90- иш, 165- вараж.

<sup>3</sup> Ирқаев М. Ўаш асар, 443- бет.

атрофларида уз ҳаракатларини фаоллаштириди. Бу ҳол Туркестон фронтидаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳақида Турк-фронт қўмандонинг 1924 йил баҳорда юборилган ҳисоботнинг Шарқий Бухоро қисмида қўйидагича тъкидланади: «Босмачиликнинг асосий маркази Вахш дарёси ўнг қирғоги, хусусан, Сурхон воҳаси булиб қолишида давом этмоқда... Боботоғ ва Сурхон воҳасида босмачиликнинг пасайиши кўзга ташланмаяпти, бу жойларда уларнинг миқдори жуда тез ўсиб, 545 кишини ташкил қилмоқда... Дасталарнинг бир қисми Шерободдан шарқда ва ҳаттоқи шимоли-ғарбда ҳаракат қилмоқда. Бу ердаги дасталар жуда ҳам ҳаракатчан ва эпчили.

Иброҳимбек бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймодир. Унга Явон Лоқайидаги барча қурбошилар буйсунмоқда; Боботоғ ва Сурхон воҳасидаги дасталар унинг обрусини сузсиз тан олмоқда; чап қирғоқдаги қурбошилар эса унга туғридан-туғри буйсунмоқдалар, бундан факат Эймат мустаснодир»<sup>2</sup>.

Қашқадарё воҳасида ҳам истиқлолчилар бу пайтда муваффакиятли жанг ҳаракатларини олиб боришди. Бухоро МИК 1924 йил 28 майдаги чиқарган «Шарқий Бухорони советлаштириш ҳақида»ги қарори билан Шарқий Бухоро ишлари бўйича Фавқулодда Комиссияни тутатиб, унинг вазифаларини эндиликда тузиладиган Шарқий Бухоро Советларининг Ижроия Комитетига топшириди. 7 июнда булган Диктаторлик Комиссиясининг сунгти кенгайтирилган мажлисида ушбу қарорнинг ижроси амалга оширилди.

Шарқий Бухоро Ижроқумининг маъмурий бошқарувинга Душанбе, Қоратегин, Кулоб, Сариосиё, Қурғонтепа вилоятлари киритилди.

Шарқий Бухорода Ғарбий Бухородан фарқли ӯлароқ, қизил армия қисмлари 1924 йилнинг иккинчи ярмида сезиларли ҳарбий ютуқларга эриша олмали. Чунки факат биргина Кулоб вилоятининг Ховалинг ва Балжувои туманинда ҳаракат қилган Мирзо Доддоҳ ва Мулла Олим Машиначи, Шуробод ва Дашибижум туманларидаги Поччахон Эгамберди, Алла Назар ва Жонхон, Дангара ва Қизил Мозор туманларидаги Ортиқ, Тогай Сари ва Барот каби қурбошилар қўл остида бир неча минг истиқлолчи бўлган. Қурғонтепа вилояти ва Ҳисор водийсида ҳам уларнинг катта кучлари жойлашган эди.

<sup>1</sup> Бу ҳақла қаранг: РГВА, 110- фонд. 1- рўйхат. 531- иш, 86- варак.

<sup>2</sup> РГВА, 110- фонд. 1- рўйхат. 527- иш. 17—18- вараклар

1924 йил июнда Акбар Түқебо бошчилитидаги 300 киши Кулоб шахрига ҳужум қилиб, шаҳарни қизил аскарлардан озод қилдилар. Қизил армия Олтой бритадасининг командири Н. Томин истиқолчилар билан бўлган жангда ўлдирилди. Кулоблик маҳаллий аҳоли истиқолчиларга катта ёрдам бериши. Лекин қизил аскарлар катта миқдордаги ҳарбий кучларни туплаб, август ойида Кулобни қайтадан босиб олишди. Иброҳимбек курбоши булса июн-август ойларида Ҳисор водийсида бир қатор муваффакиятли ҳарбий ҳаракатларни амалга оширди.

1924 йил 6 сентябрда Иброҳимбек Оролтуқай (Аралтугай) атрофида Шарқий Бухоро қурбошиларининг навбатдаги курултойини утказди. Мазкур анжуманла Сайд Олимхоннинг вакили ҳам қатнашди. Унда қурбошилар келгуси жанг режаларини муҳокама қилдилар. Курултой утаётганда 63- отликлар полки жангчидари тусатдан ҳужум қилиб, уларга ташландилар. Иброҳимбек ўз сафдошлари билан жанг қилган ҳолда чекинди 1924 йил ёзи ва кузида булган жангларда қизил аскарлар томонидан Шарқий Бухорода 50 қурбоши ва 2500 йигит ўлдирилди<sup>1</sup>, шундан 30 қурбоши Иброҳимбек мансуб булган узбекларининг лақай уруғидан эди. Лекин Шарқий Бухорода хали катта миқдордаги ватанпарвар кучлар мавжуд булиб, улар босқинчи қизил армия қисмларига қарши миллий истиқтол курашини матоннат билан олиб борардилар.

Маълумки, 1924 йил кузида Туркистон минтақасида миллий-ҳудудий ҷегаралаш утказилиб, умумий Туркистон негизида Узбекистон ва Туркманистон ССР ҳамда Тоҷикистон АССР (Узбекистон ССР таркибида), шунингдек, Қорақалпоғистон муҳтор вилояти (Қозогистон АССР таркибида) тузилди. Шарқий Бухоро ҳудуди асосан Тоҷикистон АССР таркибига киритилди. Бир-бирига карши курашаётган ҳар иккى томон юзага келган янгича сиёсий вазиятда ўз кучларини қайтадан тартибга келтирди. 1924 йил сентябр ойида РКП(б) МК Үрта Осиё бюроси «Урта Осиёдаги босмачиликка қарши кураш кенгашлари хақида Низом» қабул қилди<sup>2</sup>. Мазкур Низомга кураш, Урта Осиё ҳудудида 1924 йил сентябрда Марказий республикалар ва вилоятларининг «босмачиликка қарши кураш доимий кенгашлари тузилди. «Босмачиликка қарши кураш Марказий кентини Тошкент шаҳрида жойланған эли.

<sup>1</sup> Ирқаев М. Уша асар. 466—467- бетлар.

<sup>2</sup> Пограничные войска в СССР. 1918—1928, с. 605—607.

Бу кенгаш фаолиятини РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси-  
ният раиси бошқарди, унга уринбосар килиб Ўзбекистон  
ХКС (Халқ Комиссарлари Кенгаши)нинг раиси тайинлан-  
ди. Кейинчалик ушбу кенгашлар «босмачилик»ка қарши  
кураш комиссиялари деб номланди<sup>1</sup>. Улар ута жирканч ва  
қабиқ усуллар билан истиқлолчиларга қарши курашли-  
лар.

Истиқлолчиларга қарши курашда бутун күч ва восита-  
ларни марказлаштириш ва бирлаштиришга қаратилган иул  
Эндиликда партия ва совет ҳукумати томонидан оғишмай  
амалга оширилди. Совет тоталитар режими томонидан  
курилан ушбу чора-тадбирларга қарамасдан истиқлолчи-  
лар уз курашларини бушаштирумалилар. 1924 йил 15—23  
декабрда Қарши атрофларида Мустафокул қурбоши узи-  
нинг 350 кишилик бешта дастаси билан қизил аскарлар-  
нинг бир неча отрядини қириб ташлади. Кейин улар Бой-  
сун томонга утиб кетиши<sup>2</sup>. Қизил армия қўмондонлиги  
истиқлолчиларга қарши бирорга чора куришга улгуролмай  
қолди.

Бухоро амирлиги урнила ташкил топган Бухоро рес-  
публикасида истиқлолчилар қизил армия қисмларига қар-  
ши қарийб 5 йил давомида шиддатли жанг ҳаракатларини  
олиб боришли. Бу курашда бухороликлар фақат уз кучлари  
ва ички имкониятларига суюниб, жаҳондаги энг қудратли  
ҳарбий давлатининг тиш-тирногигача қуролланган армия-  
сига қарши турга олдилар. 1924 йилнинг охири ва 1925 йил-  
нинг бошларига келганида Ғарбий Бухорода истиқлолчи-  
лик ҳаракати вақтинчалик мағлубиятга учради. Шундай  
қилиб, Бухоро республикаси ҳудудидаги истиқлолчилик  
ҳаракатининг **БИРИНЧИ ДАВРИ** поёнига етди.

Шарқий ва Ўрта Бухоро ҳудудида эса бу ҳаракат 1925  
йилда ҳам пасаймади, балки у аввалгицек давом этаверди.  
Совет тарихчиларидан бирининг ёзишича, 1925 йил январ  
ойида бу ерда 46 та қурбоши ихтиёрида 1400 киши бор  
эди<sup>3</sup>.

Бухоро ватанпарварларининг кўпчилиги уз юртларининг  
мустақиллиги ва озодлиги учун курашларда қурбон булди-

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Пограничные войска в СССР. 1918—1928, с. 606—  
607; Поляков Ю. А., Чугунов А. И. Конец басмачества. М., «Наука»,  
1976, с. 115.

<sup>2</sup> Пограничные войска в СССР. 1918—1928, с. 610.

<sup>3</sup> Шрикев М. Уша исар, 502-бет.

лар. Тирик қолган фидоинларнинг аксарият қисми ҳам беш йиллик тинимсиз жанглардан жуда чарчаган ва толикқан эди. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги совет ҳокимиюти вакилларига таслим булди. Гаслим булишни хоҳламаган минглаб истиқдолчилар эса Афғонистон ва бошқа хорижий давлатларга муҳожир булиб жунаб кетишиди. Улар билан биргаликда ун минглаб бухороликлар ҳам узларининг киндик қонлари түкилган табаррук ва муқаддас тупроқни ташлаб, Ватан сарҳадларидан чиқиб кетишта мажбур бўлдилар. Манбаларда уларнинг миқдори 400000 киши атрофида келтирилади.

Мусоғирликда юрган бу ватандошларимиз ҳамда уларнинг фарзандлари учун она Ватан булган Туркистонни соғиниш ва қумсаşдан бошқа мұътабар бир түйғу йук эди. Ватандошларимизнинг ҳижратда ўтказган турмушлари, уларнинг ҳаётлари, сиёсий ва ижтимоий фаолиятлари узининг холис тадқиқотчисини интиқлик билан кутмоқда.

Лекин юртимизда ҳали кураш давом этар эди. Мавжуд совет тартиблариға қарши собиқ Бухоро Ҳалқ Республикасида, хусусан, ҳозирги Сурхондаре вилояти ва Тожикистон Республикаси худудида ватанпарварлар яна ун йил давомида (1925—1935 йиллар) ҳаёт-мамот жангларини олиб бордилар<sup>1</sup>. 20- йилларнинг охирида Узбекистон ССРда колективлаштиришнинг мажбурий суратда ўтказилиши, аҳолининг аксарият қисмини «сен — муштумзурсан» деб, асоссиз равиша бадарға қилиниши ва қамоққа ташланиши оқибатида кураш қайтадан авж олди. Бутун Узбекистон худудида булгани сингари ҳозирги Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳам ҳалқнинг кўпчилик қисми мустабид совет режимига қарши курашга кутарилди. 30- йилларнинг бошида эса Шарқий Бухорода Иброҳимбек курбошли яна қайтадан пайдо булиб, совет армияси жангчилариға қарши сунгги йирик жангларни ўтказди. СССР катта куч-ғайрат сарфлаб, бутун Туркистон тупроғида булгани сингари Бухоро заминидаги истиқдолчилик ҳаракатини ҳам фақат 1935 йилга келибгина, бутунлай тор-мор қила олди, холос.

<sup>1</sup> Ҳаракатнинг ИККИНЧИ ДАВРИ уз ичига 1925—1935 йилларни қамраб олган булиб, у ҳали Ватандаримиз тарих фанида мутлақо ўрганилмаган ва ёритијимаган манзу санилади.

## ХУЛОСА

Тарих халққа сабоқ ва матърифат беради. Тарихни урган-масдан туриб келажакни англаб бұлмайды. Ҳар бир инсон, ҳар бир халқ үз үтмиши ва кечмишини аждодлари томонидан яратилған тарихий китобларни синчиклаб үқиш ва мутолаа қилиш орқали билиб олади. Тарих инсон ақп-идроқи ва тафаккурининг шундай бир нодир ва мұжизақор маҳсулидирки, унинг маңнавий қудрати ва ёрдами билан биз барча кечмии замонларнинг одамларига ҳамдаму ҳамнафас бұламиз. Үтиб кетган асрлар силесіласини бутун ҳаяжонлари, курашлари ва зиддиятлари билан куз үнгимизда гавдалантирамиз. Инсон тарихдан таълим-тарбия олади. Тарих сабоқларидан үзига тегишли хулоса чиқара олмаган, кечаги кунини яхши билмаган миллатнинг келгуси қисмати қандай булиши үз-үзидан равшан.

Шу жиҳатдан олиб қараптанды ҳам бугунги кунда Бухорода ёвқур боболаримизнинг босқинчи қызыл армияга қарши олиб борған курашлари жуда катта аҳамият касб этади. 1991 йил 31 августда Узбекистон Республикасининг мустақиллікка әришгандықтан кейін ажодларимизнинг совет режиміне қарши узоқ вакт давомида олиб борған қонли курашларининг мәнтиқий якуны, тарих ҳукми бұлды.

Хулоса килиб айтганды, Бухородаги истиқлолчилік ҳаракати үз ривожланиш жараёнида катта иккі даврни босиб үтди. **БИРИНЧИ ДАВР** 1920—1924 йилдарни үз ичига олған булиб, унинг үзи ҳам мустақил уч босқичдан иборатдир.

**Биринчи босқичда** (1920 йил кузи — 1921 йил октябр) собиқ амирлик ҳудудида истиқлолчилік ҳаракати бошланды. Энг аввало Шарқий ва Үрта Бухорода юзага келген бу ҳаракат тез орада бутун Бухоро ҳудудини қамраб олди ва дастлабки ғалабаларга эришди. Қызыл аскарларга қарши курашни олдинига Бухоронинг сунгги амири Саид Олимхон бошқаришга уринди. Бирок 1921 йил мартда у Шарқий Бухоро ҳудудидан Афғонистон давлатига үтиб кетди. Мұжоқидлар қушинига Шарқий Бухорода Иброҳимбек, Бухоро, Кармана, Нурота вилоятларида эса Мулла Абдулқаҳхор құрбоши раҳбарлық қилишdi.

Ҳаракатнинг **иккинчи босқичи** (1921 йил ноябр — 1922 йил август) унинг энг кучайған даври булиб, бу машхур саркарда Анвар Пашоининг Бухорога келиши билан бевосита болынқыдир. Истиқлолчилар бу найтда деярли бутун Шарқий Бухорони қызыл аскарлар қулидан озод қилишdi.

Душанбе, Кулоб, Курғонгеза, Ҳисор, Денов, Шеробод, Бойсун шаҳарлари уларнин тасарруфига ўтди. Қизил астарлар ихтиёрида фақат Янги Термиз шаҳри ва Бойсун гарнизонигина сақланиб қолди. Фарбий Бухородаги истиқлолчилар ҳам Мулла Абдулқаҳҳор бошчилигига республика пойтахти Бухоро шаҳрининг катта қисми ва унинг атроф туманларини эгалладилар. Шунингдек, бу босқичда мухолифатчилар Ўрта Бухорода ҳам босқинчи қизил армия жангчилариға қақшатқич зарбалар беришди.

Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг *учинчи босқинчидаги* (1922 йил сентябр — 1924 йилининг охири) ҳарбий ҳаракат асосан икки йўналиш: Шарқий Бухорода Иброҳимбек бошчилигига ва Фарбий Бухорода Мулла Абдулқаҳҳор етакчилигига кечди. Бу пайтда Иброҳимбек, Салим Пошо, Мулла Абдулқаҳҳор ҳаракатга умумий равишда раҳбарлик қилдилар. Шарқий Бухородаги кўрбошиларни бирлаштирувчи куч яна Иброҳимбек сиймосида намоён бўлса ҳам улар билан Бухоро, Кармана, Нурота (Фарбий Бухоро), Кафши, Шахрисабз ва қисман Сурхондарё (Ўрта Бухоро) вилоятларидағи истиқлолчилар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормадилар.

Тарихан яхлит ва мушитарак Туркистон миңтақасида 1924 йилининг охири ва 1925 ийлини бошларида миллий-худудий чегаралаш уtkазилиши натижасида Бухоро худуди Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР ва қисман Қорақалпоғистон мухтор вилояти таркибиға киритилди. Ҳаракатнинг **ИККИНЧИ ДАВРИ** 1925—1935 йилларни уз ичига олади ва уз иавбатида у ҳам мустакил *бир нечта босқичлардан* иборатдир. Бу давр ун йил давом этиб, узининг ҳарактери ва кўчлар нисбати жиҳатидан биринчи даврга нисбатан анча фарқ қиласди. Бу пайтда кураш Шарқий Бухоро (acosan ҳозирги Тожикистон Республикаси худуди) ва Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларида кечди. Ҳаракатга умумий қумондон Иброҳимбек эди.

Бухоро кўрбошиларининг жанговар ҳаракатлари 30-йилларнинг ўртасигача давом этди. Бу энди алоҳида китобнинг мавзуи.

## МУНДАРИЖА

Сүз боши .....	3
<b>I бөб. Бухорода қизил армияга қарши ҳаракатининг йўлбоючилари</b>	
1. Бухорога қизил армиянинг босқини ва амирлик тузумининг ағдариб ташланishi .....	5
2. Бухоро республикасида қизил армияга қарши ҳаракатининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг мөҳияти .....	14
3. Ҳаракатининг ғонгий раҳнамолари .....	19
4. Бухоро қурбошилари .....	26
<b>II бөб. Бухорода қизил армияга қарши ҳаракатининг ясасий ривожланиш босқичлари</b>	
1. Бухорода муҳолифат ҳаракатининг бошламиши ва унинг дастлабки ғалабалари (1920 йил кузи — 1921 йил октябр) .....	57
2. Ҳаракатининг авж олиши ва кучайниши. Анвар Пашо бошчилигида олиб борилган жанглар (1921 йил ноябр — 1922 йил август) ...	74
3. Ҳаракатининг кейинги ривожланиш босқичлари (1922 йил кузи — 1924 йил декабр)	101
A. Ғарбий Бухорода Мулла Абдулқадир бошчилигидаги ҳаракат ..	101
B. Шарқий Бухорода Саид Пашо ва Иброҳимбек раҳбарлигидаги жанглар ..	127
Хулоса .....	141

*Ижтимоий-сийесий нашр*  
**КАҲРАМОН РАЖАБОВ**  
**БУХОРОГА КИЗИЛ АРМИЯ БОСКИНИ  
ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ: ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ**  
**(1920—1924 йиллар)**

Тошкент «Маънавият» 2002


Муҳаррир *Б. Муродалиев*  
Рассом *С. Сана*  
Техн. муҳаррир *Т. Зодиевоға*  
Мусаҳид *Ш. Нахомбеков*

Теринига 24.04.2002 й. да берилди. Босншта 14.06.2002 й.да рухсат этилди. Бичими  
84×108/ $\frac{1}{2}$ . Таймс гарнитуриси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 7,56. Шартли  
кр.-отт. 7,77. Нашр т.8,18. 3000 нусха. Буюртма № К-9185. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент. Буюк Турон, 41- ўй. Шартнома 06-02.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Тошкент, Навоий кундаси,  
30- ўй. 2002.

4050



*Кархизон Рахимов – 1962 йилда Бухоро вилояти Шефиркои туманинда туған. ТөшЛУ(ЎзМУ)нинг тарих факультетини туттаган. Тарих фанларк номзоди.*

Мустакил Туркистон фикри учун мұжадалалар” рисоласи, шүншүлек, ҳаммуажлифликда яратылған “Узбекистоннинг китаби тарихи” (2-китоб), “Узбекистон тарихи(1917-1991 и.)”, “Түркестан жаңа ғасырда: к истории истоков национальной независимости”, “Тарих тоқидлаги ва сабоқлари” ва башқа китобларниң мудалыфи. Туркистон ва Узбекистон тарихининг дәлзарб масалаларига бағышланған 200 даң зиёд илмин ва оммаабен мәқолалари нашр кишилгани. Халқаро ялғыз міндеттес конференциялар шатирокчысы. Ҳозирги нағтіда Узбекистон ФА Тарих институтында хизмет қылады.

*Манапқыл*